

Эркин ҒУЛОМОВ

***МАҲАЛЛА — ҚАДРИЯТ
ВА АНЪАНАЛАР
БЕШИГИ***



Эркин ҒУЛОМОВ

МАҲАЛЛА — ҚАДРИЯТ ВА АНЪАНАЛАР БЕШИГИ



«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент — 2008

Бош маслаҳатчи:
Сайфулла ТЕМИРОВ
 Тошкент тумани ҳокими

Тақризчилар:
Темур ЖУРАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият
 қурилиши академияси профессори, фалсафа фанлари доктори;

Маҳмадjon ЖАКБАРОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият
 қурилиши академияси профессори, фалсафа фанлари доктори

Масъул муҳаррир:
Суннатилла САЙДАЛИЕВ,

«Қишлоқ ҳаёти» газетаси Бош муҳаррири уринбосари

Муйсафидлик — умргузаронликнинг қаймоғи, деб бежиз айтишмаган. Бу паллага келиб, олтмиш-етмиш йиллик ҳастий тажрибалар роса "пишиб-стилади", сумбула сувидек тиниқлашади, тафаккур "қиёми"га келади. Умрнинг бу поғонасида барча эзгу ишлар инсон кўнглини нурафшон этиб туради, ҳаётдан олган сабоқлари, турмушнинг паст-баландликлари хусусидаги фикр-мулоҳазаларини бошқалар билан ўртоқлашгиси келади. Шу ниятда қўлига қалам олади, ҳис-туйғуларини қоғозга туширади.

Етмиш бешинчи баҳорини қаршилаган Эркин Фуломов муътабар инсонлардан. У қарийб ўттиз беш йил мобайнида олий таълим соҳасида катта ўқитувчи, доцент сифатида ёшларга таълим-тарбия берди, деярли йигирма йил давомида Тошкент туманидаги Алишер Навоий номли маҳаллага оқсоқоллик қилди. Унинг ҳаёт йўли матбуот билан ҳам чамбарчас боглиқ. Юзлаб мақолалар, куплаб китоблар ижодий изланишлар мевасидир.

Президентимизнинг Фармониға мувофиқ "Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган ёшлар мураббийи" Фахрий унвони билан мукофотланган Эркин Фуломовнинг Сиз, азизлар эътиборига ҳавола этилаётган янги китоби Мустақиллик шарофати билан қайта тикланган миллий қадриятларимиз, урф-одатлар ва анъаналаримиз, маҳалланинг жамиятда тутган ўрни ҳақида булиб, маънавий-маърифий аҳамиятга эга.

"Маҳалла — ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир, халқимизнинг энг сара анъаналари, урф-одатлари, хусусан, меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда".

Ислом КАРИМОВ

МАҲАЛЛАМ

Шу ердан бошланади ҳаётнинг боши,
Гўдак ҳам улғаяр, топар йўлини.
Қўшнилари бир-бирин эрур сирдоши,
Дўстларнинг бахтига бор бўл, маҳаллам,
Ҳар бирин дардига ўзингсан малҳам.

Ахлоқу одобдан сўзлайсан фақат,
Қинғир иш, жафолар буткул бегона.
Шул сабаб бу ерда бордир оқибат,
Суҳбатлар доимо дилхуш, шарқона.
Қон-қариндош яшар сенда, маҳаллам,
Оқибат туфайли ўзингсан кўркем.

Карим МУХТОР

СЎЗ БОШИ

"Ҳикматлар хазинаси" китобидаги "Билим манбаи бўлган китобни севинг, фақат билимгина нажот бахш этади, фақат угина сизни инсонни сидқидилдан севадиган, унинг улуғвор ва яратувчилик меҳнатини эъзозлайдиган, шу заҳмат меваларидан юракдан завқладан диган маънавий кучли, номусли, ақлли одам қилиб тарбиялайди", деган сермаъно фикрларни бот-бот эслайман. Шундай пайтларда, албатта, менда илк бор китоб ўқиш иштиёқини уйғотган меҳрибон устозларим, қўлидан китоб тушмайдиган дўст-у биродар ҳамкасбларим, қолаверса, мени китоб ёзишга ундаган, қимматли маслаҳатлари билан ёрдамларини аямаган маънавияти кучли инсонлар кўз ўнгимда гавдаланади.

Шулар жумласидан Тошкент тумани ҳокими Сайфулла Темиров ҳам китобни инсон ақли ва қалбига қанот бағишловчи қудратли куч, ҳаёт кўзгуси ва азиз раҳнамо деб биладиган, яхши китобларнинг қадрига етадиган эътиқодли ва маънавияти кучли инсонлардан ҳисобланади. Дарҳақиқат, ўтмиш ҳам, келажак ҳам фақат китобда кўринади. Айниқса, замонамизнинг хусусиятларини ўзида ҳақиқий акс эттирган, китобхонлар тафаккури учун ранг-баранг озуқа берадиган китобларни танлай билиш ва улар билан аҳолини таъминлаш кишига ҳузур бағишлабгина қолмай, уни руҳан бойитади ҳам. Маърифатли инсонлар, ҳатто ўзи севиб ўқиган китоблардан бошқаларнинг ҳам баҳраманд бўлиб қолишларини ўзлари учун масъулият деб биладилар.

Туманнинг "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, унинг мактаб, коллеж ва маҳаллалардаги бўлимларини "Эзгуликка боғлан, одамзот" (Ғайбуллоҳ ас-Салом), "Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар" (М.Имомназаров), "Кучли давлатдан — кучли жамият сари" (Шуҳрат Жалилов), "Эзгулик — ҳаёт гултожи" (Эркин Ғуломов), "30 йил эл осойишталиги йўлида" (А.Даминов, Н.Рафиқов), "Пойтахт номи билан танилган туман" (Эркин Ғуломов, Саъдулла Матёкубов)ларнинг китоблари, таниқли шоирлар

Муҳаммад Юсуф Маҳмуд Тоировнинг сайланма асарлари билан таъминлаш туманнинг маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди. Буларнинг барчаси ҳоким Сайфулла Темировнинг ташаббуси ва бевосита ёрдами билан амалга оширилди. Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китоб ҳам Тошкент тумани ва унинг Ички ишлар бўлими ташкил топганлигининг 30 йиллик тарихига бағишланган китоблар каби бевосита Сайфулла Темировнинг қимматли маслаҳатлари билан дунёга келди.

— Тошкент туманида маҳаллаларнинг илк бор ташкил топиши Қизғалдоқ қишлоғидан, аниқроғи, унинг Алишер Навоий номи маҳалласидан бошланганди. Маҳаллаларингизнинг ташкил топганига бу йил 20 йил тўлади. Тумандаги маҳаллалар тарихини ёзишни ҳам шу маҳалладан бошласак, деган фикр бор ва бу ишни туман миқёсида ҳам ташкил этсак, шундагина уларни умумлаштириб, туманнинг тўлақонли тарихини ёзиш имконияти вужудга келарди, — деб ҳоким бизни қизиқтириб қўйди.

Китобда ўзбек миллатининг ижтимоий ҳаётида азалдан ноёб ҳодиса бўлиб келган халқчил, энг таъсирчан ва самарали тизим — маҳалланинг қишлоқ жойларда вужудга келишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Унда маҳалла бошқарувининг халқчил, катта ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлган, одамларнинг бошини қовуштиришда, турмуш маданиятини шакллантиришда, кўплаб жуда зарур ижтимоий муаммоларни адолатли ҳал этишдаги ўрни ва аҳамиятини ҳаётий, жонли мисоллар билан баён этишга ҳаракат қилинди. Китобда маҳалланинг аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёллар орасида олиб бораётган тарбиявий, диний-маърифий ишлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўрсатилаётган ёрдами хусусида ҳикоя қилинган, унда ахлоқ-одобда намунали, меҳр-шафқат, мурувватга бой, ҳурмат-эътиборга сазовор жонкуяр инсонлар ҳақидаги лавҳалар ўрин олган.

Жоиз бўлса, шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, ушбу китобни ёзиш жараёнида Юртбошимиз томонидан билдирилган "Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир идора ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди", деган қимматли фикрни ҳаётий мисол ва далиллар билан амалдаги исботини кўрсатишга ҳаракат қилинди.

Мазкур китобни ёзишга илҳомлантирган ва йўл-йўриқлар кўрсатган, қимматли тавсиялар берган Тошкент тумани ҳокими Сайфулла Темиров, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессорлари — фалсафа фанлари доктори Темур Жўраев, фалсафа фанлари доктори Маҳамаджон Жакбаров, библиографик маълумотлар тўплашимизда яқиндан ёрдам кўрсатган Хотин-қизлар кенгашининг раиси Тоҳира Тошметова ва маҳалланинг барча фаолларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз. Шунингдек, маҳалланинг серқирра фаолияти хусусида китоблар ҳозирча кам ёзилганлигини, бу нашр шундай изланишлардан бири эканлигини назарда тутиб, унда йўл қўйилган айрим камчилик ёки нуқсонлар бўлса, Сиз, азиз маҳалладошлардан, китобхонларимиздан узр сўраймыз ва таклиф-мулоҳазаларингиз келгуси нашрларда, албатта, инобатга олинади, деган умиддамыз.

I БОБ МУҚАДДАС ДАРГОҲ

ВАТАН МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Мамлакатимиз халқларининг шарқона, тарихан шаклланган турмуш тарзининг ўзига хос, оиладан кейинги бирлиги маҳалла бўлиб, у Ватанимиз тарихининг муайян шароит ва босқичларида аҳоли яшайдиган маъмурий-ҳудудий бирлик, уюшма сифатида шаклланиб, ривожланиб ва такомиллашиб фаолият кўрсатиб келган. У жамият тарихий тараққиётининг ҳар бир босқичида халқнинг яшаш тарзини ўзида тўлиқ мужассамлаштирган ҳолда қадриятларимизнинг маскани вазифасини бажарувчи муқаддас даргоҳдир. Аҳолини бирлаштирувчи, уюштирувчи ва бошқарувчи бу ташкилий жамоат тузилмасининг тарихи узоқ ўтмишни ўзида акс эттиради. У халқнинг кундалик ижтимоий ҳаётини ва турмушини ташкил этишнинг миллатимизга хос донишмандлик тимсолидир.

Киши оилада туғилади, уни жамият, маҳалла камол топтиради ва унга қиёфа беради. Ҳаётнинг ҳеч қандай воқеалари инсонни маҳалланинг таъсиридан четлаб ўтолмайди ва уни маҳалласиз тасаввур этиб ҳам бўлмайди.

Кўҳна тарихимизнинг илк босқичлариданоқ жамият ўзининг қатор эзгу амалларини, хосиятли, барокатли тадбирлар ва расм-русумларни, ёш авлод тарбиясини, миллий қадриятлар билан боғлиқ бўлган ҳаётий муаммоларни ҳал этишда маҳалла ва қишлоқларнинг оқсоқоллари, ақл-заковатли, адолатпарвар фаолларининг хизмати катта бўлган.

Тарихдан шу нарсa маълумки, маҳалла ҳаётининг жамоат бўлиб яшаш тарзи мамлакатимизнинг қайси ҳудудида бўлмасин ўзини ўзи бошқариш тизимини келтириб чиқаради. Маҳалла тарбиявий аҳамиятга молик бўлиб, баркамол инсон тарбиясида ўзига хос ўрин тутади.

Жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайдиган, инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган ва шу руҳда тарбияладиган бундай маҳалла тизими ўзининг узоқ тарихига эга. Буюк мутафаккир Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад Форобий ўзининг "Фозил одамлар шаҳри" номли асарида маҳалла ҳақида шундай фикрни таъкидлайди: "...одамлар ўзарo боғлиқлиги, ўйлари, умуман, яшаш жойларининг умумийлигига асосланади. Ҳар уйдаги одамлар ўзарo яқин алоқаларда бўладилар, яна улар бир кўчада, яна бир маҳаллада яшайдилар. Шу туфайли одам, аввало, қўшниси билан бир кўчада, бир маҳаллада, бир шаҳарда ва ниҳоят шу шаҳарни ихтиво этган бир юртда яшайди"¹.

Одамларнинг маҳалла бўлиб, яъни жамоа усулида яшашларининг афзалликлари, яхши қўшничиликнинг маҳаллалар раvнақидаги беқиёс аҳамияти ҳақида саҳиҳ ҳадисларда ҳам алоҳида таъкидланиши бежиз эмас.

Жанoб Расулulloҳ ўзларининг табарруқ ҳадисларида шундай деб марҳамат қиладилар: "Аллоҳ таоло умматимни залoлатга жам қилмайди. Аллоҳнинг нусрат қўли (ғoлиб, музаффар қўли. Э.Т.) жамоатда бўлади. Ким жамоатдан ажраса, дўзах томон юрган бўлади".

Бинобарин, маҳалла деб аталмиш шарқона жамоа фақат эзгулик, инсонпарварлик, маънавий поклик каби олижанoб фазилатларни мужассамлаштирган бўлиб, умумбашарий қадриятлар ҳам худди шу жамоада тақлланиб, камол топиб боради.

Тарихчи олим Нарш хийнинг IX асрда ёзган "Бухоро т. рихи", буюк Алишер Навоийнинг "Мажолисун-нафоис" ва шарқшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбoби Н.Г.Маллицкийнинг "Тошкент маҳалла ва мавзелари" каби асарларда ҳам бу хусусда кўплаб қизиқарли маълумотлар келтирилади. Лекин шўролар даврида ҳукмрон тузум ва мафкура маҳаллаларни расман тан олмай, ҳатто 1961 йили эълон қилинган махсус қонун асосида шаҳарларда маҳаллаларнинг молиявий-хўжалик фаолиятлари тўхтатиб

¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент, 1993 йил, 173-бет.

қўйилганди. Худудий жиҳатдан бир неча маҳаллаларга тенг келадиган қишлоқларда эса маҳаллалар эмас, балки "сельсовет"лар фаолият кўрсатиб келарди.

Лекин барибир ўз моҳиятидан келиб чиқиб, одамлар яшайдиган макон нуқтаи назардан олганда, бир неча кўчалар 100—150 хонадонлари билан ўзларини маҳалла деб ҳисоблаб, жамоатчилик йўли билан сайлаб қўйилган оқсоқоллар бошчилигида маҳалланинг ташкилий тузилмаси сифатида фаолият юритиб келаверганлар. Чунки бирор бир инсон Ватансиз яшай олмаганидек, унинг оstonаси бўлган, маҳалласиз ҳам ҳаётни тасаввур этиб бўлмасди.

Шоир Султон Акбарий шундай деган эди:

*Тирик жонки, Ватан керак, жой керак,
Ўрда керак, тепасида ой керак,
Чаман керак, айланаси сой керак,
Сенинг кўчанг, сенинг маҳалланг борму,
Ўзбек тарихига алоқанг борму?*

Таниқли сиёсатшунос олим Леонид Левитин ўзининг «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» номли китобида шундай дейди:

— «Маҳаллий жамоалар одамларнинг табиатига тўла мос келадиган ягона бирлашмадир, улар қаерда тупланмасин, ўша жойда маҳаллий жамоалар ўз-ўзидан пайдо бўлади. Монархия ёки республикани одамзод барпо қилади, маҳаллий жамоа эса худонинг иродаси билан дунёга келади»¹.

Миллатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тинчлик, биродарлик, ўзаро муносабатлардаги ғамхўрлик ва ёрдам каби фазилатларнинг маҳаллаларда кучли намоён бўлишлиги 1966 йилги кучли Тошкент zilзиласидан сўнг янада яққол намоён бўлди. Зилзила марказида уйлари вайрон бўлган маҳалла фуқаролари бир жойда яшаб келган хонадонларнинг тарқалиб кетмаслиги учун янги берилган жойларга қўшнилари билан бир жойга кўчиб бориб, эски қўшнилари янги маҳаллаларини ташкил этгандилар.

Ўтган аср 50—60-йилларида Ўзбекистон Фанлар академияси тарих ва археология институти директори, академик, ажойиб инсон — марҳум Яҳё Гуломов маҳаллий матбуот саҳифаларида маҳалла ва чойхоналарга эътибор бериш ҳақида бир неча бор таклиф ва

¹ Леонид Левитин. «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти». 1996 йил, 117-бет.

мулоҳазалар билан чиқиб, Ўзбекистон шароитида тараққиёт ва ривожланишимизни, кундалик ҳаётимизни ҳеч вақт маҳаллалар, уларнинг обод гузарларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Маҳаллаларнинг идора ва гузарларига эътибор берилиши керак. Акс ҳолда биз ўзлигимизни англашдан, миллий урф-одатларимиздан бутунлай маҳрум бўлиб қоламиз, — деб куйиниб таъкидлагандилар.

Шукроналар бўлсинки, мустақиллигимиз шарофати билан Ватан ичра ватан деб аталмиш маҳаллаларни тиклаш, равнақ топтириш, ривожлантириш вазифаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Президенти томонидан "Маҳалла" жамғармасини ташкил этиш, унинг фаолиятини янада такомиллаштириш, маблағ ажратиш тўғрисида Фармон ва Қарорлар қабул қилинганлиги маҳаллалар ҳаётида кескин бурилиш ясади.

Тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини янада оммалаштириш, республика маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадидаги вазифаларни бажариш учун кенг имкониятлар очилди.

Мустақиллигимиз шарофати билан илгари файзи кетиб қолган маҳаллаларда удумларимиз тикланди, қадрият, анъаналаримиз қайтиб келди, инсоний эзгуликлар диллардан жой олиб, оқибат, одамийлик равнақ топа борди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига ва 1993 йил сентябрида қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга биноан, маҳаллалар ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, маҳаллий ҳокимият таркибига кирдилар. Яъни, маҳаллалар давлатнинг жойлардаги муҳим таянчи, юридик шахс сифатида ўз мол-мулкига, молиявий манбасига, банкдаги ҳисоб-китоб рақамига — жамғармаларига эга бўлди.

Эндиликда ҳар бир маҳалла қонунга кўра, ўз ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, кичик корхоналар очиш, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш, унинг бир қисмини маҳалладаги эҳтиёжмандларга бепул тарқатиш, ўз ҳудудидаги аҳолини иш билан таъминлаш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш сингари ҳуқуқларга эга бўлди.

Демак, мустақиллик шўролар даврида эътибордан четда қолган маҳаллаларга шундай кенг имконият яратдики, фуқаролик

жамиятини қуриш жараёнида бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топшириш жараёнини бошлаб берди.

Албатта, бундай мураккаб ва масъулиятли вазифаларни рўйга чиқариш, маҳаллаларга берилган эркинлик ва ҳуқуқлардан ўринли фойдалана билиш қишлоқларда эндигина ташкил топаётган маҳаллалар учун енгил кўчгани йўқ.

ҚИШЛОҚДА ҲАМ МАҲАЛЛА БОРМИ?

Республикамиз Мустақилликка эришиб, "Маҳалла" жамғармаси ташкил топганлигининг дастлабки йиллари эди. Хизмат тақозоси билан жамғарма мутасаддиларидан бири билан суҳбатлашиб, ўзимизни Тошкент туманининг Алишер Навоий номи маҳалласидан эканлигимизни айтганимизда у киши "қишлоқда ҳам маҳалла борми?" деб таажжубланган эди.

Албатта, бу бежиз эмас эди. Чунки, собиқ тузум даврида қишлоқларда маҳалла деган тушунча унутилаёзган эди. Ҳудудий жиҳатдан ҳозирги 5-6 та маҳаллаларга тенг келадиган ҳудудлар "қишлоқ совети" номи билан аталиб, аҳоли ана шу кенгаш томонидан бошқариб келинган.

Тарихан таркиб топган ўзини ўзи бошқариш тамойилларининг чекланганлиги, миллий анъана ва қадриятларнинг поймол этилиши собиқ тузумнинг маҳаллалар аҳамиятига бўлган эътиборсизлигининг яққол далили эди. Қишлоқларда маҳаллаларни ташкил этиш, уларнинг гузар ва идораларини қуриш у ёқда турсин, ҳатто "маҳалла" тузилмаси расман эътироф этилмас эди. Катта-катта ҳудуддаги бир неча минг фуқароларнинг ҳаётий муаммолари билан боғлиқ бўлган ҳар қандай масалани ҳал этиш "қишлоқ советлари"нинг ихтиёрида эди. Аммо, муқаддас қадриятларимизнинг ҳақиқий кўзгуси бўлган маҳалла тушунчаси, унинг аҳамият ва зарурияти инсон ҳаётининг ҳар бир жабҳасида кўндаланг бўлиб тураверарди.

Аҳоли сонининг ўсиб бориши билан боғлиқ бўлган уй-жой қурилишларининг авж олиши, шаҳарларнинг кенгайиб, уларнинг қишлоқ ҳудудларига кириб бориши, кўплаб аҳолининг шаҳардан қишлоқларга кўчиб келиб, уй-жой қуришлари натижасида қишлоқларда ҳам маҳаллалар ўз-ўзидан муҳим ўрин тута бошлади.

Жумладан, Тошкент туманининг Охунбобоев номли хўжалигида ҳам худди шундай жараён кузатилди. Ўтган асрнинг 60–80-йиллари давомида бу хўжалик ҳудудида уй-жой қурилиши авж олиб, ҳудудда Алишер Навоий (собиқ Киров), Мавлон Ғаниев, Ғофур Хошимов, Зоирхон Жалилов, Рузи Ашуров, "Шифокор", "Гулистон", "Расулбод" номли, жами 8 та янги маҳаллаларнинг ташкил топиши айна вақтда туман миқёсида ҳам шундай тузилмага асос солди.

Юқоридаги 8 маҳалланинг охириги тўрттаси 1993 йили Тошкент шаҳрининг қўшни Собир Раҳимов тумани таркибига қўшилди. Албатта, бу янги маҳаллаларнинг ҳар бири ўзининг ташкил топиш, ривожланиш босқичларига ва ўзига хос хусусиятларига эгадир.

Ўтган аср 70-йилларининг ўрталари эди. Хўжаликнинг биринчи бригадаси ҳудудида уй-жой қурилиши натижасида Киров, Зебинисо ва Нодира кўчалари ташкил топиб, жамоатчилик йўли билан вужудга келган бу маҳаллага Киров номи берилди. Унинг биринчи оқсоқоли халқ таълимининг фидойи ходими, тумандаги 19-мактаб раҳбари Обиджон ака Одилов эди. Исоқжон Толипов, Йўлдошвой Ғаппоров, Туроб Абдурахмонов, Маҳамаджон ҳожи Тошметов, Мирзааҳмад Мўминов, Раҳим Қосимов, Аҳрорхўжа Аҳмадхўжаев, Ғуломназир Раимов, Ғуломхўжа Исмоилов, Шариф Муҳиддинов, Меҳмонкул Қурбоновлар маҳалла фаоллари бўлиб, тўй ва маросимлар, ободончилик ишлари бўйича фуқароларни оқсоқол бир неча йиллар давомида ўз уйида қабул қилиб келган. Кўпчилик билан бўладиган йиғинлар кўпроқ бригаданинг ёзги шийпонида ўтказиларди. Тўй ва маросимларда ишлатиладиган идиш, қозон ва самоварлар Меҳри опа Арслонованинг хонадонидида сақланган. Лекин бундай аҳвол билан аҳоли талабини қондириб бўлмасди.

Асрлар оша ўз шаклу шамоилига эга бўлган чинакам миллий қадриятлар, урф-одат, удум ва маросимларнинг равнақ топиши учун етарли даражадаги имкониятлар керак эди. Табиийки, бундай имкониятларни маҳалланинг тарбиявий маскани деб аталмиш идора ва гузарларисиз тасаввур этиб бўлмасди. Кундалик ҳаёт маҳалла идораси ва гузарини қуриш заруриятини вужудга келтириб, фаолларнинг кенгайтирилган мажлиси чақирилади. Бу мажлис бир овоздан ҳашар йўли билан қурилиш ишларини бошлашга қарор қилади. Лекин ўша вақтларда жамоа хўжаликларининг маҳаллалар учун ер ажратиб бериш учун ҳақ-ҳуқуқлари бўлмаганлиги учун бу муаммони ҳал этиш бирмунча оғирроқ кечади.

Аввалига 9-мактаб биқинидаги 3 сотихли чекка бир жойга идора барпо этиш мўлжалланиб, қурилиш материаллари тушира

бошланди ҳам. Лекин жамоа ҳўжалиги раиси марҳум Зоирхон Жалиловнинг таклифига биноан ҳозирги Навоий ва Зебунисо кўчаларининг этак қисми, собиқ 1-бригадага олиб чиқувчи йўл устига маҳалла идораси қуриладиган бўлди.

— Бу ҳар жиҳатдан қулай йўл. Биринчидан, аҳоли бундай ташландиқ ахлатхонадан қутилади, иккинчидан, маҳалла идора ва гузарлик бўлиб қолади. Қолаверса, колхознинг биринчи бригадаси мол-ҳолларнинг экинларни пайҳон қилишидан қутилади, — деб қатъий қилиб таъкидлади раис Зоирхон Жалилов.

Кўринишидан бу ерни ҳеч обод бўладиган жой деб кўз олдига келтириб бўлмасди. Бир неча йиллик ахлат уюлмалари, заминнинг кўримсиз ва ўнқир-чўнқирлиги ҳар қандай одамга ваҳимали бўлиб кўринарди. Лекин кўз қўрқоқ, қўл ботир деганларидек, иш бошланиши билан ҳамма нарса изга тушиб кетди.

Маҳалладошлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва аҳиллик, уюш-қоқлик ва бирдамлик айрим иккиланиш ва сусткашликларни ҳам орқага чекинтирди. Ҳўжалик томонидан бириктирилган транспорт ва техника ёрдами билан қисқа муддат ичида бутун ҳудуд чиқинди ва ахлатлардан тозаланиб, қурилиш юқори суръатлар билан бошлаб юборилди. Ҳар бир хонадоннинг имконият даражасида кўрсатган молиявий ёрдамидан ташқари, маҳалланинг қурувчи уста ва дурадгорлари, гишт терувчи ва сувоқчилари ҳам сидқидилдан ўз ёрдамларини аямадилар.

Ёшларнинг меҳнатдаги шижоатлари, нуроний отахонларнинг бош-қош бўлиб туришлари қурилишни меҳнат байрамига айлантириб юборди. Ҳар бир хонадон, ҳар бир кўча фуқаролари навбати билан ҳашарда фаол иштирок этиб, қурилишда ҳеч қандай қийинчиликни сездирмадилар. Қозон қайнамаган, ош дамланмаган кун бўлмасди.

Маҳалланинг асл фарзанди, қатъиятли ва шижоатли, бир сўзли марҳум Кўчқор Турғуновнинг маҳалла идорасини қуришга қўшган ҳиссаси ниҳоятда улуғ бўлди. Ўша йиллари гишт заводи директори лавозимида ишлаб турган Кўчқор Турғунов пишиқ гишглари ҳеч қандай муаммосиз ўз вақтида етказиб бериб турди. Гишт терувчи ва ёғоч усталарининг қўли-қўлига тегмасди. Турсунбой ва Рустамбой Аҳмедов, Маҳмуд Мамажонов, Маҳмуд Турсунов, Суннат Мўминов, Абдуманноб Фахриддинов, Мўмин Содиқов, Ҳикмат Собиров, Шокирхон Қодиров, Абдулла Юсуфхунов, Ҳошимжон Раҳмонов, Одил Олимов, Тўлқин Убайдуллаев, Олим Тошматов каби турли касбдаги маҳалла усталарининг қўшган ҳиссалари ниҳоятда салмоқли бўлди.

Маҳамаджон ҳожи Тошметов, Ҳайдарбек Бӯлисов, Маърифжон Қодиров, Журақул Қурбонов, Хаби Неъматиллаев, Акбар Толипов, Билол Саидов, Хуршид Исмоилов, Нурилла Файзиев, Рихситилла Тўрабеков, Зиёдилла Саъдуллаев, Асатулла Саъдуллаев, Рамазон Соатов, Шокир Ақромов, Абдурашид Умаров, Каримжон Хаитматов каби саховатли маҳалла фуқаролари кўплаб қурилиш материаллари билан қўллаб-қувватлаб турдилар.

Орзу, ният қилган инсон эзгу саъй-ҳаракатлари билан муродига етади, меҳнат чўлни гулистон қилувчи, эртанги куннинг гўзаллигини таъминловчи камолот гаровидир, деганларидек кунига 30–40 кишининг ҳашарда фаол иштирок этишлари натижасида бир йил демай қурилиш ишлари ниҳоясига етди. Катта мажлислар зали, қабулхона, хотин-қизлар хонаси, газхона ва ошхоналардан иборат маҳалланинг беш хонали идораси бунёд этилди. Идоранинг ичкари ва ташқари ҳовлиларига 30 тупдан ортиқ ўрик, олча, шафтоли, шотут ва ёнғоқ каби меваги дарахт, 50 туп тол экилиб, кичик боғ яратилди. Булардан ташқари, шу йили 100 тупдан ортиқ шотут кўчатлари хонадонларга арзон баҳода тарқатилди.

Шоир Ҳайратий инсонларни вояга етказувчи, инсонни улуғловчи ва унинг қадрини оширувчи меҳнатнинг ҳаёт чироғи эканлигини шундай ифодалайди:

*Кимки меҳнатни севди, йўқни бор айлар,
Пир эса умрини баҳор айлар,
Шуҳратни элга ошкор айлар,
Давлатига берур зиё меҳнат.*

1987 йилнинг унутилма 1 ноябри. Иштиёқ, ҳавас билан, аҳиллик ва иноқлик билан қилинган меҳнат маҳалла ҳаётининг чироғига ёғ қуйгандек бўлди. Шу кунга келиб маҳалла идорасининг тантанали очилиш маросими маҳалла аҳлининг қалбига қувонч олиб кириб, уни гоят мамнун этди.

Маҳалланинг барча ёшу кексалари юзида табассум. Тўрт юзга яқин фуқаролар, таклиф этилган меҳмонлар карнай-сурнай садоси остида маҳалла идорасига ташриф буюришди. Комилжон Баратов, Нуриддин Ҳамроқулов, Маҳмуджон Азимов каби таниқли санъаткорлар ижросида оромбахш куй-қўшиқлар янграб турибди. Маҳалла аҳлининг оддий кунлари бамисоли доимий байрамга айлангандек.

Маҳалла идорасининг очилишига бағишланган тантанали йиғинни оқсоқол Эркин Фуломов очиб, биринчи табрик сўзини туман раҳбарларидан бири, туман юқори идорасидан шодиёнага вакил қилиб юборилган Ҳалимаҳон Сайдалиевага беради.

— Азиз ва ҳурматли меҳмонлар!

Доно халқимиз "Уйнинг файзи — хонадон эгаларининг кўнглига боғлиқ", деб бежиз айтмаган. Мен ҳозир туманимиз тарихида биринчи бор ташкил этилган мана шу маҳалла гузарига кириб келаверишдан кўчаларнинг ва мана бу янги идоранинг файзи ва кўркемлигини кўриб, ниҳоятда қувониб кетдим. Яхшининг юраги ҳаётни нурлантиради, деганларидек дили ёруғ, оқ кўнгил, эътиқодли ва садоқатли одамлар қалбидагина мана шундай эзгулик туғилади. Сизларнинг ташаббусингизни муъжизага қиёслаш мумкин. Инсон ақл-заковати, иродаси билан қурилган мана бу бино ва яратилган боғ-роғ бутун маҳаллани, қолаверса, одамлар қалбини ҳам гўзалликка ошно этади.

Сизлардек аҳил ва иноқ инсонларга, маҳаллангизнинг фаоллари қилган хайрли ишлари фақат яхшилик ва эзгуликларга хизмат қилишига тилакдошмиз.

Маҳалла муборак, тўй муборак, азизлар!

Маҳалла идорасининг очилиш маросимида сўзга чиққан меҳнат фахрийси ва маҳалла фаоли Йўлдош Гаппоров, Охунбобоев жамоа хўжалиги раиси марҳум Зоирхон Жалилов, қишлоқ кенгашининг раиси марҳум Рихсивой Тошпулатов, маҳаллага дастлаб оқсоқоллик қилган марҳум Обиджон Одиловлар ҳам ўз сўзларида маҳалланинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, унинг бу ерда яшовчи фуқароларнинг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашдаги, яхши-ёмон кунларда мададкор бўлиш, мулкӣ ва оилавий муносабатларни тартибга солиш, тўй ва маросимларни ўтказишдаги ўрни ҳақида қимматли фикрларни билдирдилар.

Тантанали қисмдан кейин тукин дастурхонлар атрофида меҳмонларга ош тортилиб, сўнг шодиёна давом этди. Шеърхонлик, қувноқ рақс ва қўшиқлар меҳмонларга маънавий озуқа бериб, барчада унутилмас таассурот қолдирди.

*Умр бешигим ўзинг, сенсан менинг маҳаллам,
Барчага имкон ўзинг, сенсан менинг маҳаллам.
Ҳам макону, ҳам имкон, сенсан менинг маҳаллам,
Ургилайин сендан мен, жонга дармон маҳаллам.*

* * *

Ўша йилларда туман раҳбариятининг ўзига хос иш услуби бўларди. Белгиланган тартибга асосан деярли барча бўғинлар етакчилари тумanning биринчи раҳбари бошчилигида тонг саҳарлаб

автобусда корхона, чорва фермалари, хўжалик ва ташкилотлар фаолиятини навбат билан кузатиб чиқиб, натижалари фаоллар мажлисида муҳокама қилинади.

1987 йилнинг 2 ноябрь кун чиқар вақти. Туманнинг биринчи раҳбари Аъзамхон Тўрахонов бошлиқ 40 кишидан иборат раҳбарлар Алишер Навоий номли маҳаллага ташриф буюриб қолишди. Очиги, биз — маҳалла фаоллари бундай нуфузли ташрифдан эсанкираб қолаёздик.

Тўрахонов фаоллар диққатини ўзига жалб қилган ҳолда:

— Мен сизларга айтган, куни кеча очилган маҳалла идораси мана шу бўлади. Саидхўжа ака, Рихсивой ака, — деди котиб туман Ижроия қўмитасининг раиси Тошхўжаев ва қишлоқ кенгаши раиси Тошпўлатовларга савол назари билан қараб: — Мана шу маҳалла гузарининг қурилишига қайси бирингиз ёрдам кўрсатдингиз?

Ҳамма жим.

— Ҳеч ким бир сўмлик ёрдам кўрсатмаган. Маҳалла ҳам сизлардан ёрдам сўрамаган. Ҳаммаси халқ кучи, ҳашар йўли билан қурилган. Қойил. Хўжалик раҳбари Зоирхон Жалиловга катта раҳмат. Ўз ҳудудида нечта маҳалла идоралари қурилатган бўлса, барчасига ер топиб бериб, транспорт ва техника билан таъминлаб турган. Битта хўжалик ҳудудида олдинма-кейин саккизта маҳалла идораларининг қад кўтариши катта гап ва бунда Алишер Навоий номли маҳалланинг кўрсатган намунаси эса янаям олқишларга сазовор. Ниҳоятда дид билан қурилган идора. Ариқларга ётқизилган қувур ва лотокларни қаранг. Бундай ишларнинг жамоатчилик йўли билан қилинганига, тасанно айтнинг келади. Фидокор одамларгина бундай хайрли, савобли ишларни қила олади. Донишмандларимиз инсон фаолиятининг олий чўққиси фидокорликдир, деб бежиз айтишмаган. Ана шу фидойилик ва ташаббус бутун туманимиз бўйлаб кенг қулоч ёйиши керак.

— Маҳалла идорасида ҳозир нима етишмаяпти? — деб сўради Тошхўжаевдан.

— Мебель, — деди кулимсираб Саидхўжа ака.

Бир ҳафта деганда туман Ижроия қўмитаси совға тариқасида идора хоналарини замонавий мебеллар билан жиҳозлаб берди.

Шу йилнинг ўзида қўшни Мавлон Фаниев (собиқ "Олмазор"), Зоирхон Жалилов (собиқ Охунбобоев), Ғофур Хошимов (собиқ "Беш-қўрғон") маҳалла идораларининг ҳам қурилиб, ишга туширилиши қувончли ва унутилмас воқеа бўлди. Фулом Пўлатов, Йўлдош Комилов, Кўчқор Аҳмедов, Муродхўжа Абдуллаев, Маҳмуд Хожи Соҳибжонов, Рихсивой Фуломов, Зайниддин Нуриддинов,

Худойберди Шерматов, Зокир Қодиров, Жўра Қодиров каби фидойи инсонларнинг бу маҳаллаларда олиб борган ишлари ва ҳозирги фаолиятларини ёритиш алоҳида мавзудир.

Ташаббус қанот ёйди. Мустақиллик арафасидаёқ туманда маҳаллалар сони 70 га яқинлашди. Гарчан, ҳали уларнинг ярмига яқини ўз идора ва гузарларига эга бўлмасалар-да, лекин одамларни бир-бирларига меҳр-оқибатли, саховатли қилиб тарбиялашда ишончли қадам эди.

Тошкент туманида қишлоқ маҳаллалари республикада биринчилардан бўлиб ташкил топганди. Айрим йирик, намунали маҳалла оқсоқолларига ички имкониятдан келиб чиқиб маош тулаш ҳам туманнинг ўша пайтлардаги биринчи раҳбари Тўлқин Мирёкубов ташаббуси билан амалга оширилган эди. Ўша пайтдаги туман ҳокими Акбарали Йўлчиев эса бир ярим йил давомида 22 маҳалланинг идора ва гузарларини қуришда жуда катта ёрдам кўрсатди. Маҳаллаларнинг ҳақиқий равнақи, уларнинг мақомга эга бўлиб, давлат бошқарувининг муҳим бўғинига айланиши Мустақиллик шарофати билан амалга ошди.

РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Истиқлол туфайли янгидан қаддини ростлаган маҳаллаларнинг ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўла бошлади. Улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари бунёд этилди. Эндиликда маҳаллалар ҳақиқий демократиянинг илк ифодаси сифатида ўзини ўзи бошқаришнинг бетакрор миллий шаклини ўзида акс эттирган ҳолда муқаддас қадриятларимизнинг кўзгуси ва жамиятда ислохотларни амалга оширишнинг ишончли таянчи ва таъсирчан воситасига айлана борди.

Юртбошимиз фуқаролик жамиятини қуришда маҳалланинг муҳим ўрин тутиши ва унинг беқиёс аҳамиятига юксак эътибор бериб, маҳалладаги ўзини ўзи бошқариш фаолиятини кучайтириш, унинг моддий ва маънавий асосларини кенгайтириш вазифаларини қўйди. Халқимизнинг қадимий удум ва анъаналарини асраб-авайлаш, бойитиш, ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларга меҳр-шафқат, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришга эришиш энг ҳаётий вазифа бўлиб қолди.

Булар ҳақидаги Республика Президентининг қатор фармонлари асосида Алишер Навоий номли маҳаллада ҳам кўплаб амалий

тадбирлар белгилаб чиқилиб, уларни ҳаётга тадбиқ этишда катта самарага эришилди.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, ўзини ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда мос бўлган усули — маҳаллалар тизими мустақилликдан кейин жуда катта нуфузга эга бўла борди. Улар ўз ҳудудларидаги барча ишлар учун масъул бўлиб, маҳалланинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқлигини амалда исботлаб берди. Маҳаллада ҳатто ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилотларидан ҳам қолишмайдиган ҳолда иш юритиш мумкин эканлиги, ободончилик, таълим-тарбия, осойишталикни сақлаш, миллий қадрият ва урф-одатларни такомиллаштириш, аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшлар тарбияси ва ёш оилаларни мустаҳкамлаш соҳаларидаги фаолияти Президентимиз томонидан олға сурилган фикрларнинг нақадар ҳаётий эканлигини ҳар жиҳатдан исботлаб берди.

Алишер Навоий номли маҳалла ҳам мустақиллик йилларида равнақ топиб, ҳар жиҳатдан юксалиб кетди ва бу ривожланишнинг ўзига хос томони шунда эдики, аҳолига уй-жой қуриш учун ер берилиши натижасида ободончилик ва бунёдкорлик борасидаги ишларнинг ҳажми ниҳоятда катта бўлди.

Агар маҳалла ташкил топган йили унинг Алишер Навоий, Зебуннисо ва Нодира кўчаларида жами 180 хонадон бўлиб, уларда 1250 нафар аҳоли яшаган бўлса, эндиликда яна 500 дан ортиқ хонадонлар уй қуриб, аҳолининг сони тўрт ярим минг, оилалар сони эса 600 га яқинлашди. Н.Мирзабоев, Дилшод Валиев, Н.Фуломов, Саъдулла ота, Ўрикзор, Гулзор, "Обод", "Боғи шамол", Карим Аҳмедов, Содик Норматов каби ўнга яқин кўчалар бунёд этилди.

Бу кўчаларнинг барчасини ободонлаштириш, йўлларга шағал тукиб, асфальт ётқизиш, аҳолини ичимлик ва оқар сувлар билан таъминлаш, хонадон ва кўчаларга электр, газ, телефон ўтказиш, мева ва манзарали дарахтлар экиш маҳалла фаолиятининг иш дастуридаги энг муҳим вазифалардан бири бўлди.

Маҳалла ободончилигида Аъзамхон Тўрахонов, Тўлқин Мирёкубов, Рустам Акбаров, Акбарали Йўлчиев, Бахтиёр Алимов, Сайфулла Темиров каби туман раҳбар ва ҳокимларининг хизматлари каттадир. Маҳалланинг Келес темир йўли ва қўшни маҳалла билан туташган этак қисми умрида ободончиликни кўрмаган аянчли ахлатхона бўлиб ётарди. Ҳоким Сайфулла Темировнинг бевосита ташаббус ва раҳбарлигида бу ҳудуд қисқа вақт ичида обод ва кўркем,

манзарали ҳиёбонга айланди. Ўнлаб кам таъминланган оилалар вақтинча бўлса-да, бу ерлардан қўшимча даромад сифатида фойдаланиб туришибди.

Президентимиз И.А.Каримов "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш соҳасида ноёб механизм тузилдики, унинг илдизлари халқ анъаналарига ва тарихан таркиб топган муносабатлари маҳаллага бориб тақалади. Шаҳарчалар, қишлоқлар, маҳаллалар фуқароларнинг йиғини фуқароларга давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга ёрдам беради. Улар ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва ҳўжалик вазифаларини ҳал қилиш учун уюштирадиган орган сифатида тан олинди"¹, деб таъкидлаганларидек юқорида баён этилган вазифаларни амалга оширишда биринчи навбатда маҳалла тўлиқ маънодаги ўзини ўзи бошқариш органи сифатида ижобий самарасини бермоқда.

Қисқа муддат ичида кенг қўламдаги ишлар бажарилди. Ўн километрдан ортиқ масофага газ ва ичимлик сув қувурлари ўтказилиб, хонадонларнинг 90 фоизидан ортиғи газ, сув ва электр энергияси билан таъминланди. Кўчаларга шағал тўкилиб, замонавий усулда асфальт ётқизиблиб, хонадон ва кўчаларга жами ўн беш минг туп мевали ва манзарали дарахт ва терак кўчатлари экилди. Кўпчилик хонадонлар олди ва кўчаларнинг чети чиройли гулзорларга айлантирилди. Шулар қаторида маҳалла гузари ва идорасида ҳам яна бир қанча кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди.

Маҳаллада "Маънавият ва маърифат" ҳамда "Нуронийлар" залининг қурилиши, унда кутубхона очилиши, спорт турлари билан шуғулланиш учун спорт майдончасининг қурилиши у ҳақиқатан ҳам фуқароларнинг осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик маскани эканлигини яна бир бор намоёйиш этди. Маҳалла идорасининг қошида Президентимиз томонидан тавсия этилган "Маҳалла дарсхонаси", ёшлар бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун шахмат-шашка ўйнаш, газета ва китоблар ўқиш зали ташкил этилиб, бу ер ҳақиқий маънодаги маънавият-маърифат ва тарбия масканига айланиб қолди.

Шу ўринда маҳалла фуқароси, қўли гул мусаввир, ҳуснихат ва суратчи ота-бола Эргаш ва Шерзод Қодировларнинг беминнат хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Хоналарни

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.

жиҳозлаш, байрам ва маросимларда шиорлар ёзиш, саёҳат ва тадбирларни суратга олиш, альбомлар ташкил этиш — буларнинг барчаси ана шу ота-болалар номи билан бевосита боғлиқдир.

«Охунбобоев Агро-файз» агрофирмаси бошқаруви раиси Искандар Позилов ташаббуси билан икки қаватли 9-урта мактаб биносининг замонавий усулда қайта қурилиши маҳалла қиёфасининг янада гўзаллашиб, обод бўлишида алоҳида аҳамият касб этди. 70 дан ортиқ тиббиёт ходимлари хизмат қилишига мўлжалланган Марказий поликлиника, озиқ-овқат, саноат моллари билан савдо қилувчи шинам дўконлар, ошхона ва новвойхоналарнинг қурилиши маҳалла ҳуснига янада ҳусн бўлиб тушди. Қабристонларни обод қилиш, марҳумлар хотираси учун манзарали дарахтлар экиш, қабрлар атрофини тозалаб, уларни гулзорларга айлантириш, масжидларнинг қурилишида кўмаклашиш ҳам маҳалла ободончилиқ ишларининг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолган.

"Қизғалдоқ" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Ҳасанбой Ота" қабристониде эскириб қолган уриндиқларни янгилаш ва йўлларни асфальт қилишда ҳам маҳалладаги мурувватли ва тадбиркор фуқароларнинг ташаббуси ва ҳомийлиги унутилмас савобли иш бўлиб қолди.

Доно халқимиз юрт ободлиги садоқат ва фидокорликдадир деганидек она-Ватаннинг оstonаси деб аталмиш маҳалланинг равнақи ҳам шу даргоҳнинг саховатли ва меҳнатсевар халқи туфайли рўёбга чиқди. Моддий ва молиявий жиҳатдан ўзига тўқ кўплаб фуқаролар, ишбилармонлар ва маҳалланинг барча ҳунармандлари ўзларининг эзгу хислатларини намоён этиб, қўлларидан келган ёрдамни аямадилар.

Акбар Толипов, Аҳмаджон Тошметов, Зиёдилла Саъдуллаев (марҳум), Ҳайдар Бўлисбеков, Жўрақул Қурбонов, Саид Билолов (марҳум), Нурилла Файзиев, Фахриддин Шерметов, Рашид Умаров, Маъруфхон Қодиров (марҳум), Хуршид Исмоилов, Камол Калонов, Улугбек Тошметов, Фахриддин Шерматов, Маъмура Тожибоева, Абдурахмон Абдуллаев, Суръат Ҳусанжонов, Эргаш Маҳаматов, Тошпўлат Қодиров, Жаҳонгир Рўзметов, Маҳмуджон Турсунов, Мўмин Содиқов, Обид Баҳромов, Алишер Самигов, Хожиакбар ҳожи Соатов, Мажидхўжа ҳожи Султонхўжаев, Зайниддин Усмонов, Рихсивой Тошмуҳамедов, Йўлдошхўжа Додахўжаев, ака-ука Турсунбой ва Рустамжон Аҳмедов каби қўли, кўнгли очиқ, ҳиммати баланд кўплаб маҳалладошлар маҳалла ободончилигида ўчмас из қолдирдилар.

Алишер Навоий номли маҳалланинг равнақи, унинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан юксалишида ҳомийларнинг хизматлари ҳам салмоқли бўлди. Шунини алоҳида таъкидламоқ керакки, тумандаги "Охунбобоев Агро-файз" агрофирмаси ўз ҳудудидаги нафақат Алишер Навоий, балки қўшни М.Ғаниев, Ғ.Хошимов ва З.Жалилов номли маҳаллаларга ҳам ҳомийлик қилишда катта жонбозлик кўрсатди.

Ҳўжалик раҳбари Искандар Позилов "Маънавият-маърифат", "Нуронийлар хонаси" ва спорт майдончалари учун қурилиш материаллари, эшик-дераза, арматура ва металл қувурлардан ташқари яна ярим миллион сўм пул маблағи билан ҳомийлик қилди. Маҳалланинг Н.Ғуломов, Саъдулла ота, Ўрикзор, "Обод" ва "Боғишамол" каби янги кўчаларига электр сими ўтказишда ҳар бири 70 минг сўмлик бетон устунлардан 60 тасини ҳадя қилди. Хонадонларни газлаштиришдаги лойиҳалаштириш билан боғлиқ бўлган ва газ қувурларининг асосий харажатларини ҳам агрофирма ўз зиммасига олди.

"Обод маҳалла йили"нинг "Энг яхши ҳомийси" кўрик-танлови ғолиби Искандар Позиловнинг Алишер Навоий номли маҳалла учун кўрсатган мурувватлари беқиёс катта бўлди.

Шунингдек, футбол тўпи ва кийимлари, волейбол ва футбол сеткалари, стол тенниси, шахмат ва шашкалар харид қилишда Республика қасаба уюшмалари федерацияси ҳам жуда катта мурувват кўрсатди. Ўзбек тараққийпарвар шоири Аваз Ўтар:

Ким эрса агар жаҳон аро ҳимматлиғ,
Бил они ҳамиша бахту давлатлиғ,
Ҳимматлиғ киши топиб мурод ўлса доғи,
Ҳотам киби доим ўлғуси шуҳратлиғ, —

деганларидек, маҳаллада нимаики хайрли ва савобли ишлар олиб борилган бўлмасин, барчаси саховатда тенгсиз инсонлар билан рўёбга чиқди. Зеро, ҳиммат ва саҳийлик — покиза инсонларнинг шарафли сифатидир. Буюк Алишер Навоий иборалари билан айтганда, саҳийлик кишилик боғининг ҳосилдор дарахтидир, у дарахтнинг ширин мевасидир, одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси ёки шу тўлқинли дарёнинг асл гавҳаридир.

Навоий номли маҳалланинг бахти шундаки, бу даргоҳда кишиларнинг меҳр-муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлган инсонлар, тўлқинли дарёнинг асл гавҳарлари хайрли ишларга ҳамиша камарбастадирлар.

Маҳалла ободончилигининг равнақ топишида, кўчаларни асфальт қилиш, газ, сув муаммоларини ҳал этиш, хонадонларга

телефон ўтказишда маҳаллага 2004 йилдан буён оқсоқоллик қилиб келаётган Эргаш Маҳаматовнинг саъй-ҳаракатларини ҳам алоҳида таъкидламоқ жоиздир. Олий маълумотли мутахассис, тажрибали ишбилармон сифатида у маҳалла идораси қошида яна қўшимча хоналар қуриб, қатор масалалар бўйича 9-мактаб, "Ҳасанбой Ота" қабристони ва масжидларга ёрдам кўрсатишда, аҳолининг муҳтож табақаларини муҳофаза этиш борасида хизмати катта бўлмоқда.

МАҲАЛЛА ФАРОВОНЛИГИ — ВАТАН ФАРОВОНЛИГИ

"Давлатимиз, жамиятимиз мустақиллик шароитида олиб бораётган сиёсатининг энг биринчи мақсади — халқимиз учун, юртимизда яшаётган ҳар бир оила, ҳар қайси инсон учун муносиб ҳаёт шароитини барпо этиш, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизни мустаҳкамлашдир".

Ислом КАРИМОВ

Халқ моддий фаровонлигини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш ва шулар заминида комил инсонни вояга етказиш ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги ислохотларимизнинг ажралмас таркибий қисмидир. Бундай тараққиётимизнинг гарови бўлмиш тинчлик, осойишталик ва тотув ҳаётнинг асослари муқаддас Конституциямизда белгилаб берилган. Фақат тинчлик бор жойдагина бунёдкорлик, осойишталик ва хотиржамлик бўлади. Дилларга нур, қалбларга ором берувчи, келажакни обод қилиб, орзу-умидларни юзага чиқарувчи буюк неъмат тинчликдир. Тинчликнинг ҳаётбахш шабадаси бутун оламни бахтиёр этиб, уни гулзорга айлантиради. Осмонимизнинг кўм-кўк мусаффолиги ҳам, она ернинг ям-яшил гузаллиги ҳам тинчлик туфайли.

Аллоҳга чексиз шукрона айтиб, чуқур мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, Алишер Навоий номли маҳалла ҳам мустақил Ўзбекистон Республикасининг бағрида гуллаб-яшнаб келаётган масканлардан бири. Тинч ва осуда ҳаёт кечираётган маҳалла аҳли яшаш шароитини яхшилаш билан боғлиқ бўлган омиллар кўп.

Деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик, тижорат ва тадбиркорлик, ҳунармандчилик оилалар даромадининг асосий манбалари саналади.

Булар маҳалла хонадонларининг турмуш шароити, фаровонлик даражаси юқори бўлишини таъминляпти. Айниқса, деҳқончилик

нуқтаи назаридан олганда шаҳар билан ёнма-ён жойлашган маҳалла фуқароларининг маълум бир қисми доимий зироатчилик билан шуғулланиб, улар ҳўжалик билан тузилган шартнома шартларини бажаргандан кейин ортиқча маҳсулотларини бозорларда сотиш имкониятига эгадирлар. Қолаверса, 8 сотих ва ундан ҳам ортиқ ерга эга бўлган кўпчилик миришкор хонадонлар томорқаларидан ҳам мўмайгина даромад олишлари мумкин. Ҳовли ва уй атрофларидаги серҳосил мевали дарахтлар ҳам маълум миқдорда даромад келтиради.

Иккинчи бир муҳим жиҳати шундаки, кўпчилик хонадон соҳиблари, ҳатто илгари деҳқончилик билан шуғулланмаганлар ҳам ўз ҳовлиларида 2-3 сотихли иссиқхоналар ташкил қилиб, қишин-ёзин помидор, бодринг ва турли кўкат маҳсулотларини етиштириб, доимий иш жойларидан оладиган маошларидан ташқари бир мавсумнинг ўзида 1 миллион сўмга қадар қўшимча даромад қилаётган хонадонлар ҳам бор. Турли неъматлар етиштириб, эл-юрт дастурхонига қут-барака киритаётган бундай хонадонларнинг саъй-ҳаракатлари эътирофга лойиқ.

Ҳаби Нигматулласв, Суръат Ҳусанжонов, Шухрат Қиличсв, Каримжон Толипов, Фарҳод Усмонов, Эргаш Маҳаматов, Фуломхўжа Исмоилов, Абдихабир ҳожи Самигов, Ўткир Тилланазаров, Турғун Ҳожибосв, Турсунбой Иляхунов, Абдураззоқ Мирзасв, Раҳматилла Мўминов, Шермуҳаммад Молдабосв, Нўмонжон Фуломов, Жўра Маҳқамов, Маҳмуджон Турсунов, Раҳматилла Ҳикматов, Лутфилло Турғунов, Каримжон Ҳайтматов каби турли касбдаги маҳалла фуқаролари иссиқхоналардан доимий равишда юқори ҳосил олиш намунасини кўрсатиб келмоқдалар.

Айтиш жоизки, маҳалла аҳли фаровонлиги яратувчилик меҳнатиандир. Фаровон ҳаёт кечиришнинг калити, рўзгор мўл-кўлиги, тўй ва маросимлардаги дастурхонларнинг тўкинлиги ва барча орзу ҳавасларнинг рўёбга чиқиши ҳам аввало ҳалол меҳнат мевасидир.

Юртбошимиз Ислон Абдуғанисвич айтганларидек, деҳқон бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади, мамлакат янада ободонлашади.

*Деҳқон ўғли, соғ бўл, мудом яша,
Шодлик билан субҳу шом яша.
Сендан барча эл кўрар роҳат,
Топиб иззату яхши ном, яша.*

Президентимиз Ислон Каримовнинг "...қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, ишсиз юрганларни ва доимий унумли иш билан

банд бўлмаганларни ... ишлаб чиқариш соҳаларига жалб этиш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш зарур", деб таъкидлаган кўрсатмаларининг ҳаётга тўлиқ тадбиқ этилишини Алишер Навоий номли маҳалла мисолида ҳам кўриш мумкин. Вақтинча ишсизларни рўйхатга олиш, меҳнат биржалари орқали уларни иш билан таъминлаш, зарур бўлган ҳолларда ёлланиб бўлса-да, ишлаб туришга ташвиқот қилиш маҳалла фаолларининг доимий диққат марказида туради.

Қолаверса, маҳалланинг шаҳар билан туташганлиги, хонадонларнинг қишлоққа хос чорва моллари, парранда боқиш билан шуғулланишлари, шу ҳудудда мактаб, поликлиника, марказий тугруқхона, туман ички ишлар бўлими, озиқ-овқат, саноат ва кўплаб улгуржи савдо дўконларининг, ошхона, новвойхона, таъмирлаш устахоналари ва қатор кичик корхоналарнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам маҳаллада ишсизлик умуман йўқ деса муболага бўлмайди. Бу ердаги қурилишлар, иссиқхона ва фермер хўжаликларининг ишловчиларга бўлган талаби катта.

Шаҳардаги вазирликлар, олий ўқув юртлари, илмий-текшириш муассасалари, йирик саноат корхоналарига қатновчиларни ҳисобга олмаганда, маҳалла аҳлининг аксарият кўпчилиги маҳалла ва туманнинг ўзида иш билан тўлиқ таъминланганлар. Бинобарин, вақтдан ютиш, йўл ва бошқа харажатлар билан боғлиқ бўлган тежамкорлик муҳим ижобий омил ҳисобланади.

Мамлакатимизда иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, тараққиёт йўлида эришилаётган ижобий ўзгаришлар маҳаллалар ҳаётида ҳам намоён бўлмоқда. Ўрта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг маҳаллаларга кириб келиши фуқароларнинг шахс сифатида шаклланиши, ўз қобиляти ва иқтидорини ишга солиш, турмушни янада яхшилаш учун қулай шароитларни вужудга келтирди. Халқ мулкдорлар синфи туфайлигина жамиятда фаровонлик, тараққиёт барқарор бўлиши муқаррарлигини тушуниб етди. Ўз меҳнати, қобиляти билан турмуш шароитини яхшилаб, фаровонликни таъминлашга қодир бўлган фуқаролар сафи кенгайиб бормоқда.

Айниқса, касаначилик турли шаклларининг ривожланиши, хусусий тадбиркорликка шарт-шароитларнинг яратиб берилиши янги иш жойларини ташкил этишда муҳим омил бўлмоқда. Дала меҳнаткашлари ер ва мулкнинг ҳақиқий эгаси бўлганлиги, бу борада олиб борилган ташвиқот ва тушунтириш ишлари ўзининг яхши самарасини берди. Энг муҳими, касб-корни ва меҳнат қилиш соҳасини эркин танлаш бўйича кафолатланган конституциявий

ҳуқуқларининг таъминланганлиги маҳалла фуқароларида ҳам ўзини ва оиласини моддий жиҳатдан зарур даражада таъминлаш, соғлом авлодни камол топтириш учун қатъий ишонч туғдирди.

Тула эркинлик ва ихтиёрийликка асосланган, яратувчилик ва бунёдкорликдан иборат бўлган тадбиркорлик, тижорат ва ҳунармандчилик Алишер Навоий номли маҳаллада ҳам қарор топди. Акбар Толипов, Тошпўлат Қодиров, Жўракул Қурбонов, Алишер Самигов, Обид Баҳромов, Хайрулла Маҳаматов, Оловиддин Гиёсов, Абдулла Қосимов, Ҳожиакбар Муродов, Фаҳриддин Шерматов, Маъмура Тожибоева, Баҳодир Минаваров, Шоира Минаварова, Ҳожиакбар ҳожи Соатов каби маҳалланинг кўплаб ишбилармон ва тадбиркорлари бозор иқтисодиётининг ғоят муҳим бўғинида ибратли ишларни бажариб келмоқдалар. Улар бажараётган ишларнинг кўлами ниҳоятда катта ва шарафлидир.

ТАДБИРКОРЛАР АКАДЕМИГИ

"Эркакми ё аёлми — кимда ким мўмин бўлган ҳолда бирор эзгу иш қилса, бас, биз унга пок ҳаёт бахш этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган амалларининг чиройлиги баробаридаги мукофот билан тақдирлаймиз".

"Қуръони карим"нинг "Наҳл" сураси, 97-оят

Ҳаёт мазмунини уddaбуронлик ва ҳалолликда деб билган Ясин ака Толипов қаерда бўлмасин фақат эзгулик, поклик ва хайрли ишлар ҳақида мароқ билан сўзларди. Саккиз нафар ўғил-қизларнинг отаси бўлган бу табаррук инсон умрининг охиригача далада кетмон чопиб, боғ яратди, ҳаётда дуч келган тўсиқларни мардонавор даф этиб, мазмунли ҳаёт кечирди. Фарзандларини яхши ўқитиб, тарбиялай билган Ясин ака, сабзавотчилик ва узумчиликда етиштирилган ҳосилни йиғиштириш вақтларида қилган меҳнатларининг самарасидан завқланиб, фарзандларига "Табиат жуда саҳий, ҳаракат қилган, ҳалол меҳнат қилган, ишнинг кўзини билган одамнинггина қозони баракотли бўлади", деганларида тўнгич ўғил Акбар ўта шўх бўлишига қарамай отанинг бу сўзлари мағизини чақишга ҳаракат қиларди.

Донишмандлар "Бола бўлса, шўх бўлсин, шўх бўлмаса йўқ бўлсин", "Йигит бўлса шўх бўлса, юрса кўчалар тўлса. Дўстлар кўрса суюнса, душманлар куйиб ўлса" деб бежиз айтишмаган. Ҳақиқатан

ҳам ҳаётий кузатишларга қараганда ёшлигида шўх бўлган бола тез орада қуйилади. Ғайратли, уддабурон, мард киши бўлиб етишади. Акбар ҳам болалигида ана шундай шўхларнинг шўхи эди. Унинг ёқимли, беғараз шўхликлари ҳақида ҳанузгача мураббий устозлари ва синфдош дўстлари мароқ билан эслаб туришади. Дили ёруғ, нияти пок Ясин ака Акбар ўғлининг келажақда исмига монанд инсон бўлиб етишишини орзу қиларди. Нияти холис ота ўғлим келажақда ҳурматли инсон бўлиб етишсин, деб унинг исмини Акбар қўйганди.

Орзунинг ижобати фақат оилага эмас, балки қариндош-уруғ, маҳалла ва жамиятга ҳам катта наф келтирди. Ёндан, айниқса, ота ва онанинг қувончи ичига сиғмасди. Шўх йигитнинг меҳнатсеварлиги, кишини ҳайратда қолдирадиган ўткир дид, фаросат мўъжизаларга сабабчи бўлди. Тинимсиз меҳнат қилиш билан бирга олийгоҳни битириб, иқтисодчи мутахассислигини эгаллаган Акбар қисқа вақт ичида масъулияти чекланган "Сиб-Акбар" улгуржи савдо жамиятига асос солди.

Россиялик тадбиркорлар билан 12 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келаётган бу жамият ўзаро шартнома асосида ишлаб, импорт ва экспорт соҳасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган бу жамият ўзининг катта омборхонаси, 4,5 километрдан иборат темир йўли, тепловоз ва брокер конторасига эга.

Бир йилда ўртача 600-700 вагон маҳсулотнинг Россияга жўнатилиши ва у ердан яна шунча юкнинг Ўзбекистонга олиб келиниши жамиятнинг қанчалик иқтисодий мавқега эга эканлигининг далилидир. Ёғоч, ДСП, ДВП, фанер, карбит, қувурлар, линолиум, мих, чўян радиаторлар Россиядан Ўзбекистонга келтирилса, қишлоқ хўжалиги ноз-неъматларининг барча турлари, узум, полиз маҳсулотлари, қайта ишланган, қуритилган мевалар, турли хилдаги нотўқима материаллар, махсус кийим-кечаклар Ўзбекистондан Россияга жўнатилади. Оддий супургининг ўзидан бир йилда 50 минг донадан кўп экспорт қилинади.

"Сиб-Акбар" жамияти фақат Россия билан эмас, балки Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари билан ҳам ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Бинобарин, бу жамиятнинг истиқболи порлоқ. Ҳатто, жаҳон андозасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхона қуриш ҳам режалаштирилган.

Бундай режаларни рўёбга чиқаришда жамиятнинг Бош директори, техника фанлари номзоди Насрулло Абдувалиевнинг ҳам ҳиссаси каттадир.

Санъатдаги истеъдод ерга сиғмай қолиб, саҳнага чиққанидек, Акбар Толиповнинг ҳам довуғи фақат Ўзбекистон ва Россияда эмас,

ҳатто жаҳонга танилиб бормоқда. Россия реал Академиясининг академиги Акбар Толипов яқинда Мадрид ва Лондон шаҳарларида бўлиб ўтган Халқаро бизнес кўрик-танловида ғолиб чиқиб, энг намунали фаолияти учун "Олтин медал"лар билан тақдирланди.

Акбар Толипов ўз касбининг билимдони, қатъиятли, юксак маданиятли бўлиши билан бир қаторда, фёсли кенг, қўли очик инсон. Меҳр-мурувват, саҳийлик ва эзгулик учун қалби ҳамиша одамларга очик.

Туманнинг Марказий туғруқхонаси, "Ҳасанбой ота" жоме масжиди, 9, 11 ва 35-мактабларнинг қурилишлари, "Алишер Навоий", "Мавлон Ғаниев", "Зоирхон Жалолов", "Ғафур Хошимов" номли маҳаллалар ободончилиги, кам таъминланган ва муҳтож оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун, шунингдек, Тошкент шаҳар, хусусан, Сергели туманида "Сиб-Акбар" жамиятининг кўрсатган ва кўрсатиб келаётган беминнат ёрдамидан халқ ниҳоятда миннатдордир.

Акбарнинг руҳий ҳолатидан унинг мавқеини тўла англаб олиш мумкин. Унинг ҳамиша кайфияти баланд ва хушчақчақ. У ўзи яратган мўъжиза ва ғўзалликлари, ҳалоллиги ва саҳийлиги туфайли одамларга мағрур қарашга ҳақли бўлган, севимли касбини эъозлаш эвазига муродига етган замонамизнинг бахтли инсонларидан бири. Укалари Бахтиёр, Ихтиёр ва Суннатжонларнинг ҳам ҳаётда ўзларига муносиб бўлган истиқбол йўлини танлаб олишларида Акбарнинг хизмати катта. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий номли маҳалла эл олқишига сазовор бўлган, ота ва оналарининг дуосини олган тадбиркор, қалби эзгуликларга тўла бўлган Акбар Толиповдек фуқароси борлиги билан фахрланишга ҳақлидир.

МАҲАЛЛА — ҲУНАРМАНДЛАР МАСКАНИ

*Нодонлардек отангнинг кимлигини пеш қилма,
Ўзингга сен ҳунардан ўзгани ота билма.
Тутун гарчи оташнинг фарзанди бўлса ҳам, бас
Не фойдаки тутунга, оташ зиёси юқмас!?*

Буюк мутафаккир инсон Абдурахмон Жомийнинг ушбу мисралари ўз фарзандлари Зиёвуддин Юсуфга қилинган насиҳат бўлиб, ўғил отаси фақат машҳур киши бўлгани учун унинг номи, обрўси билан мақтанмасликни, балки унинг номига муносиб фарзанд бўлиб етишиш ксраклиги таъкидланмоқда.

Шарқ мутафаккирларининг қайси бир асар ва китобларини ўқиманг, албатта, уларда ҳунар жуда улуғланади.

Жумладан, машҳур "Қобуснома"да шундай дейилади:

— "Агар киши ҳар қанча олий насаб ва асл бўлса-ю, аммо ҳунари бўлмаса, у халойиқнинг иззат ва ҳурматидан ноумид бўлур. Улуғлик ақл ва билим биландур, насл-насаб била эмас. Отни сенга ота ва онанг қўймишлар, сен унга ғарра бўлмағил... Бу от фақат бир нишонадан бошқа нарса эмасдур. Аммо сен ҳунар била бир номга эга бўлғил".

Илгари ҳар бир маҳаллада асосан бир касб-кор одамлари — ҳамкасблар истиқомат қилишган. Шунга қараб маҳаллаларга ном берилган. "Заргарлик", "Мискарлик", "Пичоқчилик", "Тўппибозор", "Болтабозор", "Тақачи", "Ўқчи", "Сандиқбозор" ва ҳ.к. Шунга ўхшаш кейинги даврда ҳам аҳолининг кўпчилик қисмини ташкил этувчи бир хил касбдаги одамлар яшайдиган — "Профессорлар", "Олимлар", "Шифокорлар", "Геологлар" номи билан аталувчи янги ташкил топган маҳаллалар ҳам йўқ эмас.

Шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, Кайковуснинг машҳур "Қобуснома" китобида таъкидланишича, "Барча ҳунардин сўз ҳунари яхшироқдур. Чунки мулойим, яхши ва ширин сўз наштадурки, ундан ҳумор пайдо бўлур. Сўзни ўз жойида ишлатиш, ноўрин ишларни айтмаслик, бефойда сўздан парҳез қилиб, доимо яхшилик ва ростликни одат қилиш киши кўнглига энг олий шодлик ва ҳуррамлик бахш этувчи ҳунардир. Ҳар бир ҳунарга кўнгул кўзи, ақл назари билан қараш, ҳунар ўрганиш ва уни эгаллашда ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилиш, баданни ялқовлик ёки бекорчиликдан қутқариш, вақтни зое кетказмаслик, одамлар меҳнатининг қадрига етиш ҳам энг улуғ ҳунарлардан биридир".

Қадимги юнон олими Сукрот шундай дегандилар: "Ҳунардин яхшироқ нарса йўқтур ва донишдан улуғроқ нарса йўқтур, шармдан яхшироқ зевар йўқтур ва бадхўйликдан ёмонроқ душман йўқтур". Бинобарин, инсон учун фақат моддий нъмат ишлаб чиқариш муҳим бўлмай, балки маънавий, ахлоқий ва тарбиявий жиҳатлар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Тошкент туманининг бошқа маҳаллаларидаги каби Алишер Навоий номли маҳаллада ҳам ҳунарнинг турли соҳалари кенг ривож топган. Турли-туман ҳунар соҳиблари истиқомат қилишади. Аввало бу ерда боғзору тоқзорларни бунёд этган қўллари қадоқ миришкор деҳқон ва соҳибкорлар фаолият кўрсатишса, иккинчидан, ҳаётни янада гузаллаштирувчи, умрининг мазмунига айланиб қолган

ранг-баранг ҳунармандчилик билан шуғулланувчи қўли гул инсонлар кам эмас.

Маҳалла ҳунармандлари ижодига хос ганч уймакорлиги, ёғочдан тайёрланган нақш безаклари, кашталар тўқиш, қандолат маҳсулотларини тайёрлаш, миллий чопон ва кийимлар тикиш, бешик ва сандиқлар тайёрлаш каби соҳаларнинг равнақ топиб бориши фуқаролар турмуш шароитининг яшиланишида туганмас хазина вазифасини бажариб келмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ бадий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони миллий ҳунармандчилигимизнинг барча турларини янада юксалтириш учун кенг йўл ва имкониятлар очиб берди. Жумладан, Фармонда ҳунар турмушнинг моддий ва маънавий асосларидан бири эканлиги, ҳунарли киши ўз ризқини топа олиши, вақти келганда мушкул ишларнинг ҳам уйдасидан чиқа олиши, ҳунарсиз кишининг эса турмушда ҳар томонлама қийналиши қайд этилади. Шунинг учун ҳунар эгаллаш, эгаллаганда ҳам пухта эгаллаш зарурлиги уқтирилади. Қолаверса, бозор иқтисоди шароитида ҳунармандчилик ҳақиқатан ҳам давлат эътиборига муҳтож соҳа бўлиб қолганди. Шунинг учун ҳам миллий ҳунармандчилигимизни сақлаб қолиш ва уни ривожлантиришда Фармоннинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Ўнлаб ва юзлаб ҳунармандчиликлар ичида бешикчиликни ҳунарлар султони десак муболаға бўлмайди. Алишер Навоий номли маҳалланинг машҳур сандиқчи-бешикчи устаси Рустам Аҳмедов билан бўлган суҳбатимизда у ўз касбига нима учун қаттиқ меҳр қўйганлигини қуйидагича баён этди:

— Гап фақат ота-бобомиздан мерос бўлиб келаётган бешикчиликдан оила тебратаётганимда эмас. Аввало, бешик Ватан каби муқаддас нарса. У қадимдан миллатимиз рамзи бўлиб келган. Агар эшитган бўлсангиз, "бешигини йўқотмаган халқ сира ўлмайди", "бешик мусулмон халқларининг бирлигини англатувчи рамзий тимсол", "бешиги бирнинг эшиги ҳам бир" деган нақллар бор.

Бешикни икки киши кўтариб бўлмас экан, уни ёпқичсиз, яъни говрапўшсиз қолдириб бўлмас экан, чунки у тобут эмас, бешик устидан хатлаб ҳам бўлмайди, чунки унда одам ётади, — деган халқнинг ажойиб нақллари ҳам бор.

Демак, бешик бор жойда одам бор ва бешик бор жойда Ватан бор. Халқ доимо ўзининг расм-русумлари, қадимий анъаналари билан

яшайди. Унинг улуг ва муқаддаслиги яна шундаки, оналар қалби ва кўнглининг туб-тубидан содда ифодаси билан самимий отилиб чиқадиган туйғулар ҳам бешикка ва она алласига бориб тақалади.

Алла. Қанчалар муқаддас, ссҳрли ва меҳрли сўз. Айтишларича, "алла" сўзи Аллоҳ сўзидан олинган бўлиб, Яратгандан чақалоқни ўз паноҳида асрашни илтижо қилишга нисбат бериш билан боғлиқ экан. Онанинг болани ухлатиш жараёнида яккахонлик услубида айтадиган тўртликларнинг бешикни тебратиш маромига мос келиши замирида ҳам болага бўлган мсҳр-муҳаббати, орзу-умиди, яхши ният, тилак ва қолаверса, руҳий кечинмалари мужассам бўлади. Юртбошимиз Ислон Абдуганиевич иборалари билан айтганда, инсон табиати, феъл-атвори гўдаклигидан шаклланар экан, миллий дунёқараш ҳам бола вужудига она сути билан киради.

Табиийки, она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги мсҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради.

Албатта, бу жараёнларни фақат бешик, беланчак ва улар атрофидаги она алласи билан тасаввур этиш мумкин.

Рустам Аҳмедов ана шундай шарафли, файзли ва хосиятли ноёб ҳунар соҳиби. Устанинг меҳнатсевар, ота касбини эгаллаган, бир-биридан доно ва ақлли қизлари бор. Устанинг барча қиз ва кўёвлари ота касбини эгаллаб, ҳалол мсҳнатлари билан ҳаёт кечираётган давримизнинг муносиб инсонлари бўлиб етишганлигидан Рустам ака ва умр йўлдоши Тожихоннинг бошлари осмонда. Тожихон опа оила аъзолари билан бешик ва сандиқ яшаш билан машғул бўлар экан, у алла ҳақидаги қўшиқларни хиргойи қилиб ишлашдан чарчамайди.

*Бошингда бор кокилинг-о, алла,
Бошинг тўла ақлинг-о алла,
Ухлаб ётсанг бешикда-ё алла,
Онанг айтар нақилинг-о алла.*

*Бешик бошида мунчоқ,
Мунчоқ сенга овунчоқ,
Алла-ё, алла.
Овунчоғинг оқ бўлсин,
Димоқларинг чоқ бўлсин,
Алла-ё, алла.*

Тошкент шахрининг Эски Жува бозоридаги сандиқсозлар растасига ташриф буюрган одам, албатта, Рустам Аҳмедов оиласида тайёрланган сандиқларни кўриб, устанинг ҳақиқатан ҳам ўз ҳунарининг билимдонилигига, халқ амалий санъатининг юксак ва нозик сирларини пухта ўзлаштирганига тан беради.

Қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива ва Қўқоннинг жимжимадор ва нақшинкор сандиқлари билан бемалол беллаша оладиган Рустам Аҳмедовнинг сандиқлари кўпинча маҳалланинг ўзидан ҳам ортмайди. Қайси хонадонда тўй тараддуди бошландими, биринчи бўлиб Рустам акага келиб сандиқ ва қутига буюртма берадилар. Шунингдек, оилада чақалоқ дунёга келдими "Бешик тўйи"нинг тайёргарлиги биринчи бўлиб иш бешик буюртмасидан бошланади. Хуллас, қишми-ёзми Рустам Аҳмедов ва оила аъзоларининг қўли-қўлига тегмайди. Унинг сифатли маҳсулотларига талаб катта. Ҳатто унинг бешик ва сандиқлари тадбиркор-ишбилармонларнинг кўриктанловларида бир неча бор туман ва вилоятнинг қимматли совринларини олишга ҳам сазовор бўлди.

Рустам Аҳмедовнинг ҳунари завқли касб. У кечаю кундуз меҳнат қилса ҳам юртимизнинг тинчлиги, осойишталиги, фаровонлиги ва тўкинчилигидан, тўйларимизнинг кўплигидан ҳузур қилади. Ҳар юракнинг ўз орзуси бор деганларидек, уста Рустам Аҳмедовнинг ҳам нияти доимо покиза ва эзгуликдир. Юртимизда ҳар куни тўй-ю томоша бўлиб, ёмон кунлардан Ўзи асрасин!

Рустам Аҳмедовнинг акаси Турсунбой ака ҳам ўз касбидан бахтини топган, маҳалла аҳлининг ҳурматига сазовор бўлган моҳир усталардан. Амалий безак санъатининг энг қадимий ва кенг тарқалган турларидан бири уймакорлик, ёғочга гул солиб безаш, уларга бадиий шакл бериш, биноларнинг пештоқларига безак бериш, уй-рўзгор буюмларини безаш, турли асбоб ва қуролларни нафислаштириш, музлатгич ва енгил автомобилъ машиналарини таъмирлаш Турсунбой Аҳмедовнинг севимли касби.

Ҳунар темирни ҳам тирилтира олади, тошдан гул ясайди деганларидек, Турсунбой Аҳмедов қўл урган иш бамисоли гулдек яшнаб, безаниб туради.

Уста Турсунбой ака ўзининг беминнат хизмати, ширинсўз ва камсуқумлиги, шогирдларига нисбатан талабчан, қаттиққўл ва меҳрибонлиги билан маҳаллада чуқур ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган инсон. У қасрда бўлмасин, хоҳ уйида, хоҳ маҳалла идорасидами, поликлиника, мактаб ёки жамоа ҳўжаликларининг қурилишими, автомобилъ машиналарини таъмирлашми шогирдларини ёнига олиб сидқидилдан меҳнат қилади. Имон, инсоф, ҳалоллик ва

адолат у кишининг бош шиори. Қўлидан келган ишни ҳеч қачон, ҳеч кимга, айниқса, ночор, қаровчиси йўқ ёки муҳтож оилалардан аямайди. Ким билан ишламасин ҳазил-мутойиба тилидан тушмайди, илм, ахлоқ-одоб, ҳунармандчиликка оид ҳадис ва донолар ҳазинасидан ўғитлар-у мақолларни мисол келтириб, инсонни фақат ҳалол меҳнатга, софдилликка чорлайди.

* Хитойга бориб бўлса ҳам илм ўрган.

* Ҳунар бўлса қўлингда, нон топилар йўлингда.

* Беҳунарнинг "ҳунари — гап сотиш".

* Ҳунар ўрганишга ҳам укув керак.

* Гапдан кўра иш яхши,

Ҳар ишни билиш яхши.

* Шогирднинг бефаросати ўстозни муттаҳам қилади.

* Ҳунари йўқ эркакдан игнаси бор хотин яхши,

каби мақолларни Турсунбой ака ёшларга тез-тез такрорлаб туриш билан амалда уларга риоя этиш зарурлигини ҳам ўқтиради.

"Илм ва ҳунар — ҳаёт гултожи" мавзусида бўлиб ўтган маҳалла ёшларининг анжуманида сўзга чиққан уста Турсун Аҳмедов шундай деганди:

Биз ҳаммамиз она-юртимизни обод қилиш ва гуллаб-яшна-тиш учун дунёга келган инсонлармиз. Ҳаётимиз давомида пухта ҳунарга эга бўлиш, уни шогирдларга ўргатиш инсоний бурчдир. Ҳунарсиз одам, дангасалик, ялқовлик билан яшаган одам албатта, инсонийлик шарафидан маҳрум бўлади ва ўз қўли билан ўзига ўзи офат ва бахтсизлик яратади. Бахтли ва фаровон ҳаёт кечираман деган ҳар бир одам ёшлигиданоқ ҳунар, одоб ва билим илмини пухта ўрганмоғи зарур. Буюк Юсуф Хос Ҳожиб айтганларидек:

Билим ҳам ҳунар ол, қадрла уни,

Билим-ла ҳунар ҳам қадрла сени.

Алишер Навоий номли маҳаллада ака-ука Турсунбой ва Рустамжон Аҳмедовдек қўли гул усталар изидан бораётган турли касбдаги ҳунармандлар кўп. Суннатилла Мўминов, Раҳматилла Мўминов, Маҳмуджон Турсунов, Ҳошимжон Раҳмонов, Миркомил Одилов, Ҳикмат Собиров, Эркин Айсаев, Фарҳод Айсаев, Шокирхон Қодиров, Аҳад Хаитматов, Аваз Бўлисбеков, Раҳимжон Исмоилов, Раҳматилла Ҳикматов каби саховатпеша ҳунармандлар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан оилаларида тўкин турмуш тарзини таъминлабгина қолмай, маҳалла ободончилиги ва кам таъминланган оилаларга беминнат ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Маҳмуджон ака Турсуновнинг ҳам ўз касби-коридан кутилган эзгу мақсади бор. У ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ноёб қандолатчилик ҳунари билан юртдош ва маҳалладошларининг ҳожатини чиқариш, фойда етказишни ўзи учун бахт деб билувчи ва севимли ҳунаридан барака топган инсон.

Қандолатчилик — ширинликлардан турли маҳсулот тайёрловчи Шарқнинг қадимий ҳунармандчилиги. Айниқса, Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошҳовуз, Хўжанд, Қўқон ва Тошкент сингари йирик шаҳарлардаги қандолатчиликнинг ўзига хос сирларини пухта ўзлаштириб олган Уста Маҳмуджон ака ва унинг оила аъзолари ун, кунжут, ўрик мағзи ва ёнғоқдан фойдаланиб тайёрлайдиган турлитуман ҳолва, новвот, пашмак, парварда, нишолдалари дастурхонларимиз кўрки ва файзи бўлиб қолган.

— Ҳозирги кунда айрим оилалар хориждан келтирилган сифати номаълум ширинликларни афзал билишади. Баъзилар дастурхонни асосан гўштли маҳсулотлар билан безатишни афзал деб билишади. Аммо ҳолва, нишолда, пашмакларнинг ўрни бошқа. Ширинликда инсон вужудини тозаловчи, иштаҳа очувчи, латифлаштирувчи қувват борлигини буюк табиб Ибн Сино ҳам эътироф этганлар. Қолаверса, икки ёшни унаштириш маросимини мана бу ҳолваларсиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди биз билан суҳбатда уста қандолатчи Маҳмуд ака қўлидаги патирсифат, юзига мағиз ва седаналар сепилган кўркем ҳолваларга ишора қиларкан. — Бўлажак икки қуда бу ҳолваларни ёшлар умри ва келгусидаги қуда-андачилик муносабатлари ширинлик билан ўтсин, деб дастурхонга тортадилар, эл-юртга тарқатадилар.

Бири-биридан тотли ушбу ширинликларни тайёрлаш инсондан чаққонлик, айти пайтда зеҳнли ҳаракатни талаб қилади. Устанинг аёли Мамлакат ая, келини Холидаҳон ҳам шу ҳунарнинг сирини пухта эгаллаб олишган.

Бу файзли хонадон эшиги тақиллагудек бўлса, янги мижоз келганидан ҳам бурун, яна бир тўй, яна бир меҳмоннавозлик кўнгилларига завқ бағишлайди.

Ҳа, ҳунар айтиқса, унинг инсон одоби, ахлоқи ва саховати билан уйғунлашиб кетиши кишига фақат бахт ва давлат келтиради. Ҳунарнинг давлат билан бирикиши эса, барча нодир нарсалардан ҳам қимматлидир.

*Саодатли ҳунарга ёр қилғил,
Ҳунардин бизни хабардор қилғил.*

Саодатли ҳунарлардан бири асаларичилик бўлиб, Аллоҳнинг ўзи бахш этган бундай эҳсон ва туҳфа қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан биридир. Ишчи асаларилар орқали ўсимлик гулларида инсон организми учун ниҳоятда фойдали бўлган ширин суюқлик асални олиш бу касб соҳибларидан ўзига хос чуқур илм ва билимни талаб қилади. Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас деганларидек, Алишер Навоий номли маҳаллада истиқомат қилувчи Йўлдошбек Исманбеков, Аҳаджон Ўринбоев, Анвар Исманбеков каби асалчи ҳунармандларнинг иш жараёнларини кўриб, ҳайратда қоласан киши. Асаларичилик асбобларининг ўзи сон жиҳатдан 20 тага яқинлашади. Асаларичилар сулоласининг отахонларидан бири Йўлдошбек Исманбеков билан бўлган суҳбатимизда у киши бизга арилар оиласининг тури, асалари бўриси, асалари гулчанги, асалари елими, асалари заҳри ва касалликлари, асалари қутиси, сути ва муми ҳақида сўзлаб берганда ҳайратда қолдик. Агар асалда инсон организми учун фойдали моддаларнинг тури 70 дан ортиқ бўлса, асалари мумида эса 300 дан ошиқ элементларнинг мураккаб аралашмаси бор экан.

Йўлдошбек ака, ҳатто мумидан янги асалари оилалари учун мумпарда тайёрланишини ҳам, улардан косметика, озиқ-овқат саноатида, тиббиёт ва техникада кенг фойдаланилишини ҳам яхши билади.

Йўлдошбек ака ана шундай билим ва ҳунари билан иззат топган, ўзининг жон қуввати билан эришган ҳунарини доимо парваришлаб, уни йил сайин сайқаллаштириб берувчи ҳақиқий комил инсон. Буюк Абулқосим Фирдавсий шундай деган эдилар:

*Ҳунар бирла ақлинг бириккан замон,
Ҳар иш бу жаҳонда юришгай равон.*

Йўлдошбек ака, Аҳаджон ва Анваржоннинг ҳам бу ноёб ва шарафли ҳунаrlари, айниқса, мустақиллик шарофати билан битмас-туганмас хазинага айланиб бормоқда.

Улар ўз ризқини боғидан топган боғбондек, тукин ва фаровон ҳаёт кечирибгина қолмай, саховат ва мурувватда ҳам маҳалланинг суюкли фуқаросидир.

Маҳалла фуқаролари турмуш фаровонлиги ва тирикчилигининг яна бир муҳим манбаи — тикувчилик. Халқнинг моддий ва маданий савияси, эҳтиёж ва имкониятлари, урф-одатлари заминида тараққий этган ҳунармандчиликнинг бу тури кийим-кечак, кўрпа-тушак ва

бошқа буюмларни тикиш билан шуғулланиб, унинг айрим соҳалари юксак санъат даражасигача кутарилган десак, муболага бўлмайди.

Масалан, гулкўрпа, чойшаб, дераза ва эшик пардаларини тикиш, маҳсидўзлик ва бичиқчилик каби ҳунармандчилик турлари маҳалланинг фаҳрига айланиб қолган касблардан ҳисобланади. Камола Фуломованинг тиккан чойшаб ва пардалари, Иқбол опа Комилова, Тамара Убайдуллаеваларнинг нозик дид билан қавилган кўрпа ва кўрпачалари, Муқаддас Комилова, Гулбаҳор Тошметова, Муҳаббат Тошматова моҳир бичувчи ва тикувчилик касби билан маҳалланинг ҳар бир тўй ва маросимларида хонадонларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиб, ўз маҳалладошларига қулайлик яратиб келмоқда. Дидли ҳунарманд чигдан чиройли либос ҳозирлай олиши, камолотли одам оддийгина либосни ҳам гўзал қилиб кия олиши мумкинлиги ва кийиниш маданияти ҳақида тўхталиб, олий малакали тикувчи тадбиркор Камола Фуломова шундай дейди:

— Гап мода билан кийинишда эмас, балки дид билан, яхши тикилган кийимларни кийиш кишига руҳ бағишлайди ва бундай одамлардан латофат уфуриб туради. Кийиниш маданияти аввало қулайлик, оддийлик, миллийлик ва озодалиқдadir.

Бу чевар ҳунармандларнинг тўй либослари, кўрпа-ёстиқларини тайёрлашда яхши қўшничилик тамойилларига амал қилиб тўйхоналарда ҳамжиҳатлик билан бир-бирларига кўмаклашувлари маҳалладошлар ўртасидаги меҳр-оқибат, садоқат ва ўзаро меҳрибончиликнинг амалдаги намунасидир.

*Ҳурмат қил яхшиларни, уларга яхшилик қил,
Халққа суянчиғ бўл, ёрдамлашу ёрдам қил.*

Ҳунармандчиликнинг энг қадимий турларидан бири — маҳсидўзлик билан шуғулланувчи Раҳматилла Ҳикматов ҳам ўзининг севимли ота касби билан одамларга яхшилик қилишни жондилидан севади. Ҳунарманд одам элга ҳамдам деганларидек, кексаларнинг асосий оёқ кийимлари маҳси-ковуш бўлганлиги учун айниқса қиш мавсумларида Раҳматилла аканинг юмшоқ теридан тайёрлаган эркак ва аёлларнинг қўнжли маҳсиси жуда асқотади.

Олий малакали иқтисодчи Раҳматилла Ҳикматов учун билим, ҳунар ва деҳқончилик доимий ҳамроҳидир. Шулар эвазига доимо унинг нони бутун. Олти қиз, бир ўғилни вояга етказиб, шу касби ва меҳнати билан уларни бахтли қила билган, 75 баҳорни қаршилаган Раҳматилла Ҳикматов ҳамон ўзи севган ҳунарлар меҳнатидан чарчашни билмайди.

Алишер Навоий номли маҳалла ана шундай ўз касб ва ҳунаридан муродиға етган, нони бутун, миришкор, тошдан гул ундирувчи, ўз касбининг олими бўлиб етишган, оила ва она маҳалласини безатувчилар масканидир.

Маҳалла нуроний отахон ва онахонларининг ёшларга қарата айтадиган насиҳатлари ҳам битта.

— Ҳунари ва одоби бўлмаган кишидан бахт ва давлат кетади!
Ёки буюк Абдураҳмон Жомий айтганларидек:

*Қайси фарзанд фазлу ҳунарсиз бўлиб,
Отадан лоф урса одамдан йироқ.
Мевали дарахтнинг мевасиз шохи,
Ўтиндан бошқага ярамас мутлоқ.*

* * *

Алишер Навоий номли маҳаллада меҳнати билан маҳалла ва Ватанини обод этувчи касб эгалари истиқомат қилади. Меҳнатидан бахти ва роҳатини топа билган маҳалла фуқароларининг турмуш тарзини кўриб қувонасан киши.

Буюк Соҳибқирон Амир Темур "Бизнинг қудратимизга шубҳаланадиган бўлсангиз, биз қурдирган биноларга назар солинг", деганларидек, айниқса, кейинги 10-15 йил ичида аҳолининг ўз кучи ва ҳалол маблағи эвазига қурган замонавий уйлари халқ фаровонлиги йил сайин юксалиб бораётганлигининг ёрқин далилидир.

Маҳалладаги янгидан барпо этилган Нуриддин Фуломов, "Ўрикзор", Нурмат Мирзобоев, "Обод", "Гулзор", "Боғи шамол", Дилшод Валиев кўчаларининг икки томонида қад кўтарган кўплаб уйлар ҳавасингизни келтиради. Пойдевори мустаҳкам ва баланд, пишиқ гишт билан кўтарилиб, томларига оқ тунукалар қоқилган ойнаванд, нақшинкор ва безакли бундай иморатларни қуриш илгари энг бадавлат ва амалдор кишининг тушига ҳам кирмаган. Чунки бирорта шундай шахсий уй учраб қолса, дарров текшир-текшир бошланиб, ҳатто давлат ҳисобига мусодара қилинарди. Мустақиллик шарофати билан ички сиёсат, ҳаракатларимизнинг асосий мақсади мутлақо ўзгарди. Бош мақсадимиз халқ манфаатларини ўйлаш, унга фаровонлик ва эркинлик ато этадиган адолатли, халқпарвар жамиятни барпо этиш бўлиб қолди.

Аҳоли фаровонлигининг навбатдаги кўрсаткичларидан яна бири шундаки, хонадонларнинг барчаси газ, ичимлик суви ва электр энергияси билан тўлиқ таъминланишидан ташқари, оилаларнинг

ҳар бири рангли телевизор, видеомагнитофон, телефонларга эгадир. Ҳар уч хонадоннинг камида иккитаси шаҳар телефониға, маҳалла бўйича 230 нафар фуқароларда қўл телефони ва хонадонларнинг 90 фоизига яқини енгил автомобиль машинасиға эға бўлиши мустақиллик йилларида ҳар қайси инсон, фуқаро муносиб ҳаёт ва фаровон турмуш кечиға бошлаганлигининг далилидир.

Маҳаллада яшовчи тадбиркор Ҳожиакбар ҳожи Соатов чуқур мамнуният билан шундай дейди:

— Жамоа ҳўжалигида оддий табелчи бўлиб ишлаган вақтлардаги турмуш шароитимиз қандай ҳолатда бўлганлигини сўзлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Истиқлол шарофати билан тадбиркорлик ва тижоратта ўтдигу ҳамма ишлар юришиб кетди. Қисқа вақт ичида уй-жой шароитларимизни яхшилаб олдик. Ўғилларимға уй қуриб, уларни катта тўй қилиб уйлантирдик. Укам Мирориф ҳожи ва ўзим "Нексия" енгил автомашинаси сотиб олдик. Ўғилларимниям "Матиз" автомашиналари бор. Укам ва хотиним билан ҳаж сафарига бориб келиш бахтиға ҳам муяссар бўлдик.

Алишер Навоий маҳалласида Ҳожиакбар ҳожи Соатовға ўхшаш хонадонлардан яна кўплаб мисол келтириш мумкин. Ботир Баҳромов, Хайрулла Маҳаматов, Хуршид Исмоилов, Алишер Самиғов, Обид Баҳромов, Жаҳонгир Рўзметов, Жўрақул Қурбонов, Маъмура Тожибоева, Каримжон Толипов, Фаҳриддин Шерматов, Суръат Ҳусанжонов, Ислом Фуломовлар шулар жумласидандир.

Умуман, бутун маҳаллада аҳолининг фаровон яшашиға салбий таъсир кўрсатувчи омиллар йўқ. Аксинча, аҳоли турмуш даражасини ўстириш учун етарли шароит ва ишончли қафолатлар — тадбиркорлик ва ишбилармонлик, ҳамжиҳатлик, мурувват ва саховат ҳукм суриб келмоқда. Атоқли шоир Умар Хайём:

*Кимники бор эса бир бурда нони,
Ўзига яваша уй-ошёни,
На биров унга қул, на у бировға,
Шод бўлса арзийди — шудир жаҳони —*

деганидек, бутун республикаميزдаги каби Навоий маҳалласининг фуқаролари ҳам мустақиллик замонасиға яраша шоду хуррамлик, тинчлик ва осойишталик билан бахтиёр ҳаёт кечиришнинг барча омиллариға эгадирлар.

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА — ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОН

"Одамларнинг аҳвол-руҳиятидан хабардор бўлиб турайлик, бир-биримизга кўмаклашайлик. Меҳр-оқибат, мурувват бўлмаган жамият ҳалокатга маҳкумдир".

Ислом КАРИМОВ

Меҳр-оқибат, кўни-кўшнилик ва мурувват, узаро ёрдам каби олижаноб инсоний фазилатлар азалдан миллатимизга хос бўлган олий даражадаги қадриятлардир. Улар бизга одабийликдан сабоқ беради, меҳр ва диёнатни, ҳиммат ва фидоийликни, кўнгил уйининг беғуборлигини, файз-баракат ва саховатни намоён этиб, инсонни инсон билан яқинлаштиради. Муҳтожлар, кекса ва бевалар, етим ва ногиронларга айрим бадавлат одамлар томонидан мурувват кўрсатилиши уларнинг кўнглини кутаради. Ана шундай тарихан таркиб топган олижаноб инсоний қадрият, анъана ва удумларимиз буюк истиқлол шарофати билан ўз ривожини ва равнақининг олий поғонасига кўтарилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб "Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасини ташкил этиш", "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид чора-тадбирлар", "Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш", "Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш", "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш", "Ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз пенсионерларни белгиланган меъёрий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш", "Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби", "Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа тўлашни молиялаш тартиби тўғрисида" қабул қилинган ўндан ортиқ Қарор ва Низомлар ҳукуматимиз томонидан кучли ижтимоий муҳофаза таъминлашини ҳаётга татбиқ этишдаги амалий чора ва тадбирларни амалга оширилади.

Юқорида таъкидланган ҳужжатларнинг бош мақсади аҳолини ижтимоий ҳимоялашни энг муҳим омил деб ҳисоблаб, тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъана-

ларини оммалаштириб, барча маҳаллаларда маданий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустақкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Ижтимоий муҳофаза масаласи мамлакатимиз Конституциясида алоҳида қайд этилган.

Бинобарин, мустақиллик туфайли мамлакатимизда аҳолига ижтимоий кўмак беришнинг янги тизими шакллантирилди. Жумладан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасида таъкидланганидек, фуқаролар йиғини кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қўп болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағларни ўз ўрнида ва самарали фойдаланишни таъминлайди. Марказлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлардан қай тарзда фойдаланилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилади.

Соддароқ қилиб айтганда, нафақалар ва моддий ёрдамлар асосан оила орқали етказиб берилади. Демак, оила асосий мавқега эга. Бундай ёндашув умуминсоний қадриятларга, миллий анъаналарга ва халқимиз руҳиятига мос келади. Шунингдек, бундай ёндашув мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти талабларига, бу жамиятда маҳалла институти эгаллаши лозим бўлган муносиб мавқега айлани мувофиқ келади.

Тобора такомиллашиб бораётган давлат ижтимоий сиёсатини Алишер Навоий номли маҳалла фаоллари ҳам қуйидаги йўналишларда амалга ошириб борди:

- Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш.
- 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш .
- Болалари 2 ёшгача бўлган оналарга бериладиган нафақа.

Булар ислохотларимизнинг барча босқичида ҳам асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади ва унинг янги механизмлари жорий этилиб, шу соҳада фаолият кўрсатувчи комиссия аъзолари зиммасига катта масъулият юклайди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш бўйича фуқаролар йиғини қошида 15 гоҳ 21 кишидан иборат тузилган комиссия бўлиб, албатта унинг раиси маҳалла оқсоқolidир. Қонун ва Низомларда

таъкидланганидек, маҳаллада комиссия аъзолари ёрдам ва нафақа тайинлашда қуйидаги асосий қоидаларга амал қилишлари талаб этилади.

1. Ижтимоий адолатга қатъий риоя этиш. Қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик ва таъмагирлик иллатларидан холи бўлиш.

2. Берилаётган моддий ёрдам ва нафақанинг аниқ манзили бўлишини, ҳақиқатан муҳтож оилаларга берилиши, шу оиладаги энг муҳтож, ногирон ёки қарам бўлган шахснинг ўзига етиб боришини таъминлашни кузатиб бориш.

3. Оилалар ва фуқаролар томонидан аҳолини ҳимоя қилиш чораларига боқимандаларча ёндашишга йўл қўймаслик.

4. Фарзандларнинг моддий фаровонлигини оширишда оила масъулиятини ошириш, ҳар томонлама жисмоний ва маънавий ривожланиш, билим ва касб-ҳунар даражасини ошириш учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш.

Бу тамойиллар заминида умуминсоний қадриятларга, миллий анъаналарга риоя қилиш қоидалари ва халқимиз руҳиятига мос бўлган инсоний муносабат ва гамхўрлик ётганлигини англаган ҳолда, маҳалла қошида доимий фаолият юритувчи аҳолини ижтимоий ҳимоя этиш комиссияси ҳар бир аъзосининг фидойилиги, ҳалол ва поклиги, ҳақиқатгўй ва адолатпарварлик фазилатларига алоҳида эътибор берилади.

Фуқароларни қабул қилиш хонасига буюк Абу Али ибн Синонинг қуйидаги ибратли ўғитларининг ёзиб қўйилганлиги ҳам диққатга сазовордир:

— "Адолат... инсон хатти-ҳаракатининг энг яхши бегагидир. Адолатли, фанни севувчи, ақлли ҳукмдор инсонпарварлик муносабатларини адолат талабларига мослаштириб туриши керак". Ижтимоий ҳимоялашнинг асоссиз тенглаштириш тизимидан қатъиян воз кечиш, аксинча асрлар давомида қарор топиб такомиллашиб келаётган маънавий-ахлоқий қадриятларга, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятларига мувофиқ келадиган тамойилларга риоя қилиш маҳалла аҳолисини ижтимоий ҳимоя этиш комиссияси аъзоларининг доимий диққат марказидадир.

Аҳолидан тушган аризаларни синчиклаб ўрганиб чиқиш, тегишли ҳужжатларнинг талаб даражасида жамлигини аниқлаш, ёрдамга муҳтож оилаларнинг турмуш шароитлари билан атрофлича танишиш ва бунда ўта расмийчиликка берилиб кетмаслик, ариза ёзганлар билан ҳушмуомалада бўлиб, айримларининг рад этилиш сабабларини

осойишталик билан, уларни ранжитмаган ҳолда қонун ва далилларга таянган ҳолда тушунтира билиш комиссия аъзоларининг энг муҳим вазифалари ҳисобланади. Бинобарин, аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш нафақат иқтисодий ёки ижтимоий ҳодисагина бўлмай, балки у айни пайтда муҳим сиёсий, ҳуқуқий, маънавий масаладир.

Ҳаёт, маҳалладаги иш тажрибаси комиссия аъзоларининг имконият даражасида турмушнинг аччиқ-чучукларини, бозор иқтисодиёти шароитидаги ижтимоий ва иқтисодий ислохотларимизнинг мақсад ва моҳиятини яхши биладиган, маълумоти етарли бўлган фуқаролардан бўлишини тақозо этади. Шу жиҳатдан олий малакали тиббиёт ходимлари, меҳнат фахрийлари Абдиҳабир хожи Самигов, Фуломхўжа Исмоилов, олий маълумотли маҳалла оқсоқоли Эргаш Маҳаматов, тажрибали педагог Тоҳира Тошматова каби фидойи фуқароларнинг комиссия таркибида бўлиши ўзининг яхши самарасини бермоқда. Қолаверса, маҳалланинг ҳар бир кўчасидан камида битта ёки иккита фуқаронинг комиссия таркибига киритилиши ҳам моддий ёрдамнинг ҳақиқий муҳтожларга етиб боришини таъминламоқда.

"Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонда таъкидлаб ўтилган кам таъминланган oilалар, ногиронлар, етимлар ва ёлғиз қолган қарияларга нисбатан инсонпарварлик ва меҳр-шафқат муносабатида бўлиш гоёларини тарғиб қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги вазифалардан келиб чиқиб, маҳаллада махсус тadbирлар дастури ҳам ишлаб чиқилди. Унда, жумладан, қуйидагилар белгиланган:

— маҳалла бўйича ночор, ногирон, қаровчиси йўқ ёлғиз фуқаролар, кексалар рўйхатини тузиш;

— мактаб, коллеж, академик лицей гимназия ва олий ўқув юртларига қатнаб ўқийдиган талабалар сонини аниқлаш ва турмуш шароитлари билан танишиш ҳамда уларга ёрдам кўрсатишнинг чора ва тadbирларини ишлаб чиқиш;

— ўта муҳтож хонадонларга давлат йўли билан бериладиган нафақадан ташқари, зарурият юзага келган пайтда имконият даражасида ҳомийлар ёрдамини ҳам уюштириш;

— "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, "Соғлом авлод", "Камолот" каби идоралар билан яқиндан мулоқотда бўлиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш муаммоларини биргаликда ҳал этиш;

— маҳалланинг тажрибали педагог, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос ва иқтисодчи фаоллари иштирокида аҳолига кучли ижтимоий муҳофаза тамойилининг мақсад ва моҳиятини тарғибот қилиб бориш

учун жамоатчилик йўли билан мунтазам фаолият юритувчи ўқув-маслаҳат гуруҳини ташкил этиш.

Маҳаллада фуқароларга сабр-тоқат ва эҳтиёткорлик билан муомала қила билиш, омманинг ҳар бир табақаси, касб эгалари ва улар психологиясининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш, одамгарчилик ва меҳрибончилик қилиш, ёшларни ўз фарзандидек тушуниб, уларга ҳам ўзини аягандек қараш чин инсонийликдир. Инсоннинг қудрати, иқболи ва бахти ҳам одамлар учун яшай билишда. Давлат ва ҳукумат ёрдамини ҳалоллик билан одамларга етказа билиш, энг муҳими ночорларга суянчиқ бўлиш фаоллар учун ҳам қарз, ҳам фарз саналади.

Буюк Вильям Шекспир шундай деган эди:

*Оқиз кишини кўтариб қўймоқ унча катта иш эмас,
Кўтариб қўйгандан кейин унга мадад ҳам керак.*

Албатта, бундай мадад аввало маҳаллада бўлиши мумкин. Давлатнинг ғамхўрлигини аҳолига етказишдаги маҳаллалар ҳуқуқининг янада оширилиши аҳоли учун янада қулайлик яратмоқда. Бу албатта катта ишонч ва масъулият.

Буни давлат томонидан ажратилаётган маблағлар миқдорининг йил сайин ортиб бораётганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, битта Алишер Навоий номли маҳалланинг ўзида 1999—2002 йиллар оралиғида ижтимоий муҳофазанинг барча йўналишлари бўйича 20 миллион 204 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланган бўлиб, шундан 10 миллион сўмдан ортиғи 16 ёшгача болалари бўлган хонадонларга, 8 миллион сўмдан кўпроғи 2 ёшгача фарзандлари бўлган оилаларга берилди. 2003—2006 йилларда эса бу кўрсаткич 45 миллион 76 минг сўмни ташкил этди. 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга бериладиган нафақанинг ўзи 4 йил ичида 10 миллиондан 23 миллион сўмга, 2 ёшгача болалари бўлган оилаларга ажратилган моддий мадад эса 8 миллион сўмдан 18 миллионга ортганини кўрамиз. Ушбу рақамни республикадаги ўн мингдан ортиқ маҳаллага кўпайтирсак, ғоят катта миқдорни ташкил қилади.

— Ижтимоий муҳофазада маҳаллалардаги ҳомийлар, тадбиркор ва мулк эгаларининг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Аввало шуни таъкидламоқ керакки, кўмаклашувнинг бу йўналиши маҳалла орқали муҳтожларга ёрдам беришнинг самарали кўринишидир. Шу ўринда бир мисол келтириш жоиз.

Кузнинг салқин кунлари бошланиб, Рамазон ҳайити яқинлашиб қолган эди. Оиласини гулдек бошқариб келаётган Аҳрорнинг

шинамгина, файзли янги ҳовлисига қўшни Келес шахридан кўчиб ўтганига кўп вақт бўлмаганди. Ширин муомаласи, фаоллиги, ақл-фаросати ва меҳнатсеварлиги билан маҳаллада тезда ўзига яраша обрў қозонган бу очик кўнгил йигит бахтсиз ҳодиса туфайли ёруғ дунёдан бевақт кўз юмди. Фарзандларининг ёшлиги, янги уйга ҳали иситиш тизимларининг ўрнатилмаганлигидан хабардор бўлган хўжалик раҳбари Искандар Позилов уйга газ ўтказиш ва иситиш тизимини ўтказишни ҳайитгача битириб берди. Газ пайванллоовчи Абдуқаҳҳор Мирзаев ҳам ун беш кунлик беминнат меҳнати билан оилага катта мурувват кўрсатди. Жами 600 минг сўм ҳажмдаги иш бажарилди.

Саховатли инсонлар марҳумнинг оиласи, азадор она ва етим фарзандларга ана шундай мурувват кўрсатиб, қайғуга тўла бўлган совуқ уйни қалб меҳри билан иситдилар.

Ғазал мулкининг султони буюк Навоий:

*Эй кўнгул ҳар дам чекарсан эл ғамини, ғам дема,
Ҳар дамиким эл ғамидин холи ўтса, дам дема.
Худди жонингдек ўзингга маҳрам эт эл меҳрини,
Бўлмаса эл дардиға маҳрам, уни маҳрам дема,
Одамиким эл учун қайғурмаса, одам дема, —*

деганларидек, Алишер Навоий номли маҳалла ҳаётини нурлан-тириб турувчи, одамларга суянчиқ бўлиб, эл ғамида қайғуришни ўзи учун шараф деб билувчи, мурувватли қалб соҳибларидан яна бири Акбар Толиповдир. Россия ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларига доврўғи кетган "Сиб-Акбар" фирмасининг бошлиғи Акбар Толиповнинг Навоий номли маҳалла фуқароси эканлигидан унинг маҳалладошлари фахрланишга ҳақлидир.

Эзгу ишлари ва сахийликлари билан одамларнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган, ҳаёт лаззатини одамларга фақат яхшилик қилишда деб билувчи, қўли очик, ширинсўз бу инсон етук тадбиркорлардан ҳисобланади.

Хотира ва қадрлаш куни, ҳайитлар ва бошқа байрамларда кам таъминланган, қаровчиси йўқ кўп болали оилалар, нуроний кексалар ҳеч вақт Акбарнинг эътиборидан четда қолмайди. У бировга берган нарсаси ҳақида одамларга мақтаниб гапирмайди. У "Сахийнинг ўнг қўли берса, чап қўли билмас" тарзида иш тутади. Сахий булут далаларга беминнат ва беғубор ёмғир ёғдириб турганидек, одамларга мурувват кўрсатишда Акбар ўйланиб, пайсалга солиб ўтирмайди. Янги йил арафасида 26 нафар кам таъминланган оилаларга 26 қоп ун ва бошқа маҳсулотлар тарқатилганида унинг ҳомийси Акбар

Толипов эканлигини деярли ҳеч ким билмаганди. Ҳурматли Президентимиз иборалари билан айтганда, бундай ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларининг амалий ифодаси, десак бўлади.

Бева-бечоралар, етим-есир, муҳтож оилалар дардига ҳамдард бўлиб, қадрдон маҳалласини обод қилишда фаоллик кўрсатиб, савоб ва хайрли ишларни яхши кўрадиган Акбар Толипов каби саховатпеша инсонларни бу ерда кўплаб учратиш мумкин. Жаҳонгир Рўзметов, Ҳайдарбек Бўлисбеков, Журақул Қурбонов, Аҳмаджон Тошметов, Улуғбек Тошметов, Фаҳриддин Шерматов, Обид Баҳрамов, Алишер Самигов, Хайрулла Маҳаматов, Шукур хожи Аҳмедов, Суръат Ҳусанжонов, Икромжон Гуломов, Абдурашид Умаров, Раҳмонқул Қурбонов, Мажидхўжа Султонхўжаев, Маъмура Тожибоева, Оловиддин Ғиёсов каби кўплаб олиҳиммат маҳалладош ишбилармонлар ҳеч кимга сездирмасдан, овоза қилмай муҳтож оилаларга, ногирон ва ёлғиз кексаларга мурувват кўрсатиб келаётганлари қувончилidir. Улар айниқса "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Республика Президентининг қароридан келиб чиқиб ва "Ижтимоий ҳимоя йили"нинг дастурлари асосида меҳр-мурувват, саҳийлик бобида инсонпарварликнинг ҳақиқий намунасини кўрсатиб келмоқдалар.

Адолат тамойилларига қаттиқ риоя этиб Анвар Умаров, Абдурауф Мирдадаев, Раҳимжон Ирисметов, Толиб Тошматов, Абдулҳай Нигматиллаев, Бахтиёр Қосимов каби кам таъминланган ва ногиронлар оилаларига ижтимоий ҳимоя мезонлари ва воситалари тўғри танланиб, кўрсатилган мададнинг самараси айниқса катта бўлди. Уларнинг уй-жойларини қуришдаги кўмаклашишми, доридармонларига ёрдамлашишми, сигир-бузоқ паррандалар совга қилишми, никоҳ тўйларида кўрсатилган моддий ёрдам барчаси миллатимизга хос бўлган бағри кенглигини, қалб саҳийлиги, олий ҳиммат, улуғ саховат ва ҳақиқий мурувватни англатади.

Зеро, Президентимиз Ислом Каримов Конституциямизнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, "...кўнгли ярим бир инсоннинг дардига ҳамдард бўлиш, унинг руҳини кўтариш бамисоли бутун жаҳонни обод қилиш билан баробардир".

Яхшилик ва ҳимматни ҳамиша ўзларига ихтиёр этган, шиорлари фақат эҳсон ва мурувват бўлган маҳалланинг тадбиркор ҳомийларига бахт ва омад доимий ҳамроҳ бўлсин, дея ният қиламиз.

АЁЛ МЕҲРИ БИЛАН МУНАВВАРДИР МАҲАЛЛА

*Сизлар борсиз, сўзимизда садо бор,
Сизлар борсиз, ишқ аҳлида гадо бор,
Сизлар борсиз, минг бир дардга даво бор,
Мен офтобга алишмаган аёллар.*

Маҳмуд ТОИРОВ

Шоирнинг миллатимизнинг эртаси, муҳтарама Ўзбекойимлар ҳақидаги завқли мисраларини ўқиганимизда аёллардаги нафислик ва фидойилик, гўзаллик ва назокат яна бир бор кўз ўнгимизда гавдаланади. Уларни ҳаёт гули, ҳаётимизнинг юпанчи, илҳомларимизга куч бағишловчи қудрат деймизми, оқила ва муътабар зот деб таърифлаймизми, барибир камлик қилади. Улар ҳар қандай ҳурмат, эҳтиром ва таъзимга лойиқдирлар. Бу зоти улуғларнинг мустақиллик йилларида ишлаб чиқариш, илм-фан, тadbиркорлик, ҳунармандчилик, санъат ва спорт соҳаларида эришаётган ютуқларини, уларнинг оила ва ижтимоий ҳаётдаги ўрнини таърифлашга сўз етмайди.

Аёллар оиланинг устунни, бола тарбиясида масъул бўлганидек, маҳалланинг кўп қиррали фаолиятини ҳам аёлларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Маҳалла ташкил топибдики, аввалига маҳалла отинлари, кейин эса хотин-қизлар кенгаши унинг энг муҳим, ажралмас таркибий қисми бўлиб келмоқда.

Донишмандлардан бири таъкидлаганидек, аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшоми заиф, кундузи эса ғамгин бўлиб туради. Ёки аёлсиз ҳаёт бамисоли чироғи ўчган базмга ўхшайди. Бинобарин, Алишер Навоий номли маҳалла ҳам шу давргача қандай ютуқ ва обрўга эришган бўлса, унда албатта, маҳалла хотин-қизларининг ҳиссаси ниҳоятда улуғдир.

Маҳалла идораси курила бошланган 1985 йилдаёқ хотин-қизлар кенгаши ташкил топди. Халқ таълимининг жонкуяр фидойиларидан Мухтабар Алимова, Муборак Маннонова, Тоҳира Тошметова, Замира Аброрхўжаевалар бошчилигида Орзи Аҳмедова, Меҳринисо Арслонова, Савринисо Бахромова, Нури Нурматова, Азиза Мирзаева каби фаоллардан иборат кенгаш тузилиб, аввалига улар курилишнинг бошидан охиригача бўлган юмушларда жонбозлик кўрсатиб, айниқса аҳолини ҳашар ишларига жалб этишда, уларга катта қозонларда ширин таомлар тайёрлашда, идора ва гузарнинг тантанали очилишидаги ташкилий ишларда барчага фидойиликнинг ҳақиқий намунасини кўрсатдилар.

Маҳалла идораси очилиб, айниқса, у мақомга эга бўлгач, бошқа кенгашлар қатори хотин-қизлар кенгаши маҳалла тақдири учун, унинг келажаги, осойишталиги, оилаларнинг тақдири, аҳиллик ва жипслик учун, ёшларнинг маънавий ва маърифий тарбияси учун янада жиддийроқ ёндаша бошлади. Эзгу ишларга камарбаста бўлиш, ёш оилалар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш, оилавий можароларнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқини ҳимоя қилишга эътибор кучайтирилди. Унутиб юборилган миллий қадриятлар ва урф-одатларимизни тиклаш, такомиллаштириш, болалар саломатлиги ва тарбиясига эътибор бериш, тўй ва маросимларни меъёрида, исрофгарчиликсиз ўтказиш бўйича ташвиқотлар юритиш, ёшларни диний ақидапарастлик ва экстремистик оқимлар таъсиридан сақлаш, болалар ва аёллар ўртасида оилавий спортнинг ривожланишига қўмаклашиш, маҳалла қизларини ҳунармандчилик, тикувчилик ва бадий тўғарақларга жалб этиш диққат марказида бўлди. Тарихий ёдгорлик ва зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштириш, театр ва музейларга бориш, диний-маърифий тарбия мавзуларида суҳбатлар, турли мавзуларда оила ва маҳаллалараро кўрик-танловлар ўтказиш, бола тарбиясида ота-оналар масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, бу борада "Маҳалла — оила — мактаб" концепциясининг муҳим тамойилларини ҳаётга жорий этиш каби масалалар жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган маҳалла хотин-қизлар кенгаши иш дастурининг асосий ўзагини ташкил этади. Бу қадар кенг қўламли тадбирлар, албатта, фаоллардан, биринчи навбатда Кенгаш раисидан билим, ҳаётий тажриба талаб қиларди. Шунинг учун оддий бир оиланинг ўзи мўъжазгина бир жамият, кичик бир давлат эканлиги англаниб, уларнинг дахлсизлиги жипслигига боглиқлигини чуқур ҳис этган Алишер Навоий номли маҳалла хотин-қизлари ўз фаолиятларида ҳар жиҳатдан собитқадам бўлиш кераклигига алоҳида эътибор берадилар. Чунки 500 дан ортиқ оиласи бўлган маҳаллада бундай масъулиятли вазифаларни бажариш айти шуни тақозо этади.

"Аёлнинг сариштаси — уйнинг фариштаси", деганларидек, маҳалла фаоллари ҳар жиҳатдан намунали, оиласи ва қўшнилари билан иноқликда ҳаёт кечирувчи, фарзандларини яхши тарбиялаётган, дини диёнат, илмда билимдон, келин ва қудалари билан аҳил ва тотув муносабатда бўлган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган онахонларни хотин-қизлар кенгашига жалб этиш мақсадга мувофиқ, деб таъкидлайдилар.

Оминахон Каримова, Тоҳира Тошметова, Умриниса Тошметова, Маҳфуза Муҳиддинова, Муборак Ғуломова, Дилором Калонова,

Фотима Супиохунова (марҳума), Зулхумор Супиохунова, Гулсумой Усмонова, Озода Мирзоолимова, Мавжуда Толипова (марҳума), Насиба Усмонова, Фанияхон Юсуфохунова каби фидойи аёллар билан биринчи бор маҳалла хотин-қизларининг расмий кенгаши ташкил топди.

Француз драматурги Пьер Бомарше аёлларга "уддасидан чиқсанг гузал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмоғинг шарт", деб ҳақ гапни айтган. Ҳаёт тарозиси, муаммолар калити ва инсон фаолиятини бошқарувчи аёллардаги идрок, иш юритишдаги оқилалик ва фидойилик туфайли маҳалла йил сайин шуҳрат топиб бори.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга", — деб белгилаб қўйилган қонундан келиб чиқиб, оилалар манфаатини ҳимоя қилиш Алишер Навоий номли маҳалла фаолияти ва хотин-қизлар кенгашининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Бу борада маҳалланинг ўзига хос, амалда ижобий натижалар кўрсатган йўл-йўриғи, услуб ва ижодий ёндашишлари борки, улар оила муҳитидан бошланадиган инсон шахсини шакллантириш, миллий истиқлол мафкураси асосида комил, етук инсонни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади. Оилада феъл-атвор, ирода, ахлоқ-одоб, ота-онага муносабат, теварак-атрофга муносабат, илмий дунёқараш ва эътиқод шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича дастурлар ишлаб чиқилди. Ёшларда юксак инсоний ҳис-туйғулар, маънавият, ақл-заковат таркиб топиши учун ҳар бир кўчадан муносиб мураббийлар тайинланди.

Қолаверса, хотин-қизлар кенгаши маҳаллада ёш авлодни тарбиялаш учун оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигидан келиб чиқиб, "Маҳалла" жамғармаси, "Маънавият-маърифат маркази" Тошкент туман бўлимларининг тавсия ва маслаҳатларига таянган ҳолда соғлом муҳитни яратиш, она-Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, фуқароларнинг ўзаро аҳил бўлишларини таъминлаш йўналишлари бўйича дастурлар белгилаб олганлиги яхши натижа берди.

Оила ҳаёти ва унинг хусусиятларини ўрганиш, нотинч хонадонлар ҳамда ёш оилаларни аниқлаб чиқиш ва улар билан ишлаш, ўсмирларни турмушга тайёрлаш, ҳар бир соҳада аёллар ҳуқуқини муҳофаза этиш, оилавий ажримларга йўл қўймаслик ва бунда адолат тамойилларига риоя қилишга эътибор кучайтирилди. Ёлғиз аёл, қаровчиси йўқ болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш, ишсиз аёлларни иш билан таъминлашда қўмаклашиш, ёшларни турли касб-хунар

бўйича лицей ва коллежларга ўқишга жалб этиш маҳалла хотин-қизлар кенгашининг кундалик фаолиятига айланиб қолди.

Фидойилик ва масъулият, одамларга бўлган муносабат ва қатъиятликда Умринисо Тошметова, Тоҳира Тошметова, Оминахон Каримова, Озода Мирзаолимова каби жонкуяр аёллар барчанинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлишган. Шу ўринда улардан бирига тўхталай. Маҳалла ташкил топганлигининг дастлабки йиллари эди. Аёллар бир овоздан Умринисо Тошметовани маҳалла онахони этиб сайлашди. Жуда муносиб номзод. Ўқимишли, ҳаракатчан, меҳрибон, адолатпарвар, аёллар сардори бўлишга арзигулик аёл. Оила аъзолари ҳам эл-юрт хизматида масъул вазифаларни бажариб келаётган, ўқимишли, замонамизнинг етук инсонларидан. Умрихон ўқитувчи бўлганлиги учунми, ўз фаолиятида кўпроқ маҳаллада яшовчи педагоглар ва зиёлиларга таяниб, оилалардаги болалар тарбиясида маҳалланинг мактаб билан бўлган ҳамкорлигига алоҳида эътибор берди. Иккинчидан эса ёш оилалар, келин ва қайнона муносабатлари, туғиш ёшидаги аёллар саломатлиги, кекса, қаровчиси йўқ ёлғиз аёлларга ғамхўрлик кўрсатиш сингари масалалар унинг доимий диққат марказида бўлиб келди. Намунали оилалар ҳаёт тажрибасини оммалаштириш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ҳам Умринисо Тошметова фаолиятида алоҳида кўзга ташланиб турарди. "Бир болага етти маҳалла ота-она" деган нақлга амал қилиб, айрим оилалардаги муҳитни жамоатчилик кучи билан соғломлаштиришда унинг ўзига хос иш услуби қўл келди.

Маҳаллада "Оила сабоқлари"га ўхшаш дастлабки машғулот ҳам, хотин-қизлар хонасида "Ҳаёт чаманини яшнатиб турувчи гул, ҳаёт гулдастасини боғлаб турувчи оқила аёллардир" кўргазмасини ташкил этиш ҳам Умринисо Тошметова фаолиятидан бошланган эди. Ҳар ўн-ўн беш нафар хонадони ўша кўчанинг энг тажрибали фаолларига бириктириб қўйилди, балоғат ёшидаги қизларни турмушга тайёрлаш учун маҳалла қошида махсус машғулот ўтказувчи таъаррук онахонлар гуруҳи ташкил этилди. Келин-куёвларнинг ЗАГСдан ўтган кунларидаги меҳмондорчиликлар, чарларлар, бешик тўй ва бошқа маросимлардаги ортиқча харажатларни камайтириб, тартибга келтириш ҳам нафақат Алишер Навоий маҳалласида, балки туман миқёсида биринчи бўлиб Умринисо Тошметова бошчилик қилган хотин-қизлар кенгаши асос солганди.

Хайрли тадбирлар, Умринисо Тошметованинг жони дили 8 Март, Наврўз, Мустақиллик байрамлари ва бошқа маросимлар борми, ҳамма ва ҳаммасида нуроний, қаровчиси йўқ, ётиғлик бе-



Тошкент туманининг турли идораларида раҳбарлик лавозимларида кўп йиллардан бери самарали ишлаб келаётган Халимахон Сайдалиева маҳалла хотин-қизлари даврасида.



Туман Хотин-қизлар кенгашининг раисаси Ҳакима Юсупова "Аёл билан мунаввардир маҳалла" мавзусига бағишланган анжуман иштирокчиси (Пастдан ўнгда табаррук онахон Орзи опа Аҳмедова).



1987 йил 1 ноябрь. Алишер Навоий номли маҳалла гузарининг очилиш куни. Таниқди санъаткорлар Комилжон Баратов ва Маҳмуджон Азимов ушбу тарихий шодиёнага катта файз киритган эдилар.



Қўчқор Тургунов ва рафиқаси Мухтасар опа. Эзгу хислатларга бой, маҳалла идораси қурилишига катта ҳисса қўшиб, эл меҳрига сазовор бўлган инсонлар.



Аъзамхон Тўрахонов тумanning
биринчи раҳбари сифатида Алишер
Навоний номли маҳалланинг идора
ва гузарларини ҳашар йўли билан
қуриш тажрибасини қўллаб-
қувватлаб, унинг туман миқёсида
кенг қулоч ёйишига шароит яратиб
берганди.



Маҳмаджон ҳожи Тошметов.
Ҳар бир ишда фидойилик
билан ҳурматга муяссар бўлган
бахтли инсон.



Маҳалланинг биринчи оқсоқоли,
Халқ таълими аълочиси
Обиджон Одилов.



Азиза ая Мирзаева.
Неъматлар султони деб аталмиш
сумалакни маромига келтириб
тайёрлашнинг қўли гул пазандаси.
*Ял-ял ёнган — эй гулингдан,
Хипчагина тол белингдан,
Бол томади, эй қизгина,
Сумалак деган тилингдан!*
каби ҳазил қўшиқлар, лапарлар
«Наврўз» тантаналарига ҳамиша
файз киритади.



Ҳар бир маҳаллада ижодкорларнинг бўлиши қувончлидир. Юқорида (*чадан биринчи*) Саодат Бобожонова Навоий номли маҳалланинг ҳаваскор шоираси. Пастда (*ўнгдан биринчи*) Тўхтамурод Деҳқоний қўшни Гофур Хошимов номли маҳалла фуқароси. Қалами ўткир шоир эди. Ушбу фотосурат Тошкент тумани газетасига шоир Пулат Нишонов (*пастда — ўнгдан учинчи*) муҳаррирлик қилган даврда таҳририятда олинган.



Муҳаббат Соатова маҳалла ташкил топган йилдан буён хотин-қизларнинг энг яқин маслаҳатгўй фаолларидан ҳисобланади. (*Биринчи қатор, чадан иккинчи*).



Маҳалланинг энг нуроний ва пиру бадавлат отахони Мавлон ота Самиговнинг юз баҳорни қаршилаган унутилмас бахтли кунлари.



Маҳалланинг ташкил топиш йилларидаги фаоллар. Ўнгдан Туроб ака Абдурахмонов, Туйғун Комилов, Шариф Мирзаев, Худойберди Ҳакимов, Шариф Муҳиддинов, Тулқин Убайдуллаев, Йўлдош Ғоппоров, Раҳим Қосимов, Исмоил Сидиқметов ва бошқалар.



Маҳаллалар ҳомийси, меҳр-мурувватли, эл ғамхўри Искандар Позилов барчага меҳрибон ва ғамхўр инсон. "Энг намунали ҳомий" республика кўрик танловининг ғолиби Искандар Позилов (чапдан биринчи) Алишер Навоий номли маҳалла ҳудудидаги 9-мактаб учун яна бир қўшимча бинонинг қурилишга яқиндан қўмаклашди.



Маҳалла ҳудудидаги 9-мактаб янги биносининг тантанали очилиш маросими.



Мустақиллик йилларигача 9-мактаб ҳам гиштдан қурилган бир қаватли бинодан иборат эди



Маҳалланинг деярли барча ўқувчилари ҳозирги замон компьютер техникаси билан ишлаганга меҳр қўйганлар.



Янги вужудга келган кўчаларни умумий кўриниши



Бу иншоот ҳам маҳалла учун ҳусн ва аҳоли учун жудаям қулай бўлди.



Маҳалла фуқароси Ҳожиакбар Муродов бошқараётган колбаса маҳсулоти ишлаб чиқарувчи кичик корхона кўпчиликка манзур бўлмоқда.



Ободончилик ва фаровонлик жиҳатидан қўшни Мавлон Ғаниев, Зоирхон Жалилов, Ғафур Хошимов номли маҳаллалар ҳам Алишер Навоий номли маҳалласидан қолишмайди.

Мавлон Ғаниев номли маҳалла жонқуярларидан Маҳмуд Хожи Соҳибжонов фаоллар даврасида.



Бундан ўн беш йил муқаддам бу ерлар ташландиқ қаровсиз
жойлар эди.



*Олтин топмагину
ўргангин ҳунар,
Ҳунаринг олдида
хасдир олтин-зар.*

Абдурахмон Жомий.

Уз касбининг моҳир
устаси Рустам
Аҳмедов ва рафиқаси
Тожихон Аҳмедова.



Ёзги ўқув таътилини ўқувчилар ана шундай фойдали машғулотлар
билан ўтказадилар.



Янги маҳалланинг ҳар бир хонадонини газ ва ичимлик суви билан таъминлашда Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг хизмати катта бўлган.



"Меҳр ва мурувват йили"да Охунбобоев номли агрофирма раҳбари Искандар Позилов ва Алишер Навоий номли маҳалла оқсоқоли Эргаш Махаматов бошчилигида "Ҳасанбой Ота" қабристонининг йўллариغا асфальт ётқизилиб, ўриндиқларни янгилашда катта хайрли ишлар амалга оширилди.



Маҳаллада туман маҳалла оқсоқолларининг навбатдаги илмий-амалий семинар машғулоғи.



Тошкент вилояти маҳаллаларида тўй ва маросимларни
исрофгарчиликсиз, метёрида ўтказишга бағишланган кенгаш
қатнашчилари. Анжуман иштирокчилари Алишер Навоий номли
маҳаллада бу борада ишлаб чиқилган дастурга юқори баҳо бердилар.



Япониялик меҳмонлар Муборак ая Фуломова oilасининг ҳурматли
меҳмони.



Республиканинг таниқли журналистлари — Ғуломжон Мусаев, Расул Раҳмон ва Носир Рихсиев маҳалла ишлари билан танишмоқдалар.

мор онахонлар унинг бирор марта ҳам эътиборидан четда қолмайди. Жамоатчилик йўли билан ишлаётган бир аёлнинг масаланинг ҳам моддий, ҳам маънавий томонларини мустақил ҳал қила олиши, ишнинг кўзини билиши, уддабуронлиги, кези келганда эса сахийлик қилиши мурувват соҳибаси эканлигини англатади.

Ўзбекистон Давлат Миллий академик драма театри, Муқимий номли мусиқали драма театри, Ўзбекистон санъат музейи, Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ва Хумсоннинг хушманзара жойларида ҳордиқ чиқариш учун элликка яқин маҳалла аёллари учун саёҳатлар уюштирганда Умринисо Тошметова транспорт харажатларини ўз ҳисобидан қоплаган вақтлар куп бўлган. Ҳатто маҳаллада ўтказилган "Она меҳри — ҳаёт гулшани" мавзуидаги аёллар анжуманида Тошметовлар хонадони ўз ҳисобидан қўй сўйиб, йиғин иштирокчиларига беминнат саховат кўрсатди.

Ҳа, Умринисо Тошметова ўзининг билим ва тажрибаси, ҳалол ва камтарлиги, зиммасидаги вазифаларга бўлган садоқат ва эътиқоди, айниқса, аёлларга бўлган меҳр-муҳаббати, сабр-тоқати билан эл ҳурматига сазовор бўлган ҳақиқий жамоатчи аёлдир.

Ўзини жамиятдан, жамоатчилик ишларидан ташқарида тасаввур қила олмайдиган, одамларга наф келтиришни ўзлари учун бахт деб билувчи Тоҳира Тошметова, Озода Мирзаолимова, Оминахон Каримова, Гулсумой Усмонова каби фаоллар ҳам хотин-қизлар ўртасида олиб бораётган маърифий ва тарбиявий ишлари билан кўпчиликнинг ҳурмат ва эътиромига сазовор бўлган аёллардан ҳисобланади. Жамоада ишлашга ўрганган, бошқаларнинг бахти учун ўзининг қимматли вақтини бахшида эта билувчи кўплаб фидойи аёллар айнаи вақтда жамият орасида ўзларини ҳам англаб, маънавият ва камолот гултожи поғонасига кўтарилиб бордилар.

* * *

Ҳикматлар ҳазинасида таъкидланганидек, бундай олижаноб онахонлар эзгу иш, бошқаларга манфаат келтириш учун ўзларининг ҳузур-ҳаловатларидан кечишга доимо тайёр турадилар.

Тоҳира опа Тошметова ҳамиша одамлар учун хайрли ва савобли ишлар қилишга интилади. У маҳалладошларга суянчиқ бўлишни, муҳтожларга мурувват кўрсатишни, етим-есирларга ғамхўрлик қилишни ўзи учун шараф деб билади. Қарийб ўн йилдан бери маҳалланинг фидойи онахони Тоҳира опани маҳаллада танимаган ва ҳурмат қилмаган одамнинг ўзи йўқ. Маҳалланинг барча хонадон ва аёллари опа учун беш қўлдек ёд бўлиб кетган. Ёш келинлар, кекса

онахонлар, айниқса, турмушлари бироз алғов-далғов бўлиб, кейин тинчиб кетган оилаларнинг келинлари Тоҳира опани жондан севадилар. Чунки, Тоҳира опа аралашган оиланинг можароси, албатта, яхшилик билан яқунланади. Қудалар ўртасидаги, қайнона-келин ва эр-хотинлар ўртасидаги хоҳ катта, хоҳ кичик можаролар бўлмасин, уларни ижобий тарзда ниҳоясига етказмасдан қўймайди. Узоқ йиллар болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлаган Тоҳира опа ҳар қандай вазиятда гўдак болаларнинг тирик етим бўлиб қолишига йўл қўймасликка ҳаракат қилади ва бу йўлда чарчамайди.

Тоҳира опанинг доимо ёшларга айтадиган насиҳати ҳар бир ишда, айниқса, оилавий муносабатда сабр-қаноатли бўлиш, андиша ва ҳаёни эсдан чиқармасликдир.

*Нафисликда тенги йўқ ҳаё,
Латофату малоҳат билан,
Андиша-ю одоби билан,
Келинчақлар ҳуснидир ҳаё.*

Қуш тилини қуш билади, деганларидек, Тоҳира опа қайнона ва келинлар билан қандай тилда гаплашишнинг ҳадисини олган.

— Ҳой келинпошшалар, сабрли бўлинглар. Ким сабрсиз бўлса уятга қолади. "Сабрли бўлсанг — ўзарсан, сабрсиз бўлсанг ўсалсан", "Совун кирни очади, сабрсиз сирни очади", деган мақолни эшитганмисиз. Бир оғиз ноўрин сўз билан қаноатсизлик қилган одам бир умрга ўз бахтини мажруҳ қилиб қўяди. Беҳаё, андишасиз сўзлардан эҳтиёт бўлиш керак. Аёллар, айниқса, келинларга ҳаё деб аталмиш гўзал либос ярашади. Одабийликнинг зийнати ҳам, келажагингизни ёритиб турувчи машғала ҳам мана шу ҳаёдир.

"Эр осмон бўлса, хотин ер бўлиши керак", "Қайнота ота бўлур, қайнона она бўлур", "Қайнонали келин қарқара келин, қайнонасиз келин масхара келин" деган гаплар бекорга айтилмаган. Тўғри, келинларгаям осон эмас. "Келинлик — Бедилхонликдан қийин" деган мақол ҳам бор. Келинлик, ҳар бир аёлнинг тақдири азали.

"Келин янги кийса, қайнона куяр, қайнона янги кийса келин кулар", "Қизимнинг қайнонаси ёмон, ўзимнинг келиним ёмон". Кўрдизми, ҳаёт ўзи шундай. Уни ҳеч ким ўзгартира олмайди. Фақат чидаш, сабр-тоқат, муросаи мадора керак. Ҳаётда ҳам дили, ҳам тили ёқимли одамларгина яхши, бахтли ҳаёт кечири олишлари мумкин.

Ана шунга ўхшаш суҳбатлардан кейин ҳозиргина хўмрайишиб ўтирган қайнона-келинлар ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб, она-болалардек ҳаёт кечири бошлайдилар.

Буюк Алишер Навоий:

*Сабринг нечаким кўнгулни маҳзун айлар,
Ҳам сабр сени зафарға маҳрун айлар, —*

деганларидек, сабр қанчалик аччиқ ва қаттиқ бўлмасин, лекин у барибир инсонни зафар ва улуғликка чорлайди ва киши қўлига шодликлар калитини ҳада этади.

Ҳар бир оилавий муаммолар қулфини очишда Тоҳира Тошметованинг ўзига мос калити бор.

Шундай қизиқ воқеа содир бўлганди. Тўрт марта хотин қўйиб, бешинчи марта уйланиш тараддудида юрган ўғилнинг онаси Тоҳира опадан маслаҳат сўраш учун унинг ҳузурига чиқади. Шунда Тоҳира опа:

— Кенной, халқимизнинг ажойиб бир мақоли бор. "Ёлғиз ўғил ёвдан қаттиқ, хотини қалмоқдан қаттиқ". "Қалмоқ" дегани "душман", "тошкўнгил", "қаҳри қаттиқ" деган маънони билдиради.

Шу мақолнинг қисқача мазмунини гапириб берсам-да, кейин ўғлингизни уйлантириш маслаҳатини қиламиз.

Қадимда бир бева аёлнинг ёлғиз ўғли бўлиб, у бир бойнинг қизига уйланибди. Бойнинг кеккайган қизи қайнонага кун бермай ўз айтганини қилдиран экан. Ҳатто бечора қайнонага тухум бериб, уни кўксингда олиб юриб, жўжа очдирасан, деб мажбурларкан. Ўғли бу воқеадан беҳабар бўлсаям, уни қўйвориб бошқасига уйланибди. У келин ҳам янаям танноз бўлиб, дарахтларга арғумчоқ солиб, қайнона бечорани дор ўйнашга мажбурлабди. Кампир дордан йиқилиб, оёғи синса ҳам ўғлига билдирмабди. Ўғил иккинчи хотинни ҳам қўйиб, учинчисига уйланибди. Буниси ҳаммасидан ҳам ўтиб тушибди. Келин қайнонасини ўйинга тушириб, масхарабозлик қилишга мажбурлайди. Келиннинг калтаги остида рақсга тушган қайнона шундай деб қўшиқ айтаркан:

*Ёлғиз ёвдан қаттиқ бўларми?
Хотини қалмоқдан ортиқ бўларми?
Болагинам Матқосимжон, эркатой,
Хотинларинг қаттиқ зулм этди, вой-вой.*

*Битта хотин олдинг қилди созивор,
Иккинчиси келиб ўйнатди-ку дор.
Учинчи хотининг ҳаммасидан "соз",
Қилди охир, нетай, мени найрангбоз.*

Ривоят қайнонани мутлақо бошқа ўйга солиб қўйди.

— Худо асрасин ўшанақалардан. Уларнинг олдида мени келинларим, айниқса биринчиси тилло экан-у билмаган эканман, — деб ўйланиб қолди қайнона.

— Тоҳирахон, — деди у паст овоз билан. Жўжа очдириб, дор ўйнатиб, рақсга туширадиганидан асрасин. Худо хайризни берсин, қудамни кўндириб, ҳалиям бўлса биринчи келиним Саидани ўғлим билан яраштириб қўйинг, набираларим ҳам бўйи чўзилиб, дастёр бўлиб қолибди. Ўғлимни ўзим кўндираман, у айтган чизигимдан чиқмайдиган маъқул болалардан.

Тоҳира опа мўлжалга урганидан ичида мамнун бўлиб жиддий тарзда:

— Мабодо уларни кўндирсам-да, кейинчалик уялтириб қўймайсизми?

— Агар қайтиб келса, ўз қизимдай қабул қиламан, — деб сўз берди қайнона.

Мана, уч йилдирки, ўғил кўз очиб кўрган ёстикдоши билан аҳил ва тотувликда яшаб, яна гулдек бир ўғил кўришди.

Ҳадиси муҳаррамларда муросаси бузилган битта оилани яраштириб қўйиш ҳар қандай тоат-ибодатдан улуг туради деганларидек, Тоҳира опа яна катта бир савобли ишни бажарди. Опанинг ҳар бир кишига, унинг дили ва мақсадига қараб, пишиб етилган вазиятни ҳисобга олиб, мўлжалга аниқ урадиган ана шундай ўзига хос иш услуби ва йўл-йўриқлари бор. Энг муҳими, кўзланган мақсад сари бўлган интилишда орқага чекинмайди.

Хотин-қизлар Кенгаши ва меҳри офтоб қайноналар маҳалла келинларига алоҳида эътибор ва ҳурмат билан қарашади. Чунки келинлар оила беағи, кўрки ва гўзалликлар гултожи. Улар нафақат оилага, балки маҳаллага ҳам файз киритиб, фаросатли ва сариштали келинларнинг диди билан тонг саҳарлаб кўчалар гўзал қиёфага киради. Эшик олдиларига сув сепилиб, атрофлар супирилади. Ўтган-кетганлар, қўшнилари назарида бамисоли меҳригиге таралиб туради.

— Маҳаллада никоҳ тўйлари бўлиб, қанча кўп келинлар тушса, шунча яхши, — дейди Тоҳира Тошметова. — Нимага десангиз, аввало, келин бўлишнинг ўзи инсоний бир кўрк. Улар ўзларининг малоҳату назокати, оқила ва донолиги, саришта-саранжомлиги, гўзал ҳусни, дид-фаросати ва одоби билан ҳаммаёққа файз-баракот ва тўқислик бахш этадилар. Маҳаллага яхши келин тушса, худди Аллоҳнинг нури ёғилиб тургандек бўлиб, хонадоннинг остонаси ва кўчалар ялтираб туради. Ана шунда кексалар ҳам роҳату фароғатда яшайдилар.

Тоҳира Тошметова таъкидламоқчи бўлган маҳалланинг Феруза Фуломова, Камола Фуломова, Дилноза Абдужалилова, Хилола Шотурсунова, Нигора Зияева, Дилдора Нурматова, Маҳбуба Тошметова, Феруза Калонова, Дилором Усмонова, Дилфуза Тошматова, Холида Турсунова, Феруза Усмонова, Севара Маҳаммадалиева, Шаҳноза Тошметова, Нигора Фуломова, Камола Исмоилова, Хуршида Самиғова, Моҳира Тоҳирова, Чамангул Усмонова, Малика Бўлисова, Маъмура Каримова, Салтанат Қурбонкулова, Сурайё Ҳайитматова, Гулчеҳра Султонхўжаева каби чеҳраси ва либоси ҳам, муомала ва ишлари ҳам гўзал, инсон қалбида эзгу туйғулар уйғотадиган кўплаб келинлар борки, улар хонадон ва маҳалланинг ҳам файзини доимо кўрам қилиб турувчи гулдир.

Шоир ва ҳуқуқшунос олим Аюбхон Муҳаммадиев таърифи билан айтганда:

*Келин тушган ҳовлига
Оллоҳ нури ёғилар.
Тўймай ёшлар меҳрига
Кўёшу ой ҳам соғинар.*

Келининг яхши бўлса, берди худо, деганларидек, минг шукроналар билан айтиш мумкинки, Алишер Навоий маҳалла хонадонларидаги оилаларга нур бўлиб кирган, таъзим ва назокати гўзал, хаёли ва андишали, ақл-заковатли ҳар бир келинни туганмас хазина, деб баҳоласа муболаға бўлмайди.

Қувончли ва қайғули дамларда ҳам, маҳалладаги турли мавзуларда ўтказиладиган тadbирлар борми, тўй ва маросимлар, хотин-қизлар учун ташкил этиладиган саёҳат, маданий ҳордиқ чиқариш борми, ҳамма ва ҳаммасида Тоҳира Тошметова бош-қош. Туман марказий туғруқхонаси ва марказий поликлиника етакчи шифокорлари хотин-қизлар фароғати ва ҳаловатининг бош омили аввало саломатлик эканлигини назарда тутиб, маҳаллага тез-тез ташриф буюришади. Уларнинг аёлларга берадиган фойдали маслаҳат ва амалий ёрдамлари ўзининг яхши самарасини бермоқда. Бош шифокорлар Доно Пулатова, Муқаддас Қодирова, «Соғлом авлод жамгармаси» туман бўлимининг бошлиғи Гулизода Юнусова етакчилигидаги ўнлаб тиббиёт ходимларининг аёллар ва уларнинг фарзандларига кўрсатаётган беминнат ёрдамларидан маҳалла аёллари доимо мамнундирлар.

Истиқлол даврида Юртбошимиз томонларидан йилларнинг "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Аёллар йили" деб номланиши Алишер Навоий номли маҳалла Хотин-қизлар кенгаши учун ҳам

катта синов бўлди. Бу йилларда янада савобли ва хайрли ишларга қўл урилди. Бу жараёнларнинг ўзига хос жиҳатлари шундан иборат эдики, Президентимиз иборалари билан айтганла Инсон, Оила, Аёл тушунчаларини бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмасди. Улар мантикий жиҳатдан бир-бирини давом эттирувчи жуда муҳим ижтимоий ва сиёсий жараён эди.

Оила ва жамиятни бирлаштириб, унга файзу баракотлар ёғдириб, хонадонларни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар этувчи муътабар оналар, мунис келинлар ва қизлар ўртасида бундай тарихий аҳамиятга молик бўлган давлат дастурларини амалга ошириш янада катта масъулият, куч-қувват талаб қиларди. Маҳаллаларда, умуман жамиятимизда хотин-қизлар Кенгаши фаолиятининг ўрни беқиёс катта эканлиги айниқса ана шу "Инсон манфаатлари", "Оила" ва "Аёллар" йилларида яққол намоён бўлди. Тоҳира Тошметова бошлиқ маҳалланинг оқила, ташаббускор ва ташкилотчиларидан Омина Каримова, Озода Мирзолимова, Умринисо Тошметова, Муҳаббат Соатова, Маҳфуза Муҳиддинова, Дилором Калонova, Хурсаной Рўзметова (мархума), Савринисо Баҳромова, Маъмура Тожибоева, Жамила Файзиева, Замира Абборхўжаева, Гулсумой Усмонова, Башорат Шарифжонova, Нуринисо Ёқубова, Насиба Усмонова, Мухтабар Алимова, Муҳаббат Исроилова, Раҳима Орипова, Ҳолида Ибрагимова, Сабоҳат Алиева, Бусора Ирисметова каби фидойи аёллари ўзларининг ғамхўрлик ва жонбозликлари, меҳрибонлик ва қалби дарёлиги билан ободончилик, оилалардаги осойишталик ва аҳиллик, қўни-қўшнилар ўртасидаги меҳр-оқибат, адолатли ва соғлом муҳитни янада мустаҳкамлашда ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳда фаолият кўрсатдилар. Оламда аёл мадҳига дoston тугамайди деганларидек, 1998 ва 1999, яъни "Оила йили" ва "Аёллар йили"да ўтказилган тадбирлар мазмун-моҳият жиҳатдан ниҳоятда ранг-баранг бўлди.

Қадимий Бухоро, Самарқанд шаҳарларининг ўнга яқин зиёратгоҳларига, Темурийлар музейи, қатағон йиллари шаҳид кетганлар хотираси учун бунёд этилган музей, Ўзбекистон тарихи музейларига, Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий, Тошкентдаги Зангиота зиёратгоҳларига уюштирилган саёҳатлар маҳалла хотин-қизлари хотирасида ўчмас из бўлиб қолди. Аёллар йилида таниқли шоира ва ёзувчи Турсуной Содиқова билан "Аёлни улуғлаш — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғлашдир" мавзуида ўтказилган ижодий учрашув Президентимиз томонидан аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, уларнинг иззат-икромини жойига

қўйиш, оғирини енгил қилишда ҳукумат, жойлардаги ҳокимлик ва маҳаллаларнинг вазифалари ҳақидаги кўрсатмаларини ҳаётга тадбиқ этишда катта амалий тадбир бўлди. Гап айланиб келиб, опанинг эндигона чоп этилган "Ҳазрати аёл" китоби устида тўхтади. Бу китобни маҳалла аёлларидан анча-мунчаси ўқиб чиққан эканми, мунозара ниҳоятда қизгин тус олди. Айниқса, китобнинг "Қайнона қай она?", "Муҳаббат надур?", "Келинлар мажлиси" каби мавзулари китобхонларни ўзига алоҳида мафтун қилганди. Учрашув сўнггида табаррук ва муътабар онахонлардан Муборак ая Ғуломова шоира Турсуной Содиқовадан ўзининг "Келинимга" номли шеърини ўқиб беришларини илтимос қилади.

КЕЛИНИМГА

*Сиз келдингиз, эртакларни туйдим, қизим,
Жоним тиниб, ором тўнин кийдим, қизим,
Ҳеч кимнимас, сизни сизлаб суйдим, қизим,
Келин қизим, атиргулдай сўлим қизим.*

*Қийғоч қошлар қалам билан чизилмаган,
Ҳеч бир кўзлар бу кўзлардай сузилмаган,
Қулгичингиз аъло турар минг тиллодан,
Келин қизим, тўлин ойдай тўлин қизим.*

*Тилло қошлар қошингизда жиолоанар,
Бошингизда зар дўппилар тиллоланар,
Иффорларга тўлиб кетди остоналар,
Остонамни чаман қилган гулим қизим.*

*Эвоҳ, сизни онам кўрса бўлмасмиди,
Йиғлаб юриб, кўзмунчоқлар илмасмиди,
Сизни кўргач, яйраб, балки ўлмасмиди,
Келин қизим, бағрим тилим-тилим, қизим.*

*Энди онам ўлди дея йиғламайин,
Ҳолим сўраб турибсиз-ку онамдайин,
Сиз келдингиз, умрим узун бўлар тайин,
Келин қизим, тўлин ойдай тўлин қизим,
Остонамни чаман қилган гулим қизим.*

Давомли қарсақлар. Аёллар, айниқса, йиғинга таклиф этилган маҳалла ёш келинчаклари қувончининг чеки йўқ эди. Санъаткорлар

— Нуриддин Ҳамроқулов, Маҳмуджон Азимов иштирокидаги концертдан кейин файзли дастурхон атрофида меҳмонларга ош тортилиб, ошдан кейин юзга яқин аёллар махсус автобусларга ўтириб, Ўзбек давлат миллий академик театрига йўл олдилар. Шу куни улар "Хотинлар гапидан чиққан хангома" спектаклини мириқиб томоша қилиб қайтдилар. Умуман, "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили" ва "Аёллар йили" ҳар қачонгидан ҳам тадбирларга бой бўлди. Шу давр мобайнида маҳалла хотин-қизлари "Чимилдиқ", "Соҳибқирон Амир Темур", "Ўлдинг, азиз бўлдинг" спектаклларида ташқари "Туркистон", "Халқлар дўстлиги" санъат саройларига Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмонова, Ҳожибой Тожибоев, Муножот Йўлчиева, Илҳом Фармонов каби таниқли санъаткорлар концертларига ҳам ташриф буюрдилар.

Хотин-қизларнинг оила, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган муҳим тадбирлардан яна бири "Аёл, оила ва анъаналар" мавзuida ўтказилган Кенгаш бўлди. Байрамона тусда ўтган анжуманда республика Хотин-қизлар кенгашининг ўша пайтдаги раиси Дилбар Ғуломова, Ўзбекистон халқ артистлари Зиқир Муҳаммаджонов, Ёқуб Аҳмедов иштирок этишди.

"Аёллар йили" ва ундан олдинги йилларнинг мантиқий давомчиси бўлган "Соғлом авлод", "Она ва бола", "Қарияларни қадрлаш", "Обод маҳалла йили", "Меҳр ва мурувват йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили", "Ижтимоий ҳимоя йили"да ҳам маҳалла хотин-қизлар кенгаши давлат дастурларидан келиб чиққан ҳолда ана шундай серқирра ва мазмундор ижтимоий-сиёсий тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

АЁЛГА ЭҲТИРОМ — ВАТАНГА ЭЪТИБОР

Ҳаёт гузаллиги ҳақида сўз борганда аёллар, оналар учун бўлган ҳурмат ва эҳтиромни унинг энг юксак ва олий намунаси десак, муболаға бўлмайди. Одавийлик ва олижаноблик, барча фазилатлар ва маданиятнинг даражаси аёлларга кўрсатилган ҳурмат ва эътиборда кўринади. Улар жамиятимизнинг энг улуғ, эъзозли ва мўтабар инсонлари. Маърифатли халқларнинг ҳақиқий инсоний ҳислатлари ҳам аёлларга бўлган ғамхўрлик, меҳрибонликларида намоён бўлади. Аёллар юртимизда алоҳида эъзозланади. "Жаннат оналар оёғи остидадир" деб бежиз айтилмаган. Аёл қалбининг мусаффолиги, улардаги фидойилик ва жасорат, ўзларига хос бўлган назокат,

нафислик ва гузаллик, чидам ва ирода, ақл-фаросат, фақат эркакларгагина эмас, бутун жамиятга қанот бағишлайди. Аёл — аввало бу Она. У Ватан каби муқаддасдир. Купинча она янглиғ оқ ювиб, оқ тараган Ватан ҳақида сўз кетса, албатта мунис ва меҳрибон аёллар кўз ўнгимизда гавдаланади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир олижаноб инсон ўз меҳрибон онасини қалбдан севишни, жонажон Ватани бағрида яйраб-яшнашни ўзи учун улуғ ифтихор ва катта шараф деб билади.

Рус шоири И.С.Никитин шундай деганди:

*Эй, муаззам Ватан,
Сени севибон
Она демоққа
Бор менда асос...*

Бинобарин, инсоннинг мислсиз фарзандлик муҳаббати нурафшон Ватанига қандай бўлса, аёлларга, хусусан оналарга нисбатан ҳам шундай бўлмоғи даркор.

Мустақиллигимиз шарофати билан ўзлигимизни таниб, ҳаётимизни яна ва яна ҳам яхшилаб боришдек саодатли ишларимизда Президентимиз томонидан республикамиз миқёсида оила, аёллар, оналар ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилинишниинг боиси ҳам шундадир. Чунки, Ватан амлакат тараққиёти, иқтисодий ислохотлар тақдирини аёлларимиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 декабрдаги Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 февралдаги "Хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилга мўлжалланган тадбирларнинг давлат дастури тўғрисида"ги, "Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (1999 йил 17 март), "Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шaroитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида"ги (1999 йил, 17 март) қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги қонуни ва Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ўз моҳияти ва эътибори билан катта сиёсий-ижтимоий аҳамият касб этди. Айниқса, маҳаллаларда

тарбиячи педагоглар ўрнига оқсоқолларнинг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимига аёлларнинг белгиланиши ҳозирги амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва янгиланиш даврининг талабларига янада мос тушди.

Ушбу қонунлар, фармонлар ва қарорлар талабларидан келиб чиқиб, Алишер Навоий номли маҳалла хотин-қизлар кенгаши ҳам туман хотин-қизлар кенгаши, "Маънавият-маърифат маркази"нинг туман бўлими бошчилигида аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётда тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини оширишга қаратилган тadbирлар режасини ишлаб чиқди.

Оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соғлом оилани шакллантириш ва хотин-қизлар соғлиғини сақлашга алоҳида эътибор бериш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, аёлларни иш билан таъминлаш ва уларни тadbиркорликка жалб этишга кўмаклашиш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, оилаларда миллий-диний анъаналарни тушунтириб бориш, уларга амалда риоя қилиш, хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ёшлар онгига бузғунчи диний-экстремистик кучларнинг таъсир қилишидан сақлаш — маҳаллаларда диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилгандан кейинги даврнинг энг долзарб вазифалари эди. Бинобарин, бундан буён маҳаллаларда диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаган замонавий етакчи аёллар ёш авлодга, биринчи навбатда қизларга адабиёт, санъат, диний ахлоқдан сабоқ берадиган, керак бўлса хорижий тилларни яхши биладиган аёллар фаолият кўрсатишини тақозо этади.

Зеро, аёлларнинг илмли бўлиши уларнинг оиласи, фарзандлари, қариндош-уруғлари ва жамиятнинг маърифатли бўлиши учун мустаҳкам пойдевордир. "Эркак илмли бўлса — фарзанд илмли бўлади, аёл илмли бўлса — миллат илмли бўлади", деганларидек, қадимдан аёлларнинг илмли, оқила, фозила бўлишидан жамият доимо манфаатдор бўлиб келган. Демак, шу нуқтаи назардан олиб қараганда маҳаллаларда диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида ишлаш ўта масъулиятли ва шарафли иш. Бу лавозимнинг соҳибаси албатта ҳар

жиҳатдан маҳалланинг энг етук зиёлиси ва тажрибали аёли бўлишлигини тақозо этади. Чунки маҳалла оқсоқолининг бу соҳада маслаҳатчиси бўлиш аввалги тарбиячилардан ҳар жиҳатдан устун бўлиш демакдир. Бу лавозимга маҳалланинг эътиборли аёли, 9-мактабнинг энг тажрибали ўқитувчиси Маҳфуза Муҳиддинова тайинланиб, янглишилмади.

Шу нарсага амин бўлмоқ керакки, тажриба, фидойилик, аҳиллик бор ерда муаммо ва қийинчиликларнинг ўз ечимини топиши осон кўчар экан.

Тоҳира Тошметовадаги узоқ йиллик тажриба, Маҳфуза Муҳиддиновадаги чуқур билим маҳаллада бу соҳадаги ишларни жонлантириб юборди. Кўшилганнинг қўли узун деганларидек, оқсоқол маслаҳатчиси билан хотин-қизлар кенгаши ўзаро келишиб, бамаслаҳат иш олиб бориши ўзининг ижобий самарасини бера бошлади.

Хотин-қизлар соғлиғини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, айрим бузғунчи кучларнинг хотин-қизлар онгига таъсир қилишдан сақлашга қаратилган амалий чора ва тадбирлар, маҳаллада соғлом турмуш тарзини янада такомиллаштириш, ибратли миллий-диний анъана ва урф-одатларимизни сақлаб қолишнинг яққол намунаси бўлди.

"Оила камолоти — давр талаби", "Камолга элтувчи каломлар" (илм, ахлоқ, ота-она ҳақида), "Эркакларни асранг", "Эзгулик — инсонларга шодлик бағишлайди", "Аёл саломатлиги — олам шодлиги", "Ислон — инсонни юксалтирувчи буюк дин", "Имон ва одоб — инсон зийнати", "Мустақилликла музаффардир инсон", "Хотира — муқаддас туйғу", "Оила — жамият ҳаётининг кичик кўриниши", "Яхши хотин сиркани бол қилади", "Ўйинг жаннат боғидек бўлса, фарзандинг гулдек парвариш топади" каби ранг-баранг мавзулардаги суҳбатлар маҳалла хотин-қизлари ва уларнинг фарзандларини саодат йўлига бошлашда жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шундай суҳбатларнинг бирида тажрибали ўқитувчи, Республикада хизмат кўрсатган маорифчи, 9-мактаб ота-оналар Кенгашининг раиси Оминахон Каримова айрим бадфезъл, тарбия кўрмаган, уйида ҳар куни ғовға ва жанжал кўтарувчи аёлларга қарама-қарши ўлароқ "Ҳикматлар ҳазинаси"дан мисол келтириб, Қози Ширайк исмли эрнинг ўзини суюкли хоними Зайнаб шарафига уни мадҳ этиб ёзган шеърдан тингловчиларга қуйидаги мисраларини намуна сифатида ўқиб берди.

*Завжасалар (хотинлар) ичинда Зайнабим танҳо,
Қўлим синсин унга кўтарсам гоҳо.
Адолатсизликдир беайб урмоқ,
Зайнабимга муносиб — мадҳ этиб юрмоқ.
Хотинлар ичида у бир қуёшдир,
Бошқа барча хотинлар юлдузга эшдур.
Қуёшнинг ёнида юлдузлар учар,
Эркак саодати уйида бўлар.
Зайнаб итоатли, Зайнаб содиқдир,
Унга таёқ эмас, мадҳия ҳақдир.*

Шу ўринда яна бир ибратли ҳикоятни келтириш жоиз. Пайғамбаримиз (с.а.в.) қиз берувчи ҳам, қиз оловчи ҳам қуёв ва келиннинг дини-диёнати ҳамда ахлоқ-одобини албатта суриштириши кераклиги ҳақида тўхталиб, саҳобаларига:

— Ахлатхонада битган гулдан эҳтиёт бўлинг, — деганлар.

Асҳоб:

— Ахлатхонада битган гул қандай гул, ё Расулуллоҳ? — дедилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Ёмон муҳитда, исломий тарбиядан узоқ, ахлоқсиз бир оилада етишган гўзал аёл, — деб марҳамат қилдилар.

Зотан, маҳалла аёллари учун тарихий зиёратгоҳларга, музей ва театрларга, хотира хиёбонларга ташкил қилинаётган саёҳатлар ҳам диний-маърифий, маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи, хотин-қизлар кенгаши иш дастуридан кенг ўрин олган.

"Хумсон", "Сумча", Бўстонликдаги "Ором" кўли каби хушманзара жойларга бориб ҳордиқ чиқариш, Темурийлар музейи, "Мустақиллик ва эзгулик монументи", Хаста Имом, шаҳид кетганлар хотираси учун ташкил этилган музейларга тез-тез ташриф буюриш, Ўзбек миллий академик драма, Муқимий номидаги мусиқали драма театрларининг ҳар бир янги спектакллари бориб кўриш, Алишер Навоий номли кинотеатрда намоиш этиладиган турли фильмларни томоша қилиш, "Халқлар дўстлиги" ва "Туркистон" концерт залларига бориб машҳур санъаткорларнинг қўшиқ ва куйларини тинглаб маданий ҳордиқ чиқариш нафақат маҳалла хотин-қизларининг, балки эркакларнинг ҳам доимий анъанасига айланиб қолган. Буларнинг барчасида Маҳфуза Муҳиддинова, Тоҳира Тошметова, уларнинг фаоллари бош-қош ва камарбаста. Улардаги аёлларга хос фидойилик маҳалла равнақи, фуқароларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан камолга етказишда ҳамиша муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Конституциямизнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда "...узоқ ва яқин қўшниларимизнинг ҳавасини тортаётган жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг меҳнатини, айниқса, маҳалла аҳли, аёллар ўртасида катта иш олиб бораётган маслаҳатчиларнинг фаолиятини алоҳида эътироф этиш ва уларга чин қалбимдан ташаккур билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан", деб айтган дил сўзлари Навоий номли маҳалла фаолларига ҳам тааллуқли деб айтиш жоиз.

Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева ўзининг "Тириклик паноҳисан" номли шеърисида таъкидлаганидек:

*Тоғлар сендан ўрганар
Сукунатни, бардошни,
Дуоингдан эл кўкараар,
Қарғишинг ёрар тошни.*

*Миллатнинг жон томири,
Сен Ватанга тимсолсан.
Юртнинг ўчмас чироғи
Момо Ҳаво — Аёлсан.*

Ҳа, шу озод Ватаннинг, унинг остонаси деб аталмиш маҳалланинг фидойиси, оила ва жамиятнинг мустаҳкам устуниси, ҳаёт мураббийси бўлган буюк зот, нозик қўллари билан бутун дунёни тебратувчи, меҳрли қўлчи билан бутун бир жаҳонни қамровчи, оромбахш табассуми билан қувонч бағишловчи аёлларни мадҳ этишга барча таъриф-тавсифлар ожизлик қилади.

ТЎЙЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

"...Одамзот бор экан, миллат бор экан, шу миллатни ифода қиладиган, асрлар мобайнида қандайдир муқаддас даражага кўтарилиб қолган аломат - хусусиятлар ҳам у билан яшайди".

Ислом КАРИМОВ

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ота-боболаримиз бизга қолдирган олижаноб қадриятларни, гуруримизни кўтарадиган, халқимизнинг обрўсига обрў қўшадиган инсоний одат ва фази-

латлар қаторида халқимизнинг меҳмондўстлиги, сахий ва қўли очиклиги билан боғлиқ бўлган тўй ва маросимлар, миллий урф-одат, байрам ва анъаналар алоҳида аҳамият касб этади.

Ижтимоий ҳаёт тақозоси билан вужудга келган миллий урф-одат, анъана, тўй ва маросимларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги, дастурхонларнинг турли ноз-неъматлар билан тўкинлиги, тўйларимизнинг чиройли ва файзлилиги, меҳмонларга бўлган эътибор, иззат-икромнинг самимийлиги, дошқозонлардаги катта ошлар, хонанда-созандалар ижросида куй ва қўшиқларнинг янграб туриши ер юзида камдан-кам учраса керак.

Халқимизнинг тўйлар ҳақидаги доно нақл ва ўғитлари ҳам тўй соҳибларининг қанчалик масъулият, сахийлик ва тантилик билан тайёргарлик кўришларини англатади. "Тўйликнинг тўйча ташвиши бор, уйликнинг уйча ташвиши бор", "Ўлганига чидасанг, қўй қил, еганига чидасанг, тўй қил", "Қўй семизи — қўйчидан, тўй тамизи — тўйчидан", "Тўй силтови билан тўн битар", "Тўй — Худонинг хазинаси", "Тўйим ўзди, тўним тўзди", "Қоққанда қозиқ, оғанда хўрмача қолмади", "Тўй бўлса яхши бўлар, йигит-қизнинг бахти кулар" ва ҳоказо. Бинобарин, инсонни қувонтириб, ҳаракатга тушириб қўядиган ҳам, довруғини кўкка кўтариб, элга танитадиган ҳам, ҳайбаракаллачилик сабабли баъзан ташвишга солиб, тўзитиб, қарзга боғлаб қўядиган ҳам ана шу тўй-маросимлардир.

Айрим тўй қилувчиларнинг ҳатто ташвишга тушиб, "тўйим қандай ўтаркан, етишмовчилик бўлиб, эл-юрт олдида шарманда бўлиб қолмасмиканман?" каби ҳаёлларга бориши ҳам табиий. Ёки аксинча, ўзига тўқ, бадавлат тўй эгалари ҳеч қандай ташвишсиз, барча маросимларни дабдабали, тўкин-сочинлик билан нишонлашда ҳеч қийналмайдилар. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам тўйлар ҳам моддий, ҳам вақт жиҳатдан жуда серхаражат ва серташвиш жараён бўлиб, у ҳеч вақт кўни-кўшни, таниш-билиш ва қариндош-уруғларнинг ёрдами, кўмаклашуви ҳамда маҳалланинг тавсияси ва иштирокисиз ўтиши мумкин эмас. Тўй эгаси қандай лавозим, қандай мавқега эга бўлишидан қатъий назар, маҳалланинг маслаҳати, аралашувисиз тўй ўрнига тушмайди. Чунки ҳар бир тўй ва маросим албатта бошқарувга муҳтож ва бу ишда маҳалланинг иштироки жоиз.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасида "Тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар берилади", деб таъкидланади. Маҳаллада тўй ва маросимларни ўтказиш бўйича

оқсоқолнинг раислигида маслаҳат кенгашининг тузилиши, кенгаш таркибига обрў-эътиборли, ҳалол ва тажрибали кишиларни жалб этиш ҳамда улар фаолиятини доимий равишда йўналтириб ва такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳар бир тўй, маросим ёки маъраканинг тартибли, файзли бўлиб ўтиши асосан ана шу маслаҳат кенгашининг фаоллиги ва ташаббусига боғлиқдир. Ташкилий ишларни ўрнига қўйиш, ўтказиладиган тadbир ва маросимларнинг моддий, маънавий ва маърифий жиҳатларини кўзда тутиш, ҳар бир тўй ва маросимнинг ўтказилишини вазиятга қараб бошидан охиригача мувофиқлаштириб туриш ҳам шу кенгаш зиммасидадир.

Шу жиҳатдан ҳам тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича фаолият кўрсатувчи маслаҳат кенгашлари аъзоларидан катта тажриба, билим талаб қилинади. Маҳалла фаоллари, айниқса, оқсоқолнинг кўп вақтини эгаллайдиган тadbир асосан тўй ва маросимлардир. Биргина никоҳ тўйининг ўзи бир нечта: "тўй фотиҳаси", "тўй олдидан ўтказиладиган худойи", "тўй келиш", "сабзи тўғраш", "никоҳ оши", «қуда қақирёқ» каби маросимлардан иборатлиги ҳам моддий, ҳам вақт жиҳатдан ниҳоятда серхаражат эканлигининг далилидир.

Тўй ва маросимлардаги маҳалланинг берадиган тавсиясини кенг маънода тушунишни тақозо этади. Яъни, "одатимиз шундай бўлиб келган, ота-бувамиздан қолган мерос — "ўзбекчилик"-да, деб серхаражат ва серташвиш тўй-маросимлар билан таҳлика остида яшаш керак эмас. Президентимиз "Кўпчилик қаторида" деган иборани биз, аввало, атрофдаги жамоа, маҳалла-қўй билан бирга ҳамоҳанг бўлиб яшаш, уларнинг қаторидан чиқмаслик ва кўпгина ҳолатларда ор-номус деган тушунча билан чамбарчас боғланиб кетган қарашлар, деб қабул қилишимиз тўғри бўлади", деб таъкидлагани бежиз эмас.

Ўз ҳамёнини, фарзандлари ҳаётини яхшилашга шошилмаган, одатимиз шундай, деб исрофгарчилик ва дабдабазликдан иборат бўлган маросимлар кетидан қувган инсон — донишмандлар айтганидек, дарё бўйида ўтириб сувнинг тугагини кутган нодонга ўхшайди.

Урф-одатларимиз неча аср давомида шаклланган. Уларга фақат меъёрида муносабатда бўлишни талаб қилади. Инсонга ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган, қувончига қувонч қўшиб, муҳтожликдан халос қилувчи, азоб-уқубатлардан сақловчи омил меъёрдир. Доноликнинг бош таомили шуки, орзу-ҳавасда, юриш ва туришда ҳам меъёрни сақлашдир. Меъёрдан чиқиш, кўпчиликка риоя қилмаслик, тўй ва маросимларда еб-ичишда суиистеъмол қилиш, бойликка ҳирс қўйиш, манманликка берилиб, ошириб юбориш ва исрофгарчиликка йўл

қўйишнинг охир-оқибати такаббурлик ва нодонликни англатиб, ҳатто у бахтсизлик билан якунланиши ҳам мумкин.

Бинобарин, ортиқча молу дунё, харажатлар билан боғлиқ бўлган маросимлар заминида нохушлик, қўнгилсизлик аломатларининг бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Ортиқчалик ва дабдабазлиқнинг нохуш ва ўринсиз жиҳатлари ҳақида Аҳмад Югнакий шундай деганди:

*Айтарсан кийим, тун, шароб, ош керак,
Тилагинг кун мол йиғишу, қийналмай яшаш керак.
Агар йиғганинг эрса умрингга етарли мол-дунё,
Буни ҳазм этарга бир неча бош керак.*

Фақат ҳазм қилишга эмас, молу дунёни топиш, айниқса, уни сарфлашда ҳам бош керак.

"Очиқ айтиш керак, — деди маърузаларидан бирида Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич, — биз дўппимизни олиб қўйиб, чуқур ўйлаб кўрсак, тарихимизни эсласак, ҳақиқий қадриятларимизнинг мағзини чақсак, бу ортиқча даҳмазалар одамларимиз елкасига машаққатли бир юк, аниқроқ айтганда, доимий оғир мажбурият бўлиб тушаётгани аён бўлади".

Алишер Навоий номли маҳаллада ана шундай "ортиқча даҳмаза" ва "машаққатли юк"ларга барҳам бериш, ортиқча сарф-харажатлардан тежалган маблағларни фарзандларнинг ҳақиқий эҳтиёжига, оила юмушларини енгиллаштиришга, туғилажак гўдакларни соғлом қилиб ўстириш, ёшларнинг чуқур билим олишга эришишлари мақсадида тўй ва маросимларни меъёрида, дабдабасиз, исрофгарчиликсиз ва замонавий қилиб ўтказишга қаратилган қўйидаги маслаҳату тавсиялар маҳалла фуқаролари эътиборига ҳавола қилинди:

а) Тўй маросимлари бўйича:

1. Тўй олди маросимларни — унашиш, "тўй фотиҳаси" бериш тadbирларини, "маслаҳат оши"ни, қудалар томонига юбориладиган тугун ва тоғоралар сонини қисқартириш;

2. Келин ва куёвлар сарпосини меъёрида, энг зарурларини қилиш. Адолат тамойилига риоя қилган ҳолда мебелларни фақат келин томонга ташлаб қўймай, куёв томоннинг ҳам ўз ҳиссасини қўшишини жорий этиш;

3. Замон талабларидан келиб чиқиб "тўй бериш" ва "тўй олиш" одатларини ҳам маданийлаштириш мақсадида қопда ун, гуруч, сабзи, пиёз, қўй ва турли ноз-неъматлар билан тўй бериш маросимларини бирмунча ислоҳ қилиб, қуда томонлар ўзаро келишган ҳолда бу

масалани "тўй фотиҳаси"нинг ўзидаёқ харажатларнинг пулини бериш билан ҳал этиш. Бу нарса ҳар икки томон учун жуда қулай бўлиб, турли ортиқча оворагарчилик, транспорт харажатлари, бир нечта меҳмонларни кутиш, тўй олиб келганларга чопон кийгизиш ва шунга ўхшашлар ортиқча даҳмаза ва расмиятчиликдан бошқа нарса эмас.

4. "Сабзи тўғраш" маросимларида бўладиган ортиқча оворагарчилик ва харажатларни қисқартириш. Бу маросимни ҳам яқин қўшни ва қариндошлар билан ўтказиб, қудаларнинг никоҳ ошларига боришдаги ҳаддан ошишларга барҳам бериш. 100-150 киши эмас, қўпи билан 30-40 кишидан иборат, асосан ёши улуг одамларнинг боришига эришиш. Шунингдек, ошга борган қудаларга кийгизиладиган чопонлар сонини ҳам 3 тадан оширмаслик. Яъни, куёвнинг энг яқин кишиларига, холос.

5. "Висол оқшоми" тантанасидаги меҳмонлар сонини режалаштириш. Балоғат ёшига етмаган қиз ва болаларнинг бу маросимда иштирок этмасликлари, уни фақат келин-куёвларнинг тенгқурлари, энг яқин қариндош ва ҳамкасблар иштирокида, қўпи билан 150-200 киши билан нишонлаш. Санъаткор ва рақсга тушган меҳмонларга пул қистириб, пул сочиш одатларига барҳам бериш ва дастурхонга спиртли ичимликлар қўймаслик.

6. Никоҳ тўйидан кейин бўладиган чарларларга барҳам бериш билан бир қаторда, қуда чақириқни ҳам оилавий тарзда ўтказиш;

7. Ёш келинларнинг ҳайит байрамларида бўладиган "келин кўриш" ва қуда томонга юбориладиган сон-саноқсиз тоғора ва тугунлардаги ноз-неъматларга кетадиган харажатларни ёш оиланинг моддий-маданий мустаҳкамланиши учун сарфлаш;

8. Оилада фарзанд туғилиши билан боғлиқ бўлган "қовурдоқ", "ақиқа" каби маросимларни меъёрга келтириш. Айниқса, "ақиқа" маросимида икки юз, ҳатто уч юз кишилаб меҳмон таклиф қилишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини ҳамда бу маросимларни дабдабали қилиб ўтаказишнинг шарт эмаслигини тарихий манбалар асосида аҳолига тушунтириб бориш;

б) Марҳумлар хотирасига оид маросимларда:

1. Марҳум дафн этилгандан кейин уч кун давом этадиган фотиҳагарчилик кунлари безатилган дастурхонлар ёзмаслик ва қабристонда дафн иштирокчиларига рўмолчалар тарқатмаслик;

2. "Етти", "пайшанбалик", "якшанбалик", "йигирма" ва "қирқ" маросимлари ўрнига дафн маросимининг кейинги ҳафталарида "эхсон дастурхони" ёзиш билан чекланиш. Йил ошини ҳам қариндош-уруғ ва қўни-қўшнилар иштирокидагина ихчам қилиб ўтказиш. Марҳумлао

хотираси билан боғлиқ бўлган маросимларни имкон қадар тўйхоналарда эмас, асосан хонадоннинг ўзида нишонлаш;

3. Ҳайит — ўз мазмун-моҳияти билан байрам бўлганлиги учун уни фақат хурсандчилик ва ўйин-кулги билан ўтказиш. Таъзияли хонадонларда бел боғлаб, уч кун фотиҳагарчилик ўтказиш ўрнига байрам арафасида марҳумлар хотираси учун уларнинг оиласидан хабар олиш, қабристонларни зиёрат қилиш, қабр атрофларини обод қилиш ва гул кучатлари экиш энг хайрли ва савобли иш эканлигини аҳоли ўртасида тарғибот қилиб бориш.

Таҷрибалар шуни исботламоқдаки, биргина никоҳ тўйлари бўйича тавсия этилган маслаҳатларга қисман риоя этилган тақдирда ҳам битта тўйнинг ўзидан ўртача 1 миллион сўмлик маблағ тежалиши мумкин экан.

Демак, битта маҳаллада бир йилда ўртача 30 миллион сўм маблағни тежаб қолиш мумкин. Туман бўйича эса бундай тежалган маблағлар бир неча юз миллионлардан ҳам ошиши аниқ. Режа ва тежамкорликнинг фазилати катта. Улар озни кўпайтиради, тийинларни сўм қилиб, озни қадрлаш натижасида баракали кўп вужудга келади. Режасизлик ва исрофгарчилик эса бамисоли денгиз ичида ҳам бир пиёла сувга зор бўлгандек нарсас. Қайтий режа, тежамкорлик ва меъёри билан қилинган маросимларгина сокин оққан анҳор каби гузал бўлади. Охирини ўйламай, манманлик, ўзини кўрсатиш учун қилинган ҳар бир дабдабали тўй ва маросим кишини уялтириб, тўй эгаси кейин қаддини ростлай олмай қолади.

Эрдан ошиш мумкин-у, лекин элдан ошиб бўлмайди. Афсуски, тўй ва маросимларимизнинг айримларида ана шу режасизлик, исрофгарчилик, меъёрдан ошиш ҳолатлари авж олиб бораёпти. Қўша-қўша тоғоралар, ёзнинг жазирама иссиқ кунларида тезда айнаб қолиши мумкин бўлган норин, хасип, товуқ гуштлар, сохта обрў учунми, қуданинг никоҳ ошига қудаларнинг 150-200 киши бўлиб бсриши, қудаларга ҳатто 20 тагача чопон кийгизилиши, тўй базмларидаги пул қистириш ва пул сочишлар, турли ноз-неъматлар билан безатилган тўкин дастурхоннинг бўлишига қарамай, "ақиқа" ва "амри маъриф"ларда ошдан олдин сомса тортиш, "қуда чақирик", юбилей ва туғилган кунларни нишонлашдаги таомларнинг сон-саноксизлиги, марҳумлар хотираси учун қилинаётган эҳсонларнинг тўй дастурхонларидан фарқ қилмаслиги — буларнинг барчаси, бир сўз билан айтганда, ортиқча чиранишларга ружу қўйиш, зарур нарсалардан маҳрум бўлиш, ҳатто кишини муҳтожликка дучор қилишдан бошқа нарсас эмас.

Буюк Алишер Навоийнинг қуйидаги доно сўзлари ҳар бир иш, ҳар бир тadbирда дастуриламал бўлмоғи лозим: "Исрофгарчилик саҳийлик эмас, беўрин совуришни баъмани одамлар саҳийлик демас. Ҳақ молини куйдиргани девона дерлар, ёруғ кунда мум шам ёққанни ақлдан озган дерлар. Фахрланиш учун бермоқ ўзни кўрсатишлик ва бу билан ўзини саҳий демак беҳаёликдир".

Энг қимматли, бебаҳо вақтнинг ҳам аксарият қисмини тўй ва маросимларда ўтказиш унинг қадрига етмаслиқнинг бир кўринишидир.

"Ақиқа" ҳақида айрим мулоҳазаларни айтиб ўтиш жоиздир. "Ақиқа" азалдан бор нарсас. Манбаларда ёзилишича, у ҳеч қачон ҳозиргидек дабдабали нишонланмаган. Мазмун-моҳият жиҳатдан бу маросимда янги туғилган боланинг шукронаси учун битта қуй сўйилиб, оилавий тadbир ўтказилган ва қорин сочиға қайчи уриб, ўғил бола бўлса, ўша соч оғирлигида олтин, қиз бола бўлса, қумуш ҳадя этилган, деган ривоятлар бор. Шунингдек, "ақиқа" вақтида чақалоқнинг қулоғига азон ва такбир ўқилиб, унга исм қўйилган. Ҳозирги вақтда бу маросимнинг дабдабали тус олиб кетганлиги кишини ҳайратга солади.

Буюк Соҳибқирон Амир Темури ҳақидаги "Ривоят ва ҳақиқат" китобида унинг отаси шундай дейди: "Ақиқа вақтида сени шайх Шамсиддиннинг олдиға олиб кирганимда у Қуръондан ушбу оятни ўқиётган эди: *"амантум ман фи-с-сама ан йухифа бикума-л арда фа иза хий тамуру"*. Қуръоннинг бу оятида "тамуру" сўзи бўлганлиги учун биз сенга Темури исмини бердик".

Тарихий манбаларда 200-300 кишилиқ дастурхон ёзилиб, "ақиқа" маросими ўтказилганлиги ҳақида маълумот учрамайди. Ҳозирги "ақиқа" маросимлари баъзан "бешиқ тўйи" ёки "хатна" тўйлари билан уйғунлаштирилиб бораётганга ўхшайди. Бу маросимларнинг динга мансубли томони бўлмаса ҳам, у шурулар даврида тақққлаб қўйилган эди. Шунга қарамай, гигиена нуқтаи назаридан ниҳоятда аҳамиятли бўлган "хатна" қилиш боланинг "туғилган куни" баҳонасида бўлса ҳам нишонлаб келинаверган.

"Суннат тўйи"нинг "тахт уриш", "қозон қулар", "кечқурунги базм", "наҳорги ош" каби маросимлари файзли ва чиройли ўтарди. Базмлар оддий, камтарона дастурхон билан спиртли ичимликсиз ўтказилиб, қизиқарли аскиялар, яккахон ҳофизларнинг микрофонсиз айтган қўшиқлари, ноғора ва доираларнинг кўнгилларни хушнуд этувчи овозлари тун кечагача янграб турса-да, кишининг гашига тегмасди.

"Тахт уриш" маросимида эса тўй болага тайёрланган кўрпа-ёстиқ ва тўшаклар ўзининг алоҳида расм-русум ва урф-одатлари

билан аёллар томонидан уй тахмонига тахланган. Шу куни туй боланинг ота-онаси, тоғалари бола келажакда чавандоз йигит бўлиб етишсин, деган ният билан унга ясатилган тойни совға қилиб келганлар. Бу расм-русумлар замирида маълум бир ният ва орзу-ҳавас мужассам бўлган. Масалан, туй бола соғ-саломатлик билан вояга етиб, гушангага куёв бўлсин, деган ният билан "тахт уриш" кунига тайёрланган кўрпа-ёстиқларни бола уйлангунга қадар эҳтиёт қилиб сақлаганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ният у ёки бу расм-русумларни инкор этиш ёки таъқиқлаш эмас. Мақсад маҳаллада қадриятларни эъозлаш ва ортиқча одатларнинг бачканалашиб, меъёрдан ошиб кетишининг олдини олиш. Маросим ва анъаналар занжиридан бош ҳалқани топиб, халқ ақл-заковатига зид бўлган одатлардан, манманлик, ортиқчалик ва исрофгарчиликдан қутилиш, инсон ҳаётининг асосий шарти бўлган меҳнат ва унинг эвазига эришилган ноз-неъматлар ва ҳатто тоғларни ҳам емириш қудратига эга бўлган вақтнинг қадрига ета билиш, инсон ўзи қайси манзилга қараб кетаётганлигини чуқур англаш асосий муддаодир.

Зеро, инсон ҳаётидаги энг улуғ мақсад — унинг қадр-қиммати ва бахтидир. Бундай бахтга эришмоқ учун доно ва софдил, олижаноб ва узоқни кўра биладиган одамлар ҳар бир жабҳада оқилона иш тутишлари мақсадга мувофиқ. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳам мусулмонларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий тукис бўлишларини орзу қилиш билан бир қаторда туйлардаги ортиқчаликни риё деб баҳолаганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги Фармонида таъкидланганидек, кейинги вақтларда туй-хашамлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда шухратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, теварак-атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби нуқсонлар кўзга ташланди. Ўтакетган дабдабали тадбирлар ота-боболаримиздан қолган миллий расм-русумларимизга путур етказиб, муқаддас анъаналаримизни обрўсизлантиришга ҳам олиб келди. Бундай иллатлар, айниқса, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиб, кенг жамоатчиликнинг ҳақли равишдаги эътирозларига ҳам сабабчи бўла бошлади.

Ушбу Фармонда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, Республика "Маҳалла" жамғармаси, унинг вилоят ва туман бўлимлари, улар тасарруфидаги барча маҳаллалар, Ўзбекистон Хотин-қизлар

қўмитаси, Республика "Маънавият-маърифат жамоатчилиги маркази", "Оила" илмий-амалий маркази, "Қамолот", "Нуроний", "Олтин мерос" жамғармалари "Маҳаллаларда тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тузиладиган маслаҳат кенгашлари ҳақида тавсиялар" ишлаб чиқдилар. Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармаси фаолларининг мурожаатномаси, 1998 йилнинг 3 ноябрида эса Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг "Тўй маросимлари ва маъракаларни меъёрида ўтказиш ҳақида"ги махсус "Қатъ"и эълон қилинди.

Бу борада Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармасининг жамоат ва давлат ташкилотлари билан биргаликда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш ҳақидаги Республика Президентининг Қармонини бажариш бўйича амалга оширадиган ишлар дастури катта амалий тадбирлардан бири бўлди. Бу ҳужжатдаги ташкилий, маънавий-маърифий, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича режалаштирилган ишлар қармон талабларидан келиб чиққан бўлиб, кун тартибидаги энг долзарб ҳаётий масалаларни ўзида мужассамлаштирган.

Алишер Навоий номи маҳалла фуқароларининг кенгайтирилган мажлисида ушбу қармон талабларидан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда сўзга чиққан Абдиҳабир Самигов, Ғуломхўжа Исмоилов, Йўлдош Ғаппоров, Оминахон Қаримова, Нури Ёқубова, Шуқур Аҳмедов, Қамол Қалонов, Аҳмаджон Тошметов, Тоҳира Тошметова, Муҳтабар Алимова, Озода Мирзоалимова каби маҳалла фаоллари Қармонни энг долзарб, ҳаётий зарур, халқ манфаатини кўзловчи, катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган тарихий ҳужжат, деб баҳоладилар.

— Мен буюк Навоийнинг бир ўғитларини эслаб ўтишни жоиз деб биламан, — дейди Ғуломхўжа Исмоилов. — Ўринли берилган эски чопон ва қора тўн — сахийлик белгиси. Зардан тўқилган сарпо эса ўринсиз кийдирилса, ҳеч қачон қовушмайди. Демак, бобомиз айтганларидек, гап ҳар бир нарсанинг ўринли ва меъёрида бўлиши устида кетаяпти. Тўғри, сахийлик, қўли очиқлик улўф фазилат. Лекин ана шу сахийликни фақат тўй ва маросимлардагина эмас, балки хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатиш, муҳтожларга, бева-бечораларга ёрдам бериш, маҳаллаларни обод қилиш соҳаларида ҳам намоён этсак, ёмон бўлмасди.

— Қармонда назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш, уларга риоя этилишига эришиш — тўй қилаётган фуқаролар, биринчи

навбатда, маҳалла фаолларига боғлиқ, — деди сўз навбатини олган меҳнат ва уруш фахрийси Йўлдош Гаппоров. — Чумолининг бир йил йиққани — туянинг бир ютгани деганларидек, пешона тери билан йиллаб мисқоллаб йиғамиз-да, хоҳ тўй, хоҳ маърака бўлмасин, бир кунда совуриб, кейин пушаймон бўлиб юрамиз. Борида пора-пора, йўғида банда бечора бўлмаслигимиз керак. Фармон сиз билан бизнинг фойдамизни кўзлаяпти. Гап бирон бир урф-одат, расм-русумларимизни камситиш ёки инкор қилиш устида эмас, балки исрофгарчилик, манманлик ва дабдабазликка қарши кураш устида, меъёр, тежамкорлик ҳақида кетаяпти. Буни ҳар биримиз тўғри тушуниб, халқимиз, миллатимиз табиатига ёт бўлган ҳолатларга зарба бермоқ керак.

Мажлис якунида "Тўй-ҳашамларга, оилавий тантаналарга, маърака ва маросимларга маҳалла масъулдир" мавзuida кенгайтирилган қарор қабул қилинди. Маҳалла оқсоқоли Эркин Ғуломовнинг ушбу масалага оид Республика ва вилоят матбуот саҳифаларида чоп этилган "Ҳаёт дарёсининг ирмоқлари кўп" номли мақоласи ҳам кенг жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди.

Маҳаллада анъаналарни кенг тарғиб қилиш, миллий қадриятларимизга зид, тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган иллатларга қарши жамоатчилик фикрини шакллантириш борасида қатор амалий тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар ҳаётга тадбиқ этилди.

Тўй ва бошқа маросимлар ўтказишда маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган тавсиялар асосида фаолият кўрсатиш, уларнинг ташкилий, иқтисодий, маънавий ва маърифий томонларини мувофиқлаштириб туриш — маҳалла маслаҳат кенгашининг асосий вазифаси бўлиб қолди. Тўй ва бошқа маросимлар ихчамлаштирилди. Эзгулик, ҳиммат, мурувват тамойиллари асосида, чин инсоний ва шарқона удумларга амал қилган ҳолда хайр-эҳсон, муҳтожларга, бева-бечораларга ёрдам бериш каби саъй-ҳаракатлар жонлана бошлади. Акбар Толипов, Аҳмаджон Тошметов, Жаҳонгир Рўзметов, Суръат Ҳусанжонов, Раҳимжон Аҳмедов, Ботир Баҳромов ва Камол Калоновларнинг бу борадаги кўрсатган мурувватлари диққатга сазовордир. Улар тўй ва бошқа маросимлар билан боғлиқ бўлган харажатларнинг асосий қисмини етим болалар уйи, қаровчиси йўқ оилалар, ногирон ва бева-бечораларга ҳадя қилиб, энг савобли ишларда катта ташаббус кўрсатдилар.

Шу билан бирга, Фармон ижросини таъминлашга тўла-тўқис эришилмаётганлигини ҳам айтиб ўтишимиз зарур. Ҳамон ўша шуҳратпарастлик, дабдабазлик, исрофгарчилик ботқоғидан

чиқолмай, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимай, ўзини кўз-кўз қилиб келаётган мақтанчоқлар кам эмас. Шу хусусда Президентимиз "Обод маҳалла йили"да ҳақли равишда ўз муносабатини қуйидагича билдирди: "Қарор эълон қилинган, жойларда тўй-маъракаларни ўтказиш ишлари бироз тартибга тушгандек бўлди. Бироқ, афсуски, кейинчалик бу иш яна эътибордан четда қолиб кетди. Менинг таклифим шуки, бу масалани, авваламбор, маҳалла ва Хотин-қизлар кўмиталари турар-жойларда чуқур ўрганиб чиқиб, ўз таклиф ва тавсияларини бериши лозим. Биз ана шу таклиф ва тавсияларга таянган ҳолда, керак бўлса, янги қарор қабул қилишимиз, унда бу масала бўйича кўпроқ амалий ва таъсирчан чораларни кўриш ва бундай тадбирларни жамоатчилигимиз кучига суяниб, қандайдир чегарага солиш мақсадида иш олиб борсак, айти муддао бўлади, деб ўйлайман".

Ҳақиқатан ҳам бу масалага эътиборни янада кучайтириш зарур. Албатта, бунда халқимизнинг соғлом тафаккурига, асрий тажрибасига, кўпни кўрган маҳалла фаоллари, кенг жамоатчиликнинг салмоқли фикрига таяниш кўзланган натижани беради.

ТЕЖАМКОРЛИК, МЕЪЁР ВА ИСРОФГАРЧИЛИКЛАР ҲАҚИДА ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Бир бошоқ дон — бир сават нон.

* * *

Йигсанг —етасан, совурсанг — кетасан.

* * *

Мозоринг яқин бўлса ҳам,
Бозоринг яқин бўлмасин.

* * *

Ортиб қолса қозонда,
Иситиб ерсан азонда.

* * *

Ота мулки бўлса ҳам аяб е.

* * *

Бирин-бирин минг булар,
Тома-тома кул булар.

* * *

Пулнинг онаси тийин.

* * *

Танга тийиндан усар,
Йилқи кулундан усар.

* * *

Тийин қадрини билмаган, сўм қадрини билмас.

* * *

Товуқни есанг, бир ейсан,
Тухумини есанг, минг ейсан.

* * *

Туқликда очликни эсла,
Бойиганда муҳтожликни.

* * *

Чумолининг бир йил йиққани,
Туянинг бир ютгани.

* * *

Ямасанг янги булар,
Янгининг тенги булар.

* * *

Ўғил уйлантирганга ўн йил,
Қиз чиқарганга қирқ йил ёндашма.

* * *

Қиз чиқарган уй масжидга ўхшаб қолар.

* * *

Қозонга кирган қайтиб қопга кирмас.

* * *

Қириб есанг, қирқ кунга етар,
Ўйиб есанг — ўн кунга.

* * *

Ҳисобини билган — бир йил етим,
Ҳисобини билмаган — минг йил етим.

* * *

Аччиқ бўлсанг, қалампир бўл,
Тотли бўлсанг, болдай бўл.

* * *

Бир салла тагида икки калла бўлмас.

* * *

Бир томчи сув чумолига дарё кўринур.

* * *

Дарёни бир кесак билан лойқата олмайсан.

* * *

Игна билан битадиган ишга жуводиз тикма.

* * *

Ортиқ давлат кўз чиқарар,
Сумалак — бир яламоқ.

* * *

Борида — бўри, йўғида шўри.

ҚАЙДА БОР

(Шоир Муҳаммад Юсуфнинг шеърига ўхшатма)

Таомили турли ҳил
Маросим кўп бизларда.
Сероб палов, норинлар,
Йил давоми тўйларда
Тўйхона ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор?!

Мисқоллаб кўп йиғамиз,
Орзу ҳавас ҳам бисёр.
Шод бўлсин деб қудамиз,
Не десалар биз тайёр.
Хотамтойлик элда бор,
Бизда бори қайда бор?!

Никоҳ тўйи, чорларлар,
Чақириғу, бешик тўй.
Қиз томонга тайёрла,
Яна сарпо, катта қўй.
Қудалар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор?!

Чиқди янгилик яна,
Етармикан мояна.
Куёв томон жўнатсин,
Бир тоғора бедана.
Йўқловлар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор?!

Юртда тўйлар кўп бўлсин,
Олам шодликка тўлсин.
Ортиқча сарф-ҳаражат,
Дабдабалар йўқ бўлсин.
Тўй-ҳашам ҳар жойда бор,
Ўзбекчаси қайда бор?!

Эркин ҒУЛОМОВ

II БОБ ВАТАН ОСТОНАСИ

ЧИРОҚ КЎТАРГАН ОЛДИНДА ЮРАДИ

*Агар кимда бўлса ақл, илм, зеҳн,
Уни мадҳ этиб сен, тугал эр дегин,
Зиёд бўлса кимда уқув, ақл, билим,
Ёмон ва кичик бўлса ҳам мақтагин.*

Юсуф Хос Ҳожиб

Маълумки, ҳар қандай жамият ва жамоанинг ривожланиши, юксалиши инсон камолотига таянади. Инсониятнинг тожи деб аталмиш илм, маърифат ва фанга асосланмай туриб ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Зиёлиларни элга намуна, илм-фаннинг сарбонлари ва ёруғлик посбонлари деб бежиз айтилмаган. Зиёлилар шундай ёруғлик посбоники, улар ўз нури билан кўнгилларни ёритиб, инсонни юксалтиради. Инсон руҳини қаноатлантирувчи, жаҳолатни енгиб, ҳақиқатни ойдинлаштирувчи, кишиларга ахлоқ-одоб, тарбия инъом этувчи маънавият сандиғи ҳам зиёлилардир.

Инсонни шарафловчи энг улуғ фазилатлардан бири ҳам илмга чанқоқликдир.

Луқмони алайҳиссалом уғилларига:

"Ўғлим, олимларнинг сўзларини диққат билан тингла. Жаноби Ҳақ тупроқни ёмғир билан жонлантиргани каби, ўлик қалбларни илм билан тирилтиради", дея марҳамат қилганлар. Дарвоқе, илм ва билим шунчалар юксак бир неъматки, бу неъмат ўртадан кўтарилса, дунёдаги жамики нарса барбод бўлади.

Расулulloҳ (с.а.в.): "Илм — жаннат йўлини ойдинлаштирувчидир. У инсонга чўлларда йўлдош, ёлғизликда ҳамроҳ, кимсасизликда жондош дўст бўлади. Олимларни ҳурмат қилганлар мени ҳурмат қилганлардир. Илмига амал қилувчи олимнинг юзига меҳр кўзи билан қараш ибодат мақомида бўлади... Улар кўкдан туриб

ер юзига шуъла сочувчи юлдузларга ўхшайди. Олимлар изидан бориш — саодат йўлига йўналиш демакдир. Илм аҳлининг ҳурмат-иззатини жойига қўйиш лозим. Умнатнинг уламосини ҳурмат қилинглари, зеро улар ер юзидаги юлдузлардир. Олимнинг обиддан фарқи менинг умматим устидаги ҳақимга ўхшайди", деб даъват қилгандилар.

Юсуф Хос Ҳожиб:

Олимларнинг илми халққа машғалдур,
Машғал бўлгач, қоронғида киши адашмайдур.
Олимлар оммага йўл бошловчилардур,
Қаёққа бошласалар ҳам тўғри бошлайдур, —

деганларидек, Алишер Навоий номли маҳаллада ҳам ўзини илм-маърифатга бағишланган, одамларга меҳрибон, устозларига содиқ, билимини ақл-идрок, олижаноблик билан мужассамлаштириб билган, сўзлари шифобахш дорига ўхшаш, фан дарвозаси олдидаги талабларга жавоб бера оладиган, ҳодиса ва воқеаларга илм кўзи билан қаровчи ақл чироқлари кўпдир. Олам олим билан тирик, осмону фалакнинг зийнати юлдузлар билан, еру заминнинг кўркемлиги олимлар билан бўлганидек, маҳаллалардаги диний-маърифий, тарбиявий ишлар, аҳиллик, оилаларнинг равнақи, миллий қадрият ва урф-одатларнинг юксалиши, эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш ишлари ҳам биринчи навбатда фидоий зиёлилар номи билан чамбарчас боғлиқдир. Тўй ва маросимларни тартибли, замонавий, тежамли ва исрофгарчиликсиз ўтказиш, миллий урф-одат ва қадриятларимиз билан боғлиқ бўлган байрамларни нишонлашда ҳам доим маҳалла зиёлилари бош-қош.

Илм нури зулматни ёритганидек зиёлилар иштирок этган, улар аралашиб бош-қош бўлган маҳалланинг ҳар бир тадбири уюшқоқлик билан мазмунли ва қизиқарли ҳолда ўтади. Покиза қалб ва ҳиммат соҳибларининг мароқли суҳбатларидан баҳраманд бўлган ҳар бир ёш раҳмоний ва ахлоқий ўғитларни қалбларига жо қилиб, комиллик сари интилиши, маънавий оламни ўстириши, ҳаётда шахс ва жамият муносабатларини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Қобилжон Ғафуров, Икром Ғуломов, Рустам Каримов, Ришод Усмонов, Авазхон Жалилов, Аъзамхўжа Ақромов, Эргаш Маҳаматов, Сайфиддин Тоҳиров, Абдуҳабир хожи Самиғов, Нури Ёқубова, Носир Каримов, Маърифхожи Қодиров (марҳум), Ғуломхўжа Исмоилов, Алишер Ҳамроев, Аҳмадҷон Тошметов, Лутфилла Маннонов, Журақул Қурбонов, Қобилжон Обидов, Суръат Ҳусанҷонов, Абдулла Шомансуров, Абдурашид Умаров, Обиджон

Одилов (маҳрум), Абдираим ҳожи Ҳабибов, Музаффар Абдугофуров, Анвар Раҳмонов, Мажидхўжа ҳожи Султонов, Шукур Аҳмедов, Хуршид Исмоилов, Тоҳира Тошметова, Камол Рашидов (марҳум), Ҳайдарбек Бўлисов, Нурилла Файзиев, Дониёр Ҳасанов каби кўплаб зиёлилар оиласини фахр ва ғурур билан тилга олиш жоиздир. Техника фанлари номзоди, доцент Қобилжон Ғофуров, шу қишлоқда туғилиб вояга етган, маҳалласидаги 9-мактабни аъло баҳоларга битириб, Тошкент давлат енгил саноат ва тўқимачилик институтининг фаол жамоатчи ва аълочи студенти бўлган. Аспирантурани битириб, фан номзоди ва доцентлик даражасига кўтарилган заҳматкаш олим ва мураббий. Қобилжон Ғофуров камтар, оққўнгил, изланувчан ва меҳнаткаш инсон. Оиладаги ҳамжиҳатлик, иноқлик, фарзандларнинг аъло хулқи ва пухта билими, тўнғич фарзанд Жаҳонгирнинг фан номзодлиги диссертациясининг ниҳоясига етиб, қизлари Маликахон, Фотимахон ва Зухраҳонларнинг олийгоҳларни муваффақиятли тугатишлари, маҳалла ва иш жойида орттирилган обрў-эътиборлар Қобилжон Ғофуровнинг дилига қувват бағишловчи омиллардир.

Одамларнинг ишончини қозонган инсоннинг қадри баланд бўларкан. Олим Жазоир мамлакатининг енгил саноат институтида ҳам тўрт йил фаолият кўрсатиб, Ватан ишончини шараф билан оқлади ва янада катта ҳурматга сазовор бўлди.

Элга намуна бўлиб, юрт хизматида фидойилик кўрсатиб келаётган зиёлилардан яна бири марҳум Ниёзбек Усмоновлар оиласидир.

Инсоннинг мансаб ва амалига эмас, билимига қара, деган нақл нуқтаи назардан фикр юритганда оддий деҳқон, дала бригадири Ниёзбек Усмоновнинг оила аъзоларини фақат билим, одоб ва меҳнат безаб туради. Оилани тартибга солиб турадиган, қалбларни хушнуд этиб унга нур сочувчи, ёшларни гўзал ахлоқ соҳиби этиб тарбияловчи, ҳаёт шаъмини ёқиб турувчи илм Ниёзбек ака тасаввурида инсонларнинг бошқалар наздида энг азиз ва мукаррам бўлишлигининг муҳим шарти эди. Ниёзбек Усмонов 1959 йилда Хитой Халқ Республикасидан ёш оиласи билан Тошкент туманининг Охунбобоев номли жамоа хўжалигига кўчиб келганида 29 ёшда эди. Дастлаб оддий деҳқон, кейин звено ва бригада бошлиғи бўлиб ишлаган бу камтарин инсонни ҳеч ким қалби илм чироғи билан ёритилган, узоқларни кўра билувчи зукко одам деб ўйламаганди. Араб алифбосидаги ҳуснихатлик, дунёвий ва исломий билимларнинг мукамаллиги, тарих, адабиёт ва санъатга бўлган ихлосмандлик,

инсонни оддийликдан мураккабликка етакловчи китобларни ўқиш, оила даврасида маърифат ва санъатга оид суҳбатлар ўтказиб туриш, маҳалла тадбирларида, ахлоқ-одоб ва миллий қадриятларга оид мавзуларда суҳбатлар ўтказиш Ниёзбек Усмоновнинг олимлар даражасидаги илм соҳиби эканлигининг далилидир. Маҳалла фаоллари билан бўлган суҳбатларнинг бирида Ниёзбек ака шундай таъсирчан фикрни айтганди:

— Инсон илмсиз қолса, маънавий озуқадан маҳрум бўлади. Илм соҳиблари шон-шараф топиши мумкин, лекин мол-мулк эгаси бундай шарафга лойиқ эмас. Таом билан инсон вужуди жонланганидек, илм билан қалб тирилади — жаҳолат ҳам, қийинчилик, қувватсизлик ва келишмовчиликларнинг барчаси илмсизликдандир. Илмга интилган меҳнаткаш ва ҳалол инсон энг яхши одамлар тоифасига киради. Қуръони Карим, Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий, Навоий, Машраб, Ҳувайдо, Билол Нозим китобларини ўқиган ҳар бир кишининг қалби ойдинлашиб, фикри янада тиниқлашиб боради.

Буюк Абдураҳмон Жомийдан мисол келтириб шундай деган эди:

*Қадам қўйса ҳикмат тўла дил билан,
Ҳамма вақт ҳамма ёқ бўлади равшан.
Билимдан безак топиб дилу жон,
Еру сув китобин ўқийди олам.*

Ниёзбек ака юрагининг эзгу ният ва орзу-ҳавасларга тўлалиги, ҳаётини нурлантирувчи умид чироқларининг доимо порлаб туриши фарзандлар камолида беқиёс муҳим аҳамият касб этди. Айниқса ундаги ирода, талабчанлик, қатъият ва иштиёқ фарзанд ва туғишган укаларининг ҳаётда тўғри йўл танлаб, илм-ҳунарли бўлишларига катта омил бўлди.

Қаҳрамон Усмонов, Иминжон Усмонов (марҳум), Турдиш Усмонов Ришод Усмонов, Фарҳод Усмонов, Шерзод Усмонов, Азиза Усмонова, Дилмурод Усмонов — булар Тошкент Давлат политехника, педагогика, жисмоний тарбия, алоқа электротехника каби йирик олийгоҳларни аъло баҳоларга битириб, мустақил Ўзбекистон Республикасининг равнақи йўлида фидокорона хизмат қилиб келмоқдалар.

Тошкент Давлат Миллий университетининг Олий математика ва механика факультетини имтиёзли битирган Ришод Усмонов ота-она орзу-умидларини рўёбга чиқариб, Усмоновлар сулоласига катта қувонч бахш этди. У оддий ўқитувчиликдан фан номзоди ва доцентлик даражасига етиб, ҳозирда Тошкент Давлат ахборот

технологиялари университетининг Олий математика кафедрасида мудирлик вазифасини намунали тарзда бажариб келмоқда ва докторлик диссертацияси бўйича ҳам самарали иш олиб бормоқда. Қолаверса, у маҳалла ёшларининг ҳам сеvimли устози. Ким, қачон бўлмасин, математика фанидан қандай саволлар билан мурожаат қилмасин, Ришод Усмонов бажонидил ўз ёрдамини аямайди.

Усмоновлар хонадонидаги яна бир яхши фазилат одамларни ўзига яқинлаштиради. Кўп қиррали билим соҳиби Ниёзбек ака санъатда ҳам ўзига етарли истеъдод ва маҳоратга эга эди. У машҳур мақом усталари Абдивали Жариллаев, Ҳусанжон Жомий, Фиёсиддин Баротнинг асарларини дуторда мароқ билан куйларди. Вақти-вақти билан бу файзли хонадон меҳмонлар билан гавжум бўлиб, ярим кечагача кўнгилларга ором бахш этувчи ўзбек, уйғур халқининг қўшиқ ва куйлари мароқ билан тингланарди. Шоир ва ҳуқуқшунос олим Аюбжон Муҳаммадиевнинг "Мустақиллик нашидаси" номли қўшиғини ҳам ўзбек, ҳам уйғурча талаффуз билан ижро этгандаги кўз ёшлар Ниёзбек аканинг армонли юрагидаги огир юклар енгиллашиб, ҳурлик ва озодлик шабадасидан қалблар мусаффолашиб бораётганлигидан далолат берарди.

*Ҳур наволар эркалаб тонгни,
Гул-гунчалар урмоқда бонгни,
Ёритмоқда тафаккур онгни,
Мустақиллик нашидаси бу.*

Немис файласуфи Фихтер шундай деганди:

"Олим асосан жамият хизматкоридир: унинг олимлиги ҳам, бошқа табақа вакилига қараганда устунлиги ҳам жамият туфайлидир ва жамият учун яшаши керак".

Алишер Навоий номли маҳалла ташкил топган 1987 йилда Нурилла ўнинчи синф ўқувчиси эди. Ўйчан бу йигитнинг колхоз далаларида тинимсиз меҳнат қилиши, чорва молларини боқиши, пешона тери билан етиштирилган сабзавот маҳсулотларини бозорга олиб бориб сотишда ота-оналарига қумаклашишига кўпчиликнинг ҳаваси келарди. Юмушлар кўп бўлишига қарамай Нурилла мактабда аъло баҳоларга ўқирди. Далада кетмон чопавериб қўллари қавариб кетган бўлса-да, бу ўқувчининг ҳуснихатлиги эътиборга молик эди.

Доно халқимиз "Фарзандингнинг каттасини яхши тарбиялай билсанг, қолганлари унинг орқасидан эргашади", деганидек Лутфилла, Хайрилла ва марҳум Ҳабибулло ҳам ҳар жиҳатдан акалари Нурилладан қолишмасдилар. Улар ҳам дарсдан бўш вақтлари

ва дам олиш кунлари ота-оналари Эргашжон ва Муқаддасхонларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида кун ботгунга қадар дала юмушларига қарашиб, ярим кечагача дарс тайёрлашни ҳам қанда қилмасдилар. Эргаш Маҳаматовнинг яхши фазилатларидан бири, унинг меҳнатсевар ва тadbиркорлигидан ташқари, ҳеч вақт фарзандлари тарбиясига бефарқ бўлмади. Дала ишлари, оила ташвишлари билан қанчалик банд бўлмасин, ўғилларининг келажақда комил ва қобил инсон бўлиб етишишлари учун вақт ҳам, имконият ҳам топа билди. Ниҳоят, учала ўғил ўрта мактабни олдинма-кейин аъло баҳоларга битириб, турли олийгоҳларга кириб ўқиш бахтига муяссар бўлдилар.

Болалигидан бошлаб эртанги кунини, келажагини ўйлаб иш тутишга одатланган Нурилла армияга борсам керак бўлади, деган ният билан аввалига шофёрлик курсини битирди ва 1994 йили Тошкент Электротехника Алоқа институтини имтиёзли тугатгач, катта лейтенант лавозимида Ўзбекистон Қурулли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ҳам аъло даражада ўтаб, ўзи таҳсил кўрган олийгоҳ қошидаги аспирантурага кириб ўқиди.

Ёш аспирантдаги интилиш муваффақиятлар замини бўлди. Нурилланинг илмий раҳбарлари бўлажак олимнинг истеъдодига умид ва ишонч кўзи билан қарай бошладилар. Устозлардаги ишонч ва Нурилладаги орзу унга янги қанотлар бағишлаб, малака ошириш учун Бельгия давлатига йўл олди.

PADITEL TEMPUS (TACLS) training program Hogeschool, Antwerp, Belgium даги икки йиллик малака ошириш ва иккинчи мутахассислик бўйича Тошкент Молия институтида ҳам таҳсил кўриб, уни муваффақиятли равишда битириш Нурилла Маҳаматовни янада юксакликларга чорловчи нурли йўл бўлди. У кўп тилни билиш — битта қулфга тушадиган бир нечта калитга эга бўлишдек қимматбаҳо мулк эканлигини вақтида англаб тушуниб етди. Нурилла бутун фаолияти давомида рус ва инглиз тилларини мукамал ўрганиб, равон сўзлашга, тўғри талаффуз этишга ҳаракат қилиб келди. Бу ўз навбатида бўлажак олим учун Корея Республикасининг Сеул Миллий университети докторантурасида таҳсил кўришига имконият яратди.

Ёш олим ўзининг докторлик диссертациясини гарчанд инглиз тилида ҳимоя қилган бўлса-да, тўрт йил давомида корейс тилида ҳам равон сўзлашишни ўрганиб олди. Дала меҳнати билан суяги қотган, ўқиш ва илмга бўлган эътиқодини бирор кун ҳам сусайтирмаган Нурилла Маҳаматов 37 ёшида фан доктори ва

профессорлик унвонини олиш бахтига муяссар бўлди. Замонамизнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлган Ахборот технологияларини жаҳон миқёсидаги сўнгги ютуқларини мамлакатимизда татбиқ этишнинг иқтисодий самарадорлигига бағишланган ёш олимнинг бундай илмий изланиши Кореянинг машҳур олимлари томонидан қизгин маъқулланиб, унга юксак баҳо берилди.

Сеул Миллий университетининг ректори, профессор, Нурилла Маҳаматовнинг илмий раҳбари Жонг Су Ли ўз шоғирди ҳақида гапириб, фахр туйғуси билан шундай дейди:

— Нурилла танлаган илмий мавзу ниҳоятда истиқболли соҳа. Амалиёт ва ҳаётга татбиқ этиш зарур бўлган янгилик. Ёш профессорнинг энг катта ютуғи шундаки, унинг илмий ва амалий жиҳатдан ниҳоятда муҳим бўлган тавсиянома ва таклифларини Мустақил давлатингизнинг равнақи йўлида тўлиқ фойдаланишга етарли асос бор. Мен яна шунга аминманки, Ахборот технологиялари, телекоммуникация соҳалари ҳам Ўзбекистоннинг энг юксак ривожланган тармоқлари қаторига қўшилади.

Ҳа, Нурилла Маҳаматов илмга ўзини бахш этган изланувчан, қатъиятли, сабр-тоқатли инсон. У нафақат Маҳаматовлар сулоласининг, маҳалламиз, миллат ва Ватанимизнинг ҳам фахридир.

Ҳозирда Тошкент Ахборот технологиялари университетида ёш авлодга сабоқ бераётган Нурилла Маҳаматовга янада юксак парвозлар насиб этсин.

Маҳалланинг яна бир диққатга сазовор зиёлиларидан Суръат Ҳусанжоновлар оиласидир. Суръат беш ёшлигида унинг отаси — Абдуқайом Суръатжонов 1944 йили Белоруссиядаги жангларнинг бирида ҳалок бўлган. Онаси — Муборақхон ая бошқа турмуш қуришни ҳаёлига ҳам келтирмади. Ёлғиз ўғли — Суръатбекнинг бахтли келажаги орзуси билан яшади. Оналик меҳри билан отаси йўқлигини билдирмади. Ундаги ишонч, қатъият ва яхши орзу ҳамиша кўнглига ёруғлик бахш этиб турарди. Тўғри тарбия олган, тажрибали инсонларнинг доно маслаҳатларига таянган Суръат аввалига ҳисоб-кредит ўрта махсус ўқув юртини, кейин собиқ халқ хўжалиги институти — ҳозирги Иқтисодиёт университетини битириб, ҳар жиҳатдан пухта ва етук иқтисодчи бўлиб етишди.

Суръат ака Ҳусанжонов намунали хизмат кўрсатган Энергетика ва электрлаштириш, Ижтимоий таъминот ва Меҳнат вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Қасаба уюшмалари, Тошкент тумани Матлубот жамияти ва Собир Раҳимов туман Давлат Солиқ инспекцияси жамоалари уни ҳанузгача ҳурмат билан тилга оладилар.

Эзгулик учун курашиб бахтсизликни енга билиш, оила, дўсту биродарларни эъозлаш, фарзандларнинг бахтли келажаги учун қайғуриш, ҳалол меҳнат эвазига миннатсиз яшаш Суръат Ҳусанжоновга хос фазилатлардир. Бу инсон бошчилик қилаётган оилага бахт муҳри босилган. Ўзаро ҳурмат, аҳиллик, ахлоқ-одоб, осойишталик ва саранжомлик хонадонга қут-барака бахш этиб турибди. Уч қиз, икки ўғил ва 15 набиранинг ота-онаси, бува ва бувиси бўлиш бахтига муяссар бўлишга не етсин.

Қизлари Дилфуза, Дилноза ва Муҳаббатхон, келинлари Барнохон ва Гулчеҳраҳонлар эл эъозига сазовор бўлган, ота-она ва қайнота-қайноналар дуосини олган, ноёб касб ва етарли маълумот соҳибалари.

Суръат ака ўғиллари Комилжон, Қодиржонларни оиласи, авлодининг қувончи ва фаҳри деб билади. Комилжон Республика Энергетика ва электрлаштириш ҳамда Ташқи ишлар вазирликларида масъул ходим бўлиб ишлаб, ҳозир Ўзбекистон Республикасининг Покистондаги элчихонасида масъул ходим.

Қодиржон эса Ўзбекистон Республикаси Божхона тизимининг масъул ходими.

— Мен учун энг катта қувонч бахш этадиган воқеалардан яна бири шуки, — дейди мамнуният билан Суръат ака, — Комилжон ўғлимнинг учала фарзанди ҳам икки йил давомида Покистонда яшаб инглиз, урду ва араб тилларини чуқур ўзлаштириб олишибди. Набираларим Қаяумжон, Қобилжон ва Ферузахонлар ўзаро инглизча гаплашиб, қўшиқ айтишганда жудаям қувониб кетаман. Чунки, олийгоҳларда домлаларимиз бизга уқтирганидек, чет тилларни билиш аввало тафаккурни бойитади, қолаверса, одамнинг ақлини пешлаб, бошқаларнинг мушоҳада оламига кириб бориш имкониятини яратади. Тил билганга минг тилло деб бежиз айтишмаган!

Ҳусанжоновлар хонадони етук зиёлилар оиласи сифатида ўз нури, муруввати ва саҳийлиги билан кўпчилик эътирофига сазовор бўлган. Ҳадемай 70-баҳорини қаршилашга чоғланаётган Суръат Ҳусанжонов садоқатли ва вафодор умр йўлдоши Тожинисахон ая билан оила равнақи, набираларнинг камолотини ўйлаш билан бирга ҳар иккиси маҳалланинг жамоатчилик, хайрли ва савобли ишларида чарчамай хизмат қилишни ўзлари учун шараф деб билишади.

Йирик тадқиқотчи олим, техника фанлари номзоди Аъзам-хўжа Ақромов ҳам катта бир оила аъзолари билан эл-юрт, жамият манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилиб келаётган зиёлилардан ҳисобланади.

Инсонга билим олишнинг ўзи кифоя эмас, балки уни жамият манфаати, тараққиёт йўлида сарфлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аъзамхўжа ака шундай фидойи олимлардан. Олийгоҳда таҳсил кўрган, йигитлик чоғларида ҳам, Украинадаги аспирантлик йиллари ва номзодлик диссертациясини ёқлаб, Тошкентда Гидрология ва инженерлик геологияси илмий тадқиқот институтидаги жўшқин фаолиятида ҳам, сувтўплагичлар гидрологияси ва экологиясига оид илмий асарлари, 70 дан ортиқ мақолалари борми, барчасининг диққат марказида жамият манфаати ётади. Орада тўрт нафар ёш кадрларни фан номзоди қилиб етиштиришнинг ўзи ҳам устознинг марҳамати қуёшдек беминнат ва улуғ эканлигининг далилидир.

Кекса олимнинг бахти шундаки, унда ҳамон фанга, сеvimли касби ва ташқи оламга бўлган муҳаббати сақланиб қолган. У нафақада бўлишига қарамасдан бир неча йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази Тошкент бўлимининг бош мутахассиси. Маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва ҳосилдорликни оширишга қаратилган олимнинг ноёб тажриба ва иш услуби кўплаб бошқа йирик мутахассисларнинг ҳам эътиборини жалб қилмоқда. Биринчи навбатда маҳалла фуқароларига томорқа ва иссиқхоналарида маҳсулот сифати ва ҳосилдорлигини оширишда беминнат ёрдам кўрсатиб келмоқда. Аъзамхўжа Ақромовнинг рафиқаси Шарифа Аҳмедова ҳам эътиқодли, жонкуяр маорифчи. Инсон дилининг ифодачиси, сирлар сандиғини очувчи тил калитидан ёшларга 40 йилдан зиёд сабоқ бериш, хусусан хорижий тилларни ўргатиб, ёшларни дунё мазмуни билан таништира билиш, уларни қардошлик, дўстлик ва камолот чўққилари сари йўллаш Шарифа опадаги юксак маҳоратни англатади.

Аъзамхўжа Ақромов ва Шарифа опанинг ҳаётдаги энг эзгу ният ва орзуси фарзандлар камолоғи эди. Уларнинг ибрати фарзандлар учун катта мактаб бўлди.

Шоҳиста — Жаҳон тиллари, Саида — Тўқимачилик ва енгил саноат, Саидолим — Қишлоқ хўжалиги ва кенжа ўғил Баҳодир — Автомобил-йўллар олийгоҳларини битириб, ўз орзу-умидлари, жамият манфаати йўлида фаол хизмат қилиб келмоқдалар. Ақромовлар оиласини элга, маҳаллага танитган омиллар уларнинг илм-фанга бўлган садоқати ва юрт ишига камарбасталиқдир.

Илм-фан, билим тараққиёт, фароғат ва комилликка эришиш воситаси, улар Ватан ва миллатнинг юксак қиёфасини белгилайди. Уларни инсоннинг ақлу заковатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Илмга ҳам, энг нафис ҳунармандчиликка ҳам ақл-идрок қанот бағишлайди.

Ақл ҳақиқатни топиш, мақсадга эришиш учун нур бўлиб, у ҳаёт уйини нурафшон этиб туради. Ҳаётда нимаики эзгулик, ижод, яратувчилик бўлмасин, барчаси ақл-заковатдандир.

Донишмандлар ибораси билан айтганда, ақл — Аллоҳ неъматларининг олийси, дили пок инсонларгина ақлни мадҳ этиб, одамларга тўғри йўл кўрсатиб, дилларни шод этади. Зеро, Абулқосим Фирдавсий таърифлаганларидек,

*Худо неъматларин олийси идрок,
Ақлни мадҳ этар кимки дили пок.
Ақл йўл кўрсатиб дилни этар шод,
Ҳар икки оламда ақлли обод.*

Алишер Навоий номли маҳаллада ҳам Аллоҳнинг ақл-идрок неъматидан баҳраманд бўлган, бахтиёр бўлган инсонлар, эл-юртнинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган намунали оилаларнинг қўлиги ғоят қувончлидир.

Агарда инсон ҳаётининг биринчи қанотини саломатлик, иккинчисини ҳаракат деб тасаввур қиладиган бўлсак, марҳум Илҳом Фуломов асос солган пиру бадавлат оила улар кўмагида кўнгилларни хушнуд этиб, кўзларни қувонтирадиган тарзда парвоз этиб келаётганлигини чуқур ҳис этиш мумкин. Бу оила ҳаётининг файзли-барокотли томони ота-оналарнинг ҳалол ва меҳнатсеварлиги, касблари ва фарзандларига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқатида мужассамдир. Қолаверса, фарзандларнинг ота-онага итоаткорлиги, уларнинг гўзал хулқ-одоби, билимга чанқоқлиги хонадон истиқболининг порлоқлигидан далолат беради.

Ўз ҳаётининг моҳиятини чуқур билган, ҳаёт фақат ҳузур-ҳаловат кетидан қувиш эмаслигини англаган, эркин ва қувноқ ҳаёт кечириш учун унга фақат жўшқин юрак билан киришиш кераклигини ҳис этган оила бошлиғи Илҳом ака Фуломов ўз умрининг машаққатларини енгишни ҳам, унинг роҳатини таъминлашни ҳам уддасидан чиқа биладиган, тили ҳам, иши ҳам ёқимли, қўли гул инсон эди. Энг муҳими бу инсонда Аллоҳнинг мулки ва назаргоҳи деб аталмиш қалб покизалиги кучли эди. Инсоний қадр-қиммат, одамларга яхшилик қилиш, энг муҳими инсон саломатлиги ва унинг ҳаётини сақлаб қолиш шифокор Илҳом Фуломов қалбидан мустаҳкам ўрин олган фазилатлардан эди. Тошкент Давлат тиббиёт институтида таҳсил кўрган студентлик йилларида ҳам, Бухородаги иш фаолияти, икки марта Москва шаҳрида малака ошириш курсларида ўқиган йилларида ҳам, туман марказий шифохонасини бунёд этиш,

Охунбобоев номли, М.Фозилов номли ҳўжалик касалхоналарида бош жарроҳ бўлиб ишлаганда ҳам Илҳом Фуломов ўз зиммасидаги вазифани виждонан ниҳоясига етказишни муқаддас бурч деб биларди. Комил ният, қаттиқ ихлос, жарроҳларга хос журъат, ишонч билан ишлаш ва маҳорат — Илҳом аканинг туғма фазилати эди. У беморлар тақдирини ўз тақдири билан баробар деб биларди. Ярим кечасидаги ширин уйқусини бузиб бўлса ҳам, тўй ва меҳмондорчиликлардаги мароқли суҳбатларни тарк этиб бўлса ҳам, ҳатто уйда ўтирган нозик меҳмонларни ҳам қолдириб оғир ҳолатдаги беморлар ҳаётини сақлаб қолишга шошиларди. Ўзи севган, меҳр қўйган касбига, оиласи, фарзандлари ва яшаб турган маҳалласига бўлган садоқат Илҳом Фуломов қалбида муҳрланиб қолган муқаддас бурч эди. Илҳом ака эришган обрў-эътибор, кўксини безаган орден ва медаллар, юксак унвон ундаги кучли садоқат ва ироданинг ҳосилидир.

Илҳом Фуломов ҳаёт моҳиятини чуқур биладиган, фақат бугунги кун билан эмас, келажак гами билан муносиб ҳаёт кечирган инсон. Оила равнақи, унинг шон-шўхрати, фарзандлар тарбияси ва уларнинг камолоти Илҳом ака ва унинг вафодор, ҳамфикр, ҳамкасб рафиқаси Муборак аянинг диққат марказида бўлиб келган. Муборак аяни муболагасиз оиланинг мураббийси ва жон малҳами дейиш жоиздир. Бу аҳил ва иноқ эр-хотинларда қалб иккита бўлса ҳам, ягона истак, ягона эзгу мақсад билан яшашди. Дилдаги ишонч, тотувлик ва интилувчанлик янгидан-янги орзу ва мақсадлар сари чорлади.

Фарзандлар ҳали жуда ёш эди. Тўнғич ўғил Икромжон беш ёшда, Мавлуда тўрт ва Муяссар бир ёшдалигида Илҳом ака Муборак опага ҳамширалик курсида ўқишга шароит яратиб берди. Фельдшерлик-лаборантлик касбини эгаллаган опа умр йўлдоши Илҳом ака билан деярлик бир жойда салкам 40 йил самарали фаолият кўрсатди. Орада бир неча бор малака ошириш курсларини битириб, физиотерапия мутахассислигини ҳам пухта эгаллаб олди. Шаҳардаги 17-поликлиниканинг стерилизация бўлимини, 19-поликлиниканинг физиокабинетларини жиҳозлаш, М.Фозилов номли жамоа ҳўжалигида эса янги очилган касалхона физиотерапия бўлимини ташкил этишдаги жонбозлик ва ундаги узоқ йиллик намунали хизмат Илҳом ака қатори Муборак опага ҳам обрў келтирди. Қўша-қўша орден ва медаллар, эл-юрт, ҳамкасблари ўртасидаги ҳурмат-эътибор опахондаги меҳнатсеварлик, ирода ва инсонларга бўлган меҳр-муҳаббатнинг мукофотидир.

Чидамли ва сабр-тоқатли одамнинг роҳати ҳам кўп бўлишлиги табиийдир, — деб мамнуният билан таъкидлайди Муборак ая. — Ожизлик билан эмас, журъат билан яшамоқ керак. Ҳаётнинг маъно-моҳияти фақат ҳузур-ҳаловат кетидан қувиб, бенаф, самарасиз яшаш эмас. Ҳаёт — бу ўз зиммамиздаги ва виждонан ниҳоясига етказишимиз зарур бўлган бурчдир. Биз Илҳом ака икковимиз узоқ йиллар давомида самарали ва нуқсонсиз хизмат қилиб, қобилиятли, одобли фарзанд-набираларнинг ота-онаси, бува ва бувиси бўлиш бахтига сазовор бўлганимиздан қувончимизнинг чеки йўқ. Фақат Илҳом аканинг бу ёруғ дунёдан эртароқ қўз юмганлари демаса, мен ўзимни энг бахтли, осойишта ҳаёт кечираётган бахтли она ва севимли бувиладан бири деб ҳисоблайман.

Бу оиланинг энг катта бахт-саодати фарзандларни тўғри тарбиялай билишда бўлди. Икромжон олийгоҳни аъло баҳоларга битириб, "Ўзпахтасаноат" уюшмасининг бош мутахассиси, Мавлудахон олий малакали шифокор, Муяссархон Ўзбекистон тарихи музейининг илмий ходими, кенжа ўғил Исломжон эса Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида таҳсил кўриб, тадбиркорлик соҳасида ишламоқда.

Отанинг ибрати фарзандларга мактаб бўлиб, Икромжоннинг катта ўғли Фарруҳ республика Молия вазирлигида бўлим бошлиғи, Фарҳод эса "Ўзстандарт" агентлигида бош мутахассис лавозимида ишлаб, ҳаёт пиллапояларидан илдам кўтарилиб бормоқдалар.

Уйнинг саришталиги келинларнинг дидига боғлиқ деганларидек, бу оила келинларидаги ақл-идрок, фаҳм-фаросат хонадонга янада файз киритиб туради. Раънохон ва Камолахондаги одамийлик, ширинсўзлик каби фазилатлар хонадоннинг битмас-туганмас хазинасидир. Раънохон маҳалла болаларининг жонкуяр шифокори, Камолахон ёш келинларнинг тўй сарполарини тайёрлашда сидқидилдан ёрдам берувчи қўли гул чевар келин.

Муқаддас китобимиз Қуръони каримда таъкидланганидек, доимий имонда ва савобли ишларда юриб, ширкдан сақланиб, чиройли иш қилувчиларнинг мукофоти бу дунёда фақат мақтовдир. Бинобарин, Илҳом Фуломовлар оиласи маҳалланинг ҳар жиҳатдан намунали бўлган етук зиёлилар хонадони қаторида ҳар қандай мақтовларга лойиқдир.

Маҳаллада Илҳом Фуломов, Фуломхўжа Исмоилов каби фидойилик кўрсатиб, шифокор деган шарафли номга муносиб фаолият кўрсатиб келаётган инсонлар ҳақида яна кўплаб дил сўзларини айтиш мумкин.

Тошкент шаҳар тиббиёт академияси ички касалликлар бўлимининг доценти, тиббиёт фанлари номзоди Нигора Аҳмедова, туман Марказий шифохонасининг бош жарроҳи Каримберди Эгамбердиев, ота касбини мукаммал ўзлаштирган Салимжон Эгамбердиев, доришунослик бўйича республика миқёсида танилган, фидойи ва камтариш инсон Сайфиддин Тоҳировларнинг ҳам диққат-эътиборлари ҳамиша юртдошларимизнинг саломатлигини яхшилашга қаратилгандир.

Донишмандларнинг одобли болани ҳамма яхши кўради, лекин асил ўқитувчи одобсизни ҳам меҳри билан яхшилар қаторига қўшади, деган ҳикмати бор. Озода Калонова ўз фарзандларини ҳам, юзлаб мактаб ўқучиларини ҳам ўзининг маҳорати, истеъдоди ва эътиқоди билан билим булоқларидан баҳраманд қила билган тафаккури кучли, маънавиятга бой маорифчи. Унинг марҳамати, меҳри барча учун баробар. Унга мурожаат қилиб, ёрдам сўровчи ўғил-қизлар сон-саноксиз. Чунки унинг ёшларга бўлган ипакдек муомаласи, шогирдларига меҳр-муҳаббати ҳар қандай одамни унинг ҳузурига чорлайди.

Қолаверса, Озода Калонованинг бир нечта чет тилларини билиши оилада ҳам барча фарзандларининг янада комил инсон бўлиб етишишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Турли олий ўқув юртларини имтиёзли битирган Дилмурод, Дилафруз ва Элмурод Калоновлар инглиз, рус, турк ва немис тилларида равон сўзлаша оладиган давр талабидаги комил инсон бўлиб етишганликлари, нафақат оиланинг, балки маҳалланинг ҳам фаҳри ва гуруридир.

Билмоқдин айтурман сўзимга қулоқ сол,
Билимликка ўзни дўст қил, яқинроқ ол.
Билим бирла билинур саодат йўли,
Билим бирла топилур саодат йўли.

Шоир Аҳмад Югнакий айтганидек, модомики илмли бўлиш ҳар бир инсон учун энг олий шараф экан, у ҳам аввало маҳаллада таркиб топган муҳитда шаклланади ва равнақ топиб унинг маънавий-маърифий ҳаётини ёруғлик посбонидек, ўз нури билан кўнгилларни нурафшон этиб туради.

Инсоний доноликнинг юксак ифодаси, халқнинг таянчи ва ҳимоячиси, жамиятдаги иллатларга барҳам бериб, яхшилик ва эзгуликларга йўл очувчи қонунлар бўлмаса, жамиятни бошқариб бўлмаганидек, маҳалла фаолиятининг ҳар бир жабҳасига белгиланган тартиб-қоидалар асосида ёндашишни тақозо этади.

Маҳаллаларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид Республика Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Фармон, Қонун ва Қарорларни ҳаётга тўғри татбиқ этиш, уларнинг ижросини жамоатчилик йўли билан назорат қилиб туришда маҳаллада истиқомат қилувчи ҳуқуқшуносларнинг хизмати катта.

Ҳуқуқшунос олим Исмоил Ҳамроев, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган Шукур Ҳожи Аҳмедов бу борада маҳалланинг доимий беминнат маслаҳатгўйи. Ўзбекистон Конституциясини ўрганишми, айниқса аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишдаги давлат томонидан бериладиган нафақалар бўйича юзага келган масалаларни ҳал этишми, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, муқаддам судланганлар билан тарбиявий ишлар олиб боришми — буларнинг барчасида маҳалла ҳуқуқшунослари ўз ёрдамларини аямайдилар.

— Модомики, инсонларни қонунлар бошқариб тураркан, биринчидан, маҳаллалар бўйича чиқарилган қонунлар, асрлар давомида шаклланган тартибларга тўлиқ амал қилмоқ керак, иккинчидан, қонунга ҳилоф равишда кимларгадир имтиёз бериб, кимларнингдир ҳуқуқларини паймол этиб, қонунларимиздан жамият фаровонлиги учун фойдаланмай, заррача бўлса-да адолатсизликка йўл қўйилса, бу ўтакетган ноҳақлик ҳисобланади, — дейди Шукур Ҳожи Аҳмедов.

Айниқса, болалар ва оналарга, кам таъминланган ночор оилаларга нафақа тайинлашда давлатимиз қонунлари ва кўрсатмаларига виждонан ёндошмоқ кераклиги ҳақида алоҳида таъкидлайди у.

Шукур Ҳожи Аҳмедов ҳақиқатпарвар ва адолатли зиёли сифатида ҳам эл, ҳам оиласи учун сеvimли инсон. Чунки у жамият олдида ҳам, оила равнақи ва фарзандларни тўғри тарбиялашда ҳам доимо ўзини бурчдор деб ҳисоблаб келаётган инсон. Зеро, ҳаётнинг мазмуни, комиллик сари интилиш бурчни сидқидилдан адо этишдир.

Камтарлик, меҳнатсеварлик каби одабийликнинг олий сифатларини ўзида мужассамлаштирган бу оиланинг ўғил-қиз ва келинлари элга намуна бўлишга арзигулик зиёлилاردир.

Қўшалок олийгоҳларда таҳсил кўрган тўнғич ўғил Абдулла Тошкент вилоят божхонаси бошқармасининг, молия ва ирригация институтларини битирган иккинчи ўғил Хайрилла Республика Солиқ қўмитасининг масъул ходимлари, қизлари Наргиза ва Гулчехралар олий малакали педиатр, келинлари Зилола ва Хуршида ҳам олийгоҳларни битириб ўз соҳалари бўйича бeнуқсон хизмат қилиб келмоқдалар.

Ҳа, илмли ва билимли инсонлар учун доимо жаҳон кенг, чунки улар илм чироғи билан ёритиб, узоқ олисларни кўра оладилар. Шукр Ҳожи ва у кишининг садоқатли рафиқаси Яшнардон Ҳожи онанинг бахти ҳам ана шундадир.

Маҳалла зиёлилари орасида эътиқодни шакллантирадиган дунёқарашни тарбиялайдиган адабиёт намоёндаларининг борлиги ҳам кишини мамнун этади. Тажрибали тил ва адабиёт ўқитувчилари Наргиза Жалилова, Муборак Маннопова, Маҳфуза Муҳиддинова, адабиётшунос олим, фан номзодларидан Узоқ Жўрақулов, Латофат Тошмуҳамедова ва шоира Саодат Бобоҷоновалар инсон руҳиятига бадиий сўз сеҳри билан таъсир этиб, одамлар қалбига кириб бормоқдалар. Гўзаллик ва эзгуликни қалбан ҳис этувчи бу ижодкорлар ўзларининг нозик ва нафис эҳтиросларидан келиб чиққан, покиза туйғулардан дунёга келган асарлари, маърузалари билан маҳалладошлар кайфиятига руҳий озуқа беришни ўзлари учун шараф деб биладилар. Айни вақтда улар таниқли ёзувчи ва шоирларнинг маҳалла, мактаб ва туман миқёсидаги ижодий учрашувларини ташкил этишда ташаббус ва жонбозлик кўрсатиб, ижодкорлар қалбидаги алангадан ҳосил бўлган роҳатбахш чашмалардан тингловчиларни баҳраманд қиладилар.

Турсуной Содиқова, Азим Суюн, Ойдин Ҳожиева, Маҳмуд Тоиров, Иброҳим Ғофуров каби таниқли шоир ва адабиётшунос олимлар билан ўтказилган учрашувлар маҳалла фуқароларининг хотирасида ўчмас из қолдирди.

Саодат Бобоҷонова ва қўшни Мавлон Ғаниев номли маҳалла фуқароси, шеърятда ноёб услублар намояндаси шоир Хоразмий эса маҳалланинг ҳар бир йиғин ва тантаналарига доимо файз киритишади. Улар Ғофур Ҳошимов номли маҳалла фуқароси, шоир марҳум Тўхтамурод Деҳқонийни алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар. Ҳақиқатда ҳам шоир Деҳқоний ўз қишлоғининг булбули эди. Унинг сўз уммонларидан дур излаб ёзган асарлари мухлислари қалбида мустаҳкам муҳрланиб қолган.

Ўзига хос эҳтирослар соҳибаси, "Оналар овози", "Дақиқалар" китобларининг муаллифи, ҳозирда янги шеърӣ тўпламини ниҳоясига етказаетган Саодат Бобоҷонова Деҳқоний ижодининг ўзига хослиги, ўз замонасининг руҳи билан ижод қилган, сўзлар орқали гўзал манзараларни ифодалай оладиган камтар ижодкор бўлганлиги ҳақида мароқ билан эслайди.

Илм, ақл, донолик бор ерда қудрат ва файз ҳам бўлиши аниқ. Эзгу мақсадларни кўзлаган маҳалла зиёлилари фуқароларнинг маънавий ҳаётида, ёшлар камолоти йўлида доимий камарбастадирлар.

Шундай оилалар борки, улар маҳалланинг ҳақиқий маънодаги қўзғуси ва ҳаёт йўлининг сарбони дейишга лойиқдирлар.

Ҳурматли Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда янги — 2008 йилни "Ёшлар йили" деб эълон қила туриб: "...фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир" деганларидек, Алишер Навоий номли маҳаллада ҳам хонадон соҳиб ва соҳибаларининг кўпчилиги олий малакали маорифчи, шифокор, муҳандис, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос, агроном ва савдо ходими бўлишлари билан бир қаторда, фарзандларида ҳам ҳозирги замон илми ва маданиятининг мужассамлашганлиги кишини хушнуд этади. Қуйида улар билан таништирамиз:

Нурилла Маҳаматов — техника фанлари доктори, Ахборот технологиялари университетининг профессори.

Дилмурод Калонов — Тошкент Давлат Миллий университетининг "Халқаро журналистика", Туркиянинг "Мармара" Халқаро университети "Халқаро журналистика" факультетларида таҳсил кўриб, шу соҳа ва турк тили бўйича мутахассислигини олган.

Дилафруз Калонova (Тўхтаниёзова) — Жаҳон тиллари университетининг "Инглиз тили" факультетини битирган.

Элмурод Калонов — Тошкент Давлат Миллий университетининг тарих факультетини битириб, ҳозир Тошкент Давлат иқтисодиёт университети магистратурасининг иккинчи курсида таҳсил кўрмоқда.

Шухрат Игамбердиев — Республика автотранспорт ва дарё транспорти агентлигининг масъул ходими, олий малакали муҳандис.

Шухрат Исмоилов — олий малакали журналист, Республика радио эшиттиришида етакчи мутахассис.

Отабек Бўлисов — олий малакали ҳуқуқшунос.

Найма Самигова — олий малакали мусиқашунос ўқитувчи.

Раҳмат Алиев — АҚШнинг Флорида штатидаги Оксфорд университетида инглиз тили мутахассислиги бўйича таҳсил кўрмоқда.

Азиза Раҳмонова — Вестминстер Халқаро университетининг аълочи талабаси. Рус, инглиз ва француз тилларини мукамал билади.

Комилжон Ҳусанжонов — Ўзбекистон Республикасининг Покистондаги элчихонасида ҳўжалик ишлари бўлимининг мудир.

Қодиржон Ҳусанжонов — Тошкент Техника университети ва Ўзбекистон Миллий университетининг юридик факультетини битирган. Ўзбекистон Республикаси Божхона тизимининг масъул ходими.

Фахриддин Тошметов — Автомобил йўллари бўйича олий малакали муҳандис. Тошкент тумани Ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати давлат инспекциясининг бошлиғи.

Улуғбек Тошметов — олий малакали ирригатор, республика миқёсидаги масъул ходим.

Азиз Жалилов — Тошкент вилоят Ички ишлар бўлимининг махсус ходими.

Дилноза Усмонова — олий малакали шифокор.

Латофат Тошмухамедова — филология фанлари номзоди, Тошкент Давлат Миллий университетининг ўқитувчиси.

Рустам Нурматов — олий маълумотли муҳандис, "Ўздонмахсулот" компаниясининг етакчи мутахассиси.

Султон Нурматов — олий малакали иқтисодчи ва тадбиркор.

Жамила Нурматова — Тошкент Давлат тиббиёт университетини битирган, тажрибали шифокор.

Сардор Сагдуллаев — Лондондаги «Аспент» коллежининг аълочи талабаси.

Нодир Каримов — олий малакали ҳуқуқшунос, туман фуқаролик судининг етакчи ходими.

Маъмура Каримова — Тошкент Давлат педиатрия институтини битирган, болалар шифокори.

Барнохон Маннопова — Жаҳон тиллари университетини битирган. Рус тилидан дарс берувчи тажрибали ўқитувчи.

Жамшид Маннопов — "Тошшаҳартрансхизматсервис" корхонасининг олий маълумотли муҳандиси.

Шамсиддин Маннопов — Тошкент Давлат техника университети битирган. "Автострой" ишлаб чиқариш корхонасининг бош муҳандиси.

Иззатилла Файзиев — автомобил йўлларининг муҳандиси ва тадбиркор.

Нозима Файзиева — Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг етакчи мутахассиси.

Исматилла Файзиев — олий маълумотли иқтисодчи, Тошкент вилоят ҳокимиятида бўлим бошлиғи.

Узоқ Жўракулов — филология фанлари номзоди, Тошкент Давлат Миллий университетининг доценти.

Баҳодир Мўминов — Тошкент вилояти давлат солиқ инспекциясининг етакчи мутахассиси, олий малакали иқтисодчи.

Булар замонавий маҳалланинг билимдон зиёилари. Ўзбекистондан оғишмайдиган, маънавий баркамол, марҳамати барчага тенг

бундай инсонлар маҳалла доврўига доврў қўшиш учун доимо жонбозлик кўрсатишади. Қўлларида чироқ кўтариб, барча кўнгилларни ёритиб борувчи зиёлилардан маҳалла ёшларининг ўрнак олиши эса улардаги яхши хулқни гўзаллаштириб ҳаётда дадил қадам ташлашга ва камолга етиб боришга ундайди.

ЁШЛАР БИЛАН ГЎЗАЛДИР ҲАЁТ

"Йигитлик — умр чаманининг баҳоридир ва ҳаёт оқшомининг тонг чоғи... Инсоннинг беағи ва гўзаллиги ундан ва кишининг куч-қуввати ундан".

Алишер НАВОИЙ

Ёшлик Аллоҳ томонидан инсонга инъом этилган ҳаётнинг бебаҳо тўхфаси. Билимга чанқоқ, куч-қувватга ва орзу-умидларга тўла навқиронлик даври. Умрнинг баҳори, ҳаётнинг илдизи, эзгу ва олий мақсадлар сари интилиш, доноликни ўрганадиган, бахтли кексалик учун замин ҳозирлаш, камолотнинг вазмин йўлларига отланиш даври фақат ёшлик фаслига хосдир. Қаҳрамонлик, доимо парвозларга шай бўлиш, Ватан олдида шон-шарафларга лойиқ ишларни қилиш ҳам ёшларнинг иши.

Кишига фақат бир марта бериладиган ёшлик умрнинг бошқа палласига нисбатан ниҳоятда гўзалдир. Ёшликнинг энг катта бахти шундаки, унинг келажаги бор. Ёшлар эртанги кунимизнинг энг ишончли куч-қудратидир. Улардаги олижаноб ташаббус, софдиллик, ҳақиқатга бўлган интилиш, келажак учун тузилган эзгу режалар, қалбларининг орзу умидларга тўлалиги буни тасдиқлайди. Ёшларнинг инсонга қанот ва куч-қувват бағишловчи орзулари бўлмаганда инсон ҳаёти бир нуқтада тўхтаб қолган бўларди. Аксарият улўғ ғоялар асосан ёшларнинг ҳаёлпараст, беғубор қалбларида ниш урганлиги маълумдир.

Шарқ мутафаккири Абу Муҳаммад ал-Матроний айтганларидек, "Ёшлик гўзаллик ўтини ёқиб туради, бу ўт эса чирой шуъласи билан баробардир".

Элнинг улўғлиги-ю, хонадон ва оилаларнинг қўтлўғлиги, маҳаллаларимизнинг ёниб турган чироғи ҳам, юрт тинчлиги ва осойишталиги, бахт косаларининг тўлиқлиги ҳам, фазоларга йўл солувчилар, Ватан учун ўзини жангга урувчи ҳам, суръат ва журъат билан баҳор-у ёз, кузда ҳам далаларда жавлон урувчилар, камол топган сари мағизи тўлишиб борадиган бир қўп ёнғоқ ҳам ана шу ёшлардир. Келажакнинг

кўркамлиги ҳозирги ёшларнинг уқтамлигига боғлиқ деб бежиз айтишмаган. Келажак авлоднинг кайфияти ҳам бугунги ёшларимизнинг табиатига боғлиқдир. Чунки инсон фақат ёшлигидагина барча юксак ва порлоқ фазилатларга эга бўлиб, дунёда ҳеч бир нарса инсонни ёшлик давридагидек мусаффо ва олижаноб қилолмайди.

Бу қутлуғ замонда диллари завқу шавққа тўла, ақл қаймоғи ва ҳаёт тараққиётининг омили бўлган китоблар мағзини чақиб, илм-фан йўлида дадил одимлаётган йигит-қизларга назар ташлаб, фахрланасан. Дунёқарашни тарбиялайдиган бадиий адабиёт ва санъат соҳасидаги зиёлиларни, тадбиркорликда меҳнат завқини суриб, мақсадлар сари интилаётган ёшларни, спортнинг барча турлари бўйича ҳур диёримиз довуғини дунёга намоиш этаётган жаҳон чемпионларини ва она-Ватанини қалб тўрига жо этиб, уни кўз қорачиғидек асраб турган баҳодирларимизни кўриб, қалблар қувончга тўлади, бошинг осмонга етади.

Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич таърифлари билан айтганда, "биз истеъдодли фарзандларимиз билан, уларнинг жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида эришадиган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз".

Ғайратли, зийрак, фикри тиниқ, қалби беғубор бу ёшлар мамлакат ва халқимизнинг улугъ таянчи, кўзининг нури, белининг қуввати, ор-номус ва истиқболдир.

Орзулар билан яшаш, ҳар қандай шароитда ўзини тута билиш, меҳнатсеварлик ва олтиндан ҳам қимматли бўлган вақт занжирини маҳкам ушлай билиш, унинг қадрига етиш ҳам ёшларимизга хос улугъ фазилатдир.

Буюк Абдураҳмон Жомий шундай дегандилар:

*Кучингни қадрига ет, яхши ишга сарф айла,
Бу йўлда энг сара хислатни синчиклаб сайла.
Сенда куч бор, билак бор, дам ғанимат, ғайрат қил,
Бошда ёшлик соябон, унинг қадрига етгил.*

Бинобарин, инсон ёшлиқдан бошлаб фойдали ва ҳалол меҳнат билан мустаҳкам боғланмаса, унинг ҳаёти мазмунсиз ва мақсадсиз бўлиб қолади.

Эллик беш йиллар муқаддам олийгоҳдаги талабалик йилларимизда марҳум устозимиз Юсуф ака Тоҳирийнинг шундай бир чиройли иборалари хотирамизда муҳрланиб қолганди.

Ёшлиқда шундай иш қилгинки, йиллар ўтиб, қарилик келтирган зарарнинг ўрнини қоплайдиган иш бўлсин. Етукликнинг

озиғи донолик эканлигини ёдда тутиб, ёшликда шундай ҳаракат қилгинки, кексалик озиқсиз қолмасин.

Президентимиз ташаббуслари билан 2008 йил "Ёшлар йили" деб эълон қилинганлиги қалбларга қувонч бағишловчи тарихий воқеа бўлди. Ҳаёт тарозусини донишмандларга хос туғри ишлата биладиган, тараққиёт занжиридаги бош халқани топа оладиган раҳбарларгина жамиятни ана шундай ёрқин йўллар орқали истиқбол сари бошлаб боради.

Омилкор боғбоннинг боғида барча дов-дарахтлар гуллаб-яшнайдиганларидек, мустақиллигимиз шарофати билан жамиятимиздаги ҳеч ким давлатнинг эътибор ва ғамхўрлигидан четда қолаётгани йўқ.

Президентимиз Ислом Каримов Конституциямизнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир", — дея берган юксак баҳоси давлатимиз сиёсати ва бош мақсадларига ҳамоҳанглиги билан эътиборга молик. Буни буюк келажак сари янада илдам боришдаги муаммоларни ижобий ҳал этишнинг олтин калитини топиш десак муболаға бўлмайди.

Юртбошимиз ўз маърузасида **"Ўз-ўзидан аёнки, аҳолининг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт",** — деб алоҳида таъкидлади.

2008 йили ёш авлоднинг манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида ёшларга замонавий билим бериш ишларининг сифат ва самарадорлигини ошириш, қолаверса, ёшларимизнинг олган билими ва касбини амалий ҳаётда намоён этиши ва ишлатиши, ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар яратиб бериш сингари энг долзарб масалалар кўзда тутилганлиги ҳар бир ўзбекистонликни ғоят мамнун этади.

Ёшлар тарбиясида силавий муҳитга алоҳида эътибор бериш, мамлакатимиздаги 950 мингдан зиёд ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг маиший шароитини яхшилаш, спорт билан мунтазам

шуғулланишлари, маданий савияни юксалтириш, маънавиятини бойитиш, санъат ва ғўзалликка интилишларини кучайтиришга қаратилган ғамхўрликлар "Ёшлар йили"нинг вазифалари қанчалик кенг қамровли эканлигини кўрсатади.

Ёшлар камолотини ўзи учун буюк орзу ва қалб ғурури деб билган Президентимизнинг қуйидаги дил сўзлари кўнгилларни янада хушнуд этади:

"...Мен шу юртнинг раҳбари бўлиб, ҳар қайси ота-онанинг ёнида туриб, жондан азиз фарзандларимизга билдирадиган орзу-ниятларни амалга оширишда ўзимни масъул, деб биламан ва бундай вазифамдан ҳеч қачон қайтмайман".

Ҳа, ёшлар ҳақида ғамхўрлик қилиш хайрли ишларнинг энг улуғи бўлиб, келажак ҳақида қайғуриш демакдир. Зеро,

*Бор экан ёшлиғи соғлиқ мусаффо
Ҳар мақсад жиловни қўлда муҳайё.*

Олижаноб мақсадлар жиловини маҳкам ушлаб, буюк келажак сари шахдам бораётган бахтли ёшларимизга бир неча оғиз дил сўзларимизни изҳор этишни жоиз деб биламиз:

— Билим истанг, мактаб, коллеж ва олийгоҳлар сари интилинг. Ғайрат ва шижоат билан таҳсинларга лойиқ иш қилинг. Илму ҳикмат, ҳунар эгаллашда жавлон уринг. Бепарволик қилманг, ёшлик баҳорини ғанимат билиб, уни эҳтиёт қилинг. Шуни билиб қўйингки, ёшлиқда йўқотганни қариликда қидиришни нодонлик дейдилар. Ёшлиқда нимани эксангиз, улғайганда ўшани оласиз. Ҳеч қачон осон йўл билан бахт топишга уринманг ва қийинчиликлар олдида орқага чекинишни одат қилманг. Қалбингиз ҳамиша журъат, ирода, сабр-тоқат ва шукроналикка тўлиқ бўлсин. Камтар ва камсуқум бўлинг. Бебурдлик, кеккайиш, бебошлик, ҳаддан ошиш, мақтанчоқлик ва мағрурланиш каби иллатлардан эҳтиёт бўлинг.

*Дилингни покиза тут, бўлмагин сира мағрур,
Йигит киши шу сифат бирла бўлғуси манзур.
Қариликда йигитлик ишин қилиб бўлмас,
Тушунки, кетса йигитлик, у қайтадан келмас.*

Ёшлиқдан бошлаб катта-кичикни, ота-она, устоз ва кексаларни ҳурмат қилинг. Халқ, Ватан хизматида фидокор бўлинг, шунда эл-юрт олқишларига сазовор бўласиз. Ахлоқ, одоб энг катта бойлик ва зийнатингиз бўлсин. Илм, ҳунар, одоб, ғайрат-шижоатда доимо

тенгқурларингизга намуна бўлинг. Ёмонларга яқинлашманг, кибр-ҳавога берилманг, хушёр бўлиб, тўғри йўлдан адашманг. Келгусини ўйлаб, барчага раҳмат келтирадиган эзгуликлар шайдоси бўлинг. Ватан, миллатимиз манфаати йўлида беҳисоб янгиликларни ижод этишда ишончли мададкор бўлинг. Халқимизнинг энг суюкли фахри ва ғурури эканлигингизни ҳамиша чуқур ҳис этинг. Шунда ҳурмат ва эътиборга муяссар бўласиз.

ҚАРИ БОР УЙНИНГ ЗАРИ БОР

"Кексалар ўргатиш, маслаҳат бериш ҳуқуқига эгадирлар. Ана шу маънавий ҳуқуқни ҳурмат қила бил".

В.А. СУХОМЛИНСКИЙ

Кексалик — инсон умрининг донишмандлик палласи. Мўй-сафид қарияга ўз ҳаёт тажрибаларини ёш авлодга ўргатиш насиб этади. Нуронийларда ҳаётга бўлган муҳаббат ортиб бориб, қарилликнинг ўзига хос кўрки, вазминлик ва хушмуомалалик, хушфёъл фазилатлари билан оила ва маҳаллага файз киритиб турадилар.

Доно халқимиз "Қари бор уйнинг зари бор", "Кексалар қилса фикр, Афлотунлар бўлар мот", "Қарияни ҳурмат қилган — бахтли бўлур", "Кексалик — донишмандлик", "Ҳар кексадан — бир нақл", "Ақлли қария — оқиб турган дарё", "Қари билганни пари билмас", деб бежиз айтмаган.

Ривоятларда ёзилишича, қадимда бир мамлакатда қарияларни ўлим тоғига олиб бориб ташлаш одати бўлган экан. Аммо отасини жуда яхши кўрган бир йигит уни уйида яшириб сақлайди. Бир куни подшо кемада саёҳатга чиқиб, тўсатдан бўлган бўрон кемани дарёнинг чеккасига чиқариб ташлайди. Бу ер парилар юрти бўлиб, подшо хизматкорлари билан бир тепаликка келиб қолади. Дарёга қарашса, сув тагида тухумдек гавҳар тош ётганмиш. Подшо гавҳарни олиб чиқишга буйруқ беради, лекин сувга бирин-кетин тушган шу қишлоқ йигитларининг бирортаси ҳам бу сирли гавҳарни тополмайди. Охири жаҳли чиққан подшо шарт қўйиб:

— Ким шу гавҳарни топиб чиқса, эвазига катта мукофот олади, акс ҳолда ўлимга маҳкум этаман! — дейди.

Навбат отасини яшириб қўйган йигитга яқинлашгач, вазиятдан фойдаланиб, у видолашиш учун отасининг ҳузурига югуради ва бор воқеани отасига тушунтиради. Шунда ота:



Авазхон Жалилов бошчилигидаги иссиқхонада ҳосилдорлик ошиб, йил сайин равнақ топиб бормоқда.



Миришкор деҳқонларнинг фидокорона меҳнати дастурхонга файз,
рўзгорга барака киритади.



Суръат Ҳусанжонов хонадонидagi шинамгина иссиқхона. Тожинисо ая оиладagi тўкинчиликни энг аввало аҳил-иноқлик, яратувчилик, хусусан, ана шу деҳқончилик шарофатидан деб билади.



*Нақадар буюкдир инсон деган ном,
Олтин ҳам тенг келмас унга билсангиз.
Аллоҳ этмиш бундай шарафни инъом,
Арзийди ҳурматлаб, эъзоз қилсангиз.*

Уруш ва меҳнат фаҳрийси (унгдан биринчи) Исоқжон Толипов марҳум ўғли Муроджон билан маҳалла ободончилигига салмоқли ҳисса қўшган жашиати инсон эдилар



Япониянинг Мие, Ногоя университетлари гуманитар ва ижтимоий фанлар факультети профессорлари
Чигеру Кадама ва Кагуа Ичихачи — маҳаллаамиз меҳмони.



Муҳаррам Пулатова. «Қизғалдоқ» қишлоғида илк бор таъкил тоған маҳаллалар ободончилигига муносиб ҳисса қўшган оқила онахон



Рихсивой Тошпулатов. Миллий урф-одатлаш, аълопалар ва қадриятларимизни келг тарғибот этиш ва уларни ҳаётга чуқур сиғдириб боришда жонкуяр, фидойи инсон эди



Ҳакимжон Эргашев. Ўзининг кўп йиллик тажриба ва билимини қишлоқ маҳаллаларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан равишда тоғини сафарбар этиш фаол инсон



Одамийда бўлса гар яхши тилак, Халқ учун тебратгуси доим билас. "Қизғалдоқ" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Аъзамхон Мирсобитов эзгу ниятлар билан халқ манфаати йўлида жонбозлик кўрсатмоқда.



Одамнинг егути сахий кишидир. Бундай инсонлар эл-юртнинг муҳаббатига мушарраф бўладилар. Тадбиркорлар орасидан етишиб чиққан академик Акбар Толипов ана шундай инсонлардан.



«Сиб-Акбар» улгуржи савдо
бирлашмасининг бош
директори, техника фанлари
номзоди, доцент Насрулло
Абдивалиев



"Соғлом авлод учун" жамғармаси Тошкент тумани бўлимининг бошлиғи Гулизода Юнусова. Болаларга, айниқса ногиронларга нисбатан юрагида меҳр булоғи қайнаб турувчи бу аёлнинг маҳаллалар учун кўрсатиб келаётган муруввати катта таҳсинларга сазовор.



Ҳайдарбек Болусов.
Мурувватли, саховатпеша
тадбиркор. Алишер Навоий
номи маҳалла
ободончилигининг бсминнат
ҳомийси.



Абдамжон Одилов фарзандлари
Мирсаид, Мирсамад ва
Миржамолларни халқимизнинг
муносиб инсонлари этиб тарбиялай
билган иродали ва қатъиятли
табаррук инсон эди.



Маҳалла посбонларининг
фидойи сардорларидан
Раҳматилла Усмонов.



Компьютер маҳаллалар ҳаётига ҳам чуқур кириб бормоқда. Маҳалла
оқсоқолининг маслаҳатчиси Маҳфуза Муҳиддинова ва котиба Феруза
Ходиева компьютерда ишларнинг моҳир устаси



Тошкент шаҳар ҳокимлигида
"Обод маҳалла" дастурининг
муҳокамаси.



Маҳалладаги 20 йиллик самарали фаолияти учун оқсоқолга
миннатдорчилик билдириш шодиёнаси. Тошкент вилояти
ҳокимлигининг бўлим мудири Юнусхон Шаришов ва Тошкент тумани
ҳокими Сайфулла Темиров



*Иймонли бўлсин у, кексадир — ёшдир,
Иймонсиз одамнинг қалби бир тошдир.
Виждонинг йўлингни ёритса ойдек
Иймонинг бошингда нурли қуёшдир.*

Иймон-эътиқоли, кўпчилик ибрат олса арзийдиган Толиб Хожи
Орипов пиру бадавлат инсонлардан эди. (Ўнгдан учинчи).





Саёҳат – дилга роҳат. Буюк бобомиз Алишер Навоий айтганларидек, саёҳат дунё ажойиботларидан хабардор қилувчи, кунгилга ором берувчидир. Тоҳира Тошметова ана шундай хайрли ва савобли ишларнинг жонқуяр фидойиси.



Саломатлик — инсон учун олтиндан ҳам қиммат. Қошулар эса инсониятни бошқариб туради. Шу жиҳатдан олганда "Соғлом авлод учун" жамғармаси туман бўлимининг бошлиғи Азимахон Ҳакимова ва туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция полковниги Абдувоҳид Каримовлар маҳаллага тез-тез ташриф буюришиб, ёшлар билан мулоқотда бўлишлари ҳар жиҳатдан яхши самара берганди.



Ўзбекистон Республикасининг Покистондаги элчихонаси масъул ходими Комилжон Ҳусанжонов. *(Ундан биринчи).*



Тоҳира Топшметова, Умрихон Топшметова, Озода Мирзаолимова ва
Оминахон Каримоваларнинг маҳалла жамоатчилик иншаридаги
фаолиятлари эътиборга сазовор.



Хумсоннинг ана шундай хушмаиззара оромгоҳларига саёҳатлар
уюштиришдан маҳалла аёллари чексиз миннатдорлирлар



Ўригидан ҳам даъаги ширип десапларидек, Рокияхоп ая Ақромалиева пабираларини жонидан ҳам яхни кўрардилар. Табаррук бувижоншинг севимли пабира — Алишержоннинг пикоҳ тўйидаги оқ фотиҳаси ва дуоси бир умрга ёдда сақланади.



Келин билан куёв — Алишер Аҳмедов ва Нозимахоп Аҳмедовага эзгу тилаклар билдирилди.



Ҳар йили Наврӯз байрами маҳалла хонадонларида катта хурсандчилик билан нишонланади. Бугун Оловиддин Ғисовлар хонадонида шодисна.

*Ҳар бир майса — яшил тил, бўзлар замин розини,
Замин бўлмай туриб ёл тинглай бил овозини!
Наврӯз қайта забт этмиш рӯзномалар юзини,
Маним бўзлаб ёганим — Наврӯз муборак сенга!*



Журавой Ғиёсовлар хонадопида шод-хуррамлик. Қайнона Малика Султопова келинлари қапчалик аҳил бўлиб, яхши кийинипса, шунча хурсанд бўлади.



Келинлар малоҳату назокати билан гузалдир. Уларнинг таъзими эса гузалликлар гултожи.

— Дарёга тушмай, тепага қараб кўринглар, гавҳар қирғоқдаги дарахтга ин қўйган қушнинг уйида бўлиши мумкин, — деб маслаҳат берибди.

Йигит орқасига қайтиб бориб, унга навбат келгач, тўғри дарахт тепасига чиқади. Қараса, ҳақиқатан ҳам пастга осилиб турган кичик шоҳдаги қушнинг инида гавҳар ярақлаб турибди. Йигит дарҳол уни олиб қўйнига солади. Бу сирни шу юртнинг парилари ҳам билмас экан.

— Буни қандай қилиб билдинг? — деб сўрайди подшо.

— Отам ўргатувдилар, — деб тўғрисиини айтишга мажбур бўлади йигит.

Ана шу кундан бошлаб қарияларнинг донолигига тан берган подшо кексаларни ўлим тогига олиб бориб ташлаш ҳақидаги ўз фармонини мамлакат миқёсида бекор қилади.

Кексалик — донишмандлик. Қарияларнинг оқилу донолиги, меҳрибону тажрибакорлиги, заковату мулоҳазакорлиги, хушфёъллиги нуроний чехраларида ўзига хос таскин уфуриб туриши бамисоли инсон ҳаётини нурафшон этувчи чироқдир. Буюк Саъдий Шерозийнинг гўзал мисраларида қариялар шундай тасвирланади:

*Бўйин товлама кекса табдирдан,
Қариларда бор тажриба, фикру фан.
Темир қалъани ағдарур саъй этиб,
Қари фикру ёшлар қилич ишлатиб.*

Нуронийлардаги ақлу дониш, узоқни кўра билиш ва бошқа хислатларнинг комил инсон тарбияси, оила ва маҳаллада тинчлик-тотувлик, жамиятда эса осойишталик муҳитини шакллантиришда тутган ўрни ниҳоятда улугдир. Шунинг учун ҳам уларни қадрлашни давлат аҳамияти даражасига кўтариш ва бу соҳада давлат дастурининг қабул қилиниши истиқлол шарофати билан амалга оширилиб келинаётган энг долзарб ва савобли иш бўлиб қолди.

Президентимиз 2002 йилни "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилганида шундай деб таъкидлаганлиги бежиз эмас:

— Ҳақиқатан ҳам қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор. Бундай хонадонни Аллоҳнинг ўзи асрайди.

Алишер Навоий номли маҳалланинг ҳам кўрки, файзи унинг доно, маслаҳатгўй кексалари билан. Қарилик мақомига етиб, умр йўлининг 70, 80 ва 90 поғонасига кўтарилиш бахтига муяссар бўлган, ёшлар ўрнат олса арзигулик, қалби донолик, кучли ақл ва нақл билан

безанган, яхшилар муҳаббатига сазовор бўлган кексалар борки, улар ҳамиша маҳалланинг суюкли маслаҳатгўйи ва ишончли суянчигидир.

Оғир-вазмин, қовушувчан ва хушфеъл қариялар кексаликни яхши ўтказишади. Қаерда қарияларга эътибор, иззат-икром бўлса, улар осойишта ҳаёт кечириб, умрларига умр қўшилиб бораверади. Ёлғизлик, оқибатсизлик ҳукм сурган ва меҳр-муҳаббат кўтарилган жойда эса кексалар умри ғам-ҳасратда ва изтиробда ўтади. Чунки қариликдан оғир дард йўқ. Одам қариса, тушак билан дўстлашиб, қилга қоқилса йиқилгудек ёш, гўдак болага ўхшаб қоларкан. Доно халқимизнинг "Қарилик даври қишдек, ёшлик даври ёздак", "Қарилик бедаво дард", "Кичикни мақта, каттани сақла", "Қарининг ҳурмати фарз" каби мақоллари бежиз айтилмаган.

*Энди чақалоқдек емоғим аён,
Бировларнинг тиши чайнаб берар нон.
Қоматим букчайиб олдинда бошим,
Қариб, етиб қолди бир жойга ёшим.
Онам тунроғу мен маъсум чақалоқ,
Кел, деб қучоғига чорлайди бу чоқ.
Бу изтиробдан тез оромга етсам
Онам оғушида уйқуга кетсам.*

Катта бир авлоднинг кўрки, файзи, суянган тоғи ва маслаҳатгўйи, бир юз икки баҳорни қаршилаган Мавлон ота Самигов бутун умри давомида яхшилик уругини сепиб, маҳалладошларнинг меҳр-муҳаббатига муяссар бўлган энг обрўли ва табарруқ инсонларидан бири эди.

Табиатан хушчақчақ, очиқкўнгил, дуоғўй, беш вақт намозни қанда қилмайдиган Мавлон ота Охунбобоев ширкат ҳўжалигида таваллуд топган, болаликдан деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик энг сеvimли касblари эди. Фикри тиниқ, хотираси кучли ота билан бўлган ҳар бир суҳбатнинг ўзи катта сабоқ. Кексайганда ҳам меҳнатни тарк этмаслик, ҳар бир ёшга ҳаёт сабоқларидан сўзлаб бериш, донишмандлар ҳикматидан ўтиглар келтириш, шукроналик, сабр-тоқат билан яшашга даъват қилиш, ота-она ҳурматини ўрнига қўйиш ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини тез-тез такрорлаш Мавлон отанинг олий фазилатларидан эди.

— Ўзгуликларга хизмат қилган киши абадий яшайди, — дея такрорлардилар отахон. — Суягимиз меҳнат билан қотди. Чарчаш нималигини билмасдик. Ҳозирги Фиёс Умаров номли ширкат ҳўжалигининг Қозоғистон билан чегарадош ҳудудида отамизнинг

бир неча гектар ерлари бўларди. Коранда деҳқонларга ош-овқат олиб бориш учун Чуқурсойдан ҳар куни пиёда қатнардик, ер чопиб деҳқончилик қилдик. Тошкентга бориб, зооветеринария техникумида ўқиб, колхозда фельдшер, ферма мудирини бўлиб ишладик, ёмон бўлмадик. Урушга бордик, ярадор бўлиб, худога шукр, тирик қолдик. Ҳозирги Авиация заводи қошидаги ҳарбий госпитални ўша вақтда кўрмагансиз. Урушда майиб-мажруҳ бўлганлар шу ерда даволанишар эди. Мусофир бечораларга қўлимиздан келганича яхшилик қилдик, ёрдам бердик. Ёмонларнинг кўпини кўрдик. Барибир яхшилик қилавердик. Кейин роҳатини кўрдик.

Отахон: "Кексалар — кўприк. Кўприқдан ҳар нарса ўтади, лекин у бардош беради. Кексалар ҳам ўз умрлари давомида бошларидан кўп яхшилик ва ёмонликларни ўтказадилар. Бунга чидам, бардош билан енгадилар", — дея давра суҳбатларида эслатиб қўярдилар.

Охунбобоев номли ширкат хўжалиги, Алишер Навоий номли маҳалла фуқароларининг каттадан-кичиги Мавлон отани доимо ҳурмат ва эҳтиром билан йўқлаб турардилар.

Отахон тез-тез тилга оладиган "Юртда доим тўй бўлсин, еганингиз қўй бўлсин", "Ёстиқ тўла бош бўлсин, қозон тўла ош бўлсин", "Ўзингиз бой бўлинг, келинингиз бойвучча бўлсин", "Сиз мени сийлабсиз, сизни Худо сийласин" каби кўплаб мақоллари маҳалла фуқароларининг қалбида муҳрланиб қолган. "Илоҳим, жумлаи-мўминларнинг бахтига файзу баракот ато этсин, тинчлик ва хотиржамлик эшиклари доимо очик бўлсин", дея дуо қилишни отахон ҳуш кўрардилар. Мавлон отадан барча маҳалладошларда порлоқ хотира қолди. Аллоҳ у кишини раҳматига олган бўлсин.

— Тинчлик — дилга нур, қалбга ором. Тинчлик — гулзор, уруш эса ҳаробазордир, — дейдилар уруш ва меҳнат фахрийси, "Нуроний" жамғармасининг Охунбобоев номли ширкат хўжалиги раҳбари Йўлдош ота Ғаппоров.

Тўқсонинчи баҳорни қаршилаш бўсағасида турган Йўлдош отанинг киндик қони Қизғалдоқ қишлоғида тўкилган. У киши шу замин, шу туманнинг энг таниқли, эътиборли ва ҳурматга сазовор инсонларидан. Бутун туманнинг ҳаётини яхши биладилар, танимаган, билмайдиган одамлари йўқ. Хотира ҳам зўр, демак, ирода кучли.

Йўлдошвой ота ўз иш фаолиятини колхозда оддий деҳқончилик ва аравакашлиқдан бошладилар. Фронтдан оғир ярадор бўлиб қайтган Йўлдош ака она қишлоқнинг жамоа хўжалигида табелчи, кейин кассир, омбор мудирини, тарозбон бўлиб ишладилар. Жангчи отахон урушда ҳалок бўлганлар хотираси учун бунёд этилган ёдгорлик, Охунбобоев

ширкат хужалигининг тарихий музейини, "Ҳасанбой ота" мачитини қуришми, ҳамма-ҳаммасида бош-қош бўлдилар.

Ногиронликларига қарамай музей атрофини гулзорга айлантириб, уни парвариш этиш йўлдош отага ҳузур бағишлайди. Йўлдошвой ота қалбида доимо умид ва ишонч чироғи ёниб туради. У киши мустақилликнинг ҳаётбахш неъматларидан ниҳоятда мамнун, келажагимизнинг буюклигига ишончи комил. Ҳар бир сўзларида юртимиз равнақи учун, ёшларнинг бахт-саодати учун оқ фотиҳа қилиб, юрт ва хонадонларга тинчлик-осойишталик тилаб, дуо қиладилар.

Отадаги бардамлик, хушчақчақлик ва хушёрлик, хотиранинг кучлилиги ва кўриш қобилиятининг яхши сақланганлиги, нутқнинг равонлиги бундан 8 йил муқаддам ўзларининг 80 йиллик юбилейларида сўзлаган нутқларидан ҳам сезилиб турарди.

— Азиз ва ҳурматли меҳмонлар, қимматли фарзандларим! Вақт ва умрнинг этагидан тутиб бўлмас экан. Кўпинча биз вақтга қараймиз-у, аммо вақт бизга қарамайди. Хоҳлаймизми-йўқми, вақт ҳар биримизни ёшликдан вояга етказиб, насиб этган одамларни кексаликка, кексаликдан эса Яратганнинг ҳузурига кузатиб қўяди.

Бу ҳаёт қонуни, ҳаёт эса чин инсон бўлиб яшаш ва эзгуликка интилишдир. Ана шу жараёнда кун, ой, йиллар эмас, ҳатто дақиқалар ҳам ғаниматдир. Умрни мазмунли ва маъноли қилиб ўтказиш учун вақтни ғанимат, деб билмоқ керак. Вақтни ўтган ишни орқага қайтариб бўлмайди. Мен ўз умримдан нолимайман.

Вақтида дурустроқ ўқий олмасак ҳам ёшликдан улуғлар сўзига қулоқ солдим, фарзанд ва набираларимни ўз вақтида ўқиш ва меҳнат қилишга ўргатдим. Ҳукуматимиз топшириқларини, ота-она ва ўзимиздан катталарнинг берган топшириқ ва вазифаларини вақтида бажариб, ёшликни беҳуда ўтказмадик.

Ҳаётнинг икир-чикирлари, машаққату ташвишлари олдида руҳан тушмадик ва орқага чекинишни ўзимизга муносиб кўрмадик. Сабр-тоқат ва шукроналик билан яшашга ҳаракат қилдик. Доно халқимизнинг "Сабр қилганидан садаф ичидаги томчи дурга айланган" деган ажойиб нақли бор. Сабр қилувдик, мустақилликка эришдик, ҳаётимиз нурга айланди. Бугунги шодиёна тантана ҳам Истиқлолимиз шарофати билан деб биламан. Юртбошимиз, ҳоким ва вазирларимизга, маҳалла фаоллари, азиз фарзанд, набира ва келин-куёвларимизнинг барчасига, ҳамма ва ҳаммаларингизга чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман. Ҳаммаларингизга менинг йўлимни берсин ва шундай кунларнинг Сизларга ҳам насиб этишида Яратганнинг ўзи ёр бўлсин!

Яхши одам қартайса,
Ажиб бир ҳуснихатдай
Ёмон одам қартайса,
Биқиб ётган уйдай.

Йўлдош Ғаппоров ана шундай инсон. Дидли, фаросатли одамнинг ҳар бир иши саришта ва саранжом бўлади. Ҳовлидаги гулзору хонадонидаги тарихий кўргазма, айниқса, Охунбобоев номли агрофирманинг Йўлдош ота бош-қош бўлиб турган тарих музейига кирган ҳар бир инсон — она замин ва хонадон шундай одамлар қўли билан гузал бўлишлигига ишонч ҳосил қилади. Ёшлигида катталар сўзини тинглаган, умрнинг мазмунини яхши билган Йўлдош ота ҳаётнинг ҳар бир дақиқасини юксак даражада қадрлаб, мустақиллик берган неъматлардан мамнуният билан баҳраманд бўлиб, фарзанд ва набиралари, Алишер Навоий номли маҳалланинг олижаноб инсонлари қуршовида иззат-икромда.

"Қарияларни қадрлаш йили" муносабати билан маҳаллада махсус дастур ишлаб чиқилганди. Барча кексалар рўйхатга олиниб, қариялар ҳаётини акс эттирувчи фотолавҳа ва деворий газеталар чиқарилиб, барча нуроний отахон ва онахонлар маҳалла ҳисобидан моддий рағбатлантирилиб, кекса ва ёш фуқаролар биргаликда Миллий академик драма театрининг янги спектаклига олиб борилди. "Қарияларни қадрлаш йили"га мўлжалланган тадбирлар ичида "Сен сийласанг қарини, Тангри сийлар барини" мавзусида кекса авлодлар билан ёшларнинг учрашув кечасини ўтказиш ҳам иштирокчиларда чуқур таассурот қолдирди.

Шу тадбир куни Охунбобоев номли ҳўжалик бошқаруви раиси Искандар Позилов маҳалланинг 15 нафар нуроний отахонларига қимматбаҳо енгил пальто совға қилди.

Қариликнинг ўзига хос кўрки ва файзи бор. Инсон кексайган сайин ҳаётга муҳаббати янада ортиб боради. Ёшликдаги табассумни эслатиб турувчи чехраларидаги нуронийларга хос ажинлар ҳам уларнинг ўзига ярашиб туради. Оғир-вазмин, мулоҳазакор, доно ва маслаҳатгўй онахонлар маҳалланинг суянган тоғи, оилаларнинг эса чароғон чироғидир.

Одамларга ва умуман ташқи оламга муҳаббати сақланиб қолган қариялар бахтиёрдирлар, деганларидек худди ёшлик фаслларидек хушчақчақ ҳаёт кечираётган, чехраларидан нур ёғилиб турган онахонларни кўриб, қувонасан киши. Халқимизда "Қария — қариндошлар мойтуғи" деган нақл бор. Мойтуғ — туғ, яъни байроқ ўрнатиладиган, ҳамма йиғиладиган жой маъносини англатади.

Рокияхон Ақромалиева — қалби битмас-туганмас меҳр-муҳаббатга тула онахон эди. У олти қиз, икки ўғилни меҳр билан боққан. Қирқ тўрт набира, ўттиз нафар авара ва олтита чевараларнинг севимли бувиси бўлиш нақадар чексиз бахт. Оламга татиғулик суюкли фарзандларини жону дилда асраб парваришлаган, фақат оила ва болаларим деб куйиб-ёниб яшаган табаррук ва ғиру бадавлат эди у. Ўзининг меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, бутун авлод-аждоддаги мувозанатни, қадр-қиммат, борди-келди, самимият ва адолат муҳитини сақлаб келди.

Маҳалладошлар бу онахонни фариштага қиёс қилиб, чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишарди. Фаришта деганда биз Аллоҳ томонидан яратилган энг пок, энг бегуноҳ, табаррук зотларни тушунамиз. Рокия она ҳақиқатан ҳам маҳалладаги энг маъсума, озода ва ҳалол аёллардан бўлиб, оилага қувват ва жон бағишларди. Фарзандларимни бахтли қилай, улар одамлар меҳрини қозонишсин, дерди доимо. Оилани ҳаёт изғиринларидан асраб, ҳатто кулбани ҳам кошонага айлантирган омиллар онадаги ана шу фазилатлар эди. Қолаверса, умр йўлдоши марҳум Карим ака Аҳмедов билан аҳил-иноқ, ҳаёт кечиришлари ҳам оилани камолотга етказувчи офтоб бўлди.

Карим ака вафот этганларига 30 йилдан ошган бўлса ҳам онахон ҳамиша у кишидаги олижаноблик, ҳалоллик, садоқат ва меҳрибонлик каби фазилатлари ҳақида фарзанд, набира, авара ва маҳалла ёшларига фахр билан сўзлаб беришдан ҳузур қилардилар. Карим аканинг: "Садоқат ва одамийлик — яхши инсонларнинг гўзал ҳусни. Улар меҳр ва ишқ тафтида тобланган бўлиб, турмуш ва ҳаётни гўзаллаштиради. Ишқ-муҳаббат ҳам, вафо ва меҳр ҳам ўз садоқати билан шарофат топади. Ҳалоллик ва тўғрилиқ, одамийлик ва садоқатгина оила фойзини қуриқлаб туради. Садоқатли умр — барча эзгуликлар эшигини очувчи сирли калитдир", каби ўғитлари Рокия она учун умрининг охиригача ўчмас муҳр бўлиб қолганди.

Шоҳ қизи бўлсам-да, қилдим фақир йўлни ихтиёр,
Бас, менга бу зеби-зийнатким, отим Зебунисо,

деганларидек Рокия она ҳам бадавлат бир нуфузли хонадоннинг фарзанди бўлишларига қарамай, оилада доимо исмларига яраша фаолият юритганлар. Яъни, оилада покиза ва соғлом муҳитни сақлаш, унинг ҳаётини жамият ҳаёти билан чамбарчас боғлаш, фарзандлар тарбиясида собитқадам бўлиб, ахлоқан пок, илму ҳунарда етук ўғил-қизларни тарбиялаш ва руҳий-маънавий

етуклигини таъминлаш, муаммоларни аҳиллик, ақл-заковат билан ҳал этишни ўзлари ва оила учун энг биринчи бахт-саодат эшиги деб билганлар.

— Сихат-саломатлик ва хотиржамликни улуғ неъмат деб билиш, нафсни паст тутиб, бойлик ва безакларга берилмай, ҳар бир нарсада ўртача бўлиб, шукроналик, эзгу ният билан яшаш ҳаёт моҳиятини англатади, — дердилар Рокия она.

Онага чексиз қувонч ва бахт-саодат бахш этган омил қобил ва комил фарзандлар тарбияси бўлди. Хуррамхон, Хурсаной, Шукрияхон, Ганияхон, Ҳафизахон, Ҳуснияхон, Раҳимжон ва Рустамжон орзу-истаклар ижобат, фарзандлар камолотига мушарраф бўлиш мақсадида бундай чиройли исмларни танлай билишнинг ўзи ҳам оилада ота-оналар қалби ўзликни англатадиган ҳидоят нури билан тўлиқлигидан далолатдир. Хонадон соҳиблари фарзандларига қиш-у ёзда совуқ шамол тегдирмай, аччиқ, лекин фойдали насиҳатлар, ҳаётлари учун шиор қилиб олишга арзигулик, йўлларини нурдек ёритиб турувчи нақллар билан маънавий жиҳатдан озиқлантира билдилар.

*Ўз ҳаддингдан ошма, қилма бебошлик,
Ширин сўз бўл, салобатли, бардошлик.
Ваъда қилсанг устидан чиқ сўзингни,
Халқ ичида бебурд қилма ўзингни.*

Ота-онага иззат-икром, ҳурмат ва итоатда бўлиш руҳида тарбияланган Раҳимжон ва Рустамжонда ана шундай сифатларнинг мужассамлиги, олти нафар қизларнинг барчаси турли соҳаларда олий малакали мутахассис бўлиб етишиб, меҳнат жабҳасида, ибратли оила бешигини тебратишда эришган обрў-эътиборлари нуроний онахон учун орзулар ижобати бўлди.

Бинобарин, шундай нуроний ва табарруқ оналарни улуғлаш, уларнинг панду насиҳатларига қулоқ солиш, уларни инсон ҳаётининг чироғи, суянган тоғи, умрининг гули, деб эъзозлаш ва ҳурмат қилиш, оқ фотиҳа ва дуоларини олиш бахтига муяссар бўла олиш ёшларнинг энг гўзал фазилатларидан бири бўлиб қолмоғи зарур.

Муборак Фуломова, Ҳакимахон Усмонова, Нурихон Ёкубова, Вазира Қаюмова, Ҳалима Ҳикматова, Мухтабар Алимова, Азиза Мирзаева, Ибодат Қодирова, Норбуви Абдуғофурова, Зарофат Абдурахмонова, Иқболхон Комилова, Саида Исроилова, Меҳринисо Арслонова (марҳум), Назира Акромова, Нафиса Комилова каби кўплаб нуроний онахонлар, сеvimли бувижонлар маҳалла ёшлари учун ҳамиша беғараз муаллим, мустаҳкам суянчиқ бўлиб келмоқдалар.

"Билим истанг", "Ғайратли бўлиб, мақтов ва таҳсинларга мос иш қилинг", "Билим ва ҳунар эгасигина ҳурмат топади", "Ахлоқ ҳар бир инсоннинг зийнати", "Ёлғон барча ёмонликларнинг бошидир", "Инсон қадр-қимматини оширувчи омил ҳам одобдир", "Ёшликни ғанимат билиб, бепарволик қилманг", "Хижолатда қоладиган иш қилманг", "Катта-ю кичикни ҳурмат қилиб, ёмонларга ёндашманг", "Тугри йўлдан адашмай, ҳушёр юринг", "Яхшилик қилган яхшилик кўради", "Китоб ва илмга бўлган интилиш доимий йўлдошингиз бўлсин" каби ўғитлар қарияларнинг ўз фарзанд, набира ва маҳалла ёшларига ҳар куни таъкидлаб турадиган дил сўзларидир.

"Ҳар кексадан бир нақл" деганларидек, Алишер Навоий номли маҳалла нуроний онахонларининг ташаббуси билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Хотин-қизлар кенгашининг раиси Тоҳира Тошметова ташаббуси билан маҳалладаги келин бўлувчи қизлар ва ёш келинлар учун "Ибрат дарси" ташкил этилиб, бунда катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, пиру бадавлат, оқила онахонлар машғулот олиб борадилар.

"Бахтиёр, садоқатли ва гўзал турмуш қуриш омиллари", "Ҳаёт ва унинг қонунлари нима?", "Аҳиллик ва иноқлик — оила ҳузур-ҳаловатининг асоси", "Оила лаззати — меҳр-мурувватда", "Қаноат ва шукроналик — уй соҳибасининг олий фазилати", "Ўзаро итоаткорлик — садоқат калити", "Саронжом-саришталик ва тозалик келиннинг кўрки", "Исроф қилмаслик ва тежамкорлик — билимдонлик ва эр қадрига етиш демакдир", "Эрининг қариндош ва яқинларига ҳурмат — обрў ва эътибор қозонишдир", "Эр сирини сақлаш — ақлли аёл фазилати" каби мавзулар машғулот дастурининг асосий мазмунини ташкил этади.

Ҳар бир нарсани ақл кўзи билан кўрувчи, кўкси доимо яхшиликка, эсгуликка тўла Азиза Мирзиева, Нурихон Ёқубова, Муборак Фуломова каби нуроний онахонларнинг маҳалла қизларига бераётган насиҳат ва ўғитлари улар учун шахсий ҳаётларида катта ибрат бўлиб, гўзал, бахтли ҳаёт кечиришга чорловчи, оилаларда саодат эшикларини очувчи маънавий қурол бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Гўзал усулда оддий ва тушунарли мунозара қиладиган, ҳикмат ва чиройли сўзлар билан насиҳат қиладиган доно кексалар маҳаллада кўп. Улар ўз оилалари ва ён қўшнилари орасида бўлса ҳам маҳалла ёшларини Аллоҳнинг ақл неъматидан баҳраманд бўлишларида жонбозлик кўрсатишдан чарчамайдилар. Қолаверса,

яхши инсоний хислат ва эзгуликлар мажмуаси бўлган ахлоқ-одоб масаласида маҳалла ёшлари ўртасида олиб бораётган хайрли ишларини ўзлари учун кексаликнинг хузур-ҳаловати ва ўзига хос кўрки, вазифаси, деб биладилар.

Улуғ ёшга етиш ҳам катта бахт. Маҳаллада Собит Исмоилов, Муҳаббат Маъруфова, Шариф Мирзаев, Аъзамхўжа Ақромов, Абдужалил Абдужабборов, Хайринисо Толипова, Шавқия Толипова, Тоживой Ғозибоев, Роҳатой Сулаймонова, Муяссар Абдужабборова, Умринисо Низомова, Ҳакимаҳон Усмонова, Зарифа Султонова, Жўра Убайдуллаев, Шобўстон Қурбонова, Мелибой Ҳакимов, Мастура Рўзиалиева, Тўтихон Ҳакимова, Толиб Тошматов, Назми Тошматова, Саниса Ҳалилова, Турсунбой Аҳмедов каби яна кўплаб ажойиб нуроний отахон ва онахонлар умргузаронлик қилишади, уларнинг аксарияти умр фаслининг саксонинчи баҳорини қаршилашган. Уларнинг ҳаётга бўлган меҳр-муҳаббати эса ҳавасингизни келтиради.

Энг муҳими, улар маҳалла, оилаларнинг суянган тоғи, нурафшон чироғи ва доно маслаҳатгўйи. Маҳалла ҳаётининг файзу баракоти, тўй ва маросимларнинг кўрки ҳам чехраларида табассум жилва қилиб турган меҳрибон отахон ва онахонлар билан.

Ҳа, маҳалла кексалари ҳаётни эзгу ишлар қилиб яшаш ва олдинга интилишдан иборат, деб биладилар. Улар ёшлар камолини кўриб, бахтли авлод билан ҳамнафас бўлишликни кексаликнинг гашти, деб биладилар. Умр нарвонининг шундай муборак поғонасида кекса қалбнинг ҳаётга бўлган бундай меҳр-муҳаббатини педагог шоир Соип Муҳамедов қуйидагича таърифлайди:

*Шу ёруғ дунёмиз тургунча туриб,
Бахтиёр кексалик гаштини суриб,
Ғунчадек фарзандлар камолин кўриб,
Юртга садоқатла яшагим келур.*

Фаровон ҳаётимизга файз бахш этувчи, ният ва дуолари ҳолис, ширинсўз кексаларимизнинг умрлари янада зиёда бўлиб, бахт ва саодат эшиклари ҳамиша очиқ бўлсин!

СПОРТ — ЧИНИҚИШ ВА САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

"Меҳнат қобилиятини ва саломатлигини сақлаб қолмоқчи бўлган, чинакам ва шодмон ҳаёт кечиришни хоҳлаган ҳар бир одамнинг кундалик турмушидан гимнастика, жисмоний машқлар, пиёда юриш мустаҳкам ўрин олмоғи лозим".

ГИППОКРАТ

Қадимги юнон шифокори, илмий тиббиётнинг асосчиси Букрот Абуҳрат, яъни Гиппократ бундан икки ярим минг йил илгарийёқ саломатликни сақлаш ҳамда ҳар турли касалликларнинг олдини олишда бадантарбия ва доимий ҳаракатдан яхши восита йўқлигини алоҳида таъкидлаган эди. Буюк Ибн Сино эса ўз вақтида, меъёри билан бадантарбия қилган одамга дард яқинлашмайди, унга ҳеч қандай дори-дармонга зарурат қолмайди, бунинг учун муайян бир тартибга риоя қилмоқ шарт, деганди.

Бинобарин, ҳаёт бор экан, у доимо ҳаракатни талаб қилади. Гимнастикани канда қилмаслик, доимо ҳаракатда, тоза ҳавода бўлиш, одам ўз танасини чиниқтириши, жисмоний меҳнат билан шуғулланиш, кўпроқ пиёда юриш, совуқ сувда ювиниш, хушманзарали жойларга сайр қилиш, еб-ичишни суиистеъмол қилмаслик, нафсни тия билиш — буларнинг барчаси маънан соғлом бўлиш, ҳатто эски дардлардан ҳам фориғ бўлиш, қариликка қарши курашиш, хотирани кучайтириш, асабларни мустаҳкамлаш омиллари бўлиб хизмат қилади.

Оддий пиёда юришнинг ўзи ҳам инсон тафаккурини тиниқлаштириб, фикрларни ифода этишнинг янада яхши усулларини топишга ёрдам беради. Тинимсиз бир жойда ўтиргандан пиёда юришнинг афзаллиги ниҳоятда улуғ. У мияга туртки бериб, эсдан чиқарганларни эсга туширади ва киши фикрини ишга солади. Тана ҳаракати билан мияга дам бериш, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатни узвий равишда уйғунлаштириб боришгина ақлий қобилиятларни кўпроқ сақлаб қолади. Шундагина ҳар бир инсон ўзини тўқис ва гузал қиёфада тасаввур эта олиши мумкин.

Қисқаси, инсон танаси ҳаракат қилмаса, тафаккур бўлмайди. Шу боисдан ҳам инсоният тараққиётининг ҳар бир босқичида бадантарбия ёки спортга алоҳида эътибор берилади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин ўзбек

спортга берилган эътибор, унинг равнақи учун бўлган ғамхўрлик ҳар қачонгидан ҳам юқори бўлмоқда. Чунки Ўзбекистоннинг танлаган йўли, унинг тинчликсевар ташқи сиёсати, яратувчанлик ва бунёдкорликдан иборат бўлган йўли шуни ғақозо этарди. Ҳозирги шароитда жаҳонга қуролланиш ва вайронагарчилик соҳасидаги "беллашув"ларнинг кераксизлиги ҳақида тўхталиб, Юртбошимиз Ислом Каримов спортнинг истиқболи ҳақида ишонч билдириб, шундай деб таъкидлагани бежиз эмас:

— **Инсониятга барқарорлик ва тинчлик керак. Спорт эса тинчликнинг элчиси ҳисобланади. Энг истеъдодли, энг қобилиятли, энг ёрқин иқтидор эгалари жаҳонни спортдаги ютуқлари билан забт этаверсин. Улар фақат спорт майдонларида — ақли, маҳорати, гайриоддий қобилиятлари, истеъдоди ва жасорати, ғалабага бўлган интилиши билан беллашаверсинлар.**

Ҳақиқатан ҳам ўзбек спорти мустақилликнинг қисқа 16 йили давомида инсон имкониятларининг чексизлигини, унинг жисман ва руҳан мукамаллигини, ҳатто жаҳон миқёсида намоёиш қилиб, инсон заковатининг бутун гўзаллиги ва бетакрорлигини исботлаб берди. Яна энг муҳими, ана шу заковат ва гўзаллик маҳалла, оилаларда ҳам намоён бўла бошлади.

Сиёсат, иқтисодиёт, илм-фан ва маданиятдаги каби жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги туб ўзгаришлар маҳаллаларда комил инсонларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республика Президенти Ислом Каримовнинг "...**биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур**" деган кўрсатмалари, маҳаллаларда оилавий ва болалар спортини ривожлантириш ҳақидаги тавсияларидан келиб чиқиб, Алишер Навоий номли маҳалла ҳам ёшлар билан ишлаш, уларни спортга жалб этиш масалалари бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқди. Спортнинг деярли барча турларини ҳисобга олиб, улар учун шароит ва моддий база яратиш дастурининг бош вазифаси бўлди.

9-ўрта мактаб маҳалла ҳудудида бўлганлиги учун ёшларни спортнинг футбол, миллий "Турон" кураши, сузиш, каратэ ва волейбол каби турларига жалб этиш анча осон бўлди. Ҳар жиҳатдан яхши жиҳозланган спорт зали, футбол майдони ва сузиш бассейнларида фақат Алишер Навоий эмас, балки қўшни Зоирхон Жалилов, Мавлон Ғаниев номли маҳалла ёшлари ҳам навбати билан машғулотлар ўтказиб туриш имкониятига эгадирлар. Маҳаллалараро спорт мусобақаларини ҳам шу ерда ўтказиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

1998 йили 9-мактаб қошида "Турон" миллий якка кураши бўйича машғулотнинг бошланиши нафақат Алишер Навоий, балки қўшни тўртта маҳалла ёшларининг барчасида спортнинг бу турига бўлган қизиқишни кескин оширди.

Олий тоифадаги спорт устаси Ақром Шердонаев машғулотнинг биринчи кунлариданоқ маҳаллалар билан яқиндан муносабатда бўлиб, бошланишига 15-20 нафар ёшлар билан шуғуллана бошлади. Миллий якка курашнинг бу тури нафақат ёшлар ўртасида, балки катталарда ҳам қизиқиш уйғота бошлади, чунки бу оддий кураш эмас. Ҳам тепиш, ҳам қўл билан уришдан иборат бўлган курашнинг бу қадимий ва жанговар тури босқинчи душманлардан ватанни ҳимоя қилишда жуда муҳим аҳамият касб этиб келган. Айниқса, Соҳибқирон Амир Темурашқарларининг аксарият қўпчилиги ана шу "Турон" миллий кураши билан мукамал шуғулланганлар.

Машғулот дарсдан ташқари вақтларда фаолият кўрсатганлиги учун қатнашувчилар сони янада ортиб борибди. Машғулотга беш ёшдан бошлаб катта ёшдаги ўғил-қизлар қатнаша бошлади. Шу нарса қувончлики, қисқа вақт ичида шуғулланувчилар сони 20 тадан 300 нафарга ортибди ва уларнинг юздан ортигини Алишер Навоий номли маҳалланинг ўғил-қизлари ташкил этади. Албатта, бир маҳалланинг ўзидан спортнинг битта тури бўйича шунча ёшларнинг иштирок этиши жуда қувончли ҳол.

Яна шу нарса диққатга сазоворки, спортнинг бу тури йил сайин оммалашиб бориб, 9-мактабда "Маҳалла", "Соғлом авлод учун", "Нуроний", "Болалар спортини ривожлантириш" жамғармаси каби жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида мунтазам ўтказиб келинаётган мусобақалар маҳалла ёшларида янада катта қизиқиш уйғотмоқда. Айниқса, кам таъминланган оила фарзандларига "Қамолот" ва "Болалар спортини ривожлантириш" жамғармасининг ҳомийлик қилиши, уларнинг спорт анжомлари ва кийим-кечаклари билан бепул таъминланиши, халқаро турнир иштирокчиларига эса маҳалла ҳомийлари томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши ёш спортчиларга кўтаринки руҳ бағишламоқда. 300 нафардан ортиқ спортчиларнинг беш нафар устозларига етарли миқдордаги ойлик маошлари Тошкент вилояти Қасаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан таъминлаб турилибди.

Машғулотларнинг меъёри билан изчил ўтказилиши, доимий гимнастика, муайян бир тартиб ва қоидага риоя этилиши кечаги нимжон, жисмонан кучсиз болаларни эркин, руҳан тетик ҳаракат қилишга ўргата бошлади. Уларда спортга бўлган қўниқма шакллана

борди. Ҳаётий жараёнлар фаоллашиб, жисмоний гўзаллик такомиллашган сари, куч-ғайратга тўлишиб, саломатликлари ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамлана борди.

Хуллас, жисмоний тарбиянинг моҳиятини чуқур ҳис эта бошлаган ўғил-қизларнинг ўқиш ва меҳнатга бўлган муносабатлари ҳам яхши томонга ўзгариб, ҳар бир ишга ақл-идрок билан ёндашувчи, маънан ва жисмонан соғлом бўлиб етиша бошладилар. Республикамиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, биз наслимизнинг келажаги — соғлом авлод учун кураш бошладик. Шу ном билан орден таъсис этилиб, жамгарма ҳам тузилди. Соғлом деганда биз фақатгина жисмонан бақувват ёшларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам назарда тутамиз. Чунки ҳар тарафлама соғлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмаслиги барчага аёндыр.

Мамнуният билан айтиш мумкинки, Алишер Навоий маҳалласида ҳам ана шу мақсадга қисман бўлса-да, эриша бошланди. "Турон" миллий якка кураши бўйича Шерзод Қодировнинг олти марта мамлакат чемпионлигини қўлга киритиши ва унинг кўплаб олтин медаллар билан тақдирланиши, бир неча бор халқаро турнирлар ғолиби, беш марта мамлакат чемпиони, спорт устаси, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг талабаси Беҳзод Убайдуллаев, ўз вазнида тўрт марта Республика чемпиони, кўплаб халқаро турнирларнинг ғолиби Умида Толипова нафақат маҳалла, балки бутун мамлакатимизнинг фахри ва ғурурига айланиб бормоқдалар.

Нукус халқаро турнирининг (2006 йил) ғолиблари Беҳзод Убайдуллаев ва Жалолиддин Саъдуллаҳўжаевдан Алишер Навоий ва қўшни Мавлон Фаниев номли маҳаллаларнинг умиди катта.

Эндигина ўн ёшга қадам қўйган Ақромхўжа Йўлдошхўжаевнинг олти марта вилоят ва икки марта Республика чемпиони бўлишининг ўзи ҳам катта мўъжиза.

Абдуҳобир Ҳожи Самиғовнинг бир йўла уч нафар - Бахтиёр Убайдулло ва Ҳабибулло исмли набираларидан ҳам умиди катта. Уларнинг устози Ақромжон Шердонаевнинг сўзига қараганда, 8-9 ёшли бу учала амакиваччалар ниҳоятда қатъиятли ва тиришқоқ бўлиб, улар ўзларига хос маҳорат ва истеъдодлари билан алоҳида кўзга ташланиб турадилар. Болаликдан бошлаб яратилаётган мўъжизалар ана шундай маҳорат ва истеъдодларнинг маҳсулидир.

Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, бундай истеъдод соҳиблари фақат Алишер Навоий маҳалласида эмас, қўшни маҳаллаларда

ҳам бор. Жумладан, Зоирхон Жалилов номли маҳалла фуқароси 18 ёшли Маҳфузахон Абдуллаеванинг қўл жанги бўйича Жаҳон чемпионлигини қўлга киритиши, Гофур Ҳошимов номли маҳалладан Рустам Умаровнинг етти марта мамлакат чемпиони бўлиши, халқаро турнирларда бир неча бор галаба қилиши ниҳоятда қувончли ҳолдир.

Маҳалла ёшларининг кундалик турмушидан мустаҳкам ўрин олган спортнинг баскетбол, футбол, волейбол, стол тенниси, сузиш, шахмат ва шашка турлари ҳам уларнинг саломатлиги ва фикрлаш қобилиятларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тажрибали ва талабчан жисмоний тарбия ўқитувчиси Турдиш Усмонов туман миқёсидаги юмушлари билан банд бўлишига қарамасдан, маҳалладош ёшларни спортга жалб қилиш ва улар билан мунтазам шуғулланишга вақт топа биладиган фидойи устоз. У олиб борадиган машғулотларининг ўзига хос томонлари шундаки, шуғулланувчиларга спорт ҳар бир турининг мазмун-моҳияти ва келиб чиқиш тарихидан қизиқарли маълумотлар билан таништириб боради.

Масалан, баскетбол — инглизча сўз бўлиб, "сават", "тўп" маъносини билдиради. Унинг ватани АҚШ бўлиб (1891 йил), Ўзбекистонда 1921 йилдан ўйнала бошлаган. Волейбол ҳам 1895 йилда АҚШда пайдо бўлиб, унга В.Г.Морган исмли жисмоний тарбия мутахассиси асос солган. Спортнинг бу тури ҳам инглизча сўз бўлиб, "тўпни уриб қайтармоқ" деган маънони билдиради. Волейбол Ўзбекистонда 1920 йилдан бери ўйнаб келинади ва мустақиллик шарофати билан маҳаллаларда ҳам спортнинг бундай турлари оммалашиб борапти.

Алишер Навоий номли маҳаллада ёшларнинг қишин-ёзин спортнинг баскетбол ва волейбол турлари билан мунтазам равишда шуғулланиш имконияти етарлидир. Ёз мавсумларида маҳаллаларда шуғулланилса, қишда шу ҳудуддаги 9-ўрта мактабнинг спорт залида машғул бўлиш мумкин. Ўйинлар ҳар доим қизиқарли ва муросасиз кураш остида ўтади. Айниқса, кўчалар ва маҳаллалараро ўйинлар кўпчилик диққатини ўзига жалб этиб, голиблар маҳалланинг ҳомийлари томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

Умид Зияев, Маъруф Худойбергенов, Маҳмуд Худойбергенов, Мирсодиқ Мирдадаев, Аббос Мирдадаев, Дилмурод Қорабоев, Ҳайрулла Ғаффоров, Низом Дадахўжаев, Шамсиддин Маннонов, Дониёр Толипов, Собир Орипов, Мўмин Дадахўжаев, Баҳодир Мамажоновлар баскетбол, волейбол ва футбол бўйича маҳалланинг энг жонкуяр спортчиларидир. Бундан ташқари, яна 30 нафардан

ортиқ ёш ўсмирлар ана шу спортчилар қанотида дарсдан кейинги бўш вақтларини мазмунли ва фойдали гарзда ўтказадилар.

Маҳалланинг ёш футболчилари хусусида шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, фуқаро Жаҳонгир Рўзиметовнинг бевосита ғамхўрлиги, ташаббуси ва ҳомийлигида "Умид" (кейинчалик "Солиқчи") жамоаси вилоят биринчилиги даражасига кўтарилиб, Тошкент тумани ва вилоят ҳокимиятининг махсус совринларини олишга муяссар бўлди.

Маълумки, шахмат ўйини инсонда мантиқий тафаккурни ривожлантиришга, диққатнинг бир жойга тўпланишига, ғалабага бўлган ишонч ва бошқа ахлоқий сифатларни тарбиялашга катта ёрдам беради. Қолаверса, бунда инсон характери, қобилияти яққол юзага чиқади.

Бундай ақлий мусобақага ҳам маҳаллада етарли шароит мавжуд. Маҳалланинг "Маънавият ва маърифат зали" ҳамиша шахмат ишқибозлари билан гавжум. Спортнинг бундай қизиқарли турига бир неча йилдан бери жамоатчи фуқаро Тўлқин Убайдуллаев бошчилик қилиб келмоқда. Миракбар Одилов, Мираъзам Одилов, Расул Дадажонов, Исроил Исмонов, Иззат Мираюпов, Ҳожиакбар Нурматов каби ёшлар ўзларининг чиройли ўйинлари билан маҳалланинг, ҳатто, катта ёшдаги шахматчиларини ҳам ҳайратда қолдирмоқдалар.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов "Мен катта теннис яқин орада Ўзбекистонда жадал равишда ривожланиб, спортнинг бошқа турлари қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллашига аминман", деб ҳақ гапни айтганди. Қисқа вақт оралиғида спортнинг бу қизиқарли тури ҳам маҳаллаларга кириб кела бошлади. Айниқса, ёз мавсуми бошланиб, ўқувчилар ёзги таътилга чиққач, уларнинг асосий машғулотларидан бири маҳалла қошидаги стол теннисида шуғулланишдир. Маҳалланинг ҳар бир кўчаларидан **йиғилган** ўқув ёшидаги болалар белгиланган вақтда ўзаро мусобақа ўтказиб, яхши ҳордиқ чиқариб кетишади. Бундан ташқари, хонадонларнинг ўзида ҳам теннис ўйинлари одат тусига кириб, оила аъзолари ва ён қўшнилари билан бўлган ўзаро мусобақалар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳа, модомики спорт шундай катта кучга эга экан, инсон саломатлигини мустаҳкамлаб, ёшликни узайтириб, қариликка қарши курашнинг энг муҳим шифобахш воситаси бўлган ҳар кунги жисмоний ҳаракатни қанда қилмаслик керак. Зеро, буюк Гиппократ айтганидек, ёмғир дарахт ғуборини ювганидек, гимнастика бадан ғуборини тозалайди.

ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА

*Агар қилча низо бўлса одамда,
Йўқолур осойиш, тартиб оламда,
Юз хумда тиниқ сут бўлса, борини —
Ачитар ним томчи сирка бир дамда.*

Абдулқодир БЕДИЛ

Осойишталик ва тартиб-интизом, қардошлик ва дўстлик азал-азалдан маҳаллаларда устувор бўлиб келган. Бирлик ва аҳиллик, бир ёқадан бош чиқариш, ўзаро қўллаб-қувватлаш, маҳалла ишларини тартибсизлантирмоқчи бўлган беқарор ва зарарли оқимларга шафқатсиз бўлиш ҳар бир маҳалла учун азалий одат ва муқаддас бурч бўлиб ҳисобланган.

Ўзбек халқининг сеvimли шоири Ҳамид Олимжоннинг "Менинг халқим бирлик ва ҳамжиҳатликни яхши кўради. Тирик экан бир-бирини қўллаб-қувватлайди", деб айтган дил сўзлари, аввало, маҳаллаларда ўз аксини топади.

Ҳақиқатан ҳам маҳаллада фақат ўзи ва оиласи учун яшашни донишмандлар бадномлик, деб атаганлар. Бу эса мевасиз қуриб қолган дарахтдан бошқа нарса эмас.

Аллоҳга минг бор шукрки, ўзбек маҳаллалари бундай иллатлардан мутлақо холидир. Халқимиз маҳаллани қўриқлашни ўз уйини қўриқлаш, деб билади. Бинобарин, ўз уйини ўзи қўриқлаш қадимдан бор нарса. Далил тариқасида шуни таъкидламоқ лозимки, болалик ва ўсмирлик йилларимиз ўтган Собир Раҳимов тумани, "Мустаҳкам" маҳалласида ўз уйини қўриқлашнинг ҳақиқий намунасини кўрганмиз. Маҳалла оқсоқоли — марҳум амакимиз Зухриддин Ғуломов даврларида маҳалланинг Қоровой ака, Наби ака ва Назир ака исмли жамоатчилик йўли билан ишловчи қоровуллари бўларди. Улар ўша даврнинг тупроқли кўчаларига сув сепиб супиришар, одамларни тўй ошлари, жаноза, маърака ва маҳалла мажлисларига хабарлаб, кечалари кўчама-кўча юриб, маҳаллани қўриқлашарди.

Қўлларида узун, қаттиқ ёғочдан қилинган сўйиллари бўлиб, тун кечалари нотаниш одамнинг шарпаси сезилиб қолса, қоровуллар "ким бу?" дейишлари билан қорасини кўрсатмасди. Кечаси ким уйига маст ҳолатда келди, қайси хонадонда шовқин-сурон бўлди, кўчада қандай нотаниш, шубҳали одамлар учради, ҳаммаси ҳақида эртаси кун маҳалла оқсоқоли ва милиция нозирига маълумот бериларди.

...Ўтган аср 40-йилларининг охирлари эди. Тун кечаси, ноябрь ойларида ёлгон арафадан чин арафага ўтар кечаси. Ашхободдаги ер ютиш даражасидаги даҳшатли зилзила Тошкентни ҳам ларзага келтирди. Ширин уйқуси бузилиб, қўрқувдан ҳовли ва кўчага чиқмаган одам қолмади. Шунда маҳалла қоровуллари раҳматлик Наби ака ва Қоровой акалар: "Тинчмисизлар?" деб деярли ҳар бир хонадоннинг эшигини тақиллатиб, одамлардан хабар олишгани ҳамон эсимиздан чиқмайди.

Маҳаллада одамларни наҳорги тўй ошларига хабарлашнинг ҳам ўзига хос файзи бўларди. Айниқса, қоровул Назир ака завқ билан хабарлардилар. Бизнинг хонадонни хабарлаётганларида баланд овозда: "Мулла Зухриддин, мулла Фазлиддин, мулла Тоҳириддин, мулла Зайниддин, мулла Ҳусниддин, мулла Фаҳриддин, мулла Насриддин барчангиз Азим аканикига ошга!" деб ҳаммамизнинг номимизни бирма-бир такрорлардилар. Лекин эски тузумнинг кейинги даврида қадрият ва урф-одатларимизнинг шунга ўхшаш томонлари ҳам унутиб юборилаёзганди. Шукроналар бўлсинки, Мустақиллик барча қадриятларимиз қатори маҳаллаларга ҳам қайтадан ҳаёт бахш этди. Одамларнинг бирдамлик, аҳиллик ва иноқлик туйғулари яна гуллаб-яшнай бошлади. Бир кишининг қувончи — ҳамманинг шодлиги, бир одамнинг ғами — кўпчиликнинг қайғуси, деганларидек маҳалла бирлик, ҳамжиҳатлик маскани бўлиб қолди.

Президентимиз Ислом Каримов XXI аср арафасида ва унинг дастлабки йилларида республикаимизнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб, шулар жумласидан жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашни энг устувор вазифалардан бири эканлигини алоҳида уқтирган эди. Мамлакатимизда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик даражасининг анча юқорилиги, ишсизларнинг кўпчилик қисмини ёшлар ташкил этаётганлиги ҳам ташвишли бир ҳол эди.

16 февралдаги фожиали воқеаларнинг иштирокчилари ҳам асосан ёшлар эканлиги ва лоқайдлигимиз оқибатида уларнинг жиноий гуруҳлар, экстремистлар, диний мутаассиблар таъсирига тушиб қолганликлари ҳақида тўхталиб, Юртбошимиз: **"Бу аввало, сиёсий-ижтимоий соҳадаги муайян нуқсонлар, энг муҳими, ёшлар ташкилотлари ва маҳалла кенгашлари ишидаги катта камчиликларни кўрсатади"**, деб таъкидлаганди. Бундай нуқсонларнинг олдини олиш,

уларга қарши курашда, содир этилиши мумкин бўлган турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларга йўл қўймасликда "Маҳалла посбони"нинг ташкил этилиши айни муддао бўлди.

Алишер Навоий номли маҳалла кенгаши ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сон қарорида белгиланган "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари тўғрисида"ги Низом асосида қатор амалий тадбирлар ишлаб чиқди. Жумладан:

- маҳаллада фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш;

- ҳудудда қонун устуворлиги ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва ахлоқ-одоб мезонларига риоя қилиш;

- ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка берилганлар, нотинч оилалар, тарбияси яхши бўлмаган ёшлар билан ишлаш;

- ёшлар онгини заҳарлаб, уларни турли экстремистик ғоялар таъсирига олиш мақсадидаги турли ноқонуний ташкилотларга қарши курашиш;

- қонунга хилоф равишда ёшларга диний таълим берувчи, давлат тузумига қарши бўхтонлар тарқатувчи шахсларни аниқлаб, улар билан тушунтириш ва тарбиявий ишлар олиб бориш;

- муқаддам судланган ва ички ишлар идоралари ҳисобида турувчи тарбияси оғир вояга етмаган ёшлар билан сурункали тарбиявий машғулотлар ўтказиб туриш;

- маҳаллада барқарор тинчлик, осойишталик ва тартибни таъминлашга қаратилган посбонларнинг тунги навбатчилигини ташкил этиш;

- маҳалла қошида ёшлар учун ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданият ва масъулият бўйича доимий семинар машғулотларини ўтказиб туриш;

- маҳаллада ноқонуний истиқомат қилаётган, турли соҳаларда қонун меъёрларини бузаётган шахслар ҳақида ички ишлар бўлимига хабар бериб туриш;

- ободончилик ишлари бўйича ҳашар ва турли тадбирларни ташкил этиш ва тўй-маросимларнинг тинч, осойишта ўтишини таъминлаш ва ҳоказо.

Аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилинган ва маъқул деб топилган бу тадбирлар маҳалла кундалик фаолиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолди.

Маҳалла посбонларининг сардори Раҳматилла Усмонов топшириқ ва масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда дастлаб бу ишга муносиб йигитларни жалб этишдан бошлади. Ишнинг кўзини биладиган,

тажрибали, ҳар бир масалага хушёрлик ва оғир-вазминлик билан ёндашадиган, қатъиятли Раҳматилла Усмонов посбонлар гуруҳини ташкил этишда янглишмади. У маҳалладаги ўндан ортиқ кўчаларнинг ҳар биридан 2-3 нафар жисмонан бақувват, довюрак йигитларни саралаб олди. Фаоллардан Эркин Игамбердиев, Шокир Йўлдошев ва нафақадаги Ички ишлар ходимлари Бахтиёр Муҳаммадалиев, Абдусаттор Мирзаев, Мурод Исмоилов, Ёрқин Муқимовлардан иборат маслаҳатчилар кенгаши ҳам тузилди.

Белгиланган тартибга кўра, ҳар бир кўчанинг катта-кичик-лигига қараб, ўша кўчанинг ўз посбонлари белгиланган вақт оралиғида навбатчилик қиладилар. Масалан, битта кўчага икки киши кечаси соат 23 дан 1 гача, иккинчи гуруҳ 1 дан 3 гача ва зарурат бўлганда, соат 5 гача ҳам навбатчилик қилишади.

Посбонлардан Баҳодир Минаваров, Икром Меҳмонов, Нуриддин Усмонов, Раҳимжон Исмоилов, Улуғбек Исмоилов, Иброҳим Юсупоҳонов, Абдураззоқ Шарипов, Шерзод Қодиров, Абдурасул Қурбонوف, Мурод Содиқов, Равшан Нурматов, Сайдвали Камолов, Баҳодир Мамажонов каби кўплаб йигитлар ўз маҳаллаларининг тинч ва осойишталигини сақлаб туришда эл-юртни мамнун этадиган даражада намунали фаолият кўрсатиб бордилар.

2000—2001- йилларда майда ўғирлик сезила бошлаганди. Айниқса, маҳалладаги янги қурилиш кетаётган хонадонларнинг айримларида тез-тез қурилиш материаллари йўқоладиган бўлиб қолди. "Эгаси минг пойласин, ўғри бир пойласин", деганларидек бошланишига "майда" ўғриларни ушлаш биров қийин бўлди. Лекин Раҳматилла Усмонов ишни бошқачароқ бошлади.

Нечук мактаб яқинидаги катта тол тагида ёш ўсмирлар тез-тез йигилишадиган бўлиб қолди? Кундузи-ку, салқинида ўтиргандир, дейиш мумкин, аммо кечалари-чи? Яна ярим кечалариям ўтиришади. Орасида бегона маҳалла ўсмирлариям бор. Оғизларидан папирос тушмайди, ҳаммаёқ pista-пўчоқ... Бир гап бўлиши мумкин, деган тахминий фикр ўтди Раҳматилланинг хаёлидан.

Шубҳа тўғри чиқди. Уч кунлик сурункали кузатиш натижа-сида посбонлар олти кишилашиб уч нафар жинойтчиларни қўлга олишди. Уларнинг биттаси шаҳарлик экан. Биринчи галга ота-оналари ва фаоллар олдида изза қилиниб, тилхат ёзиб олинди. Тол тагидаги бевақт йиғилишга чек қўйилди.

Орадан кўп вақт ўтмай, яна ўғирлик содир бўла бошлади. Ким бўлдийкин ўғрилар? Раҳматилла Усмонов энди ўша "тавба" қилган ўсмирларни фаоллари билан зимдан кузата бошлади. Улар энди пастқамроқ жойдан макон топишган эди.

Ички ишлар ходимлари билан бамаслаҳат иш кўрган сардор бу "майда" ўғриларни навбатдаги жиноят устида қўлга олди. Улар судда қонуний жазоларини олдилар.

Жамоа ҳужалигининг иссиқхона қурилиши кетаётган жойда айрим темирларнинг йўқолишига ҳам Раҳматилла бефарқ қарамади. Эринмасдан узоқ кузатиш натижасида эгри қўллар икки нафар мактаб ёшидаги болалар эканлиги аниқланди.

Мактаб ўқитувчилари, ота-она ва маҳалла фаолларининг иштирокида бўлиб ўтган жиддий муҳокама натижасида болалар тўғри йўлга тушиб, маълум муддат ўтгач, аълочи ўқувчилар сафидан ўрин олдилар.

Буюк бобомиз Алишер Навоий айтганларидек:

То ҳирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жониға бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Диний экстремистлар таъсирига берилиб, варақалар тарқатувчиларни ушлаш учун эса кўп меҳнат сарфлашга тўғри келди. "Ким бўлиши мумкин, варақачилар? Маҳаллада бирортаям шубҳали одам йўқ. Қани, бир хонадонларни айланиб, одамлар билан суҳбатлашиб кўрай-чи", деб қарор қилди сардор.

— Амаки, — деди кўча супураётган ёш келин Раҳматиллага салом бериб, — менимча, варақачилар азонда юришади. Тунов куни мана шу томондан, — деди у шаҳар томонни кўрсатиб. — Ўнга яқин болалар қўлларида қоғоз билан келиб, мен кўча супуришга чиққанимда эшикма-эшик варақа тарқатиб юришганини кўрувдим. Бизникигаям ташлаб кетишган экан, ўқиб чиқиб, йиртиб-йиртиб ташладим.

— Раҳмат сизга, ҳозирча мен билан гаплашганингизни ҳеч кимга айтмай турунг, — деди-да сардор Раҳматилла тўғри Ички ишлар бўлимига йўл олди.

Тегишли йўлланма ва маслаҳатларни олгач, кечқурун ўз фаоллари билан "махфий" режа гузиб олишди. Посбонлар навбати билан бир ҳафтагача "ҳизбутчи"ларни кутишди. Ниҳоят, навбатчиликнинг саккизинчи куни улар тонг саҳарда ташриф буюриб қолишди. "Нуриддин Фуломов" номли кўчанинг икки томонидаги хонадон эшикларининг тирқишидан варақаларни тез-тез ташлаб чиққунларича

оператив гуруҳ ҳам етиб келиб, маҳаллага пиёда юриб келган варақа тарқатувчиларни машинага ўтказиб, олиб кетдилар...

Шу-шу варақа тарқатувчилар Алишер Навоий номли маҳаллага ташриф буюрмайдиган бўлдилар.

Маҳаллада ўз уйини ўзи қуриқлаш ана шундай утали. Эл осойиши, юрт оройиши, деганларидек "хонадон тинч бўлса — маҳалла, маҳалла тинч бўлса — юрт, Ватан осойишта яшайди. Ҳаётнинг энг зўр хурсандчилиги ҳам, шоду ҳуррамлик, фаровонлик ҳам фақат тинчлик, осойишталикка боғлиқдир. Элнинг шодлиги ҳам, мамлакатнинг ободлиги ҳам ҳар қандай қусур ва иллатларга муросасиз бўлишни тақозо этади.

Муҳаммад ЮСУФ

ЮРТИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Сизда ором қайда, сизда тин қайда?
Сиз тўйиб ухлаган битта тун қайда?
Эл-юрт оромин асраган зотлар,
Эл меҳри асрасин сизни ҳар жойда!

Сизни учратаман тоғда, далада,
Хизматда ҳамиша қорда, жалада.
Сизга собит берсин, сизга куч берсин,
Буюк зотлар руҳи шундай паллада.

Ҳар кун офтоб билан соғ кўришиб юз
Уйдан омон чиқиб, омон қайтингиз.
Ризқи улуг бўлсин, кўкси тоғ бўлсин,
Хонадонингиз-у мамлакатингиз.

Йўллар равон бўлсин, йўллар оқ бўлсин
Баҳор майсалари кўкчиноқ бўлсин.
Бурчга садоқатли, эй фидойилар,
Поклигингиз сизга кўзмунчоқ бўлсин.

Сизда ором қайда, сизда тин қайда?
Сиз тўйиб ухлаган битта тун қайда?
Эл-юрт оромин асраган зотлар,
Эл меҳри асрасин сизни ҳар жойда!

ШУКРОНАЛИК

Қариганинг сари кўпроқ ёшлигинг, ўтмиш ҳақида уйларкансан. Кошки, ёшлигимизни уйлаганда ҳузур қилсак. Аксинча, болаликдаги очлик, юпунлик, қаҳатчилик ва нотинчликлар кўз ўнгимизда қўрқинчли тушдек гавдаланиб туради. Бирор кун тўйиброқ нон еганимизни эслолмаймиз, лекин шундайм шукроналик, умид ва ишонч билан яшардик.

Раҳматли ота-оналаримиз доимо бизларга "Қуръони карим"нинг ушбу оятини эслатиб турардилар: **"...агар берган неъматларимга шукур қилсангизлар, албатта, уларни янада зиёда қилурман. Борди-ю ношукурлик қилсангизлар, албатта, азобим ҳам жуда қаттиқдир"**.

Аллоҳга минг бор шукр. Сабр қилиб, шукроналик билан яшадик, шундай ёруғ ва фаровон ҳаётга эришдик. Қаранг нимадан, кимдан каммиз? Болалик чоғларимизда шаҳар ва қишлоқларнинг бирортасида ҳам енгил машина учрамасди. Уйларимиз томи қамишдан ёпилган тупроқли том бўлиб, электр, газ, радио, телевизор, телефон деган нарсаларни тушимизда ҳам кўрмасдик.

Ҳозир-чи, деярли ҳар бир хонадонда ўртача биттадан енгил машина, айримларида ҳатто иккита ва учтадан. Бошқалари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Қўл телефонида гаплашиб кетаётган бахтли ёш қиз ва йигитларни, талабаларни кўриб, кўзинг қувонади.

Қурилаётган иморатларга бир назар ташланг. Кўпчилиги пишиқ гишт ва оқ тунукали. Эшик, дераза ва ҳашаматли темир дарвозаларни кўриб, ҳавасинг келади. Ҳовли ва йўлақларни қадимги гиштлар билан жимжимадор қилиб ишлаш, ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди.

Илгарилари ҳам шундай имконият ва эркинликлар бормиди? Мабодо бирорта пишиқ гиштли, оқ тунукали иморат қуриб ёки дабдабалироқ тўй қилиб қолсангиз, дарров "шунча маблағни қаердан олдинг?" деб текшир-текшир бошланарди.

Қайси бир мамлакатда тўй ва маросимлар биздагидек тўкин-сочинлик билан чиройли ўтади?! Меҳмондўстлик, бағрикенглик халқимизга хос. Ҳар қадамда киши баҳри дилини очадиган тўй-хоналар. Камдан-кам одамлар тўй ва маъракаларни ўз ҳовлиларида ўтказяпти. Кўпчилик тўйхоналарга ўрганиб қолди. Никоҳ тўйларидаги санъаткорлар, сўз усталарининг кетма-кет келиб хизмат қилишлари, наҳорги ошлардаги файз-баракот. Буларнинг барчаси Аллоҳнинг марҳамати-ю, мустақиллигимизнинг шарофати ва халққа берилган эркинликдандир.

Шу ўринда ғоят муҳим бир масалага тўхталиш жоиз. Икки олам сарвари енглар-ичинглар, хурсандчилик қилинглар, лекин хаддингиздан ошиб, исроф қилманглар, дея уқтирганлар. Демак, рисоламизнинг аввалги бобларида ҳам таъкидлаганимиздек, тўй ва бошқа маросимларни меъёрига келтириш, тартибга солиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Яна шуни айтиш зарурки, кам таъминланган, муҳтож оилалар ҳам йўқ эмас. Улар маҳалла деб аталмиш институт, у ерда яшовчи ва фаолият кўрсатувчи саховатпеша, мурувватли ҳомийлар саховатидан баҳраманд бўлмоқдалар. Зеро, мустақил тараққиёт йўлимиз оқ пойандоз тўшалган равон йўл эмас. Бу йўлда ҳозирча ўзига хос паст-баландликлар, қийинчиликлар, мураккабликлар бўлиши табиий.

Шу нарса таажжублики, кўпинча ночорроқ одамлар эмас, айрим ўзига тўқ, яхши ҳаёт кечираётганларнинг ношукурлигини кўриб, ажабланасан киши. Ҳашаматли уйни қуриб қўйиб, қўлида телефон, тагида янги енгил машинаси бўла туриб, газ, сув ва электр ҳақини тўлашдан бўйин товлашлари сизни лол қолдиради. Бинобарин, баъзиларнинг қийинчиликлардан нолиши, шукроналикни эсдан чиқариши Аллоҳга ҳам хуш келмайди. Ўтган ишларга афсусланиш ҳам ўринсиздир.

Ақл ва инсоф билан фикр юритмоқ керак. Ҳозирги эркинлик ва имконият ҳеч қачон бўлган эмас. Қадрият, урф-одатларимизга илгарилари ҳозиргидек имконият бормиди? Маҳалларимизга берилган ҳуқуқ ва шароитлар, оқсоқол, котиб, посбон ва маслаҳатчиларга давлат томонидан маош тўлаш мустақиллик туфайли жорий этилди. Ҳаж сафари-чи? Истиқлолга қадар туманимиз бўйича бор-йўғи битта ёки иккита ҳожиларимиз бўлган бўлса, ҳозир маҳалламизнинг ўзида уларнинг сони 20 нафарга яқинлашиб қолди. Шукрулло, Абдуҳабир, Абдуманноп, Абдураим, Ҳожиакбар, Маҳмаджон, Мажидхўжа, Озодхўжа каби кўплаб ҳожиларимиз миннатдорчилигининг чеки йўқ. Ҳажга бораман, дея ният қилганлар сони ундан ҳам кўп.

Хуллас, ношукурчиликка ўрин йўқ. Фақат тўй ва маросимларимиздаги ортиқча харажатларни чеклаб, исрофгарчиликка йўл қўймай, меъёр ва тежамкорлик билан, ейиш, кийиниш, уй-жой, ҳамма ва ҳаммасида Пайғамбаримиз айтганларидек, ўртача иш тутсак, бориға шукр қилиб, йўғига сабр қилсак, ишбилармонлик ва тадбиркорлик йўлида фаол меҳнат қилинса, ҳаётимиз янада осойишта ва барқарор бўлади.

III БОБ

МАҲАЛЛА МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДА

МАҲАЛЛА РАВНАҚИ — ИСТИҚЛОЛ МАҲСУЛИ

Фақат Истиқлол туфайлигина ўзига хос демократик ҳаёг тарзи билан ҳисоблашиш пайти келди. Ваҳоланки, шўролар ҳукумати давридаги ҳукмрон тузум ва мафкура маҳаллаларни расман тан олмасди ва уни жамиятни бошқариш тизимига киритмасди. Шунингдек, маҳаллалар учун молиявий-ҳўжалик фаолият юргизиш ҳам тақиқланган эди. Маҳаллаларнинг Мустақиллик йиллари давомидаги аҳамияти моҳияти ҳақида тўхталиб, Юртбошимиз Ислон Каримов шундай деб таъкидлайдилар.

"...Ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан кунга ошиб бораётганлигини барчамиз кўриб турибмиз".

Омма ақлу заковати ҳамда тарихий тажрибаси асосида яратилган бундай ташкилий тизим хорижий мамлакат тадқиқотчиларининг ҳам диққат-эътиборларини жалб этмоқда. Улар мамлакатимиздаги осойишталик ва барқарор тинчликнинг, бунёдкорлик ва ободончиликнинг сабаб ва манбаларини излар эканлар, уларнинг бош омили маҳаллалар, деб эътироф этмоқдалар.

Мустақиллигимизнинг ўн икки йили давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи комиссиялари икки марта, Калифорния университетининг профессорлари, Япония хотин-қизлар делегацияси, Мис ва Ногоя-университети гуманитар ва ижтимоий фанлар факультети профессорлари Чигеру Кадама, Катцуа Ичихачи, Ўзбекистон

Республикасининг Соғлиқни сақлаш ва медицина тизимини ислоҳ қилишнинг боришини кузатувчи Фуде Такойоши, Австралия ва Қўшни Қозоғистон Республикаси делегациялари бизнинг Алишер Навоий номли маҳалламизга ташриф буюришиб, ободончилик, таълим-тарбия, миллий кадриятларимизни тиклаш ва янада такомиллаштириш, айниқса аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш соҳаларидаги фаолиятига ижобий баҳо берадилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси ва Республика ўрта мактаб директорлари малака ошириш институти тингловчиларининг ҳам маҳалламизга бир неча бор ташриф буюришлари ўз-ўзини бошқариш тизимининг янада такомиллашувида катта ёрдам бўлди.

2002 йил кўрик-танловининг ғолибларидан бири бўлган маҳалламизда "Маънавият-маърифат" уйи, кутубхона, маҳалла "дарсхонаси", қариялар учун алоҳида хоналар ва мажлислар зали мавжуд. Маҳалланинг бош ҳомийси Охунбобоев номли ширкат хўжалигидан ташқари яна икки нафар ҳомий маҳалламизга 1 миллион сўмдан ортиқ ёрдам кўрсатишди. Натижада спортнинг футбол, стол тенниси, волейбол, шахмат-шашка ва миллий кураш турлари жонланиб, фарзандларимиз ёзги таътилдаги бўш вақтларини мазмунли ўтказмоқдалар. Маҳалланинг ёш қизлари учун зардўзлик тўғараги ҳам очилган бўлиб, ҳафтасига икки кундан машгулот ўтказилмоқда.

Маҳаллада "Оила-мактаб-маҳалла" тизимининг талабларига қатъий риоя этиш, ёшлар онгига ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданиятни ва миллий мафқурани сингдириб бориш, уларни тарихий музей, театр ва қадимий шаҳарларга экскурсияларга олиб бориш, истиқлолимиз шарофати билан қад кўтарган ва қурилаётган улкан иншоотлар билан таништириш, бир томондан уларда она-Ватанга, унинг қадимий тарихи, маданиятига ва ҳозирда эришилаётган улкан ютуқларига ҳавас, меҳр-муҳаббат, фахр ва гурур билан қараш туйғусини шакллантирса, иккинчи томондан, уларни диний экстремистик, ақидапарастлик каби зарарли оқимлар таъсирига берилишидан сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, шу йилнинг июнида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Тошкент туман бўлимининг ёрдамида қаровчиси йўқ ва кам таъминланган оилалар фарзандларидан 45 нафарини Тошкент Ленд боғига бепул томошага олиб бориб, уларнинг ҳар бирига қимматбаҳо совғаларнинг ҳадя этилиши болаларимиз қувончига қувонч қўшди.

Буюк Истиқлолимизнинг қисқа 12 йили давомида маҳаллаларимиз қадрият ва миллий урф-одагларимизнинг ҳақиқий бешигига айланди.

Умуман, маҳалла жамиятимиз учун том маънодаги ишончли таянч ва куч бўлиб қолдики, ҳатто ҳукуматимизнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш сиёсати ҳам бу масканда муваффақиятли ва адолатли ҳал этилмоқда.

"Қарияларни қадрлаш" ва "Обод маҳалла йили"да кам таъминланган, ночор қатламлар — кексалар, ногиронлар, қаровчисини йўқотганлар ва кўп болали оилаларга давлат томонидан ижтимоий муҳофазага ажратилган маблағлардан 11915573 сўм, маҳалланинг саховатпеша ҳомийлари ҳисобидан эса 750 минг сўм ёрдам кўрсатилди.

"Обод маҳалла" йили дастурларидан келиб чиққан ҳолда урф-одагларимиздаги ортиқча томонларни чегириб ташлаб, улардан тежалган маблағлар оила фарзандларининг яхши кийиб, яхши ўқишлари учун сарфланмоқда. Ободонлаштириш ишларимиз ҳам дастур асосида бормоқда. Янги гулзорлар ташкил этилди, маҳалла хонадонларининг деярли барчасига газ ҳисоблагич ўрнатиб бўлинди. Қишки мавсумга тайёргарлик кўриш учун газ ва сув масалалари бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш Мустақиллигимизнинг 12 йиллик байрамигача режалаштирилган.

Огоҳлик ва ҳушёрликни қўлдан бой бермай, аҳиллик ва иноқликда ҳаёт кечириб, бир ёқадан бош чиқариб, умуммақсад йўлида ҳамжиҳат бўлсак, маҳаллаларимиз бундан ҳам кўркам ва гўзаллашиб боришига ишончимиз комил.

Эркин ҒУЛОМОВ,
Тошкент туманидаги
Алишер Навоий номи маҳалла оқсоқоли.
("Маҳалла", август, 2003 й.)

Шу кунларда улкан ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга молик воқеани бошдан кечирмоқдамиз. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайловлар бошланди. Албатта, бу жуда муҳим, ҳаётий ва масъулиятли вазифа.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш туғрисидаги қарорида таъкидланганидек, сайланажак оқсоқол ва маслаҳатчилар ташкилотчилик қобилиятига эга, аҳоли ўртасида обрў-эътиборли ва ҳурматга сазовор, ҳар жиҳатдан етук инсонлар орасидан танлаб олиниши керак.

Масала шу тарзда қўйилишининг боиси шундаки, биз кучли давлатдан кучли жамиятга ўтмоқдамиз, ҳуқуқий демократик давлат қурмоқдамиз. Улкан сиёсий, тарбиявий ва маънавий маскан бўлмиш маҳалаларимиз эса биз қураётган давлатнинг пойдеворидир. Биздаги маҳалла-маҳалла бўлиб яшаш тамойили ҳатто қатор хорижий мамлакатларнинг ҳам эътиборини жалб қилмоқда. Маълумки, давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич ўзини ўзи бошқариш органларининг зиммасига ўтиб бораётир. Айни шу жиҳат қуйи бошқарув ишларимизни ҳам ҳар томонлама етук ташкилотчилар бўлишлигини тақозо этади.

Юртбошимиз Ислом Каримов "Ўзбекистон XXI асрга интиломда" асарида бир қанча ваколатли вазифалар давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширилишининг моҳияти ҳақида ёзиб, бозор ислохотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш каби катта ва муҳим масалалар борки, булар, албатта, биринчи навбатда маҳаллий ҳокимият идоралари, иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига тушмоқда, деб таъкидлаган эдилар. Фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этишнинг бош негизи ҳам шундадир.

Ана шундай кенг қамровли, муҳим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этувчи вазифаларни амалга оширишда раҳбарлик қила билишга қодир ва лойиқ шахслар орасидан катта ҳаёт ва бошқарув тажрибасига эга, ташкилотчи ва ташаббускор, фидойи ва

жонкуяр, ҳалол ва адолатпарвар, халқ ўртасида юқори обрў ва ҳурматга сазовор бўлган, билимли ва малакали кишилар орасидан оқсоқол ва маслаҳатчиларни сайлаш ўтказилаётан сайловларимизнинг бош мақсади ҳисобланади.

Шу муносабат билан маҳаллалар фаолиятига тааллуқли бир қатор масалалар юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирмоқчиман.

Аввало, маҳаллаларга мақом бериб, маош тайинлаш сабабли қатор маҳаллалар бирмунча йириклаштирилиши ижобий натижа бераётими? Бошқа бир савол ҳам муҳим: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида ижтимоий адолат тамойилларига риоя қилишга тўлиқ эришилаяптими? Ва, ниҳоят, маҳаллаларнинг бош раҳбари ким?

Кўп йиллик тажрибадан келиб чиқиб, шуни таъкидламоқчиманки, ҳар бир маҳалла ўзига хос анъана, урф-одатлари ва тарихига эга. Бинобарин, уларни меъёридан ортиқча йириклаштириб юборишни турмуш тақозо этмайди.

Маҳаллалар қанчалик катталашса, уларни бошқариш, ободонлаштириш, аҳоли билан мулоқотда бўлиш шунчалик қийинлашади. Агарда маҳалла оқсоқоли ўз ҳудудидаги хонадон ва фуқароларни яқиндан танимаса ёки фуқаролар ўз оқсоқолини яхши билмаса, демак, у ҳақиқий маҳалла эмас. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда белгилаб қўйилганидек, маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек унинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ташаббусига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Айрим ҳолларда ана шу ташаббус, хоҳиш ва истаклар эътиборга олинмаслиги натижасида қатор маҳаллаларнинг номлари ва анъаналари тарих саҳифасидан тушиб, унутилиб кетмоқда. Улар асосий гузар ва идоралардан анчагина узоқлашиб қолмоқдалар.

Маълумки, маҳаллалар фаолиятининг энг асосий тамойилларидан бири қўшничилик бўлиб, бу тамойил минглаб йиллар давомида ўзининг афзаллик томонларини намойиш этиб келган. Яхши қўшничилик анъаналарисиз маҳалланинг ўзини тасаввур этиш мумкин эмас. Афсуски, ана шу тамойил "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда ҳам ўз аксини топмаган. Қолаверса, ўта йириклашиб кетган қатор маҳаллаларда қўшничилик муносабатлари анчагина узоқлашиб кетганлиги барча маълум.

"Ватан туйғуси" китобининг "Маҳалла" бобида шундай бир ибора келтирилади: "Шариат бўйича ҳар бир оила учун ўнг, сўл, орқа ва олд томондан қирқтадан хонадон жами 160 хонадон қўшни мақомидадир. Қўшнининг қўшнига шаърий ҳаққи бор. Қўшни мусулмон бўладими ёки ғайридин бўладими қўшничиликда бунинг аҳамияти йўқ". Қадимги маҳаллаларимизнинг 150-200 хонадондан иборат бўлиши балки шундандир.

Агар маош тўлаш эмас, аксинча қўшничилик тамойилларидан келиб чиқиб ҳар бир маҳалла хонадонларининг сонини 250-300 дан оширмаган ҳолда ташкил этилса бошқарув, фуқароларни бир мақсадга қовуштириш, ободонлаштириш, маданий, маърифий ва тарбиявий ишларни жонлаштириш янада яхшиланади, деб ўйлайман.

Ижтимоий адолат ҳақида кўп гапирамыз. Лекин, ана шу адолатпарварлик тамойили маҳалла оқсоқоллари, котиб, посбон ва мураббийлар ўртасида тўлиқ амал қилиняптими?

Албатта, йўқ, Республикамызда хонадони минглаб, аҳолиси ўн мингдан ортадиган ҳар жиҳатдан обод қилиб қўйилган юзлаб маҳаллалар бор. Ва, аксинча, 300-400 хонадон, аҳолиси уч мингдан ортмайдиган, ўртача фаолият кўрсатаётган маҳаллалар ҳам мавжуд. Беш юздан ортиқ оиласи бўлиб, мақомига тўғри келса бас, барчасига баробар бир хил маош тўлнаверади. Бизнингча, маҳаллаларда тўланадиган ҳақ бажарилган ишларнинг ҳажми, салмоғи ва сифатига қараб, юқори, ўрта ва қуйи тоифалар асосида жорий этилса, ижтимоий адолат тамойили тўлиқ қарор топади. Бундан ташқари, ҳозиргача жамоатчилик йўли билан ишлаб келаётган маҳаллалар ҳам маош олувчилар қаторига ўтишлари мумкин.

Яна шунини очик эътироф этишимиз керакки, қишлоқ жойлардаги маҳалларнинг бевосита раҳбари ким? Туман ҳокимлигими, "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлимими, қишлоқ фуқаролар йиғиними ёки ширкат хўжалигими? Масалан, бизнинг маҳаллаларимизга фақат Тошкент тумани ҳокимияти ва ширкат хўжалиги моддий ва маънавий ёрдам кўрсатаётгани учун уларни маҳаллаларнинг бевосита раҳбари, жонқуяри ва ҳомийси дейишга ҳақлимыз.

Иккинчи бир таажжубли ҳолат: 300-400 хонадони бор битта маҳаллада тўрт ходим, ҳудудида 5-6 та маҳалласи бор қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам 4-5 ходим ишласа-да, бутун бошли тумандаги 60-70 маҳаллага бор-йўғи битта одам раҳбарлик қилса?

Ниҳоят, ҳисобот ва сайлов жараёнларида яна бир нарсага жиддий эътибор берилишини истардик. Биз кўпинча маҳалла оқсоқоллари

ва маслаҳатчилардан ишчанлик, ташаббускорлик, фидойилик, масъуллик ҳамда жавобгарлик фазилатларини кутамиз. Лекин, фуқароларнинг масъуллиги, жавобгарликларини ошириш кераклигини эътибордан четда қолдирамиз. Маҳалла фуқаролари ҳам ободонлаштириш, экологик тарбия ва экологик маданият, жиноятчилик, ичкиликбозлик, туй ва маросимлардаги исрофгарчилик ва дабдабазликка қарши кураш, оилавий можароларга чек қўйиш, ёшлар тарбиясига жиддий эътибор бериш, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишларда масъул эканликларини тўлиқ ҳис этмоқлари зарур. Кўпчилик овоз билан қабул қилинган, қарорларни бажаришда масъулиятни ҳис этиш, аҳиллик, иноқлик, маҳалла қонун-қоидаларига барабар риоя этиш, ҳар бир ишда қатъий интизом, адолат ва ҳалоллик — маҳалла ҳаётининг бош мезонидир.

Эркин ФУЛОМОВ,
Тошкент туманидаги
Алишер Навоий номи маҳалла оқсоқоли.
("Тошкент ҳақиқати")
Долзарб мавзу

БИЛИМДОН АЁЛЛАР — МАҲАЛЛА СУЯНЧИ

Аёл — буюк зот. Умр бўстонининг бетакрор, ажиб гулидир у. Ҳаётимиз файзи бўлган аёллар оила ва жамиятнинг мустаҳкам устунли ҳисобланишади. Зеро, давлат ва жамият тараққиёти, шунинг баробарида соғлом турмуш тарзи, баркамол авлод тарбияси аёлларга бўлган муносабат ва эътибор билан ўлчанади. Замонамизнинг таниқли сиёсий арбобларидан бири "Аёлларни севинг ва ардоқланг. Улардан... илҳомингизга куч, маънавий ва ақлий қобилиятларингизни икки баробар оширувчи қудрат ахтаринг", деган экан. Ҳа, аёлнинг бир қарашда нозик ниҳолдек туюлган вужуди, онги-шуурида ана шундай бетимсол куч-қудрат, салоҳият яширинган. Шу боис ҳам аёлни улуғламоқ — оилани, жамиятни, она-Ватанни ва ҳаётни улуғламоқ демакдир.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ хотин-қизларни эъзозлаш, уларга эҳтиром кўрсатишга катта эътибор қаратилиб, аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини мустаҳкамлашга йўналтирилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1999 йилнинг "Аёллар йили" деб эълон қилиниши ҳамда тегишли

дастур асосида қилинган кенг қўламдаги улугвор ишлар республикаимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг ажойиб кўриниши ўлароқ намоён бўлди. Жорий йилда мамлакатимиз Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони аёлларнинг жамиятдаги, оиладаги ўрнини яна бир поғона юксалтирди.

Республиканинг барча жойларида бўлгани каби туманимизда ҳам мазкур Фармон талабларини ҳаётга тула-тукис тадбиқ этиш мақсадида бирмунча тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, хотин-қизлар қўмиталарининг маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари билан доимий алоқасини йўлга қўйиш, оилаларда юксак маънавий-ахлоқий муҳитни барпо этиш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофазалаш сингари долзарб вазифаларни бажаришга йўналтирилган ишлар ғоят муҳим ва эътиборга моликдир.

Туманимизда 57 маҳалла бор. Ҳозирда уларнинг барчасида маҳалла оқсоқолларининг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари тайинланган. Шунингдек, маҳаллаларнинг аксарият кўпчилигига махсус жиҳозланган хоналар ажратиб берилди. Бунини охирига етказиш учун айни пайтда қизгин иш олиб бориляпти. Эътиборли жиҳати, маҳалла қўмита раисларининг маслаҳатчилари сифатида олий маълумотли, кўпни кўрган, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган аёллар фаолият бошлади. Ўзларини хотин-қизларнинг ишончли вакиллари деб биладиган фидойи маслаҳатчиларимизнинг оилада, маҳаллада, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари илк медалларини бераётганлиги, айниқса, қувонарлидир.

Ҳафтанинг ҳар чоршанба кунини маҳалла оқсоқолларининг маслаҳатчилари ҳамда мактаб директорларининг маънавият-маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари иштирокида семинар машғулоти ўтказилмоқда. Ёш авлодни тарбиялашда "мактаб — маҳалла — оила" ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ўтказиб келинаётган ушбу тадбирларда тажрибали ҳуқуқшунослар, кекса мураббий-ўқитувчилар ҳамда таниқли имом-хатибларнинг маърузалари тингланяпти. Жумладан, "Аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрни", "Оила — жамиятнинг дуру гавҳари", "Аломаларимиз маънавий меросининг тарбиявий аҳамияти" каби мавзулардаги маъруза ва жонли мулоқотлар, суҳбатлар маҳалла маслаҳатчилари учун катта услубий ва амалий ёрдам бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Маълумки, бизда диний, ҳам дунёвий илмларни эгаллаган ўқимишли, маърифатли аёлларни алоҳида эъозлаб келишган. Маҳаллаларда намунали мактаблар фаолият юритиб, уларда кўплаб қизларимиз таълим-тарбия олганлар. Робия Балхий, Оиша Самарқандий, Муниса Мутриба, Ниҳоний, Иффатий, Жамила, Гавҳарбегим, Дилшод Хотун, Зебунисо, Гулчеҳрабегим, Нуржаҳон, Гулбаданбегим, Анбар Отин, Увайсий, Нодида каби ўнлаб шоираларимиз айна шу билимдонлар қўлида таҳсил олишган. Демокчимизки, қайси ном билан аталмасин, ўқимишли, ҳаёт тажрибаси бой, уддабурон аёлларимизнинг маҳаллада, қолаверса, жамиятда тугган ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳам маҳаллаларимизда маданий-маърифий, маънавий-ахлоқий ишларни олиб боришда бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

("Ишонч", декабрь 2004 й.)

МАҲАЛЛАДА "МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ" МАСКАНИ

Тошкент туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла гузари одамлар билан гавжум. Кўркем хона тўрида ишлаб чиқариш фахрийлари ҳамда илғорлари, отахонлар файз киритиб ўтиришибди. Ёшлар хизматда. Ёшу қари "Маънавият ва маърифат" марказининг очилиш маросимига йиғилишган. Мавридини топиб маҳалла оқсоқоли Эркин Ғуломовни суҳбатга тортамыз:

— Маҳалламизда беш юздан ортиқ хонадон бўлиб, уларда 600 га яқин оила истиқомат қилади, — дейди маҳалла оқсоқоли. — Биз кишилар ўртасида ҳамжиҳатлик, меҳру оқибатни кучайтириш ҳамда ижтимоий ҳимояни намунали йўлга қўйиш хусусида бош қотиряпмиз. Жорий йил бошидан бери кам таъминланган, кўп болали оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Тадбиркор бойиса кўпга нафи тегади, деган гап бор. Қўли очиқ, бағри кенг ишбилармонларимиздан Хуршид Исмоилов, Абдурашид Умаров, Турсунбой Аҳмедов, Жаҳонгир Рўзметов кабилар ҳар бир тадбирни бир умр эсда қоладиган қилиб чиройли ўтказишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқдалар. Маънавият масаласига эътибор кучайтирилганлиги албатта, ўз самарасини беради. Бугун



Зиёлилар кўни илларни нурафшон этишади. Техника фанлари номзоди, доцент Қобилжон Ғофуровлар oilаси маҳалланинг ана шундай севимли хонадонларидан.



Эл-юрт осойишталиги фидойиларидан — милиция полковниги Маҳмадҷон ҳожи Тошматовнинг ўғиллари Музаффар ва Баҳодир — сулоланинг муносиб ўринбосарлари бўлиб етишганидан ота-оналар беҳал хурсанд. Бахтли ота-оналар фарзандлари давраида.



Нурилла Маҳаматов ва устози Тошкент Ахборот технологиялари университетининг ректори, профессор Содиқ Қосимов билан Вьетнам давлатида илмий сафарда.



Маҳалла фаоли Камол Калонов ва рафиқаси Озодаҳон фарзанд ва пабираларини замон талаби даражасида тарбиялай билган меҳрибон ва талабчан ота-опалардир.



Илҳомжон Ғуломовлар сулоласи маҳалланинг энг нуфузли, эътиборли
зиёлилар оиласилан ҳисобланади.



Эргаш Махаматовлар хонадоши хурсапчилигиинг чеки йүк. Катта ўтил Нурилла (ўнгдап биригичи).

Кореяда докторлик лиссертациясини ёқлаб, бутул сеvimли оила аъзолари лаврасила.

Корея лавлатининг докторлик дипломи оила аъзоларида катта катта қизиқинш уйғотди.



Маҳалла фаолларининг бир гуруҳи Хотира майдонидаги Мотамсаро
Опа ҳайкали олдида.

*Муштинар ҳам ўзинг, буюк ҳам ўзинг,
Куйинчак ҳам ўзинг, куюк ҳам ўзинг.
Оламга татирлик суюк ҳам ўзинг,
Пайт келди айтмоққа, гапининг хонаси,
Эи, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.*



"Мустақиллик ва озгулик" монументи, унбу мажмуа билан яқиндан танилиш маҳалладониларда катта таассурот қолдирди.



Маҳалла фаолларининг тарихий зиёратгоҳларга саёҳати.





Қўшиқчилар газал бўстонининг сайроқи булбуллариدير. Нурилдин
Ҳамроқулов, Маҳмуджон Азимов, Даврон Аҳмедов. Аблурашид
Йўлдошевларнинг оҳанрабо куй ва қўшиқлари одамнинг юрак
торларини чертиб, кўнгил гўборларини ювиб, инсонни эзгуликка
чорлайди. Улар ўзларининг беминнат хизматлари билан маҳалла
фуқароларининг энг сеvimли санъаткори бўлиб қолганлар.



Тўй. Нақадар фойзли ва қувончли. Янғрайдиган куй-қўшиқлар, сурнай павоси, дошқозонлар тўла палов ва ҳалимлар тўкиш ҳаёт рамзидир.



Маҳалла ёшлари 9-мактаб раҳбари Зухра Жалилова, маҳалла оқсоқоли Эргаш Маҳаматов ва ўқитувчи Бахтиёр Расулов бошчилигида жаҳон чемпиони Руслан Чагаевни тантанали кутиб олиш маросимида.



Маҳалла оқсоқоли Эргаш Махаматов ўз уйида пабиралари учун спортнинг бир печа турлари бўйича етарли шароит яратиб берган.



Ёзги ўқув таътилини ўқувчилар ана шундай машғулотлар билан ўтказадилар.



Туманнинг Зоирхон Жалилов номли ўйингоҳи. Алишер Навоий номли маҳалланинг "Лочин" футбол командаси Келес шаҳар "Иттифоқ" маҳалла командаси билан бўлган ўйинни жанговар дуранг билан яқунлади.



Ёшларни спортга жалб этиш бўйича навбатдаги машғулот. Фаоллардан Абдулҳай Нигматуллаев (марҳум), Тўлқин Убайдуллаев, Икром Меҳмонов ва маҳалла оқсоқоли Эркин Фуломов.



Спорт устаси. 3 марта республика чемпиони, бир неча бор халқаро турнирлар ғолиби Бехзод Убайдуллаев ва устози Акром Шердонаев (ўнгдан биринчи ва иккинчи).



"Турон" миллий яккакураши бўйича 2 марта республика чемпиони, 4 карра Ўзбекистон биринчилиги ғолиби Жамолиддин Саъдуллаҳужаев.



Ун ёнидаёқ икки марта мамлакат чемпиони бўлган Ақром
Йулдошхўжаевнинг орзучи жаҳон чемпиони бўлишидир.



Қобилжон Одиловлар хонадонидаги каби теннис столларида
маҳаллада маҳаллада йил сайи кўпайиб бормоқда.

фойдаланишга топширилаётган "Маънавият ва маърифат" марказини бунёд этишда ҳар бир маҳалла аҳли фаол иштирок этди, десам муболаға бўлмас. Муҳим қурилиш улар ўртасидаги ҳамкору ҳамжиҳатликни яна бир бор синовдан ўтказди.

Марказнинг очилиш маросими бошланди. Тошкент тумани ҳокимининг ўринбосари Раҳматулла Шерматов, туман "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари Матлуба Ҳамидова, олимлар, уруш ва меҳнат фахрийлари сўзга чиқиб, хайрли иш аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталдилар. Қўркам бино хоналарини айланамиз. Улар ғоятда дид билан безатилган. Тўрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари. Улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг пурҳикмат сўзлари-ю ҳазрат Алишер Навоийнинг ўлмас мисралари бу ерга қадам қўйишингиз билан эътиборингизни тортади. Ҳаммадан ҳам ёшлар, маҳалла фаолларининг қувончи чексиз эди. Улар дил сўзларини изҳор этишди.

Эргаш Махаматов, маҳалла фаоли:

— Марказ ўрни илгари ташландиқ жой эди. Маҳалла оқсоқоли Эркин Ғуломов фаоллар, туман ҳокимлиги билан фикрлашиб, ҳашар йўли билан ажойиб маскан қуриш таклифини илгари сурганида, у бир овоздан маъқулланди. Хайрли иш Охунбобоев номли ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Искандар Позилов томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Ана энди марказ чинакам тарбия ўчоғига айланади. Бу ерда кўпчиликни қизиқтирган мавзулар юзасидан савол-жавоблар, кечалар, учрашувлар ўтказилади.

Абдухабир Самигов, меҳнат фахрийси:

Ҳурматли Президентимиз маънавият масаласига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Зеро, маънавият гуллаб-яшнаган жойда жаҳолатга ўрин қолмайди. Мана бу ажойиб масканнинг ишга туширилиши Юртбошимиз даъватига маҳалла аҳлининг муносиб жавобидир. Хурсанд бўладиган томони шуки, энди ёшу қари марказдаги адабиётлардан фойдаланиб, маънавияти, дунёқарашини бойитиб бориши мумкин. Ҳар ойда икки марта ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари "Ўз уйингни ўзинг асра!" мавзуида суҳбатлар ўтказишади. Бу тадбирлар ёшларни анъаналарга садоқат, эътиқодли инсонлар этиб тарбиялашда муҳим ўрин тутаяди.

Н.РАФИҚОВ,
"Ишонч" муҳбири

ЮРТНИ СЕВ, ТУПРОҒИНИ ЎП!

Маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний фикрича, инсон туғилган юртидан узоқ кетса уни "тортиб келатурғон қувват ўз ватанларининг, она тупроқларининг меҳру муҳаббатидур".

ИСТИҚДОЛИМ-ИСТИҚБОЛИМ

Ҳар гал шу ўғитни эслаганимда, буюк бобокалонларимиз Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангубердилар ибратлари ёдимга тушаверади. Нега улар бир кафт тупроқни муқаддас билишган? Киндик қони томган жойни обод қилиш баробарида унинг ҳимояси учун кўксини қалқон этишда не синоат бор? Йўллари Ватандан айри тушганларида эса ҳижрон азоби улар қалбини ўртагани ҳам ҳақиқат.

Демак, ватанпарварлик, она юртни севиш, соғиниш туйғулари авлоддан авлодга ўтиб келаётирки, бу бизга бебаҳо мерос саналади. Истиқлол боис ватанпарварлик, маданий мерос, маҳалла тушунчалари юксак қадрланадиган бўлди.

Ўз ўрнида маҳалла ҳам маънавий-ахлоқий қадриятлар, анъаналар маскани, оилаларнинг тоғдай таянчи, ишонган маслаҳатчиси, барчани бирлаштирувчи қутлуг ва мўътабар даргоҳ сирасига киритила бошланди. Инсонларнинг миллати, ёши, жинси, дини, ирқи, тили, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, мавқеидан қатъи назар уларни эзгулик йўлида жипслаштирувчи маҳалланинг "Мамлакатимизда кўп қиррали ислохотлар амалга ошаётган бир пайтда жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим"лиги Юртбошимиз томонидан алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сентябрдаги Фармонида кўра, Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ташкил этилди. Олий Мажлиснинг 1999 йил 14 апрелдаги XIV сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида"ги қонуни туфайли маҳалланинг мақоми мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлди.

Хўш, маҳаллаларда нима гап? Маҳалла оқсоқолларининг бола таълим-тарбиясидаги ўрни қандай бўлаётир? Биз бу каби саволларга жавоб топиш мақсадида пойтахтдан унча узоқ бўлмаган Тошкент

туманидаги Қизғалдоқ қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Алишер Навоий номли маҳалла ҳаёти билан яқиндан танишдик. Маҳалла оқсоқолининг оппоқ сочларию нур ёғилиб турувчи чеҳраси, дид билан кийинишию юксак маънавиятига қараб, "Ўқитувчидан чиққан оқсоқол бўлса керак", деб ўйлайсиз ва адашмайсиз ҳам. "Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", иқтисод фанлари номзоди, доцент Эркин ота Фуломов 35 йилдан ортиқ Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида талабаларга сабоқ берди. Шу тугайли бўлса керак, маҳалла — тарбия маскани эканига эътибор қаратиб, ёшлар тарбиясини назардан қолдирмаяпти.

— Ҳозир болажонларнинг таътил кунлари. Аммо тарбияда таътил, танаффус бўлмайди, — дейди оқсоқол. — Бекорчиликдан кўп нохуш воқеалар рўй беришининг олдини олиш мақсадида ёшлар тарбиясида қуйидаги йўналишларга эътибор берилмоқда.

1. Тарбияда "Оила — маҳалла — мактаб" бирлигига қатъий риоя этиш.

2. Ёшлар ва ўсмирларни гиёҳвандлик, диний экстремизм ва ақидапарастлик таъсирига берилиб қолишдан сақлаш.

3. Ёшлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида уларни ижтимоий-фойдали меҳнат ва спортга жалб этишда кўмаклашиш.

4. Маҳалла ёшларининг маданий-маърифий ҳордиқ чиқаришлари учун маҳалла гузарларида етарли шароит яратиш.

5. Тарихий шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари, музей ва театрларга саёҳатлар уюштириш.

6. Ёшларнинг кекса ва ўрта авлод вакиллари билан учрашувларини ташкил этиш.

Юқоридаги ишлар маҳалламизда йил давомида амалга ошириб келинмоқда. Маҳалламизда ҳар бир бола бизнинг назоратимизда. Ҳудудда ўсаётган ҳар бир йигит-қизнинг ахлоқ-одоби учун бутун маҳалла аҳли масъул. "Бир болага етти маҳалла ота-она" дейилишида катта ҳикмат бор. Намунали оила, унда камол топган оқил фарзанд — маҳалланинг обрўси ноаҳил оила, ундаги кўнгли ярим, тарбияси бўш фарзанд маҳалла учун "қора доғ" ҳисобланади. Маҳалламиз обрўсини сақлаб қолиш учун уч ойлик таътилда фаоллар билан кенгашиб, қизлар учун зардўзлик тўғараги ташкил этдик.

Меҳнат фаҳрийси Тўлқин Убайдуллаев эса ажойиб ташаббус билан чиқди. У таътил кунларида болалар бекор қолмаслиги учун

шахмат тўгараги очиб, 9-мактаб ўқувчилари Исроил Усмонов, Миракбар Одилов, Зафар Нурматов, Улуғбек Алиев, Ҳакимжон Азимов ва бошқаларга ақл гимнастикаси сирларини ўргатмоқда.

Дарвоқе, Тўлқин отанинг набираси Беҳзод Убайдуллаев спортнинг миллий якка кураш, каратэ, футбол ва волейбол турнирларига жуда қизиқади. 17 ёшли Беҳзод маҳалламиз фахри, у "Турон" миллий якка кураши бўйича республика мусобақасида иккинчи ўринни қўлга киритди.

Ҳа, Тўлқин ота фақат набираси эмас, унинг дўстлари, маҳалла болалари ҳам ғолиблик шоҳсупасидан ўрин олишини истайди.

Маҳаллада 12, 14 ва 15-17 ёшдаги ўсмирларнинг "Зафар" футбол жамоаси таркиб топган бўлиб, Элёр Ниғматов, Жавоҳир Абдуазимов, Ҳабибулло Ғофуров, Хусан Аъзамхўжаев, Равшан Ҳабибуллаев каби ёш футболчилардан маҳалладошларнинг умидлари катта. Маҳалла оқсоқоли шу кунларда болалар ёрдами, ҳашар орқали кичик боғ яратиш ишқида ёнмоқда. Тўғри, спорт билан шуғулланувчилар учун спорт заллари мавжуд. Лекин Эркин отанинг орзуси жазирама ёзда стол тенниси, шахмат-шашка машғулотлари билан болаларнинг соя-салқин жойда шуғулланишига имкон яратишдир.

Туман раҳбарияти ҳам маҳаллага алоҳида эътибор билан қарайди. Яқинда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Тошкент тумани бўлими маҳалладаги 45 нафар болалар учун яна бир мурувват кўрсатдилар. Кам таъминланган, қаровчиси йўқ оила фарзандлари Тошкент Ленд боғига бепул саёҳатга олиб борилди.

Албатта, бундай тадбирлар фарзандлар тарбиясида муҳим роль ўйнайди.

Спорт анжомлари ҳадя қилинди

"Соғ танда — соғлом ақл" дейдилар. Биз каратэ кураши билан шуғулланаётган ака-ука — Ҳамидулла, Машрабжон ва Убайдулла Махаматовларни кузатар эканмиз, уларнинг келажақда қора белбоғ соҳиби бўлишларига умид қилдик. Стол тенниси атрофидаги болажонларнинг қувончига шерик бўлиб, қушдек енгил ҳаракатларини ҳавас билан кузатдик.

Республика касаба уюшмалари федерацияси маҳалла болаларига ўнта футбол формаси, футбол ва волейбол сеткаси (тўри), шахмат-шашка, теннис столи — жами ярим миллион сўмлик спорт анжомлари совға қилганидан барча мамнун. Зеро, "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур".

"Обод маҳалла йили"да яратилган гулзор

Ушбу гулзорни кўриш учун 85 ёшли нуроний отахон Йўлдош ота Ғаффоров ҳузурига бордик. Уруш ва меҳнат фахрийси Йўлдош ота табиатан гўзал манзаралар шайдоси бўлиб, катта боғ ташкил этган экан. Бу йил эса ранг-баранг гуллар экиб, "Истиқлол гунчалари" номли гулзор барпо этибдилар.

— Набирам Ҳабибулло билан эртаю кеч боғ ва гулзорда бандмиз, — дейди отахон. — Кўчат ва гулларни парваришлаймиз, ҳам улэр ҳосили, чирсий, муаттар ҳидидан баҳрамандмиз. Набирам таътилда боғдорчилик билан шуғулланиб, ёнимда тиргаклигидан хотиржам кексалик гаштини суряпман.

Ҳақиқатан, отахоннинг ибратли ишларида набира тақдири учун жонқуярлик сезилади. Ўзбек халқи қадимдан касб-ҳунари, меҳнатсеварлиги, ҳалол ва поклиги билан дунёга танилиб келмоқда. Халқимизнинг заргарлик, наққошлик, чорвадорлик, боғбонлик, бешиқсозлик, дўппидўзлик каби ҳунар маҳсулотлари ўзининг бетакрорлиги, гўзаллиги, мафтункорлиги билан дунё халқларини лол қолдирмоқда. Ана шундай ҳунарлар болаларга боболари орқали ўтаётгани ибратли ҳолдир.

Таълим-тарбияга эътибор оширилса, албатта, маҳалла тинч, оила хотиржам бўлади

Алишер Навоий номидаги маҳаллада 4000 га яқин аҳолининг 70 фоизини ёшлар ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, маҳалла ўсмирлари, ёшлари орасида бирорта бўлса ҳам гиёҳвандлик билан шуғулланувчи, диний-экстремистик оқимлар таъсирига берилганлар учрамайди. Асосийси, 2003 йилнинг шу кунигача ёшлар ўргасида жиноят содир этилгани йўқ. Чунки улар орасида ишсизлар, бекорчилар учрамайди. Мактаб ўқувчилари бўш вақтларини спорт билан шуғулланиб ёки маҳалла кутубхона, дарсхоналарида китоб, газета-журналлар мутолла қилиб ўтказмоқдалар. Маҳалладаги бунёдкорлик, ободончилик, тарбиявий ва спорт ишларининг бош ҳомийси Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Искандар Позилов номини алоҳида тилга олиш жоиз. У маҳалла манфаати учун зарур бўлган ҳар бир ишда ўзининг моддий ва маънавий ёрдамини аямаяпти. Маҳалла болалари ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишларда Тоҳира Тошметова, Омина Каримова, Раҳима Орипова, Маъмура Жўраева каби фаолларнинг катта ҳиссаси борлигини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Она тупроқ қудрати

Маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний фикрича, инсон туғилган юртидан узоқ кетса уни "тортиб келатургон қувват ўз ватанларининг, она тупроқларининг меҳру муҳаббатидур". Ватан тупроғидаги оддий хас ҳам, чағир тош ҳам бизга муқаддас. Демак, уни қадрлаётган, маҳалла - кичик ватанни юксалтириш йўлида изланаётган, "Юртни сев, тупроғини ўп!" ўғитига амал қилиб, фарзандлар таълим-тарбиясида жонкуярлик қилаётган ватандошларимиз ишлари ибратга моликдир.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Маърифат" мухбири.

Ўзлик ҳақида сўз

КЎНГИЛ МУЛКИ УСТУНЛАРИ

Хонадонимизга тааллуқли бир маросим охирида одатдагидек қариндош-уруғлар дастурхон атрофига йиғилдик. Марҳум авлод-аждодларимиз эсланиб, улар ҳақида тиловат қилинди. Таомдан кейин чой устида суҳбат бошланиб, маънавий озиқ берадиган мулоқот бўлди. Даврамизда ёшлар ҳам бор эди. Улар ҳар бир гап-сўзни жон қулоқлари билан тинглаб, одоб билан ўтиришарди. Улардан бири қисиниб-қимтиниб изн сўради. Розилик аломатидан сўнг ийманибгина гап бошлади:

— Тоға, кексаларнинг дуойи фотиҳаларида етти пушт деган гапни тез-тез эшитамиз. Синфдошим Каримжон буvasида ўндан зиёд аждодларининг номлари ёзилган шажара борлигини айтганди. Маҳалламизда "Эшоновлар сулоласи бир-бирига жуда оқибатли-да!" дейишади. Етти пушт, сулола, шажара ҳақида умумий тасав-вурга эга бўлсак-да, уларнинг маъно-моҳиятини чуқур билмаймиз. Шу ҳақда озгина тушунча берсангиз.

Даврада ўтирганларнинг ёши улуғи ана шу ғоят муҳим қадрият жиҳатларини тилга олар экан, энг аввало содда қилиб тушунтириб, авлодимизга тегишли оилаларнинг ўзидан мисоллар келтирди. Бундан ташқари тарихга қисқача мурожаат этиб, таниқли киши-ларнинг тери, ноёб қоғозларга битилган мукамал шажаралари бўлганлигини, катта хонадонларнинг аксариятида шундай ҳуж-

жатни юритиш изчил йулга қўйилганлигини, янги қайдлар вақти-вақти билан қозикалонлар муҳри билан тасдиқлаб борилганлигини алоҳида таъкидлади. Отахон бир оз тин олгач, сўзини давом эттириб, "Ҳар бир инсон аجدодлари, яъни сулоласининг муътабар номига муносиб бўлиши, унга доғ туширмаслиги, фақат раҳмат келтириши керак, — деди. — Шундагина бува-бувилари, бобокалонларининг пок руҳига содиқ эканлигини кўрсатади. Сизлар ҳам етти пуштингизни билишга ҳаракат қилинг, сулолангиз анъаналарини давом эттиринг. Қанийди, ҳар бир катта хонадонда шажара бўлса-ю, оила аъзолари ундан маънавий озиқ олишса... Нур устига нур бўлур эди".

Ўша кунги суҳбат сабаб бўлди-ю халқимизнинг неча минг йилликларга бориб уланувчи тарихи, анъана ва қадриятлари ҳақида кўп вақтдан бери ўй-хаёлимизда айланиб фикрлар яна жонланди.

Дастлаб шажара атамасига тўхталсак, у арабча сўз бўлиб, дарахт маъносини билдиради. Унинг келиб чиқиши узоқ мозийга бориб тақалади. Қадим-қадимдан шажара — генеалогия тарих фанининг муҳим бир соҳаси сифатида ўрганилиб, ўқитиб келинган. Шарқда, хусусан, Марказий Осиёда аксарият сулолалар ўзининг шажарасига эга бўлиши, катта хонадонларда эса авлод-аждоди, насл-насаби қайд этилган уй дафтари юритиш ғоят муҳим анъанага айланган. Бу тарихий, бадиий асарларда ҳам ўз ифодасини топган. Абулғозий Баҳодирхон қаламига мансуб "Шажараи турк" ва "Шажараи тарокима" китоблари шулар жумласидандир. Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур ва бошқаларнинг кўплаб асарларида ҳам шажарага тааллуқли қимматли маълумотлар берилган. Чунончи, "Зафар йўли" китобида қуйидаги манзара келтирилади: Тарагай фарзанди Амир Темурни олдига чақириб, "Мана бу ўғитларимни ёдингда тут: биринчиси, ўз аجدодларингни ҳурмат билан ёд эт ва унутма", дейди ҳамда ўн аждодининг исми-шарифини олдинма-кетин тўлиқ таъкидлаб ўтиб, сулоланинг ибтидоси — илдизи қайси улуг зотларга бориб боғланишини ҳам аниқ айтиб берган. Ана шу кичик лавҳанинг ўзи қанчалик катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак?!

Тарихий манбаларда шажаранинг асл моҳиятидан келиб чиқилган ҳолда у илдизлари бақувват, танаси бир неча қулочга сигмайдиган, катта-кичик шохлари, улардан ўсиб чиққан навиҳол новдалари яшнаб турган улкан дарахт шаклида ифода этилади. Бир неча асрни қамраган бундай ноёб шажараларга назар ташласангиз,

аждод ва авлодлар силсиласи ҳавасингизни келтиради. Шундай муътабар инсонлар яшаб ўтган эл-юртга дахлдор эканлигингиздан фахрланасиз.

Айнан шундай ифтихор туйғуси иқтисод фанлари номзоди, доцент Эркин Фуломовни хайрли ишга қўл уришга ундади. У Истиқлол йилларида қайта тикланган қадриятларимиз, хусусан, авлод-аждодларнинг узвий боғлиқлигини ифодаловчи шажара, асрий урф-одатлар ва анъаналаримиз ҳақидаги ўй-фикрлари, ёшлар тарбиясига доир мулоҳазаларини "Эзгулик — ҳаёт гултожи" китобига мужассам этди. Э.Фуломов Тошкент халқ ҳўжалиги институти, ҳозирги иқтисодиёт университетида қарийб ўттиз беш йил ёшларга таълим-тарбия берган. Шунинг баробарида ўзи яшаётган Тошкент туманидаги Алишер Навоий номли маҳаллага деярли йигирма йил оқсоқоллик қилди. Шу даврда ўнлаб хорижий давлатлардан келган меҳмонлар маҳалладаги одамлар бошини қовуштириш, меҳру оқибат, таълим-тарбия ва бошқа кўплаб ибратли ишлар билан атрофлича танишиб, эътироф этишган. Кейинчалик у "Маҳалла" жамғармаси, Маънавият-маърифат марказининг Тошкент тумани бўлимларига етакчилик қилди. Эркин Фуломовнинг меҳнатлари "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвони билан тақдирланди. Унинг юқорида таъкидланган китоби маданий-маърифий аҳамиятга моликлиги билан ажралиб туради. Унда "Фулом домла аждодлари шажараси" берилганлиги кўпчилиكنи қизиқтириши табиий. Чунки ҳар бир инсон у кимнинг авлод-аждоди эканлигини билгиси келади, бунга доимо маънавий эҳтиёж сезади. Қолаверса, ўз сулоласининг шажараси бўлишини орзу қилади. Шунга астойдил интилувчиларга эзгу ниятларининг ижобат бўлишини тилагинг келади.

Шажара ҳақида ўйлаганимизда беихтиёр курраи заминимизнинг турли жойларида 1,2-1,4 минг йил, балки ундан ҳам кўп вақтдан бери савлат тўкиб, қарийб ярим гектар ерга соя ташлаб турган, баландлиги уч юз метрдан ошувчи улкан дарахтлар кўз олдимизга келади. Архитектор, лойиҳачи ва қурувчи-инженерлар бино қанчалик баланд кўтарилса, унинг пойдевори шунга яраша мустаҳкам бўлиши керак деган қоидага амал қилишади. Юқорида таъкидланган ноёб дарахтларнинг асоси — илдизи ҳам сон-саноксиз, катта-кичик шохлари сингари теварак-атрофга, ер қаърига чуқур томир отган. Бундай улкан дарахтларни уч-тўрт ва ундан ҳам кўп асрлик тарихга эга бўлган сулолалар шажарасига, қолаверса, айнан инсониятнинг ўзига қиёс этиш

мумкин. Агар таъбир жоиз бўлса, Одам Ато ва Момо Ҳаво, Нух пайғамбар, азиз-авлиёлар бани башарнинг томир-илдизлари, узоқдаврда яшаб ўтган ва бугунги кунда умргузаронлик қилаётганлар эса улкан ҳаёт дарахтининг катта-кичик шохлари, сон-саноқсиз новдалари ва ниш уришга чоғланган куртакларидир. Донишмандлар "Илдизимиз битта, барчамиз абодият дарахтининг яшнаб турувчи шохлари-ю меваларимиз", деб бежиз айтишмаган.

Шулар ҳақида мушоҳада юритар эканмиз, қариндош-уруғлар даврасидаги суҳбатда мўсафид тоға уқтирган сўзлар такрор ёдга тушади: "Ҳар бир инсон аждодлари, яъни сулоласининг муътабар номига муносиб бўлиши, унга доғ туширмаслиги, фақат раҳмат келтириши керак!"

Маънавиятни кўнгил мулкига — орзу-хаёлимиздаги муъжаз уйга қиёсланинг келади. Бу уйнинг маъжозий устунлари бор: ота-онага, аждодларга ҳурмат, эл-юртга меҳру муҳаббат, оила, дўст-ёронлар, устозлар, касб-корга садоқат, номингни покиза сақлаш, бутун борлигинг билан одамларга эзгулик қилишга интилиш... Инсон қалби тўридан ўрин олган, у учун муқаддас бўлган ана шу ҳис-туйғулар кўнгил мулкининг мустаҳкам устунларидир. Улар иймонимизни турли зарбалардан басаломат сақлаб туради.

Суннатилла САЙДАЛИЕВ
(*"Халқ сўзи" газетаси, 2007 йил 3 февраль*)

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БАХТ

Ҳар гал у ёки бу даврада онахонлар, отахонлар ҳақида гап кетганида, раҳматли бувимнинг гаплари эсга тушаверади:

— Хайринисони биласиз-у, — дер эдилар улар келинларига, — топиш-тутишлари айтарлик яхши эмас, лекин рўзғоридаги саранжом-саришталикка қойил қоласан. Ҳеч нарсадан нолимайди. Рўзғордаги ҳамма нарса бут.

— Биламан, — дейди келинлари, — уларга ҳавас қиламан.

— Бировни ёмонламоқчи эмасману, — гапида давом этади қайнона, — Холнисонинг эри амалдор. Ўзи ҳам фабриканинг олд ишчиси, лекин қачон қарасанг, у-бу етишмайди, деб нолийди. Гугурт нима деган гап ахир, шуни ҳам сўраб чиқади баъзан. Мен кўп ўйлайман. Хайринисонинг қари онаси, отаси, ўзи саранжом-саришта-да. Уйдагиларни ҳам шунга ўргатади. Холнисоникида эса, унақа эмас.

Бу гапларни эшитиб, беихтиёр қариси бор уйнинг париси бор, деган гап ёдга тушади. Дарҳақиқат, кексалар хонадонимиз кўрки, фахри, таянчидир. Қариялар бор жойда қут-барака бор. Исрофгарчиликка асло йўл қўйилмайди.

Қариялар истиқомат қиладиган хонадонда фарзандлар бир-бирларига меҳр-оқибатли, ширин сўз, хушмуомала бўлиб тарбия топадилар. Бундай хонадонда ортиқча гап-сўзларга ўрин қолмайди. Шу туфайли ҳам кексаларни эъзозлаш, уларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиш халқимизнинг азалий удумидир. Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги нишонланадиган бу йил Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинганлиги ҳам бежиз эмас. Шу муносабат билан вилоятимиз шаҳар ва туманларида кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, Тошкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат ҳўжалиги Навоий маҳалласида бўлиб ўтган ана шундай байрам кечасига маҳалланинг пиру бадавлат отахонлари, онахонлари, меҳнат фаҳрийлари тўпландилар. Бир пиёла чой устида қизғин суҳбат бўлди. Отахонлар ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, ёшларга панд-насихат қилдилар. Маҳалла оқсоқоли Эркин Фуломов меҳмонларга узоқ умр, энг яхши тилақларини изҳор этаркан, ҳўжалик маъмурияти тайёрлаган совғаларни топширди.

Кеча сўнгида қарияларга, меҳмонларга ош тортилди. Тадбир ниҳоясида туман ҳокимининг ўринбосари Раҳматилла Шерматов, қариялар ҳамиша иззатда, ҳурматда ва эътиборда бўлажаклари ҳақида гапирганда, эъзоздаги бу анъананинг умри боқий бўлишига ҳамма тилакдош бўлди.

Носир РИХСИЕВ
(*"Тошкент ҳақиқати", август, 2002 й.*)

ҲАЁТ ДАРЁСИНИНГ ИРМОҚЛАРИ КўП

Жамиятимиз ривожини йўлида шундай воқеаларга шоҳид бўлмоқдамизки, улар ўз мазмуни ва аҳамиятига кўра асло эскирмайди, аксинча вақт ўтиши жараёнида янада такомиллашиб, турмуш тарзимиз фаровонлашувига, маънавиятимиз бойишига хизмат қилаверади. Президентимиз томонидан 1998 йил 28 октябрда эълон қилинган Фармон худди ана шулар сирасига кириши билан алоҳида эътиборга лойиқдир. "Муқаддас динимиз, қадриятларимиз... одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини... таъсирчан

мисоллар асосида кенг халқ оммасига мунтазам етказиш қатъий йўлга қўйилсин", — дейилади унда.

Айни пайтда Фармонда жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорликда замон талабларига мос, халқимизнинг қарашларига мувофиқ келадиган янги, намунавий урф-одатларимизни жорий этишга эътибор кучайтирилиши кераклиги ҳам таъкидланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўзига хос бу долзарб дастуриламал ижтимоий ҳаётимизда рўй бераётган ислохотлар самараси билан бевосита боғлиқдир. Зеро, унинг туб заминиди азалдан мавжуд бўлган серфайз, халқчил удумларни, хусусан, тўйларини дабдабозлик, шуҳратпарастлик, манманликдан холи этишга қаратилган аниқ мақсад ўз ифодасини топди.

Бу бежиз эмасди. Кейинги йилларда оёғи ердан узилиб, оддий кишилар билан мутлақо ҳисоблашмай қўйган, ўзи хон, куланкаси майдон мансабдорлар ўтказаетган тантаналар, маросимлар омманинг гашига аллақачон тегиб, одамларда нафрат ҳиссини қўзғота бошлаган эди.

Фармоннинг моҳият хусусида, айниқса, бугунги рўза рамазонда алоҳида сўз юритиш ўринлидир. Парвардигор биз мусулмонларга Рамазон ойида ўттиз кун рўза тутишни фарз қилиб қўйган экан, бизнингча мана шу муддат айни вақтда ҳар биримиз учун маънавият ва маърифат ойи деб ҳисобланмоғи лозим. Ҳар кунги саҳарлик ва ифторлик вақтларида оила бошлиқлари, нуроний бува, бувилар билан ўғил-қизлар ҳамда набиралар ислом илми, ахлоқ ва одобдан баҳраманд бўлишларининг فايизи қанчалик улғ.

Лекин, айрим ҳолларда худди тўйларимиздаги каби Рамазон рўзаси билан боғлиқ бўлган ифторликда ҳам дабдабозликка йўл қўйилмоқда. Баъзан бу тадбирга эллик ва юз нафарлаб одамлар рўза тутган ва тутмаганлар ҳам таклиф қилинади. Илгариги йиллардаги кузатувлар шуни кўрсатдики, айрим ҳолларда рўзадорлар ўттиз кун давомида бор-йўғи фақат бир кунгина ўз уйларида ифторлик қилиш имкониятига эга бўларканлар.

Бизнингча, ифторликларимизни ҳам меъёрга келтириб, фақат оила аъзолари даврасидагина ўтказсак, ортиқча моддий харажатларни камайтириш билан бир қаторда, катта маънавий-маърифий ютуқларга ҳам эришган бўлардик. Энг файзли ифторлик ва саҳарлик уларнинг оила бошлиқлари билан ўтказилганидир, деб биламиз.

Донишмандларимиз айтганидек, ҳаётнинг маъноси орзу-ниятлар сари интилишнинг гузаллиги ва қудратидадир. Шунинг учун тирикликнинг ҳар дақиқаси ўзининг юксак мақсадига эга бўлиши

керак. Ва ҳар қандай мақсад шодликка эришишдан иборат бўлмоғи лозим. Жумладан, Аллоҳ таолонинг биз мусулмонларга Ҳайит намозларини ўқишни фарз қилишининг асл моҳияти аини ийд кунлари мусулмонларнинг дўстлиги, қардошлигини янада мустаҳкамлаш ва жипслаштиришни кўзда тутати. Камбағал, бева-бечораларга фитр салақаси улашиш, бор бўлса ўтганларни хотирлаб қурбонлик қилиш, ота-она ва кексаларни, ҳаракатдан бенасиб беморларни йўқлаш, ана шундан кейингина қалбларни қувончга тўлдириб, байрам қилиш бу айёмнинг туб мазмунидир.

Таажжубли томони шундаки, Аллоҳ томонидан бизга ато этилган хурсандчилик байрамимизга таъзияларни аралаштириб юборганмиз. Уч кунлик ҳайит байрамида янги келин тушган хонадонга ўйин-кулгу, таъзияли оилада эса фотиҳагарчилик, мотам... Гоҳо ана шу уч кунлик байрамда фотиҳагарчиликларга машинада юриб ҳам улгура олмайсиз. Шу маросимлар Худо томонидан фарз қилиб қўйилган бўлса ҳам майли эди. Ҳатто ислом динининг тарихига оид кўп китоблар ёзган Муҳаммад Ҳузарий ибн Шайхнинг "Нур-ул-яқин", Алихонтўра Шокирхонтўра ўғли Соғунийнинг "Тарихи Муҳаммадий" каби асарлари ва бошқа кўплаб китобларда ҳам бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган.

Президентимиз Фармонларини ҳаётга тадбиқ этишга бағишланган туманимиз фаоллари кенгашида сўзга чиққан ҳурматли имомимиз Яҳё ҳожи Турдиев шундай дедилар: **"Ҳайит — бу байрам дегани. Ўттиз кун рўза тутиб соғ-саломатлик билан шу кунларга етиб келганимиз шарафига хурсандчилик қилиш демакдир. Унда тўкин дастурхон ёзиб, эшик олдида уч кунлаб бел боғлаб мотам тутиш одати ҳеч қаерда айтилмаган. Бундан буён биз бунга чек қўйишимиз керак. Унинг ўрнига марҳумлар хотирасини ҳурмат қилмоқчи бўлган одамлар қабристонларни обод қилишсин. Зарурият бўлса, марҳумларнинг оиласи ва етим болаларига ёрдам қилайлик. Ҳайит куни фотиҳагарчиликни хоҳлайдиган одамлар бўлса ичкарида алоҳида жой қилиб, эшик олдида бел боғлаб турмасдан, уйда ўтираверсин. Яқин одамлари кириб, фотиҳа ўқиб кетаверади".**

Шуни айтиш керакки, диний урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизга зид бўлган, тараққиётимизга тўсқинлик қилиб келатган бундай иллатларга барҳам беришнинг бош йўли кенг жамоатчилик қўлидадир. Бу иш биринчи навбатда маҳалла фаоллари, хотин-қизлар кенгаши ва масжидлардаги ҳурматли имомларимиз зиммасидадир.

Биз Фармонда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда маҳалламиз дастурини ишлаб чиқдик. Унга мувофиқ, ифторлик ва худойилар ихчамлаштирилмоқда. Ҳайит арафасида хонадон, кўча ва қабристонларни ободонлаштириш, марҳумлар хонадонига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, қаровчиси йўқ, ёлғиз, ногирон ва кам таъминланган оилаларга фитр садақасини уюштириш, ётиғлик касалларни ҳайит кунлари йўқлашни режалаштирдик. Ҳайит қилаётган келинлар дастурхонига қилинадиган тоғора ва тугунлар, сарполар сони ҳам меъёр даражасига келтирилади. Умуман, Ҳайитни катта байрам сифатида нишонлашга келишиб олдик.

Ҳа, ҳаёт дарёсининг ирмоқлари кўп. Доно халқимиз тўй-тўйдек бўлсин, деганларидек, байрамларимиз ҳам байрамдек ўтиши керак. Умуман, Юртбошимиз Фармонига амал қилган ҳолда маҳалламизда барча анъаналарни серфайз ва ихчам ўтказиш борасида амалий ишларни кенг йўлга қўймоқдамиз.

Эркин ФУЛОМОВ,
Тошкент туманидаги Алишер Навоий
номли маҳалла оқсоқоли.
("Тошкент ҳақиқати" газетаси, 1999 йил 13 январь)

Год махалли

...И ЗАЩИЩЕННОСТЬ У РОДНОГО ОЧАГА

Чуть вбок от междугородной трасс Ташкент - Келес, от того места, где начинается большой мост над железнодорожными путями, сверни к тесноватм параллельнм улочкам, и там найдешь махаллю имени А.Навои. Пятьсот дворов, практически в каждом десятом — теплиц. Отсюда на городские базар, в ближайшие больницу и детский сад почти круглосуточно поступают свежие зелень и овощи. "Частники" поставили дело так, что договор на их продукцию возобновляются из года в год, принося стабильный доход.

— И зажили люди, — комментирует факт аксакал махалли, возглавляющий ее 18 лет, Эркин Тахирович Гулямов. — А было дело, растерялись...

Я разыскала махаллинского "главнокомандующего" очень просто — первый же встречный махнул рукой в сторону голубой калитки у аккуратных строений типичной национальной архитектур. Внутренний дворник с укрытыми кустами роз и вино-

градника, за ним еще дворник, дальше — сад и огород. Мне показали библиотеку, зал для общих собраний, чайхану для стариков (бесплатную), рабочие комнаты для членов махаллинского комитета и его активистов. Все построено, сообщили мне, на общественные средства.

— Мы в свое время очень помогли им, — продолжает свой рассказ Э.Гулямов, имея в виду владельцев теплиц. — Хлопотали насчет топлива, сами понимаете. Да и нужно было поддержать именно тех, кто способен поднять тепличное производство. А теперь началось, так сказать, обратное движение: доход от теплиц помогают поддерживать и наш общий махаллинский бюджет.

Но надо, наверное, объяснить, отчего в свое время сельчане, живущие практически на окраине города, пережили период растерянности. Эркин Тахирович имеет в виду середину восьмидесятых, когда в стране пошла разговоро о "свежем ветре", а здесь люди мучились без газа и электричества. Дальше-больше: экономическая реформа, преобразование крупных общественных хозяйств, безработица... Бывшие колхозники и в городе не могли найти себя: Келес, который под боком, рабочих мест на всех не имел, а в Ташкент не наездишься. Я "рисую" общую схему. Но для каждого отдельного человека, чей привычный уклад жизни вдруг нарушен по причине, например, элементарного сокращения кадров, диктуемого экономической целесообразностью, это было трагедией. Колхоз преобразован в ширкат, там — пай и надежда на процветание для его членов. А если ты оказался вне этой систем? Помните разговор: "На всех земли не напасешься!"

Но кусок земли у порога, чтобы разбить тепличку (вначале небольшую, а потом и поболее), был здесь почти у каждого. Понадобилась лишь организационная инициатива махаллинского комитета. Может быть, этой махалле просто повезло: Эркин Гулямов, историк и экономист с кандидатской степенью, "кое-что" понимал в текущем моменте. У него за спиной были год преподавательской работ в вузе плюс научно-исследовательская работа в Академии наук республики по основному предмету — экономике села.

Вы перешли из вуза и Академии наук в махаллинские лидеры? — поинтересовалась я.

— А это у нас в роду, — рассмеялся он. — Так сказать, наследственный синдром — близко к сердцу принимать все происходящее в махалле, где живешь. Мой дядя, например, 37 лет своей жизни

отдал работе в махаллинском комитете, долго возглавлял его. Вот и меня выбрали. И переизбрали потом. И до сих пор не отпускают.

И кандидат экономических наук, еще работая в вузе, стучался в дома односельчан, пытаясь "развернуть" их к новому мышлению. Помог организовать Рустаму Ахмедову, сундучных дел мастеру, семейное дело: сундуки и люльки-бешики, которые они теперь изготавливают, признаны лучшими в Ташкентской области. Махмуджон Турсунов по его просьбе открыл собственную школу по производству национальных кондитерских изделий. А мать троих детей Гульсум-ой Усманову он же убедил обучать девушек (за умеренную плату) швейному делу, в котором сама она большой мастер.

Но окончательно я поняла, почему все-таки именно эта махалла названа победительницей в республиканском соревновании на лучшую махаллу 2002 года, когда мне сообщили: в этом году 200 семей здесь справили новоселье, а всего строится новых домов-дворов тысяча! Происходит это при активной поддержке махаллинского комитета. Недавно, например, соседний ширкат имени Ахунбабаева удовлетворил его просьбу в очередной раз помочь сельчанам строительными материалами. И еще выделил (бесплатно) 60 столбов для линии электропередач. Новые дома закладываются по типу городских.

Организуются хашары на строительстве домов. Без них не обошлись и при сооружении магазинов, поликлиники, общественного центра... Представитель ООН, которого привезли сюда для знакомства с принципами работы махалли, больше всего удивлялся смыслу понятия "хашар" - когда всем миром и, главное, бесплатно, люди помогают друг другу строить жилые дома и общественные здания. Он не мог припомнить, чтобы такое практиковалось еще в какой-либо стране.

Мне приходилось уже писать о здешнем опыте, но я вновь повторю любимую присказку Гулямова о том, что у каждого плохого есть хорошая сторона, а у каждого хорошего — плохая. Потому что она как нельзя лучше отражает принцип махаллинского содружества, сохранившийся в народе до наших дней и унаследованный от отцов, дедов и прадедов: использовать на общее благо первое и сохранить (подопечную территорию) от второго. Лишь бы к распределителю общественных материальных благ (в данном случае махаллинских) не подобрались люди, пекущиеся прежде всего о собственном интересе. Что, увы, пока еще нет-нет, да и случается.

Приятно было услышать от земляков, что сам Гулямов живет на виду у всех большой многодетной семьей, болея за всех и ничего лично для себя не выгадывая. Лишь радуясь, что его махалля нормально живет и работает, несмотря ни на какие "ветры"... Здесь нет беспризорных и безработных, а малообеспеченные и одинокие находятся под постоянной опекой всей махалли. Здесь могут позволить себе возить стариков в театр и музеи бесплатно. Или устроить праздничный обед человек эдак на 300 с концертом и подарками.

Если сравнить махаллю с родным очагом, как это сделал Президент республики, то легко понять, почему такое большое значение придается столь уникальному институту самоуправления. Потому что от нас самих зависит создание ощущения защищенности у этого самого очага...

Алла КЛИНОВА,
"Ташкентская правда".
Ташкентская область, Ташкентский район.

Как живешь, махалля?

НЕ ДЛЯ СЕБЯ — ДЛЯ ЛЮДЕЙ

Дом сиял белизной и свежей краской, привлекало внимание и праздничное убранство его фасада.

— Вот наш центр махаллинского схода граждан имени А.Навои, о котором только что вели разговор, — сказал Алишер Султанов, арендатор ширкатного хозяйства имени Юлдаша Ахунбабаева.

— Действительно, тот самый, только назвался он 15 лет назад махаллинским комитетом.

Тогда, помню, с интересом беседовал с доцентом экономического университета, депутатом кишлачного Совета Эркином Тахировичем Гулямовым. Это он на одном из сельских сходов в конце 1984 года предложил сельчанам построить новое здание махаллинского центра. Чтобы было где собираться и различные службы были бы рядом. Хашаром возвели здание, а 1 ноября 1987 года торжественно открыли центр.

— То, что строение постоянно поддерживается в образцовом состоянии — заслуга Эркина Тахировича, — говорит мой спутник. — А вот и он сам.

— Активист нашего махаллинского схода граждан умеют при необходимости сплотить людей, — словно продолжая давнюю беседу, говорит Эркин Тахирович Гулямов. — Общими усилиями добились чистоты и порядка не только на территории центра махаллинского схода граждан, но и на всей территории махалли. Хашаром заасфальтировали дороги, построили парикмахерскую. Начали было строить магазин, но рост цен на строительные материалы заставил отказаться на время от этой затеи.

Но, как известно, безвыходных положений не бывает. Эркин-ака обратился к предприимчивому жителю махалли Рихситулле Турабекову. Глава многодетной и работающей семьи, экономист по образованию, взялся довести дело до конца. Все профессионально рассчитал. С готовыми вкладами явился на махаллинский сход граждан и предложил свои услуги. Вскоре красавец сельмаг, сияющий свежестью красок, принял первых покупателей...

Действительно, за минувшие года, что я здесь не был, в махалле много изменилось. Во-первых, теперь здесь не 199 дворов, как было тогда, а около 325. И проживают в них не 1500 человек, а два раза больше.

За последние годы в центре махаллинского схода граждан построены еще два вместительных зала. В одном - кабинет "Маънавият ва маърифат", в другом собираются пожилые и молодые жители махалли почитать свежие газеты и журналы, сыграть партию в шашки и шахматы.

С прошлого года открыт курс для молодежи и всех желающих по изучению Конституции республики. Занятия проводят работники прокуратур, МВД, народных судов. Интересно проводятся в центре праздники, встречи, на которые приглашаются известные поэты, писатели, артисты, деятели культуры, ученые.

Хлопот у ак-ака Э.Гулямова прибавилось. С 1992 года он выполняет обязанности и председателя совета махаллинских комитетов Ташкентского района. А их здесь ни много ни мало - 77. Столько же предприятий и организаций закреплено за ними в порядке шефской помощи. Создан фонд махаллинских комитетов.

— Не тяжело, Эркин-ака? — спросил я.

Было бы еще труднее, если б не было рядом таких помощников, как Юлдаш Гаппаров, Ахмаджан Ташметов, Икрамжон Мехманов, Шокиржон Кодиров, Эргаш Кодиров и другие работники ширкатного хозяйства имени Юлдаша Ахунбабаева.

По итогам республиканского конкурса, объявленного благотворительным фондом "Махалля", махалля имени А.Навои заняла третье место.

Анатолий БАЯНОВ,
Общ.корр. "Правд Востока", август 2002 год.

Узини ўзи бошқарув тажрибасидан

"МАҲАЛЛАМИЗ — ФАХРИМИЗ" **деб айтишди Тошкент туманидаги Навоий номли маҳалла** **фуқаролари**

Тошкент туманидаги бу маҳалланинг иш тажрибасидан ўрناк олса арзийди. Бунда энг аввало, маҳалла кўмитасининг фаоллари ва уларнинг сардори Эркин ака Фуломовнинг хизматлари катта.

Иқтисод фанлари номзоди Эркин Фуломов узоқ йиллар Иқтисодиёт университетда талабаларга иқтисод фанидан сабоқ берди, жамоат ишларида ҳам фаоллиги билан ажралиб турди. Университетда чоп этиладиган "Иқтисодчи" газетасида аввал масъул котиб, муҳаррир ўринбосари, сўнг бош муҳаррир бўлиб фаолият кўрсатди. У ҳалоллик, ростгўйлик ва покликни умрининг мазмуни деб билди. Илм ва ижод билан шуғулланишни астойдил давом эттираверди. Садоқатли олим фидойи инсон сифатида ана шу зайлда иш жойида ҳам, яшаш жойида ҳам эл-юртнинг ҳурмати қозонди. Бир-биридан ақлли, ўқимишли олти фарзандни тарбиялаб вояга етказди, уйли-жойли қилди. Бугунги кунда у бир этак невараларнинг суюкли бобосидир.

Эркин домла нафақага чиққанидан сўнг ҳам тиниб-тинчиб ўтирмади. "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими бошлиғи, "Маънавият ва маърифат" бўлими бошлиғи сифатида ҳам муваффақият билан фаолият кўрсатди. Ташкилий ишларни жонлантирди. Тумандаги 24 та маҳаллада бошқарув идораси қурилишига қаттиқ курашди. Бунинг боиси бор эди. Эркин акани 1986 йили маҳалла кўмитасига раис қилиб сайлашганида идорадан ном-нишон йўқ эди. Албатта, маҳалланинг ўз идораси бўлиши шарт, деган масалани кўндаланг қўйди. Хўжалик раҳбарлари, фаоллар уни қўллаб-қувватлашди. Ташландиқ бўлиб ётган жойдан ер ажратиб беришди. Ҳашар йўли билан қисқа вақт ичида бино қад кўтарди. Энди маҳалла аҳлининг ўз оқсоқолларига меҳрлари ортди, унга ҳар жиҳатдан кўмак бера

бошладилар. Оқсоқол, айниқса, Охунбобоев номли ширкат ҳужалиги раиси Искандар Позиловнинг бевосита ёрдами, қўллаб-қувватлашидан миннатдор эди. Эркин ака олим эмасми, маҳаллани гуллаб-яшнатиш учун фаолларга таяниб, билими ва иқтидорини аямай меҳнат қиларди. У, айниқса, Юртбошимиз Фармонлари, ҳукуматимиз қарорларининг моҳиятини маҳалла фуқароларининг онгига сингдириш ва шу йўл билан уларнинг жамиятда тугган ўринларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиларди.

Ташвиқот ишлари яхши самаралар бера бошлади. Қисқа вақт ичида маҳалла тумандагина эмас, вилоятдаги энг намунали маҳаллалар сафидан ўрин олди. Бу ерга тажриба ўрганиш учун вилоятдан, қўшни маҳаллалардан келадиган бўлишди. Ҳатто, хорижий мамлакатлардан ҳам меҳмон бўлиб келишди. Бу маҳаллага икки марта Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат ва жамият қурилиши академиясидан олимлар келиб семинар ўтказишди. Маҳалла оқсоқолларининг кўрик-танловида Эркин ака совринли ўринларни эгаллади.

Биз ҳам бу тажриба билан қизиқиб, одамлар билан суҳбатлашдик. Фуқаролар олиб борилаётган ишлардан мамнун бўлиб сўзладилар. Аввало, идорадаги кўркемлик, саранжом-саришталик, орасталик кишини мамнун қилади. Хона ва залларни айланиб, шундай хулосага келасиз. Ҳар ер ҳар жойда чуқур маъноли, ҳикматли, ибратли сўзлар катта ҳарфлар билан кўринарли ёзиб қўйилибди.

— Бу гапларни қаердан оласиз, — деб сўраймиз оқсоқолдан.

— Мақтанаяпти демангу, мен кўп китоб ўқийман, — дейди Эркин ака. — Ўзимга ёққан ҳикматли сўзларни ён дафтаримга ёзиб қўяман. Вақти-соати келиб улар асқотади.

Биз идора хоналарини айланишда давом этамиз. "Намунали оилалар" деган ёзувга кўзимиз тушади. Расмларни томоша қилаётиб, беихтиёр оила ҳаётининг бош муроди ва мақсади болалар тарбиясида, бола тарбиясининг бош мактаби эса эр-хотин, ота-она муносабатларининг самимий ва яхши бўлишидадир, деган фикрлар ёдга келади. Қўшни залга ўтамиз. "Ҳаёт чаманини гуллайтиб турувчи маҳалла аёллари" ҳаётидан ҳикоя қилувчи лавҳалар ҳам бизда катта таассурот қолдирди. "Маҳалла жону жаҳоним" кўрғазмасида эса энг иззатли, обрў ва эътиборли одамларнинг расмлари акс эттирилган. Махсус хонада эса маҳалла кексалари ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ суратлар бор. Улар шу ерга келиб, суҳбатлашадилар, гурунғ қиладилар. Ниҳоят, "Хотира - эртанги кунимизни ёритувчи нур" сўзи тагидаги

расмларда эса бир вақтлар маҳаллада яшаб, ўзларининг меҳнатлари, оила тутишлари билан элга танилган ҳурматли инсонларнинг суратларини кўриб ўйга толасиз. Шу пайт идора эшиги очилиб, уч-турт мактаб ўқувчилари кириб келишди.

— Китоб олмоқчимиз, — деб Эркин акага мурожаат қилишди улар.

— Болаларим, бироз сабр қилинглар, ҳозир кутубхоначи опангиз келиб қоладилар, — деб жавоб берди уларга оқсоқол.

Биз ўша куни маҳалланинг иши, фаолияти, режаларига оид яна кўп жиҳатлар ҳақида суҳбатлашдик.

"Маънавият ва маърифат" хонасида олиб бориладиган ишларни янада жонлантириш зарурлиги алоҳида тилга олинди. Эркин ака маҳалла дарсхонасида вақти-вақти билан таниқли олимлар, раҳбарлар иштирокида тез-тез турли мавзуларда суҳбатлар бўлиб туришини, айниқса, Конституцияга оид суҳбатлар жонли тарзда ўтаётганлигини таъкидладилар.

Суҳбатдан мен шуни англадимки, маҳаллада эскидан одат бўлиб қолган ва одамларни баъзида кўп ташвишга солиб қўядиган расм-русумлар барҳам топаётганлигини мисоллар билан айтиб бердилар. Хусусан, дадил айтиш мумкинки, ЗАГСларни ўтказишдаги дабдабазликка чек қўйилди. Лекин ҳали кўп иш қилишимиз керак. Ҳайит байрамида келинлар уч кун безатиглиқ дастурхон устида тик оёқда туриб, меҳмон кутиши шартми? Аксарият ҳолларда биринчи кун ташриф буюрган меҳмонлар иккинчи-учинчи куни ҳам кириб келишаверади, бундан қандай мақсад бор, бу ҳақда ҳам биз жиддий ўйлаб кўрдик. Келинлар фақат бир кун давомида меҳмон кутишига эришмоқдамиз. Бундан ташқари келин томоннинг ҳам, кўёв томоннинг ҳам эрта наҳорда ош бериши шартми? Бундай ошларга хонадонларга мутлақо алоқаси бўлмаганлар ҳам ташриф буюраверишди. Ортиқча исрофгарчиликнинг нима кераги бор. Келажакни ўйлаб, замон билан ҳамнафас бўлиб, имкониятни ҳисобга олиб қадам ташласак, иш юритсак, қандай яхши бўлади.

Мен Навоий номли маҳаллада бу оддий фалсафага қатъий амал қилинган ҳолда иш юритаётганликларига ишонч ҳосил қилдим. Шунинг учун ҳам улар эришаётган ютуқлар асослидир, шунинг учун ҳам фуқаролар ўз маҳаллаларидан фахрланиб яшамоқдалар.

Носир РИХСИЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"нинг махсус мухбири.

ПОКИЗА ҚАЛБНИНГ ШАРАФЛИ СИФАТЛАРИ

*Мурувват бирла эҳсонни шиор эт,
Ҳамиша яхшиликни ихтиёр эт.*

Собир САЙҚАЛИЙ

Мустақиллик шарофати билан ҳар бир янги йил қандай номланишини орзиқиб кутиш анъанага айланиб қолди. Ўн йилдирки, улкан ижтимоий масалаларни ижобий ҳал этишга қаратилган, бир-бирини тақозо этувчи, мантиқий боғлиқ, изчил, кенг қамровли, эзгу мақсадга йўғрилган, қалбларга йўл топадиган, муаммолар калитини танлаб, ҳаёт мазмунини бойитувчи, жамиятни янада гўзаллаштириб, ҳаёт тарозуси каби инсон фаолиятини бошқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилувчи номлар билан сайқал топмоқда йилимиз.

Уларнинг барчаси ўзининг чуқур инсоний маъно ва фалсафаси, ижтимоий йўналиши билан узвий боғлиқ бўлиб, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий раўнақи, изчиллик билан юксалишида янгидан-янги босқичларга олиб чиқишда, одамлар кўнглини чўққиларга кўтариб, қалбларга қувват ва жон ато этишда илҳом бағишламоқда.

Янги — 2006 йилни "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши ҳам инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш ва улуғлашга бўлган эътиборнинг янги бир зафарли ва қувончли поғонаси бўлди.

Халқнинг оғирини енгил қилиш, унинг меҳрини қозониш, меҳр ва мурувват, олиҳиммат, саховат ва сахийлик билан қалбларни забт этиш, одамларнинг бир-бирларига марҳаматли бўлишлари барча ютуқларимиз гарови бўлиб қолмоқда.

Ҳомийлик ҳаракати учун бизда барча асос ва имкониятлар мавжуд. У бизнинг азалий миллий қадрият, урф-одат ва расм-русумларимизга мос тушади. Халқимизнинг онги ва тафаккурига сингиб кетган, муқаддас динимиздан чуқур ўрин олган юксак инсоний фазилатлар мужассам унда.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом айтибдурларки, қиёмат куни, тўрт тоифа одамлар, яъни соҳиби илм олимлар, ҳалол пулларига ҳаж сафарига борганлар, Худо йўлида шаҳид кетганлар ва ҳалол

пул топиб одамларга сахийлик қилган ҳомийлар беҳисоб ва беазоб жаннатнинг эшигига борарканлар. Уларнинг қайси бирлари биринчи бўлиб жаннатга кириш масаласини Оллоҳ Жаброил алайҳиссаломга топширади.

Жаброил алайҳиссалом уларнинг уч нафари билан савол-жавоб утказиб:

— Сизлар Худо йўлида шаҳид кетиш, ҳаж қилиш ва саховатли бўлишнинг савоби улуғ мартаба эканлигини қандай билдинглар, — деб сўраганларида уларнинг уччаловлари ҳам "биз олимлардан эшитганмиз", дейдилар.

— Ундай бўлса олимларнинг биринчи бўлиб жаннатга кирмоқлари адолатдандир. Уларнинг ҳурматини бажо тутинглар, алардан олдин жаннатга кирмоқ беодоблик бўлур, — деб ҳукм чиқарадилар Жаброил алайҳиссалом.

Аммо олимлар инсоф билан:

— "Худоё, аввал бизларнинг жасадимизни яратганингда бизларнинг ҳеч илмимиз йўқ эрди ва бу илмларни сахийлар саховатларининг сабабидан таҳсил қилиб эрдимиз... Энди аларнинг огирларини зойи қилмагил ва сахийлар жаннатга биздан илгари кирсинлар", — деганларида Худойи таоло айтадики:

— "Эй ризвонлар, жаннатнинг эшигини очингларки, аввал сахийлар кирсинлар, андин сўнгра олимлар ва алардин кейин бошқалар кирсунлар".

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом яна иккинчи бир мисолда айтадиларки, қиёмат куни бўлғонида мани умматларим гўрларидан ўн хил бўлиб, ҳар бирлари бир суратда туриб Маҳшарга борурлар. Биринчи хиллари шулки, гўрларидан турғонларида қоринлари гўё бир тоғдек катта бўлурки, они ҳаммаси илон ва чаён бирла тўлғондир ва ул вақтда Худойи таоло томонидан нидо келурки:

— "Эй халойиқлар, бу жамоани кўрингларки, булар молларидин закот бермай ва тавба қилмай ўлғонларки, буларнинг жазолари шулдур ва борадурғон жойлари дўзахдир".

Бинобарин, ожиз ва муҳтожларга раҳнамо бўлиш, кекса, етим ва қаровчиси йўқларга ҳимматли ва меҳрибон бўлиш, уларга қаҳр қилмаслик, гадоларни жеркимаслик, молу дунё муҳаббатига эмас, одамлар муҳаббатига сазовор бўлиш энг улуғ ажри савоб иш. Аммо, дунёпарастликни дўст тутишнинг оқибати ҳам хунукдир. Шунингдек, мол-мулкни санашдан бўшамай, фақат уй-жойларини ҳашаматли-ю, мол-дунёсининг кўплиги билан мағрурланувчи мақтанчоқ молпарастликнинг ҳам охирати ачинарли бўлиши аниқ.

Нафси покянган, кўкси илму ҳимматга тўлиқ, ҳалол меҳнати билан мол топувчилар Яратганнинг марҳаматига сазовор бўлиб, улар фазилати улуғ, ишбилармон, тадбиркор, бунёдкор, қўлигул, қалби ҳам, қўли ҳам, йўли ва дили ҳам очиқ, фариштаси улуғ, ҳимматидан камолоти кўриниб турадиган, ожиз ва муҳтожларга раҳнамолик қилиш билан халқнинг ҳам, ўзгаларнинг ҳам қалбларини равшан қилиб юришга муяссар бўлган эзгу ниятли етук инсонлардир. Улар эккан мурувват кўчатлари юзлаб-минглаб кўнгилларни баҳраманд қилади.

Буюк Алишер Навоий дейдиларки, кишилик богининг ҳосилдор дарахти — бу сахийлик, у шу дарахтнинг ширин меваси. Одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, шу дарёнинг асл гавҳаридир.

Бундай фазилатли инсонлар зафарининг каромати шундаки, улар кишиларнинг муҳаббатини ўзларига жалб этиб, одамларга яхшиликни ҳамиша ихтиёр этиб, муҳтожлар кўнглини шод айлаб, ўзлари эса янада шараф ва мартабага муяссар бўладилар.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, саховатли ва бегараз ҳомийларнинг қиладиган олижаноб ишлари инсон дардига малҳам бўлиб, унинг ғаму ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган фидойи шифокорлар фаолияти билан ҳар томонлама ҳамоҳанг бўлиб узвий боғланиб кетиши ҳам айни муддао бўлди.

Ўзларининг жасорати, фидойилиги, қалб ва фикрларининг тиниқлиги билан элга азиз ва мукаррам бўлган шифокорлар касби барча санъатлар ичида энг олижаноб санъатдир. Уларнинг муъжизакор санъатининг сирлари беморларга нисбатан бўлган диққат-эътиборларининг кучлилигида, ғамхўрлик ва меҳрибонликларининг бегараз, беморлар билан бўлган суҳбатларининг нақадар шифобахш тасалли беришлигида, очиқ чеҳра билан кўнгилни кўтара билишларида намоён бўлади.

Ёқимли хислат, чиройли сифат, ширин сўз, хушфёъл, табиатнинг поклиги ва қалбни тортиши билан эл ҳурматига сазовор бўлган табобат ходимларининг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурини ҳамжиҳатлик ва яқдиллик билан юқори савияда амалга оширишлари учун маҳалламизда барча зарур шарт-шароит ва имкониятлар мавжуддир.

Эркин ҒУЛОМОВ,
Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.
("Ишонч" газетаси, 2006 йил)

МАҲАЛЛА ЖОНКУЯРИ

Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг собиқ раиси Шухрат Жалилов қаламига мансуб бўлган "Кучли давлатдан кучли жамият сари" номли китобида ("Ўзбекистон", 2001). Алишер Навоий номли маҳалла иш тажрибаларига ҳам муносиб ўрин берилган. Китобнинг шу маҳаллага тааллуқли қисмини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

"Маҳалла оқсоқоллари орасида муваффақиятли фаолият курсатаётган турли касб эгалари қаторида олимларнинг, зиёлиларнинг кўпайиб бораётгани ҳам диққатга сазовордир. Бу борада оқсоқол олим Эркин Ғуломовнинг фаолиятини ибрат қилиб кўрсатса арзийди.

Эркин Ғуломовнинг маҳалла оқсоқоли бўлиб орттирган обрўйи, маҳалла раислиги инсоннинг касбига эмас, қандай одамлигига қарар экан, деган фикрни уйғотади. Умуман каттами, кичикми, раҳбарлик мақоми одамнинг юксак ташкилотчилик маҳоратига, бошқаларни ўз ортидан эргаштира олиш қобилиятига боғлиқ. Маҳаллада Эркин Ғуломовнинг саъй-ҳаракати билан амалга оширилган ишларини бирма-бир назардан кечирсак, фидойилик намунасини кўрамиз. Эркин Ғуломовнинг ташаббуси билан маҳалладаги ташландиқ, чиқиндилар тўкиладиган жой ҳашар йўли билан тозаланиб, қурилишлар қилиниб, маҳалла марказига айлантирилди. Аввалига аҳоли ғамини еб, уларга хизмат қиладиган идиш-товоқ, асбоб-ускуналар сақланадиган иморат тикланди. Шу қурилиш давомида ўзининг ташаббускорлиги, жонкуярлиги, меҳнатсеварлиги билан яна бир бор эл назаридан ўтган, котиб бўлиб ишлаб келаётган Эркин Ғуломов Тошкент тумани, Йўлдош Охунбобоев номли жамоа ҳўжалиги ҳудудидаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайланди. Биринчи навбатда бор имкониятлардан фойдаланиб, икки йилда беш хоналик маҳалла идораси биноси қурилиб, ишга туширилди.

Оқсоқол маҳалла жамғармасини айланма маблағ ҳисобидан тўлдириб туришни ҳам унутмайди. Унинг ташаббуси билан "Суннатилла" хусусий дўкони, "Оролча" хусусий кафеси, тандирхона, ошхона аҳолига хизмат қилмоқда.

Маҳалла идорасидан чиқиб, янги ташкил этилган боғни кўришга отланар эканмиз, ойнаванд, шинам хонага кириб кетаётган отахонларни учратдик. Улар раисдан мамнунликларини айтиб, ҳаққига дуо қилдилаар.

Маҳалланинг ҳамда собиқ Киров кўчасининг номини Алишер Навоий деб атасак, деб маслаҳат солганида, Эркинбой анча узоқни кўзлаганини кейинроқ амалда кўрдик. Навоий бобомиз ариқлар қазитиб,

сувлар чиқарганлиги, йўллар очдириб, кўприклар солдирганлиги халқимиз тилида достон. Гапнинг индаллоси, барака топсин, оқсоқолимиз ҳам сув чиқарди, боғ қилди, чиқиндиларни тозалаб, маҳаллани ёғ тукилса ялагудек қилиб қўйди. Мана бу - отахонлар хонасини ҳам бизга атаб тиклаб берди...

— Раисимиз барчага баробар, — деб йўл-йўлакай гапириб берди бизни ўз эҳсонига таклиф қилган мезбон ота. — Туйми, таъзиями, бошидан охиригача иштирок этадилар. Ортиқча ҳаражат, дабдабазликка йўл қўймайдилар. Янги йил, Мустақиллик, "Наврўз" ва бошқа байрамларда ҳар бир хонадонга эринмай табрик хатлари киритиб, кўнгилларини кўтарадилар.

Эркин Фуломовнинг зиёли сифатида жамоат фаолиятига қўшаётган ҳиссаси ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

Оила тинч бўлса, маҳалла тинч, маҳалла тинч бўлса, туман тинч, деган шиорлари бор Эркин аканинг. Бунга амалда эришмоқ учун маҳаллада бўлиб турадиган оилавий можароларни доимо чидам ва сабр-тоқат билан эшитиб, холис, беғараз ўрганиб, ижобий ҳал этишга бор кучини сарфлайди. Маҳалла хотин-қизлар кенгаши "Яраштириш комиссияси"нинг бор имкониятини ишга солади.

Ёшлар Эркин Фуломовни ўзларининг энг яқин дўстлари, отахонлари, устозлари, деб билишади. Зеро, у киши оқсоқол бўлгунча, чин маънода педагог-устоз, илм соҳиби бўлган, иқтисод фанлари номзоди, доцент унвонига эришган. Узоқ йиллар Халқ ҳўжалиги институтида иқтисод ва халқ ҳўжалиги тарихидан талабаларга дарс берган. Олти фарзандни тарбиялаб, вояга етказган. 14 набиранинг суюкли бобоси. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар устози". Эркин ака ўз вазифаси билан бирга у ёки бу жамоат ишини бажарган, ишхонадаги жамоа аъзоларининг хизмати қилиб келган. Унинг жамоат ишларига қандай қилиб улгуриши билан қизиқаман.

— Гапнинг очиқи, шу чоққача бу ҳақда ўйламаган эканман, 17 йилдирки, бутунлай жамоатчиман, — дейди ҳикоямнинг қаҳрамони. — Худди шундай, маҳалла фуқаролар йиғини раислиги- бу лавозим эмас, масъулият, фуқаролар тақдирига жавобгарлик масъулияти. Ана шу масъулиятни ҳис этиш, ўйлаш, инсоннинг фақат ўз манфаати билан ўралашиб қолмай, ўзгалар манфаатини ҳам ўйлаб яшаш ҳислати жамоатчиликка бошласа керак. Жамоатчини эса иш соати ҳам, ҳузур-ҳаловати ҳам қизиқтирмайди, у кимгадир қилган яхшилигидан, теккан нафидан дам олади, ҳузур қилади. Менинг ўзим шундайман.

IV БОБ ҲАЁТ КЎЗГУСИ

ДУСТЛИК

Муқаддас илоҳий туйғу бор инсон зотида,
Шарафлидир у улуг бир неъмат қаторида.
Дўстликдир бу неъмат ҳаётга қувонч бергувчи,
Севгидан ҳам қудратлидир донолар ҳикматида.

Дўстликдир катта бойлик инсон бисотида,
Мустаҳкам қўрғондек шодлик, ғамлик ҳаётингда.
Садоқатли дўст туганмас бир хазинадир,
Қиёсланур қуёшга ажодлар китобида.

Фидойи дўст бебаҳо, у Аллоҳ берган тортиқдир,
Кўнгилларнинг софлиги тиллолардан ортиқдир.
Қадаҳбозу ёлғончи, кўролмаслар дўст бўлмас,
Исботига ҳаёт берган Аллоҳ ўзи шоҳидир.

Ҳаёт гули — ҳалол дўст, қилмайди у хиёнат,
Вужудида садоқат, қалбида соф диёнат.
Дилкаш бўлса дўстларинг, қалби тўла эзгулик,
Шоҳонадек туюлар одмигина зиёфат.

Хушёр бўлмоқ керакдир маккор "дўст"нинг меҳридан,
Огоҳ бўлиб уларнинг қабихлашган зеҳнидан.
"Дўстга айтдим сўзимни, душман билди сирымни" —
Деган доно гапларни эшитганмиз эскидан.

Дўстга хосдир жасорат, нуқсонларинг айтишга,
Ширин забон дўст сўзи, ривож берар ҳар ишга.
"Яхши дўст бошинга дўст, ёмон дўст - ошинга" деб,
Огоҳ қилиб ёшларни, зарур бўлар айтишга.
Зийнатида дўстликнинг, садоқату оқибат,
Заминида бўлса бас ишонч билан эътиқод.
Агар дўстинг зиёнкор, ундай дўстга на ҳожат,
Нияти пок, кўнгли оқ, эски дўстлар бўлса бас.

Обод-кўркем боғимиз, гўзал қишлоқ, шаҳримиз,
Дўстлик билан яралган, меҳр билан қаралган.

Қудратимиз, шонимиз, завқу шавкат фахримиз,
Дўст Ватаннинг фарзанди, ўзбек элин аҳлимиз.

Дўст қалбини тополсам, шудир менинг шуҳратим.
Аямайман уларга қанча кетса фурсатим.
Даврасида дўстларнинг, бор эканми ҳурматим,
Чарчатмайди миннатсиз, ўзимга хос хизматим.

НОН

Муътабарсан Она сутидек азиз Нон,
Шарафим, шоним, жоним, имонимсан.
Сен бирла ҳаёт бор, бахт бор, ҳам шодлик бор,
Ватан қудрати, таянчим ифтихоримсан.

Нон бор жойда баралла кўшиқ янграйди,
Нон бор жойда шодликдан кўнгил яйрайди.
Нон бўлса, богингда шўх булбул сайрайди,
Нон борки, бу Ватанда ҳаёт яшнайди.

ХОТИНСИЗ

(Аёллардан нолувчи бир дўстимга)

Ҳаёт ҳам ширинмас ҳеч вақт хотинсиз,
Гуллар ҳам гўзалмас асло хотинсиз.
Санъат ҳам нафисмас гўзал хотинсиз,
Мумкинмас яшаш, ҳеч вақт хотинсиз.

Кимки хўрласа камситиб хотинни,
"Сочи узун, ақли калта" деса уни,
Қилар жавоб айтиб Эркин худди шуни,
Ўзингиз аслида пасткаш хотинсиз.

ОШ УНДИРГАН ШЕЪР

Мусаффо баҳорнинг кунлари эди,
Гунафша, лолалар қийғос очилиб.
Шодлигу қувончлар етаклаб келган,
Баҳорнинг оромбахш гуллари эди.

Юмушлар кўп эди, толиққан йиллар,
Илмий иш, оила юмуши билан.
Ўтарди кўп тунлар тинимсиз бедор,
Вақт бўлмади дўст билан кўришга дийдор.

Дўст меҳри кўнгилга зўр қувват экан,
Сахий қалби жонингга малҳам бўлиб
Ширин сўз қалбингга кўклам ундириб,
Ҳиммати унинг дилга гулшан экан.

Меҳмондўст, ҳазилкаш Рауф дўстимиз
Элбекни, Жўравой, Эргаш Каримни
Қўймай уларни ўз ихтиёрига,
Чорлади у файзли дастурхонига.

Дўстларнинг ажиб бир давраси бўлди
Самимий, мазмунли, ширин суҳбатдан.
Аския, рақслар, тансиқ таомдан,
Дилимиз, қалбимиз қувончга тўлди.

Кетишга отланиб, ҳовлига чиқсак,
Дилларни шод этиб, фидойи мезбон.
Кесарди гулларни гулзор оралаб
Ҳурматин кўрсатиб қоядек юксак.

Не бўлди тўсатдан бармоғин тишлаб,
Оҳ деди у, маҳкам билагин ушлаб.
Тирқираб қўлидан қони оқарди,
Шундаям барчага қулиб боқарди.

Кесиби унинг бармоғин ўткир пакки,
Яхши бўлмади охири, эй чакки.

Ачиниб дўстимга раҳмим келгандан,
Ҳазиллашиб, бердим унга бир "дакки".

Рауф дўстим ҳафа бўлма гапимга,
Бир фикр келди мени бошимга!
Созандалар ичида хуш овози найчидир,
Гул кесишнинг тартиби, пичоқ эмас қайчидир.

Яна қийқириқ роса авжга минди,
Қўлининг қони ҳам оқишдан тинди.
Ярим мисра ҳазил бир "дакки" учун,
Маслаҳат — бир чойхона ошга тинди.

ЁЛҒОН

Ўғирликдан ёмон, сўзламоқ ёлғон,
Қалбларни емириб, заҳарлар ёлғон.
Оқни ҳам безрайиб қоралар ёлғон,
Мунофиқ одамнинг қилмиши ёлғон.

Ожизларга хос, сўзламоқ кўп ёлғон,
Қўрқоқ виждонсизлар касби бу — ёлғон.
Виждонин алдаб хийла-найранг билан
Ҳақиқатнинг аксини сўзлар ёлғон.

Сохталиқ, алдаш ва етказиш зиён,
Айёрлик ҳам ёлғонга бўлиб ҳамроҳ,
Тайёрлаб барчаси оғир заҳарни,
Қалбингга ниш санчар мисоли чаён.

Ҳақиқат ичига кирмасин ҳеч ёлғон,
Одамлар қалбига шубҳалар солиб.
Яхшини ёмонга бурмасин ёлғон,
Эзулик ёнида юрмасин ёлғон.

Ҳар кимки сўзларкан ўринсиз ёлғон,
Ёлғонлари зоҳир бўлгач уёлғон,
Деб айтилган бу доно, улуғ сўзлар,
Буюк бобомиз Навоийдан қолғон.

ҲАЁТ ЧИРОҒИ

Инсон ҳаётин бир туганмас бойлиги бор,
Аллоҳ насиб этган унинг зур ҳамроҳи бор.
Орзу-умиддир бу ҳамроҳ йўқолмас бойлик,
Шулар билан ҳаёт кўркам, доим чиройли.

Одамга қуввату, қанотдир ҳар дам умид,
Дадиллик, ирода, ишончга ҳам ёрдам умид.
Толиққан, зориққан қалбларга малҳам бўлиб,
Ҳатто беморни ҳам қиларкан бардам умид.

Эзгу ният, орзу-ҳавас — ҳаёт чироғи,
Тирикки инсон — юракнинг сирдош чироғи.
Гузал ҳаётга чорлайди ишончла умид,
Софдилларнинг бўлиб ўчмас порлоқ чироғи.

Завқ ҳам, шавқ ҳам покиза шу умид туфайли,
Келажак ишқида бардам жавлон уришлик,
Тушкунлик, маъюслик кезларда бардам бўлишлик,
Қалблар қалқони, мақсадли умид туфайли.

Умид ҳеч ўлмас, туганмас муқаддас бойлик,
Ўлим тушагини ҳам тарк этмасдан умид.
Охират саволлари бўлсин осон, енгил деб,
Ҳатто қабр ёқасида ҳам яшаркан умид.

Яшасин мақсадли эзгу тирик умидлар,
Ирода соқчиси, бахтли, нурли умидлар.
Улуғ режалар Ватанда рўёбга чиқса,
Қалбларда жуш урар завқли, янги умидлар.

ПОКИЗА ДИЛ

Ўхшар чаманзорга ишқли покиза дил,
Бахтдир — садоқат, имонга бой бўлса дил.
Қалбларга зийнатдир бир бўлса тил ва дил,
Ҳаёт ҳам пок бўлур беғараз бўлса дил.

Кибру манманликдан ҳоли бўлса дил,
Гина, адоватсиз бўлса мулойим дил.
Занг босмасдан мусаффо, тиниқ бўлса дил -
Яшарди одам минг йил, тоза бўлса дил.

Дил дарёси бўлса тиниқ, соф ва жушқин,
Дилдан эсган шамоллар бўлса беғубор,
Ўчмаса қалбларда ҳеч дил чироқлари,
Бахт чироғи ҳам порлаб турарди ёрқин.

Аллоҳ асрасин доим дили кирлардан,
Ҳасад ўтида ёнган қинғирлардан.
Хушёр, эҳтиёт бўлмоқ керак ҳаётда,
Ўшал дил деразасин синдирганлардан.

Имон-у виждондир пок дил зийнати,
Ишонч-у меҳр бўлса унинг қуввати.
Ширин сўз-у гузал ҳулқ диллар нақшидир,
Инсонга дили пок, вафодор ҳамроҳ яхшидир.

КЕКСАЛИК

Дерларким, қарилар мияси қари отга ўхшармиш,
Кекса одам кўрс, нодон, калондимоғ, тентак бўлармиш.
Эмишки, қарилик ранждир, ҳаёт гулларин сўлтиб абад,
Қалби ғам-ҳасратга, қусурларга тўла бўлармиш.

Гўё қариларда жасорат, орзу-умид тугармиш,
Букчайиб бел, асоларга суяниб зўрға юрармиш.
Кексалик ҳатто оғир бир ташвишли дардмиш
Шодлигу ёшликдан маҳрум бўлган кўнгилсиз ҳаётмиш.

Эмишки, яна ақлий нуқсонлар ҳам яққол кўринармиш,
Қилга қоқилса, йиқилиб тўшагида чўзилармиш.
Ҳаёт ҳам ғам-ҳасратда қадрин йўқотиб кундан-кунга,
Ҳукмрон бўлган кексалик — ўлимни кўп эслатармиш.

Аслида билган одамга кексалик ранж эмас ганждир,
Хислату нақлга бой, насиҳатгўй доно мактабдир.
Кексайиш санъатин билмаган эътиборсиз одам-чи?
Ёшликда ҳам қаридан баттар руҳи паст ўта ланждир.

Ҳаёт кўркидир заковатли, нуроний отахонлар,
Уйнинг қуёши, зийнати ширинзабон онахонлар.
Улар билан файзли, кўркам чароғондир хонадонлар,
Шулар билан хурраму шоддир бахтли болажонлар.

Қариси бор уйнинг париси бор, деган қадим кексалар,
Қилич эмас, тадбирла забт этган қалъани кексалар,
Мушкуллар осон бўлар, дуо қилса доно кексалар,
Афлотунлар ҳам мот бўларкан, қилса фикр кексалар.

Кекса деманг бизни, дўстлар, ёшимиз бўлса ҳам саксон,
Сезмаймиз ҳозирча ўзимизда унчалик бир нуқсон.
Дилда қувонч, яйрайди қўлларда шўх ва мунгли дутор,
Ҳазиллашиб ёшлар каби бўлурмиз жононларга хуштор.

Кексалик дардин олдини олиш бордир давоси,
У ҳам бўлса тинимсиз меҳнат-у, тонгнинг соф ҳавоси.
Эркин ҳам шундай шарафли, ижодкор меҳнат шайдоси,
Янграб турса бас, Ватанда қўшиғ-у сурнай навоси.

ВИЖДОН БИЛАН

Одамийлик зийнати, обрўи соф виждон билан,
Ишларнинг равнақи-ю поклиги ҳам виждон билан,
Қадр-қиммат, дўстлигу оқибат ҳам виждон билан,
Аҳлоқу одоб ҳам вафодорлик пок виждон билан.

Виждондир одамийлик, покликнинг бош сардори,
Виждондадир ҳалолликнинг барча дуру гавҳари.
Тоза юрак, номус билан тиёлсанг нафсингни,
Шунда бўлғай соф виждонинг эзгуликлар сарвари.

Сўзлаганда аввало қулоқ солгин виждонингга,
Юрмасдан ҳеч адолату ҳақиқатга тескари.
Нозик ишлар тақдирини ҳавола қил виждонингга
Шунда сенга софдил инсон бўлмайди ҳеч тескари.

Истасанг гар шаъни-шавкат, виждонингни пок қилгин,
Ақл билан сақлаб номус, ориятинг кетказмай.
Номуссизлик, виждонсизлик нопокликни ор билгин,
Ота-она, устозинг, дўстларингга гард юқтирмай.

Номусингни ерга букиб, таъмага ҳеч урма қўлинг,
Жондан азиз виждонингга тушмасин доғ десанг агар.
Нопокликдан сақлангин, ўйлаб доим порлоқ йўлинг,
Виждонга гард юқтирмай, ғоз юрайин десанг агар.

Кучлидир имонинг ҳам, покиза виждон билан,
Ўзалдир ҳаётинг, нурли иқболинг ҳам виждон билан.
Ўсса агар ёшларимиз покиза виждон билан
Ватан обод, юрт обод, камол топган инсон билан.

МАҲАЛЛА ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

1. Маҳалла — муқаддас даргоҳ. Инсонларнинг илк бор улғайиш, камол топиши ҳам шу маскандан бошланади. У умр бешиги. Меҳр-мурувват, оқибат, садоқат-у саховат, бирдамлик, аҳиллик, қадр-қиммат, ўзаро ҳурмат ва файзу барокат, аввало, маҳаллада мужассамлашган бўлади.

2. Маҳаллалар равнақини хотин-қизлар фаоллигисиз тасаввур этиб бўлмайди.

3. Маҳаллалар сири ва обрўини ҳам аҳил оилалардаги каби муқаддас сақламоқ керак.

4. Маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари адолатли, ҳалол, тажрибали, оила ва ҳаёт қонунларини яхши биладиган, ҳаракатчан, дунёвий ва исломий билимлардан хабардор, фуқароларни ўз фарзанди ва биродарларидек кўрадиган фидойи инсонлардан сайланиши зарур.

5. Нафси бузуқ, таъмагир, маҳалла ҳисобидан тирикчилигини ўтказмоқчи бўлган оқсоқол маҳаллани бошқара олмайди.

6. Маҳаллада белгилаб қўйилган тартиб доирасидан чиқиб, хонадонларда маҳалланинг маслаҳатисиз ўтказиладиган тўй ва маросимлар фарзандлар томонидан ота-оналарнинг розилигисиз белгиланган тадбирлар билан баробар.

7. Маҳалла маблағларини тежамкорлик билан ўринли ва мақсадли сарфлаш, вақти-вақти билан фуқаролар олдида ҳисобот бериб туриш омманинг маҳаллага, унинг оқсоқол ва маслаҳатчиларига бўлган ишончини ошириб, ободончилик ва бунёдкорлик ишларида янгидан-янги имкониятларга йўл очади.

8. Ижтимоий адолат тамойилларига риоя қилиб, амали, лавозимидан қатъий назар барчага баробар бўлиш, ҳар бир тадбир ва маросимларга имкон қадар оқсоқолнинг шахсан ўзи бош-қош бўлиши — умуммақсад йўлига аҳолини тўлиқ жалб этишнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади.

9. Болалар ва оналарга, кам таъминланган оилаларга нафақа белгилашда ҳалол ва адолатли бўлиш, таъмагирликка йўл қўймаслик, қонун асосида фуқароларга яхши муносабатда бўлиш — маҳалла котиби ва комиссия раиси учун шарт бўлган фазилатдир.

10. Маҳалла посбонлари, оқсоқолнинг диний-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича маслаҳатчиларини бошқа ишлар билан ортиқча банд қилиб қўйиш умумманфаат йўлидаги жиддий қусурдир.

11. "Оила — маҳалла — мактаб" концепцияларига қатъий риоя қилинган маҳаллаларда ёшлар тарбиясида кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

12. Маҳаллаларда қўшничилик тамойилларига риоя қилиш — аҳилликнинг энг муҳим гарови.

13. Ҳар йили туман миқёсида маҳаллалараро "Энг обод маҳалла", "Энг намунали оқсоқол", "Энг яхши маслаҳатчи" ва "Энг яхши посбон" курик-танловларини ўтказиб туриш, ғолибларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш маҳаллалар раўнақида муҳим омил ҳисобланади.

14. Тегишли мақом бериш мақсадида бир неча маҳаллаларни қўшиб сунъий равишда йириклаштиришнинг ижобий жиҳатларига қараганда, салбий томонлари кўп.

Биринчидан, ўта йирик маҳаллаларни бошқариш қийинлашиб, ҳеч қачон кўча бошилар маҳалла оқсоқолларининг ўрнини босолмайди. Фуқароларнинг маҳалла идорасига қатнашлари учун узоқлик қилаётган йирик маҳаллалар ҳам йўқ эмас.

Иккинчидан, тарихан таркиб топган, ўз ўтмишига эга бўлган маҳаллалар номи йўқолиб бораёпти.

Учинчидан, ўта йирик маҳаллаларда уларга янгидан қўшилган маҳаллаларнинг "кўникиши" қийинлашиб, "ўғай" маҳаллалар ҳудудидаги ободонлаштириш ишлари суст бораёпти. Хонадонлари сони 250-300 дан ортмаган маҳаллаларда бошқарув ва ободонлаштириш ишлари яхши самара беради.

15. Оқсоқол, котиб, посбон ва маслаҳатчиларга бериладиган маошлар ижтимоий адолат тамойили асосида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Аҳоли ва хонадонлар сони, маҳалланинг ободончилик даражаси, ходимларнинг билими, маълумотига қараб ҳақ тўлаш, ҳозирги пайтда мақомга эга бўлмаган маҳаллаларда ҳам маош тўлаш масалаларини атрофлича ўйлаб кўриш фойдадан ҳоли бўлмайди.

16. Маҳалланинг ҳар бир тадбири, тўй ва маросимларни ўтказиш, ҳуқуқ-тартибот бузилишига оид масалалар кўриб чиқиладиган йигинларда иложи борица оқсоқолнинг бевосита иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Оқсоқол зиммасидаги масъулият ва унга билдирилган юксак ишонч ва шараф айнан шуни тақозо этади.

ХОТИМА

Азиз ва ҳурматли маҳалладошлар!

Қадрли ёшлар!

Вақт ва умр учар қуш, оқар сувдек тезкор. Унинг этагидан ушлаб, тўхтатиб ҳам бўлмайди. Маҳалламиз ташкил топганига ҳам дарров 20 йил тўлибди. Қалбларга шодлик ва ҳуррамлик бахш этувчи қанчадан-қанча қувончли воқеа, тadbир ва маросимлар бўлиб ўтди.

Маҳалламиз туман, вилоят кўрик-танловларидан муваффақиятли ўтиб, Республика босқичида ҳам ғолиблар сафидан ўрин олиши барчамиз учун шарафли, фахрли ва тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзишга арзигулик воқеа бўлиб қолди.

Хорижий мамлакатлар, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мутахассислари томонидан маҳалламиз иш тажрибаларига юқори баҳо берилиб, маҳалла институти деб аталиши, жамоат ташкилоти сифатида эътироф этишлари эса кўнгилларни янада хушнуд этиб, янгидан-янги зафарларга чорлади.

Буларнинг барчаси Сиз — мурувватли, эътиқодли ва садоқатли маҳалладошлар шарофатидандир. Ана шундай меҳр ошёни бўлмаганда, бундай яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари амалга ошмасди. Қалбларида меҳр-оқибат ва самимият туйғулари жўш уриб турган инсонларгина ана шундай хайрли ишларнинг уддасидан чиқа оладилар. Алишер Навоий номли маҳалламизни бунёд этишда Сиз — ҳурматли маҳалладошларнинг аҳил ва иноқлигингиз, қатъиятнингиз боис Аллоҳ томонидан азиз ва мукаррам этиб яратилган инсон зотининг нақадар мўъжизакор эканлигини яна бир бор намоёни қилдик.

Ватаннинг ободлиги садоқат ва фидокорликда бўлганидек, маҳалланинг равнақи ҳам Сизларнинг беминнат, оддий кунларни ҳам байрамга айлантирувчи меҳнатингиз билан бўлди. Зеро, чин бахтиёрлик, фаровонлик, гўзал ва осойишта ҳаёт ҳам, ҳузур-халоват ва обрў-эътибор ҳам ана шу қатъий, астойдил қилинган меҳнатдадир.

Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилган ушбу китобда ҳам инсоннинг ана шундай олижаноб фазилатлари, дунёдаги барча шодлик ва эзгуликларнинг манбаи фақат аҳиллик, иноқлик билан қилинган тинимсиз меҳнат эканлиги ҳақида баён этишга ҳаракат қилдик.

Ўтмиш ҳам, келажак ҳам китобда кўринади, деганларидек ажаб эмаски, ушбу рисолада мужассам этилган маҳалламизнинг қисқача

тарихи, унинг иш тажрибаларига таяниб, биз улгура олмаганларни Сиз давом эттириб, йул қўйган камчилик ва нуқсонларимиздан тўғри хулоса чиқариб, боболарингиз бошлаган анъаналарни равнақ топтириб борсангиз, марҳумларнинг ҳам, тирикларнинг ҳам руҳлари ниҳоятда шод бўлади.

Илоҳим, маҳалламиз қурилишида фидойилик намуналарини кўрсатган марҳум маҳалладошларимизнинг охиратлари обод бўлсин!

Хусусан, Баҳром ота Мўминов, Калон ота Исмоилов, Мирзааҳмад ота Мўминов, Орзи Аҳмедова, Исмоил Сидиқметов, Туроб Азимов, Туроб Абдурахмонов, Аут Қодиров, Худойберди Ҳакимов, Турғун Қурбонов, Ясин Толипов, Ҳасан Толипов, Юсубжон Холматов, Мехмонқул Қурбонов, Обиджон Одилов, Исоқжон Толипов, Набихўжа Султонов, Дадажон Йўлдошев, Холматжон Абдуғофуров, Ўткир Рўзметов, Неъмат Ибрагимов, Шариф Муҳиддинов, Раҳим Қосимов, Шокир Ақромов, Гуломназир Раимов, Ҳакимжон Нурматов, Ахрорхўжа Аҳмаджўжаев, Абдулҳай Нигматуллаев, Мухтасар Турғунова, Зиёдулло Саъдуллаев, Александр Пак, Саид Билолов, Обид Йўлдошев, Одил Олимов, Зулфия Абдухалиқова, Тожинисо Умарова, Турсунбой Айсаяев, Ғофур Алимов, Петр Баратянц, Роза Минаварова, Карим Минаваров, Меҳри Арслонова, Эргаш Рузиалиев, Маҳкам Қосимов, Марҳамат Нурматова, Халимхўжа Қаюмов, Маҳмуджон Мамажонов, Марҳамат Ибрагимова каби марҳум ва марҳумаларнинг руҳи поклари олдида таъзим қиламиз. Уларга Аллоҳ марҳаматидан баҳраманд бўлиб, раъзаи жаннатда шодланиб юриш насиб этишини тилаб қоламиз.

Маҳаллани ҳамиша Ватан ичра Ватан деб билиш, уни қадрият, миллий урф-одатлар, меҳр-оқибат бешигидек асраш ва ардоқлаш, меҳрибон ота-оналаримиздек муътабар ва азиз деб ҳурмат қилиш, гулдек фарзандларимиздек унга эътиборли ва ғамхўр бўлиш, маҳалла довуғи ва обрўсини кўз қорачиғидек асраш, жамоатчилик ишларида фидойи ва садоқатли бўлиш доимий шиоримиз бўлсин. Маҳалла - умр бешиги, Ватан остонаси, танга малҳам бўлувчи дармон, меҳр-оқибат, мурувват ва садоқат манбаи бўлиб, тинчлик ва осойишталик, шоду хўррамлик, аҳил-иноқлик, хайрли ва эзгу ишлар, фаровонлик ва тўкин-сочинликка барқарорлик бахш этувчи муътабар маскандир.

*Сен биз учун муътабар бўлдинг суюкли Она,
Атрофингда ёш-қари эрур доим парвона,
Парвонадай учишиб, қучиб сени ҳарёна,
Деймиз: "Доим омон бўл, мунисгинам маҳалла!"*

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши	4
I БОБ. МУҚАДДАС ДАРГОҲ	7
Ватан маҳалладан бошланади	7
Қишлоқда ҳам маҳалла борми?	11
Ривожланишнинг янги босқичи	17
Маҳалла фаровонлиги — Ватан фаровонлиги	22
Тадбиркорлар академиги	25
Маҳалла — ҳунармандлар маскани	27
Ижтимоий муҳофаза — ишончли қалқон	38
Аёл меҳри билан мунаввардир маҳалла	45
Аёлга эҳтиром — Ватанга эҳтиром	56
Тўйлар ҳақида ўйлар	61
II БОБ. ВАТАН ОСТОНАСИ	75
Чироқ кўтарган олдинда юрар	75
Ёшлар билан гўзалдир ҳаёт	92
Қари бор уйнинг зари бор	96
Спорт — чиниқилиш ва саломатлик гарови	106
Ўз уйингни ўзинг асра	112
Шукроналик	118
III БОБ. МАҲАЛЛА МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДА	120
Маҳалла равнақи — истиқлол маҳсули	120
Маҳалла — адолат маскани	123
Билимдон аёллар маҳалла суянчиги	126
Маҳаллада "Маънавият ва маърифат" маскани	128
Юртни сев, тупроғини ўп	130
Кўнгли мулки устунлари	134
Истиқлол берган бахт	137
Ҳаёт дарёсининг ирмоқлари кўп	138
...И защищенность у родного очага	141
Не для себя — для людей	144
Маҳалламиз — фахримиз	146
Покиза қалбнинг шарафли сифатлари	151
Маҳалла жонкуяри	154

IV БОБ. ҲАЁТ КЎЗГУСИ	156
Дўстлик	156
Нон	157
Хотинсиз	157
Ош ундирган шеър	158
Ёлғон	159
Ҳаёт чироғи	160
Покиза дил	161
Кексалик	162
Виждон билан	163
Маҳалла ҳақида айрим мулоҳазалар	164
Хотима	166

Фуломов, Эркин Тоҳирович.

**Маҳалла-қадрият ва анъаналар бешиги/Э.Т.
Фуломов, Маъсул муҳаррир С. Сайдалиев,-Т.:
Тошкент ислом университети нашриёти, 2008.-168б.
ББК 66.79(5Ў)**

Фуломов Эркин Тоҳирович

Маҳалла — қадрият ва анъаналар бешиги

**«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент — 2008**

**Бадиий муҳаррир *М. Аслонов*
Компьютерда саҳифаловчи *Х. Ходжаева***

Китобда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Нуъмон МУҲАММАДЖОНОВ ва Эргаш ҚОДИРОВлар олган фотосуратлардан фойдаланилди.

Китоб муаллифи унинг чоп этилишида ҳомийлик қилган Тошкент туман ҳокимлиги, «Охунбобоев Агро-Файз» агрофирмасига, тумандаги МЧЖ «Матонат» ва «Меҳнат» агрофирмалари, «Сиб-Акбар» улгуржи савдо бирлашмаси, «Маҳалла» жамғармаси Тошкент туман бўлими, туман «Матлуботсавдо» бирлашмаларига, Алишер Навоий номи маҳаллада яшовчи Жаҳонгир Рўзматов, Алишер Самигов, Ҳожиакбар ҳожи Соатов, Ботир Баҳромов, Сайфиддин Тоҳировларга чуқур миннатдорчилик изҳор этади.

Босишга рухсат этилди 20.02.2008. Бичими 60 x 84 ¹/₁₆.
Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 9,76. Нашр т. 9,70.

Адади 1000

Буюртма № 16. Шартнома № 11—03—08 . Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси
босмахонасида чоп этилди. 100011, Тошкент, А.Қодирий кўчаси, 11.